

# Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали

2007

4-сон

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов —  
таҳрир ҳайъати раиси  
Эркин Воҳидов  
Хуршид Дўстмуҳаммад  
Жуманиёз Жабборов  
Омон Мухтор  
Минҳожиддин Мирзо  
Тулан Низом  
Хайриддин Султонов  
Ибройим Юсупов  
Пиримқул Қодиров  
Уткир Ҳошимов

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов  
Туробжон Жўраев  
Алишер Каримов  
Бахтиёр Кубеев  
Фатҳиддин Муҳиддинов  
Ботир Парпиев  
Неъматилло Худойберганов  
Ислом Шоғуломов  
Омонулла Юнусов  
Рустам Қосимов  
Қаҳрамон Куронбоев

**БОШ МУҲАРРИР**  
Сирожиддин Саййид  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Икром Отамурод  
Масъул котиб  
Юсуф Файзулло  
Наср бўлими мудири  
Асад Дилмурод

## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Бугун барчамиз учун ҳақиқатан ҳам қувончли ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олинishi, албатта, барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.


Чиндан ҳам, буианд йигирма аср муқаддам Марғилонсой соҳилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири бўлган бу шаҳар ўлкамизда ўтроқ ҳаёт, юксак деҳқончилик ва суғориш маданияти олис замонларда шакллангани ва раvнақ топганидан далолат беради.

Кўҳна Марғилон замини ўзининг ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машҳур бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, Марғилоннинг бошқа кўҳна шаҳарларга ўхшаш жиҳатлари бор, лекин у кўнгина ўзига хос белги-аломатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Илмий манбалар, археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришича, Марғилон ўта ноёб бир хусусиятга эга бўлиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шаҳар пойдевориши қургани ва орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, унинг ўз тарихий ҳудудида бугунги кунга қадар муқим ривожланиб келётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Ислон КАРИМОВ



Сирожиддин Саййид,

Ёзувчилар уюшмаси раисининг  
биринчи ўрилбосари

## КАТТА ҚАРВОН САДОСИ

*Фаоллар йиғилишидан кейинги ўйлар*

Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги йиғилиши улкан адибимиз Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги бутун мамлакатда кенг нишонланаётган кунларга тўғри келди. Бу тантаналарнинг энг ҳаяжонли дамлари — Мир Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Абдулла Қаҳҳорга қўйилган ҳайкалнинг очилишидек ҳаммани бирдек энтиктирган воқеаю, Ўзбекистон Президентининг халқимиз эҳтиромини ифодалаб ардоқли шоирамиз Зулфияга Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги қарори, шак-шубҳасиз, фаоллар йиғилишига ҳам ўзгача кайфият, миннатдорлик ва масъулият ҳиссини бахш этди. Йиғилиш ўта жиддий ва муҳим масала — Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маърузасидан келиб чиқадиган ижодий вазифалар муҳокамаси, ёзувчининг жамият, халқ олдидаги бурч ва масъулияти, бугунги ижодий жараённинг таҳлилига бағишланди.

Ёзувчи масъулияти ҳақида гапирар экан, уюшма раиси Абдулла Орипов Юртбошимиз маърузасини навбатдаги ҳисобот эмас, мустақил Ўзбекистонимиз босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўл, элу юртимиз қаддини тиклаган йиллару бугунги кунимиз, жамият ва келажак, қилинажак ишларимизу орзу ниятларимиз ҳақидаги мукамал ижтимоий-сиёсий асар, кишини ўйлатиб кўядиган гаплар, деб баҳолади.

— Катта қарвон кетаётир, — деди уюшма раиси. — Табиийки, унинг юки залворли, ташвишлари, заҳматларини мақсадлари ҳам катта бўлади. Адиблар шу қарвоннинг олдида юришлари керак.

Кишини ўйлатиб кўядиган гаплар.

Жамият ҳаёти доимо уйғоқ дарё мисол жўшиб, пишқириб оқиб турар экан, сўз аҳлининг бу тошқиндан четда турмоғи мумкин эмас. Балки харсангтошнинг ҳам ўз вазифаси бордир, бироқ адиб киши қирғоқдаги харсангтош эмас, у катта дарёга қўшилиб мавж урмоғи, кўнгилларни тўлқинлантирмоғи зарур.

Бугун ўн олти ёшли кўркам, хушсурат, қадду қомати ўзига ғоят келишиб турган ўспирин — Мустақиллигимизнинг чекига тушган ҳамма меҳнату заҳматлар, қувончлару ташвишлар, албатта, адибларга ҳам тааллуқлидир. Биз халқимиз билан бу шарафли йилларда бировнинг кўлигаю қошу қабоғига илҳақ бўлмай, қийинчиликларни ўзимиз енгиб, ҳаётнинг кўзига тик қараб яшамоқни ўргандик.

Бу йил истиқлол билан тенгдош навниҳол авлод жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида фуқаролик паспортларини қўлга олди. Бу авлоднинг қаршисида катта ҳаёт йўли гувиллаб, ҳайқириб ётибди. Мамлакатнинг, ҳаётнинг эртанги эгалари

шу ёшлардир. Президент маърузасида таъкидланганидек, ёшларимизнинг тўқис ва мукаммал билим олишлари мақсадида ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан орტიқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарф этилди. Тўғри билим олиб, тўғри йўл танлашлари, тўғри инсонлар бўлиб камол топишлари учун. Ана шу ёшларнинг маънавиятини улуғ аждодлари, ота-боболарига муносиб руҳда шакллантириш, қалбини юксак инсоний-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялаш, шакл-шубҳасиз, биринчи навбатда адабиётнинг, айна пайтда барча адибларнинг зиммасидадир.

**Ёзувчи покиза, чиройли, бурдли, субутли, ҳақгўй бўлиши керак**, деган эди Қаҳҳор домла. Унинг бу фазилатлари ўз асарлари орқали жамият аъзолари, яъни ўқувчиларига таъсир этмоғи, шунинг натижасида жамият маънавиятининг тугаллигию гўзаллигига хизмат этмоғи даркор. Ўтган йиллар давомида мустақиллик мафкура-си, миллий маънавиятимиз билан истиқлол даври адабиёти ҳам чамбарчас боғлиқликда шаклланди. Ватан адабиёти деб аталмиш қурилиши мангу давом этадиган муҳташам кўрғонга янги-янги гишталар қўйилди, чиройли, кўркам кошинлару нақшлар қўшилди. Тикланаётган иморатимизга зебу зийнат бахш этган ўнлаб, юзлаб шундай асарлари мисол келтириш мумкин. Марҳум домлаларимиз Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимовларнинг “Довондаги ўйлар”, “Ижодни англаш бахти”, “Миллий уйғониш даври адабиёти”, “Миллий уйғониш” сингари китоблари, Шукур Холмирзаевнинг уч жилдлик сайланмаси унга киритилган “Озодлик”, “Ўзбек бобо” сингари ҳикоялари, Муҳаммад Юсуфнинг “Улуғимсан Ватаним” тўплами, устозларимиз Пиримқул Қодировнинг “Тил ва Эл”, “Амир Темури сиймоси”, Абдулла Ориповнинг “Адолат кўзгуси”, “Кўзтумор”, “Талош палласи”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” китоблари, Эркин Самандарнинг “Султон Жалолиддин” романи, Нажмиддин Комиловнинг “Хизр чашмаси”, Иброҳим Ғофуровнинг “Ҳаё-халоскор”, Омон Матжоннинг “Халоскор руҳ”, Ҳомиджон Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари”, Иброҳим Ҳаққуловнинг “Навоийга қайтиш”, Хуршид Давроннинг “Бибиҳоним қиссаси”, Мирзо Кенжабекнинг “Термиз тазкиралари”, Ҳаким Сатторийнинг “Ҳазрат соҳибқирон” асарлари, домла Азизхон Қаюмов, Нурбой Жабборларнинг мумтоз адабиётимиз ҳақидаги қатор чиқишлари, Муҳаммад Алининг Темурийлар ҳақидаги романлари, Умарали Норматовнинг Абдулла Қаҳҳорга бағишланган “Устоз ибрати”, Қозоқбой Йўлдошевнинг “Ёниқ сўз”, Эркин Аъзамнинг “Жаннат ўзи қайдадир” китоблари, Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Комил Аваз, Нормурод Норқобилов, Собир Ўнар, Назар Эшонқулнинг қисса ва ҳикоялари, Омон Мухтор, Асад Дилмурод, Луқмон Бўрихон, Юсуф Рўзиев, Наби Жалолиддинларнинг янги романлари, Аҳмаджон Мелибоев, Анвар Обиджон, Мурод Абдуллаев, Абдували Қутбилдинларнинг бадиий-публицистик мақолалари, Александр Файнберг, Хусниддин Шарипов, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Қутлибека Раҳимбоева, Усмон Азим, Тўлан Низом, Охунжон Ҳақимов, Муҳаммад Раҳмон, Маҳмуд Тоир, Иқбол Мирзо, Азим Суюн, Икром Отамурод, Фахриёр, Исмоил Тўхтамишев, Исмоил Маҳмуд, Бахтиёр Генжамурод, Матназар Абдулҳақим, Холмуҳаммад Ҳасан, Рустам Мусурмон, Эшқобил Шукур, Адиба Умирова сингари шоирларнинг янги-янги шеърий туркумлари ва китоблари, шунингдек, Абдулла Қодирӣ, Абдулла Қаҳҳор, Шўҳрат домлаларнинг, Жуманиёз Жабборов, Охунжон Ҳақимов, Рихси Муҳаммаджонов, Ҳайитмат Расул, Эркин Хушвақтов, Ғафур Шермуҳаммад ва яна ўнлаб муаллифларнинг пойтахт ҳамда вилоят театрларида саҳналаштирилган драматик асарлари адабиёт дарёсининг ҳам уйғоқлигидан, замон билан ҳамнафас интилаётганидан далолат беради. Кейинги йилларда катта байрамлару саналар шарофати билан ёзувчи-шоирларнинг юртдошларимиз ҳузурда фақат китоблари орқалигина эмас, очиқ, юзма-юз учрашув-суҳбатлари ҳам яхши анъанага айланди. Биргина мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқлари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлару ўқув юртларида беш юздан ортиқ шундай жонли мулоқотлар ўтказилди. Уларда уч юзга яқин шоир-ёзувчилар иштирок этди. Одамларга ишончли, ишонарли сўз ҳамиша, ҳар куни керак. Уйлаймизки, қалам аҳлининг элдошларимиз билан муттасил учрашувлари улар қалбида, ҳаётида шу ишонччи янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Худди шундай катта маънавий масъулият адабий нашрларимиз зиммасига ҳам юклатилган. Баъзи моддий ва маиший муаммоларни ҳисобга олмаганда “Шарқ



юлдузи”, “Звезда Востока”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” журналлари мунтазам чиқиб турибди. “Тафаккур” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси талаб ва эҳтиёж жиҳатидан ўқувчилари энг кўп нашрлар сифатида ўз мавқеини мустақкам сақлаб қолмоқда. Керакли бадиий китобларни чоп этиш билан “Шарқ”, “Ўзбекистон”, Маънавият”, Фафур Фулом номидаги нашриётларнинг бугунги маънавий-маърифий об-ҳавони тозартиришга ҳиссаси катта бўлмоқда.

Халқ билан ҳамдам-ҳамнафас дейилганда уюшманинг вилоят бўлимлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Қорақалпоғистондаги Элликқалъа бўлимлари иш тажрибасидан бошқа вилоятлар ҳам ибрат олсалар, қалб соатларини давру замон суръатига қараб тўғрилалар бинойидек бўларди.

Назм, наср, драматургия, адабий танқид, болалар адабиёти кенгашиларида янги асарлар муҳокамалари ҳам ижодий жараённинг ажралмас қисмидир. Айниқса, адабий танқид кенгаши ишини янада кучайтириш, уни адабиёт ва давр талаблари даражасига етказиш ниҳоятда муҳимдир.

Кейинги пайтларда уюшманинг бадиий таржима ва халқаро алоқалар кенгаши доирасида олиб борилаётган ишлар, янги-янги таржималар, адабий борди-келдилар яхши натижалар бермоқда. Хитой халқ республикаси, Япония, Қозоғистонда ўтказилган халқаро адабий анжуманларда вакилларимизнинг иштироки, Россия, Болтиқбўйи республикалари, Тожикистон, Украина, Германия, Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея сингари ўнлаб мамлакатларда шоир-ёзувчиларимиз асарларининг чоп этилиши, шубҳасиз, адабиётимизнинг халқаро жуғрофияси ҳам кенгайиб бораётганини белгилайди. Япония давлатининг Ўзбекистондаги собиқ фавқуллода ва мухтор элчиси Накаяма хонимнинг “Ўзбекистон сакураси” китобининг бевосита япон тилидан ўзбек тилига таржима қилиниши алоҳида қувончли воқеа бўлди. Шунингдек, Жаббор Эшонкулнинг қирққа яқин япон шоирлари шеърларидан тузилган “Шабнамдаги ой акси” таржима китоби, Жамол Камол, Мирпўлат Мирзо, Низом Комил, Матназар Абдулҳаким, Фахрийёр, Эргаш Очиллов, Алишер Отабоев ва яна кўплаб ижодкорларнинг жаҳон халқлари адабиётидан ўзбек тилига қилган таржима асарлари мутолаа хазинамизни анча бойитгани билан диққатга сазовордир.

Яхши асарлар, китоблар ёзилапти, чиқаяпти, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ўқувчисини топиб бораёттир. Сир эмас, ўртамиёна китоблар ҳам қараб ўтиргани йўқ, улар ҳам ҳар он, ҳар замонда “Ассалому алайкум” деб жилмайибгина кўришниш бериб турибди. Абдулла Қаҳҳор яшаган мураккаб даврда ҳам бу китобларни “конвейер” усулда “ишлаб чиқарадиган” сўзбозлар кўп эди. Бироқ, фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, уларнинг бари беному нишон кетди. Абдулла Қаҳҳорнинг эса муҳташам сўзи, авлодларга мулк бўлгулик китоблари қолди. Ўз вақтида ўрнатилган бу кўркем ёдгорлик, авваламбор, халқ иззат-икромининг тимсоли бўлса, иккинчидан, Абдулла Қаҳҳорнинг ёзувчилик виждонига, рост сўзига қўйилган ҳайкал ҳамдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда йиғилишда китобхонлик, саводхонлик хусусида, китоб савдосидаги муаммолар ҳақида баҳс борди. “Шарқ зиёкори”нинг вилоят марказларидаги санокли дўконларини ҳисобга олганда, туманлар, қишлоқларда китоб дўконлари деярли йўқ. Вилоят марказига бориб китоб харид қилиб келиш учун баъзан икки-уч оиланинг бир кунлик вақти кетади. Бу — пойтахтдаги катта мутассаддилар аралашувисиз ҳам битадиган иш, фақатгина, маҳаллий ҳоким бувалар озроққина хоҳиш билан рағбат билдирсалар бўлгани... Шу маънода Тошкентда катта “Китоб дунёси” марказий мажмуини ташкил этиш, бу марказ тизимида мамлакат шаҳар-қишлоқларида китоб дўконларини кўпайтириш, китоб савдосини кенгроқ, оммавийроқ тарзда йўлга қўйиш ҳақидаги таклифларнинг ижодкорлар томонидан яқинлик билан қўллаб-қувватлангани бу муаммонинг аллақачон пишиб етилганини кўрсатади.

Шуларга қўшимча қилиб, орзу-ҳавасга ўхшаган бир таклиф ҳақида ҳам андак тўхталсак. Пойтахтимиздаги ҳазрат Алишер Навоий номидаги кўчанинг бу томони Хадра майдони ҳудудидан, у томони Абай кўчаси чорраҳасигача — кўчанинг ҳар иккала қисми бутунича замонавий меъморий лойиҳалар асосида бино бўладиган китоб дўконлари ихтиёрига берилса, бу маскан китоб, маърифат ва маънавият кўчасига айлантирилса — улуғ мутафаккир, буюк маърифатпарвар бобомизнинг муборак номларига ғоят муносиб ва ярашиқли иш бўларди. Аксарият йирик нашриётларнинг шу манзилда жойлашгани ҳам инобатга олинса — жўяли гапга ўхшайди

Ижодкор масъулияти. Катта ижодкор. Ёш ижодкор. Албатта, ёзувчи ё шоирнинг бўйнидаги юмуши ёшга қараб белгиланмайди. Эҳтиёж ва сўров фақат битта: яхши асар. Уртада ҳаётий, ижодий тажриба бор, бу тажриба билан устоз ижодкорнинг ўртасида эса истеъдод, яъни ёш қаламкашнинг тақдири турибди. Йилт этган шуъла кўринса, шунга қўллаш, хайрихоҳлик ва рағбатни аямаслик сўралади. Шундай шуълаларнинг камол топиши, алангаланиши учун ҳар бир-икки йилда ёш ижодкорларнинг Зомин, “Ақчакўл илҳомлари” республика семинар кенгашлари ўтказиб турилибди. Ўзбекистон Миллий Университети қошида эса Олий Адабиёт курслари фаолият олиб бормоқда. Бу ва бошқа қўллаб саъийи-ҳаракатлар маълум маънода ўз самарасини кўрсатаётир. Устоз адибларни ёш ижодкорларга доир бошқа бир муҳим масала, яъни катта адабиёт даргоҳини ҳавас этган ушбу ёшларнинг саводхонлиги, Навоий, Бобур тугул, яқин ўтмишдаги устозлар Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом сингари сўз салафлари ижодидан деярли беҳабарликлари ва уларнинг ҳаётида қатъий тартибли, собит мутолаанинг йўқлиги ҳам жиддий ташвишлантираётганини айтиб ўтиш жоиз. Шу ўринда яна устоз Абдулла Қаҳҳорнинг бугунги кунда ҳам долзарблигини сақлаб турган, “Ёшлар билан суҳбат” китобига киритилган фикрларини эслатиб ўтмоқни лозим топдик.

“Эртага буюк адабиёт ярата оладиган, маърифатли, талантли ёшларимиз адабиётимизнинг шаънига гард кўндирадиган, санъаткорлик эмас, косибчилик маҳсули бўлиб майдонга келган нарсаларга мураса кўзи билан қарамасликлари керак. Расом бозорда бўялган чиптага ғознинг сурати солинган маҳсулотни кўрса гаши келади, ор қилади. Ҳайкалтарош бозорда — чайқовчининг қўлида бўрдан ясалиб, у ёқ-бу ёнга қора бўёқ суртилган мушукни кўрса гаши келади, орияти кўзгайди. Биз нега адабиётда шунақа ғозлар, шунақа мушукларни кўриб ор қилмаймиз. Гўё замон мавзуда ёзилган кўп ашулаларнинг тексти бозордаги чайқовчи-санъаткорнинг ғозини мушугидан ортиқми? Сизлар шунча билимларинг, шундай дидларинг бўлгани ҳолда адабий ҳаётда фаол қатнашмайсизлар, ҳолбуки тенгқурларинг, орқаларингдан келатган ўсмирларгина эмас, биз оқсоқоллар ҳам ёрдамларингга муҳтожмиз”.

“Ёрдамларингга муҳтожмиз”. Устоз адибнинг бу илтижосида, эҳтимол, ҳақиқий истеъдодлари яхши асарларни юзага чиқариш, “ёзиш касали”га дучор бўлган хашаки муаллифларнинг юзаки, ўртамаёна асарларига шу йўл билан барҳам бериш мумкинлиги назарда тутилади.

Ёзувчилар уюшмасининг бугунги кундаги аъзолари сони салкам саккиз юз кишини ташкил этади. Улар орасида оқсоқоллар, катта умр ва ижод тажрибасига эга устоз адиблар бор. Бу устозларнинг ҳаёти ва адабиётдаги фидоийликлари, ҳеч иштибоҳсиз, неча авлод ёшларига ибрат мактаби бўлишга арзигулиқдир. Вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда, жумладан, пойтахтда ҳам уюшма эшигини тақиллатиб, “мен бунча иш қилиб қўйганман, мени аъзо қилинлар” дегувчи талабгорлар ҳам талайгина. Ёзувчилар уюшмаси маълум маънода адибларимизнинг масжидидир, деганда бир устозимиз ҳақ гапни айтди. Мустақиллик байрамидан икки ойлар аввал мукофот илинжида уюшмага серкатнов бўлиб қоладиган баъзи ижодкорларни на матбуот саҳифаларида, на жамиятга дахлдор тadbирларда ойлаб, йиллаб кўрмайсиз. Уюшма аъзолигининг расмий билети чўнтакда, бироқ, ижодий-ижтимоий фаолиятдан дарак йўқ, гўёки ўн-йигирма йиллардан буён “Фаолиятсизлик” деган кўп жилдик асар устида фаолият кўрсатаётгандек.

Рус тилида “позиция” деган сўз бор. Ўзбекчага ўғирганда мавқе, ўрин, тутум, ўз ҳаётий тамойилларига собит амал қилиш маъноларини беради. Адибнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи дейилганда, албатта, биринчи навбатда унинг ижтимоий воқеа-ҳодисаларга доимий муносабатини ижодий фаоллиги назарда тутилади. Бу фаоллик айна пайтда асарлари, сўзи орқали ифодаланади. Асослари мустаҳкам, пойдевори устувор бир кўприк неча ўн, юз йиллар одамларга беминнат хизмат қилганидек, ёзувчининг қалби, меҳри ва виждони қоришмасидан яралган бир яхши асари ҳам инсонларга шундайин кўприк, йўл ёки керакли бир бино вазифасини ўтай олади.

Оврупо адибларидан бирининг “Шоир кишига мукофот осмону фалакда берилади, ерда эса топширилади” деган чиройли сўзлари бор. Одам болаларининг зиддиятларга тўла бу дунёда майдакашлик, маҳаллийчилиги гуруҳчилик майлларидан кечиб, ҳамжиҳатликда, катта мақсадлар йўлида бир жуну бир тан бўлиб яшамоқларига не етсин. Ҳаёт димоғ-фироқни, иддаони кўтармайди, у юксак, олижаноб туйғуларни, мардлик-тантиликни хуш кўради. Адабиёт ҳам худди шундай. Феълни кенгроқ қилиб юртга қарайлик, оламга боқайлик. Адабиёт ҳам олис-

ни кўзлаган қарвон мисолдир. Бу қарвон билан ким кетади, ким аро йўлда тушиб қолади — бунисини Вақт кўрсатади. Унинг аравасида ҳаммамизга жой етарлик, фақат... бу аравада бизга қадар не-не улуғ устозлар захмат чекиб, йўл азобини тортиб келганини унутмайлик.


Катта қарвон кетаётир.

Мамлакатимиз бундан кейинги ҳаётимиз, келажак билан элу юрт равнақи, фарзандларимизнинг истиқболини белгилаб берадиган оламшумул сиёсий воқеа — Президент сайловлари арафасида турибди. Катта қарвон кетаётир. Бу қарвон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан оғишмай бораётганини — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик паҳлавон тарихию, она Ўзбекистонимизнинг бугунги нашъу намоси кўрсатиб турибди. Унинг кўзлаган манзилга дахлсиз, беэён ва соғомон етиб бормоғи ҳаммамизга — виждонимизга, захматимизу азму шижоатимиз ва албатта, садоқат билан хушёрлигимизга боғлиқ. Токи сўзимиз шу улуғвор қарвоннинг уйғоқ ва сержаранг кўнғироқлари янглиғ яхшилиқка чорлаб янграйверсин.

Мулоҳазаларимизни, 100 йиллик тўйларига қуллуқ ва эҳтиромимизни яна бир қарра бажо келтириб, Қаҳҳор домланинг самимий ва беғараз дил сўзлари ила яқунлашни лозим топдик:

**“Биз бир-биримизга катта меҳр қўйишимиз, бир-биримизни ҳар томонлама бойитишимиз, бир-биримизни бало-қазодан, ёмон кўздан сақлашимиз зарур, эртанги буюк адабиёт биносининг ҳақиқий меъморлари бўлишимиз керак. Шундоқ бўламиз, бунга бутун адабий жамоатчилик, бутун халқ катта ишонч билан кўз тутаётибди”.**

23.09.2007



Саъдулла Ҳаким,  
“Туркистон-пресс” ахборот  
агентлиги Бош директори

## ҲУРЛИКНИНГ ЎН ОЛТИ ОДИМИ

Бу йил ёз ҳар йилдагидан иссиқ келди. Күёшнинг ёзи ҳам қора терга тушди. Ҳатто тошлар пишиб, қовундай тарс ёрилди. Ёзга монанд маънавий ҳаётимиз ҳам ғоят қизғин, жўшқин кечди. Регистон майдонида яна “Шарқ тароналари” янгради. Дунё сайқали - Самарқанд шаҳримизнинг 2750 йиллик тантаналари мусиқа анжуманига уланиб кетди. Бу шодиёналар завқи ҳали совумай энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз “Тўй тўйга улансин”, дея ният қилганидек, Марғилон шаҳримизнинг 2000 йиллигини ҳам тўйладик.

Бугун энди куни-кеча дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонларнинг чуқур-чуқур лаҳжалари сочилган йўлларда яна ўзбекча калом қулоққа чалинади. Самарқандча беқасам тўн кийган тарвузлар, марғилонча атлас либос кийган қовунлар машина устида уймалашиб олган болалардай гавжум бозорларга қатнайди. Бу йилги кузги ҳосилимиз Мустақиллигимизнинг 16 йиллик хирмонларига келиб тўкилмоқда.

Аслида, икки бетакрор шаҳримизнинг халқаро ташкилот — ЮНЕСКО шафёлигида жаҳон маданияти ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган шаҳарлар сифатидаги тарихий байрамини нишонлаганимизнинг ўзи Мустақиллик шарофати, Мустақиллик ҳосили. Истибод замонларида мавҳ этилишга маҳкум бўлган, озодлик йилларида тикланган қадриятларимиз ҳосили. Ўзбек миллатининг жаҳон халқлари тарихида тутган муҳим ўрнини белгиловчи ифтихор меvasи.

Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган Регистон майдонидаги кўркем сахнада ўтди. Очиғи, сахна ўша куни худди афсоналардагидек илоҳий бир чирой касб этганди. Назаримда, мадрасалар деворлари ва пештоқларидаги яшил-мовий кошинлар худди баҳор ёмғирига чўмилган майсазор янглиғ тоза, тиниқ ва ёрқин кўринар эди. Гўё меҳр ва эътибор ёмғирида чўмилгандай эди. Менга бу Истиқлол йилларидаги тикланиш, тозариш ва покланиш рамзидек туюлди.

Ажабо, нафақат инсонлар, балки тарихий обидалар ҳам ҳурлик замонларини кутиб сарғайиб нураб ётган экан. Ажабо, тарихи минг йиллар билан ўлчанадиган Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон каби шаҳарларимизнинг дунё цивилизациясидаги ўрни жаҳон аҳли томонидан эътироф этилиши учун ҳам ҳурлик керак экан.

Биз қадимий шаҳарларимиз байрамини дунёга кўз-кўз қилиш учунгина ўтказаётганимиз йўқ. Қадим шаҳарларимиз тўйи қадр-қимматимиз тикланганидан далолат. Бундай тадбирларни ўтказиш жараёнида халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Тўй баҳона янги-янги уй-жойлар, йўллар, кўприклар, замонавий корхоналар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари, истироҳат боғлари ва гузарлар қурилмоқда. Замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар қад ростламоқда. Бу ҳам асли ота-боболаримиздан қолган яхши бир одат — бир кўчада тўй бўлса етти кўча ясанади.

Албатта, шонли аждодаларимиз, тарихий шаҳарларимизнинг жаҳонро мавқеини ўрнига қўйиш бу, энг аввало, миллатимизнинг тарихий хотирасини тиклашга қаратилган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Тарихий хотирасиз авлоднинг келажаги йўқ”.

Миллатлар ва давлатлар тарихига назар ташлаган киши, бу тарих озодлик ва мустақиллик учун кураш тарихи эканига гувоҳ бўлади. Чунки, мустамакчилик сийсати ҳамини қарам мамлакатларни ана шу ҳаётбахш асослардан маҳрум қилишга қаратилган. Биринчи гада, унинг маънавий илдиэларига болта урган. Тарихини бузиб кўрсатган. Тили ва динини таҳқир этган. Шу орқали уни ўзлигидан мосуво этиш йўлидан борган. Охир-оқибатда барча бойликларига эгалик қилиб, асоратдаги халқни ўз йўригида тутиб келган.

Мен тарихчи эмасман. Лекин ўқиган китобларимдан мушоҳада юритиб шундай хулосага келаманки, Ўзбекистон замини, ўзбек халқи учун тараққиёт йўли миллий озодлик учун муттасил кураш йўлидан иборат бўлиб келган. Ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам бир нарсани яхши билишади. Ўзбекистон тупроғи, унинг улкан маънавий мероси, ер усти ва ер ости бойликлари, ҳар фасли ярқираб тургучи бетакрор табиати азал-азалдан не-не султону шоҳларни, не-не давлатларни маҳлиё этиб келган. Бу яна шунинг англатадики, жафокаш ва мардонавор халқимиз ўз тарихида неча бора истибодот кишанларини парчалаб, қудратли давлат барпо этган. Соҳибқирон Амир Темур давлати бунинг ёрқин далилидир.

Халқимиз тарихида иккинчи ёрқин саҳифа ўтган асрнинг тўқсон биринчи йилида очилди. Ниҳоят, шўро истибодидан сўнг миллий истиқлол сари қадам қўйдик. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисда қилган маърузасида таъкидланганидек, “Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонуни чиқаруви, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодий эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди”.

Шу тариқа бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз тамойилларига, халқимизнинг асрий орзу интилишлари, манфаатлари ва анъаналарига мос ўзбек давлатчилиги қайта тикланди. Миллий истиқлол биз учун чинакам маънода бурилиш даври бўлди. Бир томондан, миллий истиқлол, миллатимизнинг нафақат тасаввурини, балки руҳияти, дунёқараши ва тараққиёт йўлини ҳам ўзгартириб юборди. Иккинчи томондан, бу ўзгаришлар аслиятга қайтиш — шонли ўтмишимизда мавжуд бўлган, халқимизнинг инсоният тарихида ёрқин из қолдирган давлатчилик анъаналари, бой тарихи, шонли аجدодларимизнинг табаррук номлари ва меросини, тилимиз ва динимизни тиклаш ва аслиятни замонавий омиллар — демократик асосларда ривожлантириш орқали амалга ошириб келинмоқда. Бунга ҳаётдан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Яшириб нима қилдик. Истиқлол арафасида, унинг дастлабки йилларида “Хурилиқ замони келди. Ана, энди еганимиз олдимизда, емаганимиз омборда”, қабилида фикр юритиб, ҳеч бир жон койитмай давру даврон суришни орзу қилганлар қанча эди. От тугул эшак минмаганига қарамай, жиловни мен олишим керак эди, дея дағдаға қилувчилар ҳам бўлди. Узоқ-яқиндаги кимнингдир чўнтагидан тушиб қолган гапни топиб олса, “ундоқ қилиш керак-бундоқ қилиш керак”, дея ақл ўргатувчилар ҳам учради. Мана, энди орадан ўн олти йил ўтиб яхши англаб турибмизки, мустақилликка эришиш қанчалик машаққатли бўлса, уни сақлаш, ҳимоя қилиш ҳам шунчалик сермашаққат иш экан. Шукрки, халқимиз аввал-бошданок ўзи сайлаган раҳбарининг этагини маҳкам тутди.

Дунё кўриб англадикки, эшик қоқиб келганнинг ҳаммаси ҳам Хизр эмас экан. Ҳовлингдаги райҳонингга отангдай меҳрибон боғбону онажонингдай мушфиқ зот йўқ экан. Остонангни ҳеч қачон четдан биров келиб супуриб-сидириб қўймас экан. Мустақиллик — бу, халқ таъбири билан айтганда: «Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдиар, тўртовлон тугал бўлса унмаганин ундиар», дегани экан.

Истиқлол замонида туғилган фарзандларимиз бугун ўн олти ёшга тўлиб, Мустақил юртимизнинг паспортини қўлга олишди. Улар тимсолида Она-Ватанимиз ҳам бамисоли етуклик пиллапоясига қадам қўйди. У ўз танлаган йўлидан кутқуларга учмай, турли шиорлар билан ниқобланган ғаразли манфаатлар домига тушмай илгарилаб бормоқда. Бу йўл ўзбекона ор-номус, ўзбекона бағрикенглик, ўзбекона меҳр-оқибат ва инсонпарварлик, ўзбекона шижаот йўлидир.

Мен ҳам ижодкор дўстларим қатори, азиз юртим — Ўзбекистоннинг озодлик ҳавосидан баҳра олаётган бир фуқароси сифатида бугунги мураккаб дунёни англашга ҳаракат қиламан, тарихан қисқа муддатда дунё ҳамжамиятидан мустақкам ўрин эгаллаган Ватаним шаънига мос сўз айтгим келади.



Охунжон Ҳақимов,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ЯНГИ ЛИБОС КИЙГАН МАРҒИЛОН

Ҳалиям, фақат бизнинг юртимиздагина эмас, балки бутун Марказий Осиёда қадим шаҳарлардан бири бўлмиш Марғилоннинг 2000 йиллиги нишонланган тўю тантаналарнинг таъсирида юрибман. Бунинг сабаби бор, албатта. Кўҳна Марғилон гўёки эски чопонини ечиб ташлаб, бутунлай янги, замонавий, кўркам либос кийгандай. Бу либос унга истиқлолимиз шарофати ила насиб этди.

Қадим шаҳримизнинг икки минг йиллиги нишонланган кунда мамлакатимиз раҳбари ўз табрик сўзида уни Буюк Ипак йўли чорраҳасида жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, гўзаллик яратиб келган, бағридан буюк сиймолар, азиз авлиёлар, донишмандлар етишиб чиққан, томирлари теран шаҳар деб таърифлаган ва Марғилон бундан буён ҳам равнақ топиб боради, деб таъкидлаган эди.

Ана шу умидбахш сўзларни эслар эканман, битта нарса хотирамга келиб қолди. XIX асрнинг етмишинчи йилларида Фарғона водийсига илмий сафарга келган рус олими А.Федченко, жумладан, Марғилонда ҳам бўлган, уни обдон томоша қилганидан кейин, Туркистонга сафари ҳақида ёзган китобида бу кўҳна шаҳарни «гувала уйлардан иборат» деб атаган эди.

Нимаям дердик, Марғилон гувала шаҳар бўлса бўлгандир. Лекин, бу гувала уйлар ичида не-не сиру синоатлар, мўъжизалар борлигини, шарқона бунёдкорлик гуркираб турганини унча-мунча сайёҳ идрок эта олармиди? Одам боласи ақлини лол этиб, ловуллаб, товланиб турган атласу адраслар, кимхобу яна қанчадан-қанча жилокор матолар, халқ амалий санъатининг кўплаб турлари, айни шу гувала уйларда дунёга келиб, Буюк Ипак йўли орқали дунёга тарқалганини ҳаммаям билармикан? Билганлар кам, билмаганлар кўп экани, шубҳасиз.

Ўтмишда Марғилонни “сундуқул орифин”, яъни, орифлар сандиғи, деб аталгани маълум. Бу ибора қадим шаҳар орифлар, мутафаккирлар, алломалар, қўйинки, зиё таратувчилар шаҳри эканини кўрсатмайдими? Шаҳардаги “Пур Сиддиқ” мадрасасидан қанча-қанча мусулмон олами билимдонлари етишиб чиққанига тарих гувоҳ.

Неча-неча асрларки, бутун мусулмон дунёси эъзозлаб келаётган Бурҳониддин Марғинович ҳам мана шу гувала шаҳарда камол топган. Мусулмон олами ўрта асрлар олимларидан Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ал-Марғинович номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Бу улуг сиймо ҳам қадим Марғилон фарзанди. Бундай зотлар бу қадим шаҳарда ўнлаб эмас, юзлаб ўтганлар.

Оқорида, эндиликда, Марғилон янги либос кийгандай бўлди, деган иборани ишлатган эдик. Бугунги кунда шаҳарни бир айланиб қўрган одам бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Шаҳар тубдан ўзгарди. Етмиш йил умр қўрган шўролар тузуми унинг пешонасига босиб қўйилган “гувала шаҳар” тамғасини олиб ташлаёлмаганди. Истиқлолимизгина унга гуркираш, гуллаб-яшнаш имконини берди. 2000 йиллик байрам арафасида шаҳарда ўнлаб замонавий иншоотлар, маърифатхоналар, бозорлар, равон йўллар пайдо бўлди. Яшариш, янгиланиш даврини бошдан кечираётган Марғилон Юртбошимиз айтганидек, бундан буён ҳам равнақ йўлидан боради.

## ҲАҚ НАЗАР ЭТГАН ШАҲАР

Марғилоннинг узок ўтмиш тарихини ўрганиш учун ЎзФА Археология институтини махсус экспедиция уюштирди. Экспедиция 1994-1999 йиллар давомида Марғилонсой ҳавзасида ва шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган Қизлартепа ҳудудида археологик-полеографик тадқиқотлар олиб бориб, сунъий суғорма деҳқончилик ва шаҳар маданияти тарихига оид муҳим материалларни қўлга киритди. Маълум бўлдики, Марғилонсой ҳавзасида илк суғорма деҳқончилик милоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг иккинчи ярми бошларида шакллана бошлаган.

Милоддан аввалги X-IX асрларга келганда бу ерда бир неча юзлаб гектар ерлар ўзлаштирилаб суғорма деҳқончилик кенг йўлга қўйилган. Эрамиздан аввалги IV асрда урбанизациялашган шаҳар типигаги Симтепа қароргоҳи пайдо бўлган.

Маълум бўлишича, милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган Марғилон шаҳри ҳозирги Машад маҳалласи ўрнида жойлашган бўлиб, Машад қабристонидан бошлаб то Қизлартепа ёдгорлигигача бўлган ҳудудни эгаллаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Марғилон шаҳрининг харобалари жойлашган ернинг ҳамма жойида илк маданий қатлам қолдиқлари ёки унинг излари топилган, яъни, 20 гектардан зиёдроқ майдоннинг аксарият жойларида милоддан аввал I милодий эранинг I асрга оид материаллари борлиги кузатишган. Милодий II асрдан шаҳар Марғилонсой соҳили бўйлаб жанубий шарқ ва шимол-ий ғарб томонга кенгая бошлайди. Худди шу даврларда, милодий эранинг II асрнинг охири III асрнинг бошларида ҳозирги Тошлоқтепа маҳалласидаги Қизлартепа ёдгорлиги ўрнида шаҳар ибодатхонаси ҳам бунёд этилди.

Марғилон ҳудудидан топилган археологик материаллар ва этнографик кузатишлар мисолида бир неча диний қарашлар ва эътиқодларни кўриш мумкин. Қадимги марғилонликлар орасида оловга сизиниш, унинг муқаддаслигини эътироф этиш, улуғлаш милоннинг бошларида жамият қонуни даражасига кўтарилган.

Эрамизнинг биринчи асрларига мансуб қизил ангобли идишларда тоғли жойлар, тоғ чўққилари, ёмғир, баъзида қуёш чизилган. Бу, албатта, ўз даврида марғилонликлар тоғ, ёмғир ва қуёшни муқаддас ҳисоблаганларидан дарак беради.

Милодий I асрга оид қадокланган сопол идишлари марғилонликларнинг ўтган ажлодлар руҳига сизинишгани, аждодларидан қолган уй идишлари, қурол-аслаҳаларни кўз қорачиғидек авайлаб ишлатганларидан гувоҳлик беради.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон орқали ипак матолар, тулпор отлар, олтиндек товланиб турган жаннатий мевалар ташиланган. Бу ҳақда ҳитой манбаларида батафсил маълумотлар бор.

Эрамизнинг VIII асрида Марғилон араблар томонидан босиб олинган. Кейинчалик "Мусулмон уйғониш даври" деб номланган илм ва маданиятнинг тараққиёт топишида бу ердан чиққан мутафаккирларнинг ўрни ҳам беқиёс бўлган. Биргина Бурҳониддин ал-Марғиноний номи бу фикрни тасдиқлайди.

XI асрдан бошлаб Марғилон ҳақида ёзма манбаларда кўпроқ маълумотлар берилган бошлайди. Айниқса, XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб зарб қилинган тангалар Марғилоннинг Фарғона водийси ҳаётида муҳим роль уйнаганидан дарак беради.

Темури ва теурийлар даврида ҳамда сўнгги ўрға асрларда Марғилон Фарғонанинг йирик шаҳарларидан бири бўлиб қолган. Бу даврда шаҳарнинг ўн иккита дарвозаси бўлган. Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон аҳолиси қадимдан атласу адаслар тўқиш билан шуғулланган ва шу орқали жаҳонга машҳур бўлган. Шу билан бирга, Марғилонда дўппидўзлик, темирчилик ва мисгарлик ривожланган, шаҳарда вақти-вақти билан тангалар ҳам зарб этилган. Шундай қилиб, махсус тадқиқотлар, археологик изланишлар натижасида ҳақ назар этган шаҳар — Марғилоннинг 2000 ёшга тўлганлиги ўз исботини топди.



Мухтарама Улуғ

## ДОВОНДАН ВОДИЙГА УЧАЁТГАН НАЙ

МАРҒИЛОН

*Туироқни ўймоққа эгилар мажнунтол,  
Орзусли тўсади қизганчиқ майсалар.  
Майсани эркалаб алдайди қув шамол,  
Қўллари туироқнинг юзларин сийшалар.*

*Иншоҳим бир дона оқ гулга бойланиб  
Анҳорда қалқийди ораста, ораста.  
Мажнунтол қўлидан ўнаркан айланиб  
Оқ гулим бағримдан узилар оҳиста, оҳиста.*

*Тенада — чинорлар қаърига  
Офтобми шўнғийди, билмайман.  
Онажон қизганиб бос мени бағрингга,  
Номингни шивирлаб руҳимни сийлайман.*

БИР ГАП

*Оёғинг ол кўнглимдан,  
Гарчи сенга ҳеч кимман,  
Маликаҳон ойимнинг  
Жонидан сув ичганман.*

*Парими, ҳурмиди ул,  
Нафаси жамбил эди,  
Бойлиги - бир ҳовли гул,  
Бахти - содда дил эди.*

*Сарой этиб кўнглини  
Товланарди товуши,  
Ғуборгаям босмасди  
Ярақлаган ковушини.*

*Ҳар томчи, ҳар гиёҳдан  
Тошиб минг завқу маъно,  
Кўмуш каби биттайди  
Шаҳри Марғилон аро.*

*“Утган утди”, дейсанми,  
Кимни аябди замон?  
Лекин менинг қонимда  
Исми йўқ недир омон.*



*Кўндан ортда қолмай, деб  
Ким югуриб слади?  
Мен ҳар тонгда гулбаргдан  
Шабнам ичгим келади.*

### КУЗ

#### I

*Мен йил бўйи излаган  
Сўзларни айтмоқ учун  
Энгашиб келар боғлар  
Она ерга кунма-кун.*

*Ва умримнинг маънисин  
Англаб оламан бирдан:  
Тувроққа сўзлар боғлар  
Асап тиллари билан.*

#### II

*Меваларнинг юзида — кундан  
Тўкилишиб қолган кундузлар.  
Момиқ нурли шафтолиларга  
Араланиб кетар юлдузлар.*

*Шаҳардаги фарзандларидан  
Қишлоқ олар бир хил номалар:  
“Туиларимда шарнаралардан  
Қалқиб тошар қирмиз олмалар...”*

\* \* \*

*Билмадим, эртами ё бу кеч,  
Рухимда таскин жим-жим соғинч,  
Барглари тўқадн вазмин, тинч —  
Кўнглимнинг боғлари.*

*Кафтимда соврилди уммонлар,  
Бугун руҳ томчидан жон олар,  
Эриди минг йиллик туманлар —  
Кўнглимнинг доғлари.*

*Хаёлим осуда... бир яхши,  
Адашган юлдузлар ухланди,  
Борлиқдан ғойибда тутанди —  
Кўнглимнинг роҳлари.*

*Англатди не ёлғон, не чиндир,  
Дил — мурод тилаган очундир,  
Сўзлари гул бўлар, нур энди —  
Кўнглимнинг оҳлари.*

*Умидим, июлят берарлар,  
Муҳаррам меҳр ила севарлар,  
Махфират нури-ла юварлар —  
Кўнглимнинг моҳлари.*

\* \* \*

Тушимда онамни кўрдим, тонггача  
Муҳаббат нигоҳини туйиб ухладим.  
Кўнгил бора-бора қўмсайвераркан  
Сўзлардан ҳам кўпроқ кўзлар суҳбатини.

Билмадим, қай қуни эшик ёнди дил  
Овозининг белибос ибратларига?  
Кўнгил бора-бора танина бўларкан  
Осуда гурунглар ибратларига.

Кутганинг бошқаю ҳазор ташаккур  
Жилмайиб ҳол сўраб тўхтаганларга,  
Боғланиб бораркан кўнгил тобора  
Атойин Худо — чин йўқлаганларга.

Бағримда — соғиниб ибтидоларни  
Довондан водийга участкан най.  
Кўнгил бора-бора ўхшаб қоларкан  
Инакдан тўқилган шойиларга-яй.

\* \* \*

Ўзбекчилик, омон бўл, раҳмат,  
Биздан ортқи қийнадинг-ей, сен,  
Тўй бергандек ўртага тушиб  
Йўқ либосга ёқа бўлдинг, енг.

Жондирадинг икки тарафга,  
У ён-бу ён — кўзлари қора.  
Умидларинг улаб эшилдинг  
Шарт узилган рингалар аро.

...Келгандик-да бир сабаб билан,  
Қорлар боссин энди пойимиз.  
Менга бундоқ қарама, ахир,  
Аралаш суг берган доямиз...

\* \* \*

Шодлик тилаб, кетдингиз менга,  
Шодлик ташлаб кетди-ку, мени.  
Чопаянман тикка сўқмоқдан  
Ўўлингизни тўсиб чиққани.

Сизсиз энди шодлигим — ярим,  
Орзуларим армондир менинг.  
Толсимда бор қувончларни  
Муҳаббатга алмашиб беринг.



## ФИҚҲ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Буюк мутафаккир олим, Шайхулислом Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг асл исмлари Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Рошидоний ал-Марғиноний бўлиб, зоти мукаррам ҳижрий сана билан 515 йили Ражаб ойининг 12-кунида (милодий 1123 йил 23 сентябрда) таваллуд топганлар. Аловуддин Малик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳон кушойим” асарида келтирилишича, ҳазратнинг насл-насаби ота томонидан қорахонийларга бориб тақалади. Ёшлигидан ўткир зеҳни, зукко ва зийраклиги, илмга чанқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган Бурҳониддин ал-Марғиноний зиёли оилада тарбия кўриб ўсади. У илк таълимни отаси Абу Бакр ибн Абдул Жалилдан ва бобоси Умар ибн Ҳабибдан олди ва имом Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Асбижобий ёрдамида давом эттирди. Бурҳониддин ал-Марғиноний диний илмлар билан бирга араб тил-шунослиги ва шеърятига қизиқди.

Ал-Марғиноний дастлаб ўз падари бузруквори, акалари қўлида, сўнгра мактабда ва Рошидон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ҳамда бошқа шаҳарлардаги бир қатор мадарасаларда, хусусан, Марғилондаги «Пур Сиддик» мадарасасида жуда мукамал таълим олди. У даставвал Куръони карим, Ҳадиси шариф, Тафсир ва сураларни, ислом ҳуқуқшунослиги, яъни, фиқҳни чуқур ўргана бошлаган. Айниқса, ҳадис илмида моҳир бўлиб, ўз илмини буюк муҳаддисимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (вафоти 892 й.) усули билан, унинг ҳадислари асосида Зиёвуддин Абу Муҳаммад Маъийд ибн Асад ал-Ҳасан ал-Марғинонийлар қўлида мустаҳкамлаган.

Бурҳониддин ал-Марғиноний Самарқандга бориб, буюк алломалар Нажмуддин Абу Ҳафс ибн Муҳаммад ан-Насафий (1068-1142), шунингдек, Абул Лайс ас-Самарқандий (вафоти 1157), Али ал-Исфижобий (вафоти 1140-1141 йиллар) ҳузурида ўз билимларини юқори даражага етказди. Сўнг Бухорога интиқол этиб, шаҳар уламолар йўлбошчиси Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазиз ас-Садр аш-Шаҳид (1090-1141) ҳамда Ас-Садр ас-Саъийд, Муҳаммад ибн Абдурахмон ас-Зоҳид ал-Аллома (1151 й.), Усмон ибн Али ал-Пойқандий (1072-1158), Қавомуддин Адҳам ибн Абдурашид ал-Бухорийлар ҳузурида билимларини янаям чуқурлаштирди.

Ҳазрат Бурҳониддин кўп йиллар давомида илм-фан билан шуғулланиб, фиқҳшунослик соҳасида ўндан ортиқ асарлар яратди. Буларнинг 6 таси бизгача етиб келган. Жумладан, “Бидоят ул-мубтадиъ” “Кифоят ул-мунтаҳий” “Мухторот ун-навозил” “Китоб-ат-тажний увал мазийд” шулар сирасига киради.

Алломининг фарзандлари ва набиралари ҳам унинг илмий анъаналарини давом эттириб, ўз асарлари билан фиқҳ илмини бойитдилар. Ал-Марғинонийнинг ўғиллари Имомуддин Абу Бакр, Жалолуддин Муҳаммад ва Низомуддин Умар узоқ вақт навбатма-навбат Самарқандда Шайхулислом лавозимида фаолият кўрсатдилар. Неваралари Абдурахим ибн Бакр ал-Марғинонийнинг “Ал-фусул ал-имодия” номли фиқҳий асари ислом дунёсида шуҳрат таратди. Фиқҳшунос Имом Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳадисшунослик билан ҳам шуғулланган, Куръонни ёддан қироат қилган ва тафсир этган, ҳуқуқий билимларни мукамал эгаллаган. “Аллома ўткир тидқиқотчи, пок художўй инсон, фан ва адабиётда тенги йўқ ҳуқуқшунос, ёзувчи, шоир бўлган”, деб ёзади олим Абдулҳай Лакнавий.

Бурҳониддин ал-Марғиноний 1197 йил 29 октябрь куни Самарқандда вафот этди ва Чокардиза қабристонида “Турбат ул-Муҳаммадий” яқинида дафн этилди.

Буюк аллома Бурҳониддин ал-Фарғоний ар-Рошидоний ал-Марғиноний номи билан бутун мусулмон шарқи оламига Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби асосчиси сифатида танилган.

## Қадим шаҳарнинг навқирон адабиёти

Узоқ тарихга эга халқнинг адабиёти ва санъати ҳам қадимий бўлади. Хусусан, пойтахт мақомидаги ёки савдо-сотиқ, борди-келди ривожланган марказий шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий, маданий-адабий муҳит бошқа жойларга нисбатан яхшироқ тараққий этади. Бинобарин, адабиёт ва санъат, нафақат, халқ маънавиятининг, айтиш чоғда, ерли халққа хос фалсафий қарашларнинг кўзгуси ҳамдир. Шу жиҳатдан Марказий Осиёнинг йирик шаҳараларидан бири бўлган, Буюк Ипак йўлининг энг серқатнов манзилида жойлашган қадимий Марғилон шаҳрида адабий муҳит ўз кўҳна тарихи ва бой тажрибасига эга. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъбири билан айтганда, Фарғона водийсининг "Яхши қасаба (шаҳар)"ларидан бири ҳисобланган Марғилон ғоят "пур неъмат, анори ва ўруғи асру (жуда) кўп ва хўп (яхши)"маскандир. Бу қадим маскандан кўплаб машҳур кишилар етишиб чиққан. Айниқса, «Буюк аллома Бурҳониддин Марғиновий яшаб ўтган, шоира Увайсий (Жаҳон отин) туғилган ва бошқа бир қанча машҳур кишилар ижод қилган» («Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 5-жилд. Тошкент. 2005 йил. 497-бет.) Марғилон шаҳрининг адабиёти ҳам ўзига хосдир.

Марғилон адабиёти жуда қадимдан диний-тасаввуфий йўналишда тараққий этган ва бу анъана қанузгача давом қилиб келяпти. Афсуски, биз бу адабиётнинг энг қадимий намуналарига эга эмасмиз. Бунинг учун кўплаб тазкираларни, тарихий асарларни ўрганиш, кўҳна ёзма ёдгорликларни қунт билан мутолаа қилиш талаб этилади. Айрим манбаларни кўздан кечириб, Марғилондан етишиб чиққан талай ижодкорларни излаб топдик. Биргина кўқонлик адабиётшунос Пўлатжон домудла Қайюмовнинг "Тазкирайи Қайюмий" асарида XIX аср бошларидан то XX асрнинг 60-йилларигача яшаб ижод қилган 16 нафар марғилонлик ижодкор қаламга олинганлигини аниқладик. Булар: Файзий, Нисбатий, Рожий I, Рожий II, Камина, Хазин, Муҳсиний, Насимий, Ҳайратий, Ҳавоий I, Қорий, Омоний, Бегий, Мавлавий Охун, Роиқ, Муфаззал маҳдумлардир. Шунингдек, бу китобга киритилмаган Увайсий, Умидий ва Марғилонда туғилиб, тақдир тақозоси билан Кўқонга ёки бошқа юртларга бориб яшаган ижодкорларни ҳам қўшадиган бўлсак, рақам салмоғи янада ортиши, табиий.

Марғилон адабиёти тўғрисида гап кетганда, истеъдодли шоира Жаҳон отин — Увайсий (1779-1850) номи биринчи бўлиб тилга олинади. Гарчи, хонлик пойтахти Кўқон шаҳрида яшаб, шоира Нодира раҳнамолигида саройнинг этиборли кишиларидан бирига айланган бўлса-да, Увайсийнинг ҳаёти нуқул бахтсизлик ва ташвишу аламлар билан кечди.

Шоира Увайсийдан катта мерос қолган. Профессор Маҳбуба Қодированинг ёзишича, "Увайсий 4 девон тузганлиги маълум. Лекин бу девонларнинг асл қўлёзмалари топилмаган". Бизга унинг 270 та ғазали, 55 та мусаддаси, 29 та мухаммаси, 10 дан ортиқ чистони, шунингдек, кўплаб мурабба, қитъа, фард ва рубоийлари етиб келган. Бундан ташқари Увайсий "Карбалнома", "Воқеоти Муҳаммад Алихон" (тугаланмаган) каби дostonлар ҳам яратган.

Увайсий ўзбек мумтоз шеърятининг ўндан ортиқ жанрларида баракали ижод қилди. Унинг ижодида ғазал жанри асосий ўрин тутади. Шоира ўз ғазалларида пок инсоний ва илоҳий муҳаббатни, вафо ва садоқатни, меҳру оқибатни куйлайди ва улуғлайди. Айни чоғда, уларда инсон умрининг ғаниматлиги, умидворлик ва шукроналик, ҳижрон азоблари, ҳаёт нохушлиklarидан шикоят, тубан иллатларни кескин қоралаш оҳанги устуворлик қилади. Бу жиҳатдан шоиранинг "Кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди" радифли ғазали муҳимдир. Ун бир байтдан иборат бу ғазал (шоира ғазаллари орасида энг каттаси)да Увайсий бемурувват замонанинг кулфатларидан, унинг қабиҳ, нодон, тубан ва разил ишлар билан шуғулланувчи зодагонларидан норозилигини кескин оҳангда баён этади. Шоиранинг қаҳр-ғазаби шу даражада кучлики, кўнгил кечинmalarини ифодалаш учун мисраларга қофиядош сўзларни қидириб ҳам ўтирмайди. Энг керакли, таъсирчан сўзларни топиб, ўрнида ишлатади ва мазмуннинг залворини оширади. Эътибор беринг:

*Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.  
Жароҳат бўлди бағрим тийғи бегоғ рақиблардин,  
Бу қабих мардуми нофаҳмдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.*

Ҳазалда ишлатилган "замона кулфати", "чархи бемурувват", "жароҳат бўлди бағрим", "тўлибдур бағрим ичра қон", "очилмай гул сифат", "вужудим изтироб айлаб", "қабих мардуми нофаҳм" сингари иборалар қофиясиз бўлса-да, радиф атрофида ажиб оҳанг билан уюшиб, лирик қаҳрамон ички кечинмаларининг ҳаддан зиёд пўртанали эканлигини исботлайди. Бу иборалар ошиқ тилидан эмас, балки нобоп замонда ҳукм сураётган, ноҳақлик ва адолатсизликдан фарёд чекаётган реал инсон тилидан айтилмоқда. Шоира лирик қаҳрамон изтиробларини ишонарли ифодалаш учун шу қадар мос келаётган сўзлар, ибора ва радиф танлаганки, ҳазалда қофиянинг йўқлиги ҳам сезилмайди.

Увайсийдан мерос бўлиб қолган 15 минг мисрага яқин лирик шеърлар ва дostonларнинг асосий қисмида у замонга бўлган муносабатини, оддий одамларнинг аянчли ҳаётини, уларнинг норозилик кайфиятини ифодалади, адолатпарварлик ғоясини илгари суриб, зулм ва зўравонликни қоралади. Ана шундай инсоний фазилатларига кўра, Увайсий ижоди кўп асрлик адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллайди. Бугун шоира дунёга келган ҳовлида уй-музейининг ташкил этилганлиги қадим Марғилон ҳуснига кўрк қўшиб турибди.

Мулла Хўжажонхўжа Низомиддин ўғли Рожий (1834-1918) ўзининг ҳам ижтимоий, ҳам ижодий фаолияти билан мамлакатимиз тарихи, маданияти ва адабиётида ўзига хос ўрин тутди. "Тазкирайи Қайюмий"да муаллиф замондоши Муфаззал маҳдумнинг Рожий таржимаи ҳоли ҳақида ёзиб берган қўшимча маълумотларни ҳам беради. Муфаззал маҳдумнинг ёзишича, Рожий "кулар юзли, завқ-шавқли ҳикояларга бой, ҳар турли латифагўй, ашъори ҳажвга латофатли бир нодир-ул вужуд фозил зот эди". У ниҳоятда ҳуснихат соҳиби бўлган. Шунинг учун ҳам мадрасани тугатиб келгач, уни Марғилон шаҳар қозихонасига мирзо лавозимига ишга оладилар. Бу вазифада кўп йиллар ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилган Рожий кейинроқ қозилик вазифасига ўтказилади. Рожий Марғилон шаҳрида 40 йил қозилик қилди. Бу даврда у "Ҳою ҳавасга, кибру сазо, мулку ашғога нописандликда ўтди" ва халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Рожий шаҳарнинг катта ҳудудига қозилик қилиш билан бирга, астрономия, фалсафа, табобат ва дин илми билан ҳам жиддий шуғулланди. Замондошларининг таъкидлашича, Рожий ўта донишманд, хушмуомилали ва жуда ҳозиржавоб киши бўлган. Бу фазилатлари унинг шеърларида ҳам ўз аксини топган.

Шоир Рожийдан 10 минг мисрага яқин мерос қолган. Улар лириканинг ғазал, мухаммас, маснавий, муаммо, рубоий, туюк, қитъа, фард, тарих каби жанрларида битилган. Афсуски, ранг-баранг мерос ҳанузгача тўпланиб, тўла нашр этилган эмас. Мумтоз шоирларимиз ижоди намуналаридан тузилган "Асрлар нидоси" номли мажмуада Рожийнинг иккита мухаммаси ва ҳажвияларидан айрим намуналар берилган, холос. "Тазкирайи Қайюмий"дан эса, иккита ғазали ўрин олган.

Мазкур намуналардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Рожий лирик шеърларида асосан ишқи илоҳийни, шу билан баробар инсонларга хос олижаноб фазилатларни улуғлайди, зулм, адолатсизлик ва эътиқодсизликни қоралайди. Ҳажвияларида эса, шоир мансабдор шахсларни, порахўр қозиларни, ҳар қандай йўл билан амалга интилиш ва турли усуллар билан халқнинг ризқини қийишни ният қилган қаллобларни фош этади. Рожий ўз даврининг таниқли шоирлари: Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан яқин ижодий алоқада бўлган, улар билан тез-тез учрашиб ёки мактублар орқали суҳбатлашиб турган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшган шоирлардан яна бири марғилонлик Умидий тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммадумар қори Неъматулло Охун ўғли (1835-1905)дир.

Умидийдан катта илмий ва ижодий мерос қолган. Унинг 12 минг мисрадан иборат лирик, сатирик шеърларини ўз ичига олган "Девони Умидий", "Маснавий Умидий" сингари баёзлари (1881) ва дostonларидан ташқари шеърӣ ҳамда насрий йўл билан ёзилган ҳикоятлар, афсоналар, ривоятларни ўз ичига олган "Қачқули Қаландарий" деб аталган (1891) асари ҳам бор. Шу билан бирга, Умидий тарих, астрономия ва табобат илми билан ҳам астойдил шуғулланган. Масалан, унинг "Бадавлатнома ёки тарихи Хўқанд" (1880) асарида Қўқон хонлигининг XIX аср бошларидан то 1875 йилгача бўлган тарихи тўғрисида маълумот берилади. Шунингдек, Умидий "Мактубчаи хон" (1884), "Жангнома" (1888), "Ҳайрат ул-олам" (1892) сингари фалсафий-дидактик ва қаҳрамонлик дostonларини ҳам яратган.

Умидий ҳам замондошлари Рожий, Роиқ, Нисбатий, Муқимий, Фурқатлар сингари чин инсоний севгини улуғлаган, зулм ва адолатсизликка қарши ҳажвий шеърлар ёзган. Масалан, "Кам-кам" радифли газалида шоир бу бебақо дунёда йиққан давлатинг қўлингдан кетса, ошноларинг ҳам меҳру шафқат ипини узадилар, шунинг учун одам ёшлигида ҳою ҳавасларга кўнгил қўймай, покиза яшаб ўтиши лозим, деб уқтиради:

*Қўлингдан кетса давлат мажмаидур бебақо ичра,  
Узарлар меҳру шафқат торини ҳар ошно кам-кам.  
Ҳаво бирлан ҳавас нақшига дил берма жавонликда,  
Ўтиб байрам куну ангин кетар ранги хино кам-кам.*

Шунингдек, Марғилоннинг қадим ва бой адабий муҳитида Роиқ таҳаллуси билан ижод қилган Мулла Тошболта Муҳаммад Иброҳим ўғлининг ҳам муносиб ўрни бор. Бу зот, айниқса, Муқимий ва Фурқатлар билан яқин алоқада бўлган, уларнинг бир-бирларига ёзган мактублари адабий манбалардан ўрин олган.

Бундай анъаналар кейинги йилларда янада бойиди ва янгиланди. Айниқса, ўтган асрнинг 60-70 йилларига келиб Марғилондан бир талай таланти ижодкорлар етишиб чиқди. Исмоилжон Тўхтасинов, Мамадали Умаров, Маъруф Мударрисов, Жамолхон Жамолӣ, Адҳам Каримов, Ҳамид Усмонов ортидан Исмоил Маҳмуд Марғилоний, Муҳтарама Улуғова, Уктам Эшонбоев, Муҳаббат Иброҳимова сингари ижодкорлар адабиётга кириб келди.

Ҳозирги пайтда, Марғилон адабиёти ўзининг муқаддас анъаналарига содиқ қолган ҳолда, уни изчил давом эттириб, янгидан-янги истеъдолларни рўйбақи чиқармоқда. Шу кунларда Марғилон адабий муҳитини таниқди шоир Исмоил Маҳмуд Марғилонийсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Сўнги йилларда шоир қалбида жўш ураётган меҳру муҳаббатни мумтоз адабиётимизнинг кўҳна жанри бўлган ғазалда чуқур ва рангин тарзда ифода-лашга уринмоқда. Уларда ижодкор ўзликини, миллий қадриятларимизни англаш ва тараннум этишга, мумтоз ижодкорлар анъанасини давом эттириш ва янгилашга ҳаракат қилмоқда. Бу фазилятлар унинг яқинда нашр этилган ғазаллар, мусаддас, қасида ва рубоийлардан ташкил топган. "Ишқ саодати" номли китобида янада равшанроқ кўринади. У:

Эл аро, Маҳмуд, кўнгилдан яхши сўзни сўзлагил,

Яхши ният, яхши сўз мангу саодат келтирур, — дейди ва ўзи бу сўзларга доим амал қилиб яшашга интилади.

Исмоил Маҳмуд Марғилоний қарийб ўн йилдан буён шаҳарда ўзи ташкил этган Жаҳон отин — Увайсий номидаги адабиёт тўғарагини бошқариб келаётир. Тўғарак машғулотларида шаҳарликлардан ташқари қўшни Охунбоев, Ёзёвон, Олтиариқ, Тошлоқ туманларидан ҳам талай ёш ижодкорлар мунтазам қатнашиб, ижод сирларини кунт билан ўрганмоқдалар. Шуниси қувончлики, ўтган йиллар мобайнида, республика ёш ижодкорларининг Зомин кенгашида ушбу тўғарак аъзолари ҳар йили совринли ўринларни олиб келмоқдалар. Ҳозиргача тўғарак аъзоларидан икки нафари — Зулфия Содиқова (2000) билан Наргиза Охунова (2004)лар Зулфия номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати бўдилар. Бир қатор ёшлар Олий адабиёт курсида ўқишга тавсия этилди ва ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги беш-олти йил ичида тўғарак аъзоларидан ўндан зиёд ижодкорларнинг шеърӣ тўпламлари босилди чиқди. Булар орасида, айниқса, Зумрад Ваҳобованинг "Оқ ёмғир", Наргиза Исоқованинг "Сен келсанг", Мунира Қўқонованинг "Бахт учқунлари", Сайёра Холдорованинг "Олпоқ туйғулар" деб аталган тўпламлари туйғуларнинг таранглиги, ҳисларнинг нозик тебраниши, образларнинг қабариклиги, метафоранинг кучлилиги билан аҳамият қасб этади. Бу фазилятлар, шубҳасиз, ёш қаламкашларнинг келажакига ишонч туғдиради. Хусусан, Зумрад Ваҳобованинг "Юрак иншоиси, дилгир, оташин сатрлар" (Ойдин Ҳожиева ибораси) билан битилган шеърлари метафоранинг кучлилиги ва оригиналлиги билан эътиборни тортади. Ёш шоира ҳар нарсада инсонга хос фазилят ҳамда иллатларни кўради ва тасвирлай олади. Унинг учун шамол шунчаки эсмайди, балки "шамоллар ўғирлаб қўяр илнжни". Ёки "шамол ҳазонларга жаноза ўқийди". Шоира назарида "Турналар баҳорнинг хур армонлари" сифатида келсалар, аксинча, "Баҳор турналарнинг эрка армони" бўлиб кутиб олади. Зумрад Ваҳобова шеърларидаги ошиқ ишқини шунчаки тарқ этиб кетавермайди, балки "совуқ уриб кетди..." унинг "юрагини". Шу сабабли, у, энди, севгидан маҳрум бўлади. Бундай ажойиб истиораларни, ёниқ ҳис билан йўғрилган мисраларни Наргиза Охунова ва Назира Мақсуднинг битикларида ҳам учратиш мумкин. Бадиий сўзнинг бундай ривож топиши қадим Марғилоннинг бой адабий муҳитига бориб боғланади. Табиийки, бу адабий муҳитнинг илдизи теран ва мустаҳкамдир.

У.Ҳошимов, Н.Алимова, Д.Ёқубов,  
Фарғона Давлат университети ўқитувчилари

## ҲУНАРЛАРГА ЗЕБ БЕРГАН МАКОН

Марғилон азалдан Фарғона водийсида халқ амалий санъати турлари ривож топган масканларидан биридир. Унинг халқи ўз меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ҳамда меҳмондўстлиги билан тарихий тараққиётимизнинг ҳар бир даврида чуқур из қолдириб келмоқда.

Биз, аввало, шаҳар халқининг азалий машғулоти бўлган атлас тўқиш тарихига тўхталамиз. Маълумки, ипакчилик Марғилон шаҳрида қадимдан ривожланган. Марғилонлик ипакчилар ўз маҳсулотларини қадимдан дунё бўйлаб намойиш этганлар. XIX аср охирида Россиянинг кўплаб шаҳарларида бўлиб ўтган саноат ва қишлоқ хўжалиги кўрғазмаларида марғилонлик нафис матолар устаси Муҳаммад Сиддиқ Аҳмедов кичик кумуш медал билан, усталар эса бронза медаллари билан тақдирланганлар.

Ипакдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг энг жозибали, энг мафтункор матоси атлас.

Атлас, — арабчасига туксиз, силлиқ ўриши ҳам, арқоғи ҳам табиий ипакдан тўқилган, эриши абр усулида ранг-баранг нақшлар билан безатиладиган бир юзлама майин мато.

Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави “Саккизтепки атлас ёки хонатлас” деб юритилади. “Хонатлас”нинг барча сири унинг тўқилишида бўлиб у саккиз тепкили дастгоҳда тўқилади.

Атласни дастлаб тўқиб чиқарган уста, ундаги нақшларни қуёш ботиши пайтида уфқдаги тарам-тарам булутларнинг турлича товланишидан олган, деган ривоят бор. Зеро, “абр” сўзи форсча бўлиб, булут деган маънони англатади. Атлас тўқиш, ундан фойдаланиш тарихи милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келса-да, бу халқ амалий санъат турининг ривожланиши ва оммалашуви ўрта асрларнинг ривожланган даврига тўғри келади. Бу даврда Марғилон атласининг номи ва турлари етти иқлимга машҳур бўлиб кетди. Шаҳар — ипак шаҳри деб ном олди.

Адрас — ярим ипак газлама ва шойи тўқишда Марғилон юртимизнинг йирик шаҳарлари Бухоро ва Самарқанд сингари дунёга танилди. Соҳанинг энг ривожланган даври XVIII аср охири XIX аср бошларига тўғри келади. Шу даврлардан ҳозирги кунимизгача сақланиб келинаётган “Сирға”, “Томчи”, “Сайқал”, “Гулнамозшом”, “Хосиятхон” каби атлас матоларнинг тўқилиши жиҳатидан бир-бирини такрорламайдиган ранг-баранг турлари яратилди.

Мустақиллик йилларида ҳунармандчиликнинг бу турига катта эътибор қаратилиб, атласнинг “Марғилон”, “Наврўз”, “Пахтаой”, “Расадхона” каби янги-янги турлари яратилди. Ҳозирда Марғилондаги номи дунёга машҳур “Атлас” ҳиссадорлик жамиятида 200 дан ортқ гўзал нусхалар ишлаб чиқарилмоқда.

Марғилон ҳунармандчилик соҳасини яна бир ривожланган тури бу бадий ёғоч ўймакорлигидир. Ушбу соҳа билан шуғулланган усталар маҳаллий дарахт турлари — чинор, қайрағоч, ёнғоқ, арча, тут, тол, олма, жийда, беҳидан ҳам фойдаланганлар.

Республикамиз шаҳарларида, жумладан, Марғилонда ҳам ёғоч ўймакорлигида уч хил нақш усули мавжуд бўлган: ислимий, боғдодий, паргорий.

Ислимий-ўсимликсимон нақш тури. Бу нақшда таноб, банд баргли, ўртакли

буталар бир-бири билан чирмашиб кетиб, ўсимликларнинг ўхшашлик тасвирини беради.

Боғдоий — доира, учбурчак, қирралик, юлдузсимон шакллардаги нақш ишлаш усули бўлиб, эшик, жавон, сандиқларни безашда ишлатилган.

Паргорий — циркул (айлана) ёрдамида ишланган нақш. Марғилон ёғоч ўймакорлигида ўзига хос миллий кўринишга эга бўлган заминли услуб ҳам мавжуд, бу услубдан асосан ноёб буюмларни, жумладан, қутичалар, китоблар учун муқовалар, хонтахта, курсилар, лавхаларни безатишда фойдаланилади. Марғилон ёғоч ўймакорлигининг энг ноёб ва жозибали маҳсулотларидан бири мусиқа асбобларини яшаш санъатидир. Марғилон азалдан санъаткорлар, ҳофизлар ва мусиқачилар юрти бўлганлигини инobatга олсак, бу маҳсулотларга талаб юксак даражада бўлган. Бундай маҳсулотлар асосан тут ва ёнғоқ дарахти ёғочидан ишланиб, тайёр бўлган буюмга безак берилган.

Марғилон хунармандчилигида тандирчилик ҳам алоҳида ўрин тутган.

Марғилон тандирчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар асосан устоз-шогирд тизимига риоя қилишган.

Тандир яшаш технологияси анча мураккаб жараён ҳисобланган. Аввало, тандир яшаш учун махсус тупроқ, лой зарур бўлган. Марғилонлик усталар бундай маҳсулотларни шахарга яқин Заркент, Хонобод деган қишлоқлардан олиб келишган. Олиб келинган тупроқ бир неча бор элакдан ўтказилган. Бу маҳсулотнинг тиниқлик ва пишиқлигини таъминлаган. Қорилган лойга яхшилаб тозаланган, сўнгра савалаб хурпайтирилган қўй, эчки ёки туя жуни солинган. Шуни таъкидлаш жоизки, республикамизнинг айрим ҳудудларида тандир яшашда от қили, сомон ёки бошқа ўсимлик толаридан ҳам фойдаланишади.

Марғилон усталари эса, ўз анъанавий услубларидан воз кечмаган ҳолда жун хом ашёсини маъқул деб топганлар. Жун қўшилган лой янада пиширилгач, унга туз эритмаси — намақоб сепиб устини эски тўшак ёки шолча билан ўраб қўйишган. Тайёр бўлган хом ашё тандирчилар тили билан айтганда, турли ўлчамдаги “пеш” бўлақларга ажратилган. Икки пешли тандирлар кўпинча сомсапазлар учун, уч пешлиси якка хўжаликлар учун, уч-тўрт ва ундан ортиқлари тўй-маросимлар учун ишлатилган. Тайёр бўлган маҳсулотлар етти-ўн икки кунгача офтобда қурилган.

Марғилон хунармандчилигининг яна бир сержило тармоғи заргарликдир. Марғилон заргарлари қадимдан асосан қимматбаҳо металллардан аёллар учун зеб-зийнат буюмлари: тиллақош, узук, билакузук, сирғалар, турли ҳажмдаги мунчоқлар тайёрлашган. Заргарларнинг тайёрлаган зеб-зийнат буюмлари ўзининг нафислиги, жозибдорлиги билан ажралиб турган.

1890 йили Туркистон саноат ва қишлоқ хўжалиги кўرғазмасида марғилонлик заргар Асқарали Мамадалиев ажойиб заргарлик иши учун кўрғазманинг бронза медали билан тақдирланган. Марғилонда хунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида гапирганда, яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XIX аср охири XX аср бошларида Россия босқинидан кейин кўплаб марғилонлик хунармандлар ва қосиблар оғир солиқлар натижасида хонавайрон бўла бошлаган. Шунингдек, Россия завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилган турли хилдаги арзон маҳсулотларни Марказий Осиё бозорларига кириб келиши Туркистон хунармандлари қатори марғилонлик хунармандларнинг аҳволини ҳам оғирлаштирган. Бироқ, ўлкада пахтачилик ривожланиши натижасида, хунармандларга ва уларнинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ортади. Темирчилик, этикдўзлик, тикувчилик каби хунармандчилик турларига алоҳида эътибор берили бошланди.

XIX аср охирларига келиб, кундалик эҳтиёжларнинг ортиши, хунармандчилик корхоналарининг кенгайиши туфайли Марғилонда ҳам дастлабки марказлашган хунармандчилик мануфактуралари вужудга келган. Марғилонда асосан ипакчилик тармоғи ривож топгани боис, дастлабки мануфактуралар шу соҳада ташкил топди.

XX аср бошларига келиб, Марғилон хунармандчилигида ҳам янги қасблар, соатсозлик, фотография, типолитография, муқова устахоналари пайдо бўлди.

Шундай қилиб, Марғилон шаҳрида ўтмишнинг барча даврларида, айниқса, XVIII-XX аср бошларида хунармандчиликнинг кўп турлари ривожланганлигини кўрамиз. Зеро, Марғилон шаҳрида хунар турларини ардоқлаб келаётган бутун бир маҳаллалар борки, уларнинг ижодий фаолиятлари мустақиллик йилларида яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайли янада ривож топиб бормоқда.



Исмоил Маҳмуд Марғилоний

## МАРҒИЛОН

*Ҳақ назар этган, азизлар, Марғилон туфроғига,  
Ул Расул боғчам деганлар, бу ҳидоят боғига.*

*Аҳли ҳикматлар суянгайлар топиб андин баҳр,  
Марғилонийлар яратган илму урфон тоғига.*

*Бу улуғ бўстон аро кўн булбули хушхонлари,  
Дил ҳавас этган ҳамниша бу чаман ардоғига.*

*Зоти покларни азиз этди улуғ Юртбошимиз,  
Беадад шукрона дермиз ҳур Ватан байроғига.*

*Файзиёб бўлди кўнгиллар ҳур диёрим созидан,  
Барҳаётлар руҳи ёрдир умримиз ҳар чоғига.*

*Тоабад озод диёрим — Ўзбекистон шавкати,  
Бу шарафдин нур таралди Марғилон ҳар ёғига.*



А. Умаров, Ш.Долимов,  
Фаргона Давлат университети ўқитувчилари

## САНЪАТКОРЛАР ШАҲРИ

Марғилон шаҳри азал-азалдан маданият, санъат соҳасида бошқа шаҳарлардан кам бўлмаган ҳолда ривожланиб келган. Санъатнинг деярли барча соҳаси, айниқса, ашулчилик, созандачилик, қизиқчилик, аския, театр, рақс каби санъат турлари Марғилонда доим юксалиб келганлиги маълум. Марғилон санъаткорлари, уларнинг ижодлари ҳақида жуда кўп мисоллар, далиллар келтириш мумкин. Биргина ашулчилик соҳасини олиб қараганимизда, ушбу шаҳардан машҳур ҳофизлар: Мадали ҳофиз Раҳматуллаев, Муҳиддин қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Тамараҳоним, Маматбува Сатторов, Болтабой Ражабов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Берта Давидова, Саодат Қобуловалар ўзларининг ноёб санъатлари, довий овозлари билан бутун Марказий Осиёни забт этганлар. “Шошмақом»нинг Фарғона-Тошкент йўлларини, “Фарғона чор мақоми”, айниқса, фақат водийда машҳур бўлган “Катта ашула” жанрини ушбу ҳофизлар маромига етказиб қуйлаганлар. Улардаги ноёб овоз имкониятларининг ўзига хослиги, диапозони кенглиги, тембри жиҳатидан кучли эканлиги билан ҳар қандай мусиқий асарни бемалол қуйлаганлар. Шунингдек, улар ўзлари ҳам янги-янги ашулалар яратиб, тингловчиларни мафтун этганлар. Ушбу мумтоз ҳофизлар яратган асарлар ҳозирги кунда ёш ҳофизлар томонидан қайтадан ўрганилиб, иккинчи умрини ўтамоқда. Бунга мисол қилиб, Мадали ҳофиз Раҳматуллаев қуйлаган “Абдураҳмонбеги”, Тамараҳонимнинг “Эрта билан тураман”, Муҳиддин қори Ёқубов ижро этган “Омон ёр”, Маматбува Сатторов қуйлаган “Бир келиб кетсун”, “Кўп эрди ҳасратим жоно”, “Кулинг”, “Айладинг”, “Эй дилбари жононим”, Болтабой Ражабов ижро этган “Келибман”, “Эй санам”, “Жудо қилма”, “Бу гулшан”, Жўраҳон Султонов ижросидаги “Нигорим қани”, “Оҳқим раҳм айламас”, “Чор зарб”, “Боғ аро”, Маъмуржон Узоқов қуйлаган “Ёр истаб ва мустаҳзод”, “Якка бу Фарғонада”, “Фигонким”, “Жонон бўламан деб”, “Жонон келадур”, “Айрилмасун” каби ашулаларни келтиришимиз мумкин. Мадали ҳофиз Раҳматуллаев, Болтабой Ражабов ва Маматбува Сатторовлар ҳақли равишда “Катта ашула” мактабининг пири комиллари сифатида тан олинган. Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар дастлаб шу мактаб вакиллари ҳисобланиб, биргаликда ҳамнафас бўлиб, 1950 йилларгача фаолият юритганлар. Кейинчалик Жўраҳон Султонов Ўзбекистон радиоси қошидаги мақомчилар ансамблида, Маъмуржон Узоқов эса бир неча йиллар мобайнида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма ва комедия театрида ашулчи актёр, сўнгра Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев раҳбарлик қилган ўзбек миллий эстрада ашула ва рақс ансамблида яккаҳон ҳофиз сифатида фаолият кўрсатган.


Ушбу мумтоз ҳофизларимиз Фарғона йўлларидан ташқари Хоразм, Бухоро каби воҳа ашулаларини ҳам маромига етказиб ижро этганлар. Бу ҳақда тўхталиб, хоразмлик устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳожихон Болтаев, хусусан, Жўраҳон Султонов санъатига шундай баҳо


берган эди: “Жўраҳон, Сиз Хоразм йўлларигади ашулаларни биздан ўрганасиз-да, уни пардозлаб, ясангириб, янада жозибали қилиб ижро этасиз. Биз бунга тан бермоқдамиз”.

Мумтоз ҳофизлар ўз санъатларини турли сайилларда, концертларда, тўйларда халқ олдида намойиш қилганлар. Шу ўринда ўтмишдан Марғилонда ҳар йили ўтказилиб келинаётган, аъанага айланиб қолган санъаткорлар йиғинини айтиб ўтиш жоиздир. Ҳар йили баҳорда Марғилон яқинидаги “Хўжамағиз” сайилгоҳига барча санъаткорлар тўпланадилар ва бу ерда ўз ижроларини намойиш этадилар. Ушбу анжуманга ҳатто бошқа шаҳарлардан ҳам машҳур санъаткорлар таклиф қилинади. Утмишда Тошкентдан машҳур ҳофиз Муллатўйчи Тошмуҳаммедов, Хўжандан Содирхон ҳофиз, Маъруфхўжа Баҳодиров, Андижондан Орифгармон Тошматов, Қўқондан Эркақори Каримов ва бошқа ҳофизлар ушбу анжуманда қатнашганлари маълум. Бу йиғинда санъаткорлар ўртасида қизиқарли ижодий беллашувлар, ашулапазликлар бўлиб келган. Бундай анжуманни томоша қилгани минглаб кишилар тўпланганлар. Бу аъана ҳозирги кунда ҳам ҳар йили марғилонлик санъаткорлар томонидан такрорланиб келинмоқда.

Ўтмишдаги машҳур ҳофизлар ва уларнинг бетакрор санъатларини кейинги йилларда марғилонлик ашулачилар Шоқиржон Эргашев, Иброҳимжон Исҳоқов, Мусажон Орипов, Ботирали Юсупов кабилар давом эттириб, эл-юртга беминнат хизмат қилиб келдилар. Ушбу аънанани, устоз ҳофиз ашулачиларнинг йўлларини ҳозирги кунда ҳам давом эттириб келаётган иқтидорли, навқирон ва ёш санъаткорлар борки, улар билан барча марғилонлик ҳамшаҳарлари ҳақли равишда фахрланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз маданияти, санъати ривожига янада катта эътибор берилмоқда. Турли кўрик-танловлар, мусиқий анжуманлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Маъмуржон Узоқов номидаги ёш хонандалар 1-2-3 Республика кўрик-танлови 1997-1999-2001 йиллар мобайнида, санъаткорлар шаҳри Марғилонда ўтказилди. Марғилон шаҳрининг маданият ва истироҳат боғида ўтказилган бу кўрик-танловнинг ҳар бирига минглаб томошабинлар йиғилдилар. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Марғилон шаҳри ҳозирги кунда ҳам ҳақиқий санъат марказларидан биридир.





Усмон Азим,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ЯНГИ ШЕЪРЛАР

### ЮЛДУЗ

Бу дунёда томчи ёруғ —  
Юлдуз бўлиш осонми?  
Қора булут — қора аждар,  
Ямлаб ютди осмонни.

Мен йиғладим. Ўзим дебмас,  
Гарчи теграм — тим кеча.  
Сен нур истаб кўкка боқсанг,  
Ҳолинг энди не кечар?

### МУЛОҲАЗА

Бу одам енгилган бўлса,  
кўп жанг қилгандир;

синган бўлса,  
кўтаргандир дунёни;

ғамгин бўлса,  
севгандир  
жонининг борича;

ёшини яшамай  
ўлган бўлса,  
умрини тез яшагандир...

Бу одам ҳақида  
ёлғон  
тўқийётган бўлсак,  
ҳақиқати кўпдир  
бу одамнинг.

### МАЖНУН

Сен йўқсан.  
Дарахтлар барг ёзди,  
ёмғирлар ёғди,  
бир кулгунинг,  
бир йиғининг саси келди олисдан.  
Кечалар етди.  
Осмон оёғ ости —  
кўлмакда ётибди:  
ичида мўлтираб турар юлдузлар.  
Бир этик  
лойга қориштириб  
ўтди осмонни.

Дунё мавжланади.  
Қай юксакликка маҳжум этгандинг мени —  
мавжлари етмади  
тавонимга ҳам...

Сен йўқсану  
ҳамма нарса ҳаракатда —  
ҳаёт тўлғонар:  
ер айланиб,  
кеча-кундуз  
алмашиб турибди.

Фақат  
мен беҳаракатман —  
ўша тунда қолганман,  
ўша тунда —  
сен кетган ўша  
юксак тунда  
қолиб кетганман.

Ўша  
лаънати юксак тунда  
ёлғиз ўтирибман.  
Қўлларидан тортиб чиқарай десам,  
дунё оғирдир...

### **БАЙРАМ КУНИ**

Бир қизалоқ —  
бошдан оёқ кийими янги,  
туфлилари бежирим,  
нағмаланган сочлари чиройли,  
эшикхонанинг олдида турар.  
Худди фариштадай,  
бир силкинса учиб кетгуси.

Байрамга ўхшайди бу қизалоқ,  
бу қизалоқ байрамнинг худди ўзи.  
Байрам шундай бўлади:  
кўзлари ёниб туради байрамнинг,  
у ҳаммани яхши кўради,  
байрамни ҳам яхши кўради барча.

Байрам шу қизалоқнинг ўзи...  
Туфлиси қирилгунча,  
кўйлаги кир бўлгунча,  
қўшни болалар  
калака қилгунча —  
байрамнинг ўзидир бу қизалоқ.

### **КЎНИКМА**

Бу кун — менман.  
Ташқарига чиқ.  
Мусаффо ҳавом  
юзларингга юзини босар.  
Кўзларингни қувонтирар  
ям-яшил дарахтларим.

Йўлкаларни  
ёмғирларим ювиб қўйган.  
Осмоним мовий —  
кўнглим билан артганман уни.  
Кўёшга эса, севгимни қўшдим.

Бу кун — менман.

Саёҳат қил унда  
бегона мамлакатни томоша қилгандай.  
Эркин нафас ол.  
Кун кўрмагансан.  
Яйра...

Аммо,  
сен  
бир пасда  
уйингга кирасан.

Кўниккансан  
шу уйда ўтиришга —  
гарчи унда  
кун бўлмаса ҳам.

### **ТУРФА ОСМОНЛАР ҲАҚИДА ШЕЪР**

Бировнинг осмони  
чексизлик қадар юксакда.

Бошқанинг осмонига эса  
қўл ҳам етади.

Кимдир эгилиб  
яшаяпти  
осмонининг остида.

Кимдир осмонини  
ноилож  
кўмган.

Сеннинг  
осмонинг эса  
оёқларнинг тагида —  
тепкилатиб юрибсан  
нодон одам.

\* \* \*

Борлиқнинг ҳолати Тангрига аён,  
Англайди: нима кам, нимаси зиёд.  
Мукамал бир сабаб кўйида Раҳмон  
Боз янги дунёми айлади бунёд.

Сезяпман — чексизлик ҳаддидан ошди,  
Йўқликка кўрсатди илоҳий қадрин —  
Чунки, армонларим янада тошди,  
Чунки, қолмаяпти соғинчда сабрим.

Юрагимга эса бокира, ўктам  
Бошқа дунёнинг ҳам залвори энган.  
Чунки, тилларимга эрта ҳам, кеч ҳам  
Жуда оғир сўзлар келгани-келган.

\* \* \*

Сентябр бағрида чарақлар дунё,  
Тоза ҳаволарда осмон ложувард.  
“Оҳ”га ҳам журъатим етмади ҳатто,  
Мусаффо онларга тушмасмикан гард?

Боғларнинг меваси узиб кетилган,  
Фақат қирмиз ёниб порлайди анор.  
Қара, юрагимда дардлар етилган,  
Қара, оғриқларда бепоён асрор.

Аммо қушлар қани? Нечун жим бўлди?  
Ўзи қайга кетди куйчи ошиқлар?  
Ёзни етаклаган йўлчи ким бўлди,  
Нечун ғамга тўлди беун қўшиқлар?

Ишкомга осилиб кимни кутяпти,  
Қоғозга ўроғлиқ узум бошлари?  
Нима ўтиб кетди?  
Нима келяпти?  
Нечун тўхтамайди кўзим ёшлари?

\* \* \*

Чархи даврон  
жонимизни  
ўтга солар:

рўзлар ёнар,  
кўзлар ёнар,  
сўзлар ёнар.

Жонни қўйгин,  
бу дунёни  
эъзоз айла,

биз ўтамиз,  
дунё эса  
қолар, қолар...

\* \* \*

Қоронғулик бўлмаганда,  
сизга хат ёзармидим?

Ёруғлик изламаганимда,  
сизга хат ёзармидим?

Адашиб кетмаганимда,  
сизга хат ёзармидим?

Хат ёзармидим,  
манзилингизни билганимда?..



Ўткир Раҳмат

ИРМОҚ КАБИ ХАЁЛ БИРЛАШАР

## НАСИБ

Тонг соч ёйиб, ёришса осмон,  
Бўй кўрсатса атроф соғ-омон,  
Дарахтлардан ошиб келса нур,  
Биллур ҳаво баҳи этса ҳузур,  
Райҳон гуллар жилмайиб ётса,  
Чуғурлашган қушлар уйғотса,  
Насиб этса, борман мен бугун,  
Шу кун билсанг, мен туғилган кун!

Кўргансан-ку шаффоф булоқни,  
Шовқин солиб бузмас ҳар ёқни,  
Тоғ пойига бош қуйиб доим,  
Сочин тарар куйлаб мулойим,  
Қўшиғида йўқ зарра ғубор,  
Улашгувчи ризқу рўзи бор,  
Насиб этса, насибам бутун,  
Шу кун билсанг, мен туғилган кун!

Омон бўлса отанг, волиданг,  
Хабар олсанг улар ҳолидан,  
Туғишганлар соғиниб кутса,  
Дўстлар меҳр офтобин тутса,  
Дастурхонда ушатилса нон,  
Тўрт кўз тугал ўтирсанг шодон,  
Насиб этса, бахтим кулган кун,  
Шу кун билсанг, мен туғилган кун!

Ёниб турса ўчоғу тандир,  
Яримта нон роҳати жондир,  
Чуғурчуқдай ўғил-қиз бўлса,  
Ёр қошингда, тилда “сиз” бўлса,  
Ошёнингда файз мезбон, албат,  
Томир ёйса меҳру муҳаббат,  
Насиб этса, бағрим ҳам бутун,  
Шу кун билсанг, мен туғилган кун!

Чанг-ғуборнинг кунлари битсин,  
Тан сизатга нима ҳам етсин,  
Кипригинга инмаскан намлик,  
Ҳамроҳ бўлса дили беғамлик,  
Юз ўгириб кетса қайғу-ғам.  
Демак, сенинг хотиринг ҳам жам,  
Насиб этса, кунлар бетутун,  
Шу кун билсанг, мен туғилган кун!

Занжирлардан эркин бўшалди,  
Орзуларим бир-бир ушалди,  
Офтоб кулиб, юз очди ҳилол,  
Мангу яша энди, Истиқлол,  
Борлигимсан, сенсан жону тан,  
Бахтимизга бор бўлгин, Ватан,  
Дийдор кўрмоқ, нур ёғилган кун,  
Шу кун билсанг, мен туғилган кун!



## УМИД

Оқшом бош қўйган боққа,  
Ой пойлар кўкда бедор.  
Тик турганча оёққа  
Ухламаган дарахт бор.

Ёришади осмон ҳам,  
Юлдузларни тонг ютар.  
Шудринглардан тортиб нам  
Дарахт кимнидир кутар.

Дилида тўлғаб армон,  
Она ўтди зор қақшаб.  
Дарахтмас, гўё гирён  
Турар онага ўхшаб.

## ЎТАР ЛАҲЗА

Учрашмаймиз дегандинг, ахир,  
Хайрлашиб кетгандинг сўнг бор.  
Қизиқ экан бу ҳаёт, тақдир,  
Нигоҳимиз учрашди такрор.

Фақат, энди улар сўзлашар,  
Яйраб кетар дуч келгани он.  
Ниманидир дил эслаб шошар,  
Билсанг, севинчларим бир жаҳон.

Ирмоқ каби хаёл бирлашар,  
Пойида юз очади чаман.  
Хотиралар сирин сирлашар,  
Гўё майдек уни ичаман.

Лаҳзалардан айланур бошим,  
Нигоҳлар ҳам бир сўз айтмайди.  
Сабр берсин сенга бардошим,  
Ўтган кунлар энди қайтмайди.

Сониялар тўхтамас, ахир,  
Ҳамроҳингдир балки бутун бахт.  
Омон бўлсин дуч қилган тақдир,  
Раҳмат сенга учраштирган вақт.

## СИНГЛИМГА

Йиқилади йўлингга шамол,  
Суюнади сув ҳам сирғалиб.  
Офтоб ҳали кўрсатмай жамол,  
Йўлга тушдинг кетмонни олиб.

Этагингни ўпади шабнам,  
Димоғингни қитиқлар ифор.  
Ҳамроҳингдир яна субҳидам,  
Эркалайди бирам беғубор.

О, бу дала бағри беҳудуд,  
Ризқу рўзин топар ҳар бир жон.  
Гоҳи ғамгин, гоҳида беҳуд,  
Умри ўтиб яшаркан инсон.

Кўз ўнгимдан кетмайди сира,  
Тонгни шомга улаган онам.  
Отам, энди, армон, хотира,  
Ортга қайтмас ўтган кунлар ҳам.

Ўша дала, ўша ой, офтоб,  
Тун кетидан тонглар отади.  
Армонларим сўнгсиз бир китоб,  
Дардим эса йиғлаб ётади.

Онамдайин азиз, меҳрибон,  
Меҳри дарё менинг жон синглим.  
Сен уйингга қайтасан қачон,  
Тинчланарми безовта кўнглим.

Бугун сенга қирқта жон мерос,  
Ташвишларга ҳеч бўш келмайсан.  
Шаҳдинг эса, онамларга хос,  
Ором олсин жоним демайсан.

Бу шундайин сирли бир тақдир,  
Гоҳи қувонч, гоҳ ғам тошаркан.  
Она деган муштипар бағир,  
Фақат болам, дея, яшаркан.

Менинг асал,  
Менинг жон синглим,  
Қойилмасман дунё ишига.  
Сени ўйлаб ухلامас кўнглим,  
Бунча ташвиш аёл кишига.

Ўз уйингдан ортмайсан, ахир,  
Фарзандларга меҳринг бахшида.  
Рўзгорингнинг юки ҳам оғир,  
Лекин, синглим, боринг яхши-да.

Соғинаман, ахир, начора,  
Йўл қарайди туйғу, ҳисларим.  
Меҳрга зор қалбим бечора,  
Сендан олар онам исларин.

Омон яша,  
Завол кўрма ҳеч,  
Кипригингга инмасин ҳеч нам.  
Ташвишлардан холи бўлиб кеч,  
Эслаб қўйгин мен акангни ҳам.

## МЕРОС

Умид билан эшикни очдим,  
Ташвиш бўлди яна рўпарў.  
Билмам, қай манзилга шошдим,  
Оқимига олиб кетди у.

Титраб борар йўл юрган юрак,  
Ортиб борар елкамдаги юк.  
Боболардан мерос бу фалак,  
Ўз йўлидан адашгани йўқ.



Ўлмас Умарбеков

## Армон алангаси

Драма

Иштирок этувчилар:

Маҳфузахон — 18-19 ёшларда  
Тоҳир — 18-19 ёшларда  
Мўминжон, Маҳфузахоннинг тоғаси — 40-45 ёшларда  
Карима опа — Маҳфузанинг онаси, 45-50 ёшларда  
Хадича — Мўминжоннинг хотини  
Академик Шокир Қосимов  
Милиция майори Абдулла Алимов  
Қишлоқ имоми Салимхон домла  
Фарҳод, академик Қосимовнинг ўғли — 22-24 ёшларда  
Фотиҳага келганлар — 3-4 киши.

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Мўминжон Иброҳимовнинг ҳовлиси. Ёз. Тушдан кейинги пайт. Хадича енгги тирсагига тушиб турган ҳолда, шоҳи кўйлагининг этагини липпасига илиб, шлангда сув сепаяпти. Ичкаридаги хоналарнинг биридан хотини фартуғуни таққан Мўминжон оғир тоғора кўтариб тушади.*

**Мўминжон.** Етилибди!.. Хадича? Эшитяпсанми? Роса етилибди. Тортвурай-ми сизга? (*Хадича парво қилмай сув сепишда давом этади.*) Ҳой! Сендан сўра-япман!

**Хадича** (*энсаси қотиб*). Секин. Уйғотворасиз арзаңда меҳмонни. Ҳали қанча ухлар экан, худо билади. «Сизлар бари бир бирон нарсага уннайсизлар. Биланман. Тўхтатиш фойдасиз. Ёрдамим эса тегмайди. Шунинг учун мен бироз мизғиб оламан. Мўминжон, кабинетингизда. Диванда». Ҳа, мизғимай кет, текинхўр. Ҳар жума шу аҳвол. Бир йил ичида бундай ҳисобласам, бир жума ҳам қанда бўлмабди. Бир йилда ўн марта кафедра мудири бўлиш мумкин эди бу ейиш, бу ичиш, бу мизғиб олишга қараганда!

**Мўминжон.** Бўлди, Хадича. Жаврайверма. Масала пишган. Ректор билан гаплашиб қўйганлар. Рози. Академик ўртоқлари ҳам икки қўллаб "за", яъни улар ҳам рози. Гап ҳозир фурсатда. Нарги томон пича тинчиши керак. Ана ўшандан кейин, хотин, пичоғим мой устида. Ҳадеб мени эзаверма. Эсидан оққан чол

тинчликни, яхши овқатни, қўлинг ишқилиб дард кўрмасин, яхши кўради. Кейин мени ҳам... Ҳурмат қилади. Ҳафтада бир келиб, шундай ёзилиб кетса, нима қилибди?! Ун ҳисса, юз ҳисса қўшилиб қайтади ҳали, Хадича! Даврни кўр, даврни!.. Ҳаммаёқ ағдар-тўнтар... Нимани оламан десанг, баҳоси худди қовоқаридек чақаман, деб турибди. Чақса ҳам майли, ўзи йўқ. Қачон бўлади? Худо билади. Шокир ака иккита қўшма корхонанинг фахрий раиси. Ленинградда янги "Мерседес" машинаси турибди. Қурбақабодда мачит солдираяпти. У пулни эмас, пул уни қидириб юрибди. Шунинг учун тишни тишга қўясан. Борингни тўкиб соласан. Ҳозир ҳамма нарсани пул, ишбилармон одамлар ҳал қилади. Замон ўзгариб кетди. Охири хайрли бўлсин ишқилиб, озгина биз ҳам йиғмасак, ҳалиги бизнес билан шуғулланмасак эртага супрамиз қуриб ўтираверамиз. Бўлди, сизга тортавераман. Ҳали замон туриб қоладилар. Анави калаватга жой қилиб қўй.

*Мўминжон ҳовли ичкарасига ўтиб кетади. Хадича ортидан бир бурнини жийриб қўяди-да, сув сепишда давом этади. Уй ичидан қорнини силаб, ширин эснаб академик Қосимов ҳовлига тушади.*

**Қосимов.** Бай-бай-бай!.. Маза қилдим-да.

**Хадича.** Ассалому алайкум! Яхши ухладингизми озгина бўлса ҳам? Лекин бегона уйда уйқу-уйқу бўлармиди?!

**Қосимов.** Аввалам бор, Хадичахон, синглим, сизнинг уйингиз менга бегона эмас. Мўминжон билан ҳалиги шогирд-устоз бўлибмизки, уйингиз менинг ўз уйимдек.

**Хадича.** Раҳмат, Шокир ака. Кам бўлманг бахтимизга. Мана сизнинг соянгизда, ёрдамингизда Мўминжон акам кам-кўстимизни билдирмай оилани тебратиб келаяптилар. Қариндош-уруғлар-чи? Уларнинг кўзлари шу кишига зор. Илоҳим, мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин.

**Қосимов.** Иншоолло. Айтганингиз келсин. Лекин синглим, Хадичахон, ҳали кўп ишлар қиламиз. (*Битта пиёла ароқ, тақсимчада кабоб кўтариб Мўминжон келади.*) Фақат битта мени қийнаб келаётган нарса бор.

**Хадича.** Сизда ҳам ташвиш борми?

**Мўминжон.** Аввал манавини олиб юборинг, домла. Ҳамма ғуборлар кетади.

**Қосимов.** Майли. (олади, ичади, сйди.) Менда ҳам ташвиш бор. Кутилмаганда чиқиб қолди. Фарҳоднинг Москвада ўқишини биласизлар. Мўминжон ҳам командировкага борганида ундан бир-икки бор хабар олган. Шундайми, Мўминжон?

**Мўминжон.** Шундоқ, домла!

**Қосимов.** Ота-она бу ёқда қолиб кетиб, бемаслаҳат уйланмоқчи бўлиб турибди. Қиз ҳам топилибди, уй-жой ҳам топилибди. Иккови гуё Фарҳод-Ширин бўлиб кетишганмиш. Қизникида туришармиш ҳозир. Кейин ўзлари кооператив уй соғиб олишармиш.

**Мўминжон.** Ё тавба! Бу қачонги гап, домла?

**Қосимов.** Кечаги. Фафлатда қолдим. Эслик бола деб юрардим Фарҳодни. Акаси, укасига қараганда, менинг пинжимга кириб иш ўрганадиган, менинг ишларимни давом эттирадиган бўлади, деб келардим. Ёмон панд берди зумраша менга.

---

*Ўлмас ака бетобланиб қолган 1991 йил худди кечагидек ёдимда. Оғир касалликларига қарамай, у киши ҳаётга, бўлаётган воқеаларга катта қизиқиш билан назар солишга ҳаракат қилардилар. Уша пайтда, Ўлмас ака Москвада даволанаётган эдилар. Ҳар куни янги газеталарни олиб келиб, айнан, у кишини қизиқтирадиган мавзуси борларини саралаб ўқиб берардим. Ўзбекистон ҳақидаги хабарларни ҳаяжон билан эшитардилар.*

*Давр кўз унгимизда ўзгариб борарди.*

*Тошкентда ёзила бошлаган мазкур драма Москвада давом эттирилди. Ўлмас ака ўзларини қийнаб келган муаммоларни ёрқин бўёқларда, ишонарли образлар воситасида ифода-лашга интилдилар. Драмада асосий моҳият инсон маънавияти ва бу борадаги қарама-қаршиликларга қаратилган.*

*Ундаги Хадича ва Мўминжон каби кишилар ҳаминша бўлганлиги, вақтинча уларнинг "ничоклари мой устида" эканлиги, давр тўфони бундай иллатларни бир кун, албатта, суриб ташлашини муаллиф ишонарли тарзда тасвирлаган. Асардаги Тоҳир ва Маҳфузалар эса янги тўлқин, поклик ва гўзаллик тимсоли сифатида намоён бўлади.*

*Москвада Ўлмас ака уйимизни, Ўзбекистонни соғиниб яшадилар. Ташқаридаги изилла-*

**Хадича.** Келин ким экан? Сир тутмаятгими?

**Қосимов.** Қанақа сир?! Атайин тўйга айтгани келибди кеча уйга. Келин москвалик. Ўрис. Иккита укаси бор экан. Москвада уч минг ўзбек қиз ўқийди. Шулардан биронгаси Фарҳодвойга тўғри келмапти.

**Мўминжон.** Ҳа, энди подшонинг ишқи қурбақага тушибди, дейишади-ку?

**Хадича.** Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига!

**Қосимов.** Баракалла! Мана, мен мана шундай турмуш тарафдориман. Муҳаббат ҳам шунинг ичида. Олиқ-солиқ ҳам. Кейин давр ҳозир бошқача. Маҳалла-кўйда, ишхонада бошимни қандай кўтариб юраман. Яхшиям, Мўминжон, сиздек тушунадиган шогирдим бор, мана, уйингизда анча ўзимга келгандек бўлиб ўтирибман.

**Хадича.** Ҳеч қайтмаятгиларми ниятларидан?

**Қосимов.** Сапчиб кетаяпти! Бошим қотди. Бўпти. Бор, кетавер. Иккигичи башарангни кўрмай, десам бўларди. Айтолмайман.

**Мўминжон.** Ҳа, осон эмас.

**Қосимов.** Бир шоирнинг шеъри бор. Рус ўрмонида икки рус разветкачиси немис ўлигини кўриб қолишибди. Ҳар ҳолда яхши эмас, кўмиб кўя қолайлик, деб гўр қазибди. Энди кўмиб бўлишган экан. Ер ўликни отиб юборибди. Кейин дарёга ташлашибди. Бир жойга оқиб борар деб. Дарё ҳам бир тўлкиланиб, ўрмонга улоқтирибди. Ўрмон ерга ташлабди. Хуллас, икки солдат ўлиқдан қутилгунча юз азобга тушган.

**Хадича.** Домла, бир маслаҳат... Билмадим нима дейсиз. Ўзбек оилаларида учраб турадиган ҳол.

**Қосимов.** Нима экан? Айтинг! Қулоғим сизда!

**Хадича.** Ўғлингиз билан москвалик рус қизни билмайман. Агар уларни танисам, ораларидаги муҳаббат сири ё кучини билсам бу маслаҳатни бермасдим.

**Қосимов.** Қулоғим, сизда, Хадичахон, халоскорим!

**Хадича.** Ўғлингизни тезда уйлантириб қўйиш керак. Москвага у хотини билан кетсин!..

**Мўминжон.** Қойил! Қойилман ақлинга, Хадича!

**Қосимов.** Яхши гап. Баракалла, синглим. Шундай қилиш керакки, уйлантириши ўзи ҳам билмай қолсин. Яхши гап. Хўп, бунини энди ким қилади? Бу ишнинг амалий йўллари қандай бўлади?

**Мўминжон.** Бу ишни бизга қўйиб берасиз. Мен билан келингиз Хадичага! Фарҳоджон қачон кетишлари керак Москвага?

**Қосимов.** Бир ҳафтага келган. Яна беш кун бор кетишига.

**Мўминжон.** Жуда яхши. Улгурамитиз. Аввало қиз топиш керак. Қолгани ўзи бўлаверади. Пул бўлса чангалда шўрва!

**Қосимов.** Албатта қиз топиш керак. Фарҳодни кўргансиз-а?

**Мўминжон.** Ўлибманми кўрмай! Қош-қовоғи келишган, хушбичим, худди ўзларига ўхшаган, бир кўришдаёқ қизларни хуштор қилиб кўядиган йигит. Айтмоқчисизки, қайлиқ ҳам шунақа хушбичим бўлсин, хуллас, қиздек бўлсин!..

**Қосимов.** Топдингиз. Борми шунақаси?

**Хадича.** Топилади.

**Қосимов.** Раҳмат. Бу яхшиликларингизни унутмайман. Тоғ ағдарилгандек бўляпти елкамдан. Мусулмон боласи мусулмонга уйланиши керак.

*ган қаҳратон киши ҳавосига термулиб, соғинч билан қуёш тафтидан қизиган еримиздаги райхон бўйларини эслаб қолардилар. Шунданмикин, Маҳфуза ва Тоҳир образлари миллийлиги, соф ўзбекона турмуш тарзи, адолат ва покликга йўғрилган ҳаёти билан кишини ўзига жалб этади. Асарнинг асосий маъно жиҳатларидан бирини шоён этувчи Маҳфуза ва Тоҳир диалогининг бир нафасда ёзилиш боиси, энди уйласам, юрт соғинчи экан. Ажабланирлиси шуки, олдиларига кириб ўтиришим билан нимагадир, айнан, мазкур диалогни ўқиб бердилар. Шундан сўнг драмани бетоқатлик билан ўқиб чиқдим. Мўминжон ва Тоҳир диалогини беихтиёр ёдимга тушди.*

— Нима, бу асар ҳали тугалланмаганми?

Ўлмас ака бир муддат хаёлга толдилар.

— Кўрамитиз, ҳозирча бир нарса деёлмайман.

*Гоҳида уйланиб қоламан. Ўлмас ака ҳаёт бўлганларида инсон маънавияти, миллий қадриятларимизни кўкларга кўтарувчи янаям кўплаб асарлар яратган бўлармидилар? Бу энди армон.*

**Хадича.** Қуда-анда бўлиб кетсак ҳам майлими?

**Қосимов.** Ихтиёр сизларда. Билганингизни қилинг. Қуда-анда бўлиб кетсак нур устига нур.

**Мўминжон.** Раҳмат, домла, раҳмат.

**Қосимов.** Дарагини қачон биламан? Ўзбошимча ўғил ҳали ҳунар чиқариб кетаман-га тушиб қолмаса.

**Хадича.** У кишига зинҳор ҳеч нарса деманг. Ҳаммаси ҳал бўлсин, айтиш, кўндириш қочиб кетмайди.

**Қосимов.** Ҳа... мени тинчитдинглар-да. Раҳмат. Хўш... Мўминжон, мутлақо хавотир олманг, ҳалиги ишга озгина фурсат бор. Ўзим айтаман.

**Мўминжон.** Ташаккур, домла. Соянгизда ишласак, кам бўлмасдик, сиз ҳам домла, хурсанд бўлардингиз. Юзиғизни ерга қаратмайман!

**Қосимов.** Биламан, биламан.

**Хадича.** Ҳовуз бўйида жой тайёр!

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Ўша саҳна.*

*Мўминжон идиш-гастурхон йиғиштираётган хотинига ёрдам беряпти. Кечқурун. Ичкари хоналарда чироқлар ёқилган. Сўри тепасидаги катта лампочка ҳам ёниқ.*

**Мўминжон.** Домла, воя, мен сенга айтсам, жуда хурсанд бўлиб кетдилар. Профессорликка хужжатларни ҳам жўнатаверамиз дедилар. Боргунича муддати тўғри келиб қолади. Раҳмат, хотин, жоним, арзандам! *(Хотинини қучоқлаб ўпмоқчи бўлади, хотини йўқ демаса ҳам ўзини уялганга солади.)*

**Хадича.** Нарини туринг, нари туринг! Ҳамма ёғингиз ёғ бўлади. Нега энди хурсанд бўлмасинлар? Битта меҳмон кутиш шунчалик бўлади-да. Фақат бедана гўшти бўлмади, салос!

**Мўминжон.** Собор қил! У ҳам бўлади. Ҳей, менга қара! Боя ҳар жума келади, деб энсанг қотаётувди, ўғли ҳақида гап бошлаганидан кейин очилиб кетдинг. Маслаҳатларинг ёғдек ёқиб кетди. Қани айт, буёғи нима бўлади? Тагин қуда-анда бўлиб кетсак, нима дейсиз, деганингга бало борми?

**Хадича.** Бўлдими? *(Эр бошини қимирлатади.)* Аввало кемага тушганнинг жони бир. Кафедрани сизга берса, бу менинг ҳам фойдам. Демак, қўлимдан келгунича мен сизга ёрдам беришим керак. Эсанг қотган пайти, боя, булар эсимга келмабди. Сизга яхшилик қилмоқчи бўлган бечора бобойнинг бошига ташвиш тушибди. Нега ёрдам бермайлик. Ўғлини гапириши билан бир фикр ял этиб миямга келди. Амалга ошса ҳаммамизга фойда.

**Мўминжон.** Домламга яхшилик қилмоқчи бўлсан, хурсандман. Мени тушунганингдан, қаңдай даврда яшаётганимизга ақлинг етганидан бошим осмонда. Лекин менга айт, шу озгина фурсат ичида қиз топиш осон эмаслигини ҳеч ўйламадингми?

**Хадича.** Ўйладим.

**Мўминжон.** Хўп, қиз ким? Тусмолинг борми?

**Хадича.** Бор. Менга қаранг. Домлангизнинг аҳволи танг. Ўғлидан ажралай деб турибди. Тўғрими?

**Мўминжон.** Тўғри. Эшитдинг-ку ўзинг ҳам.

**Хадича.** Шундай экан, уни ёнида олиб қолиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Шундоқми. Домлангизни биласизми ўзи?

**Мўминжон.** Билганда-чи.

**Хадича.** Ундай бўлса... Битта машина ё пули. Участка ё икки хонали гишт уйдан квартира. Кабинет, йўқ, столовой ва ётоқхона гарнитурини. Импортний. Шунинг орасида ўз-ўзидан кўхнани ҳам топса бўлади. Кимсан академик. Та-ниш-билиш кўп. Ўн яшиқ шампан, ўн яшиқ арақ, шунча коньяк. Ўн қоп ун, ўн қоп гурунч-девзира. Ҳимм... кийим-кечак. Икки пар этик. Икки пар туфли. Ўн кийимлик атлас. Ўн кийимлик товар. Ўн кийимлик помбархит. Иккита чийбах-малдан кўрпа. Юз метр кўрпача, беқасамдан. Иккита уйга иккита яхлит гилам. Элик минг сўм пул.

**Мўминжон.** Булар нима?

**Хадича.** Қиз томонга бериладиган нарсалар. Эскича қалин дейишадими? Адо бўлсин ана ўша. Йигит аҳволи, зарурат, қолаверса ошна-оғайни, таниш-

билишлари орасидаги обрўларини ўйлаб, домла шу нарсаларни қизга беришлари керак.

**Мўминжон.** Ким ўзи қиз? Шунча нарсага арзийдими ўзи?

**Хадича.** Опангизнинг қизи Маҳфузани айтяпман. Шунча нарса бегонага кетмасин деяпман-да!

**Мўминжон.** Оббо хотин-эй! Ақлингга, тезкорлигингга қойилман. Жиним мутлақо эсимга келмабди-я. Институтга кирган шекилли.

**Хадича.** Энди ўнинчини битирди. Бу йил ўртоқлари билан бутун синф бўлиб қишлоқда қолишга қарор қилишган. Карима опам ҳам хурсанд бўладилар. Бундай қуда, бундай бойлик оёқ остида ётмайди. Тагин ўзингиз биласиз. Маҳфуза сизнинг жиянингиз. Бир кун келиб, мабодо бирон нарса бўлиб қолса, мендан домангир бўлиб юрманглар. Мен ҳаммамизни ўйлаяпман. Лекин биринчи гал Маҳфузанинг келажаги билан сизнинг ишингизни ўйлаяпман. Ҳайронман, қандай қилиб Маҳфуза эсимга тушиб қолди? Нега уни ўйлаб кетдим? Ўзимнинг жияним йўқ-да. Бўлганида ҳам аввало Маҳфузани ўйлардим. Уни яхши кўраман. Кўз олдимда бахти очилишини кўргим келяпти. Хўш, нима киламиз?

**Мўминжон.** Гап мундоқ. Эртага кечқурун опамларникига, қишлоққа меҳмонлар боради. Сен эса бугун, ҳа, бугуноқ жўнайсан. Харажатлар менинг бўйнимда. Опамни тинчит, хурсанд қил. Бўлажак куёвни ҳам бир ўйнатиб келаемиз. Қишлоқ, ўзбек қишлоғи қандай бўлишини кўриб келсин.

**Хадича.** Қанча одам бўлади?

**Мўминжон.** Домла бунақа ишларга кўпчиликни аралаштирмайдилар. Келинойим билан ўзлари. Куёв бола. Сен ва мен. Опам ва... яна бир-икки обрўлироқ одам. Тўй бўлишини, қишлоқи бир қизни академик келин қилаётганини билишсин.

**Хадича.** Аввал қизни кўришсин.

**Мўминжон.** Маҳфуза фаришта. Домла кўришлари билан маҳлиё бўлиб қоладилар. *(Хиргойи қила бошлайди, сўри ёнбошидаги дуторни олади.)*

Жонон... жопон, бир кўрдиму,  
маҳлиё бўлдим сенга!

*Хадича эркаланиб ўйинга тушади.*

### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

*Паркент. Кенггина озода ҳовли.*

*Карима опа сўри устида ҳамир қораяпти.*

*Хадича кириб келади.*

**Хадича.** Карима опа, тандирингиз оқарай деяпти.

**Карима опа.** Улгураммиз. Бир зувала тандир сомса ҳам қиляяпман. Варақи ўз йўлига. Тандирники бошқача бўлади. Келин... Хадича!

**Хадича** *(идиш-товоқ артаётибди)*. Лаббай?

**Карима опа.** Нима бўляпти ўзи? Укам нима ғалвани бошлаб келяпти? Бундоқ, тузукроқ гапириб берсангиз-чи!

**Хадича.** Укангиз ғалвамас, хурсандчилик бошлаб келяпти. *(Катта йўл сумкадан ичимлик шишаларини олиб арта бошлайди.)* Устозлари бор. Донғи кетган. Эшитгандирсиз. Кўрган бўлсангиз ҳам керак бизникига борганингизда.

**Карима опа.** Билмадим. Балки. Хўш шу академик келадими?

**Хадича.** Шу академик келади. Шундоқ еб кетарга, меҳмонга эмас, совчи бўлиб келади. Опа, ишонмаяпсизми? Неча марта айтдим келганимдан бери.

**Карима опа.** Ишонгим келмаяпти-да! Шундоқ шаҳри азим Тошкентдан қиз қидириб бизнинг уйга, қишлоққа келаётганига ишонмаяпман. Бир марта келмаган бўлса, бир марта кўрмаган бўлса! Тўхтаган! Бу ёшларнинг ўзи хуфя келишиб қўймаганмикан? Маҳфузага ҳеч бу қилиқ ўхшамайди.

**Хадича.** Йўқ, Карима опа. Ёшлар бир-бирини билишмайди.

**Карима опа.** Тавба. Буёғи қизиқ. Билишмаса, нега бу оворагарчилик? Шундай замонда... бундай харажат укамга нега керак бўлиб қолди?

**Хадича.** Жигар-да, жигар. Академик устозлари ўғлини уйлантирмоқчи. Мўмин-

қобил, ақли, маънили қиз бўлса деб, укангизга маслаҳат содди. Шунда менинг... укангизнинг эсларига Маҳфуза келди. Опа! Буни нимаси ёмон? Севиниш керак. Бундай бадавлат, таги кўрган одамлар ҳозир кам. Кейин мен сизга айтсам, бу одамнинг даромади ўткинчи эмас, умрбодга! Кўпайса кўпаядики, камаймайди.

**Карима опа.** Қанақа даромад?

**Хадича.** Аниқ билмайман. Ҳозир ҳеч ким ўз даромадини очик айтмайди, беркитади. Ҳалиги ер юткур рекетлар чиқиб қолган.

**Карима опа.** Улар ким бўлди?

**Хадича.** Юзига лайпоқ тутган ўғрилар. Бола ўғирлаб пул сўрайди. Қиз ўғирлаб пул сўрайди. Ўзингизни ҳам ўғирлаб кетиши мумкин. Юз минг, икки юз минг сўрайди. Яшшамагурлар. Инсофсизлар! Нима деятувдим? Ҳа, академиклигига минг сўм олади, балки икки миңгдир. Укангиз яхши билади. Иккита институтда консультант. Бу ҳам минг сўмдан икки миңг. Иккита СПда фахрий аъзо.

**Карима опа.** СП нимади?

**Хадича.** СПми? СП чет эллик фирмалар билан қўшма корхона. Бу ерда ҳам камида икки миңг сўми бордир? Бу юзадагиси, ҳамма биладигани. Билмаганимиз қанча? Фақат яратганининг ўзига маълум. Яна бир қизиқ нарса. Пули икки хил. Бир қўлида ўзимизники бўлса, иккинчи қўлида валюта — доллар дейсизми, динор дейсизми, иенами, ҳаммаси бор. Шуларни ўйлаб, менинг ҳам хаёлимга дарров Маҳфуза келди.

**Карима опа.** Маҳфуза энди мактабни битаради-ку, Хадичахон. Ҳали олдида институт турибди шундоқ. ТошМИга кираман дейди. Шунга ёрдам беринг, айланай. Турмуш қуриш қочиб кетмайди. Жуда бўлмаса, учинчи ёки тўртинчи курсга етиб олсин.

**Хадича.** Турмуш қуришни ҳеч эрта-кечи йўқ. Лекин қиз бола бахт қуши елкасига қўниб турганда учириб юбормаслиги керак. Ўқиш бўлаверади. Ҳамма гап бошда, хоҳишда. Айтгандек, Маҳфузанинг ўзи қани?

**Карима опа.** Фермага кетди. Ўнта соғин сигир олган. Меники билан ўттизта бўлади. Ўн бешта бузоқ. Иш кўп. Лекин даромади ҳам кўпайди.

**Хадича.** Қанча?

**Карима опа.** Менинг ойлигим беш юздан ошади. Қизимшики икки юз эллик сўм атрофида. Опа-болага ҳар ҳолда етиб турибди. Аммо ҳеч нарса ололмаяпмиз. Анави кунни ярмарка келувди. Чайқовчи-ку майли, оғзига келганини сўрайверади. Магазинда битта аёлларнинг этиги минг сўм. Уялишганидан магазинни номини комиссиянинг қўйиб олишибди. Инсоф деган нарса йўқ.

**Хадича.** Шундай, Карима опа. Турмуш жуда оғирлашиб кетди. Лекин одамларда пул кўп.

**Карима опа.** Куёв бола ҳам келадими бутун?

**Хадича.** Буни билмадим. Келди нима-ю, келмади нима. Ҳамма гап отада. У киши, Шокир ака нима десалар шу бўлади.

**Карима опа.** Шундоқку-я, лекин ёшлар бир-бирлариши бир кўришса бўлармиди дейман-да. Маҳфуза жуда ўжар эмас. Лекин позик, ўзига анчагина ҳурмати баланд қиз бўлиб ўсган. Дили оғриб қолмасин дейман-да. Кейин... Кейин... ким билади ҳали... Мен-ку сезганим йўқ, кўча-кўйдан ҳам бирон гап етиб келгани йўқ қулоғимга. Гаплашиб қўйган йигити бўлмасин тагин? Билмайман. Паркатда келишган йигитлар оз эмас. Маҳфузанинг ўзи ҳам кейинги бир-икки йилда жуда кўҳлик бўлиб кетган. Билишимча, синфларида ўн олти боладан тўққизтаси ўғил.

**Хадича.** Биронтаси билан кўз уриштириб қўйган дейсизми?

**Карима опа.** Билмасам? Тахмин қиляпман-да.

**Хадича.** Ҳечқиси йўқ. Тоҳир-Зухралар даври ўтиб кетган. Ҳозир латта-путта, атр-упа даври. Кимда шу кўп бўлса, кимда пул кўп бўлса, қизнинг яхшиси ўшаники. Академик Қосимовнинг Москвада ўқиётган ўғли қаёқдаю қишлоқи йигит қаёқда?! Лекин майли, сиз айтгандек бўлсин. Иккаловини учраштирайлик. Кўришини бир-бирини. Ўйлашсин...

**Карима опа.** Ўргилиб кетай сиздан! Елкамдан тоғ ағдардишгиз. Ўтмиш замонлар ўтиб кетган. Қизим бояқиш мендан ўқсиб юрмасин. Отаси тирик бўлганда ҳам майлиди.

**Хадича.** Во-ей! Поччамнинг ўлимларини эсласам, этим жунжикиб кетади.

**Карима опа.** Пешонасига шу ёзилган экан. Қаердан трактор чиқа қолди-ю,



қаердан мотоциклга урилди. Аравасидаги касал ўртоғининг омон қолганини айтмайсизми! Бир жойи лат емабди. Кўргулик. Раҳматли Маҳфузани жуда яхши кўрарди. Нарги дунёда мендан поризо бўлиб юрмасин. Иккаловини кўришти-райлик. Ана ундан кейин нима бўлса бўлди.

**Хадича.** Бўпти. Менга қўйиб беринг бунни. Шундоқ қилайки, кўрасиз, иккало-ви бир-бирига елимдай ёпишади-қўяди.

**Карима опа.** Барака топинг. Укамнинг шошма-шошарлиги бор. Сиз анча босиқ, оқил одамсиз. Биттагина қизим. Гард юқтирмай ўстирдим. Бахтли бўлсин дейман-да.

**Хадича.** Ҳаммамиз ҳам шу-да! Академиклиги ўзига, даромади ўзига. Маҳфуз-захонга ўтсин шулардан деяпмиз-да. Мени укангиз шунча нарса билан сизни-кига югуртиргани шунинг учун-да!

**Карима опа.** Раҳмат. Кам бўлманглар, илоё!.. Дастурхонни қаерга ёзамиз?

**Хадича.** Ичкарига. Катта уйингизга. Фотиҳа ўша ерда ўқилгани маъжул. Исиб кетишганда ҳовлига олиб чиқамиз. Унгача салқин ҳам тушиб қолади. Ўрикнинг тагига солақоламиз жойни. Баҳаво, текис. Ҳовли кафтдек кўрилади. Бунинг ҳам кераги бор. Шоқир ака тушмагур, бизни-ку билади, ўғлим қаерга куёв бўляпти, деб ўтирмасин. Ҳовлининг яхши. Баъзилар уйнинг тагигача экин қилиб юбори-шади. Гўнг, пашша!.. Одам ўтиргандек бўлмайди. *(Қулоқ солагу.)* Машинанинг овози келаяпти. Ҳа, "Волга"нинг овози. Бу укангиз. Ўзлари бир кўрмасалар, кўнгиллари жойига тушмайди. Опа, сиз хавотир олманг. Ҳамма ишимиз жойида кетаяпти.

*Мўминжон кириб келади. Икки қўлида иккита пакет.*

**Мўминжон.** Ҳорманглар! Ҳорманглар! Опа! Хурсандмисиз? Сўрамасдан бос-тириб меҳмон олиб келаяпман. Тагин қанақа меҳмон?! Хадича айтгандир?

**Карима опа.** Айтди, айтди. Доим тўполон бошлаб юрганнинг юрган! Ўзинг яхшимисан? Меҳмонларинг қани?

**Мўминжон.** Ҳозир олиб келаман. Тайёрмисизлар?

**Хадича.** Ҳаммаси тайёр. Фақат ошнинг гуручини ўзингиз соласиз.

**Мўминжон.** Бўпти! Мен кетдим бўлмаса. Ажойиб кулгу устаси Миршоҳид Мироқилов айтганидек, бориш элик минут, келиш элик минут, ҳаммаси бўлиб, бир соатдан кейин меҳмонлар шу ерда бўлишади! *(Опасига.)* Қишлоқдан тузук-роқ меҳмон айтганмисиз? Ҳа, шундай бўлсин. Бизнинг кимлигимизни кўриб қўйишсин. *(Кетагу.)*

**Карима опа (кулиб).** Болалигида ҳам шундай бир қоп ёнғоқ эди, ҳозир ҳам шундай. Ҳеч ўзгармаган. Омон бўлсин ишқилиб.

*Мўминжон қайтиб келади.*

**Мўминжон.** Маҳфуза уйдами?

**Карима опа.** Фермада. Менинг ўрнимга чиқиб кетган. Ҳали замон келиб қолади.

**Мўминжон (қўлидаги қутичани бериб).** Мендан. Мактабни битирганига. Янаги йили ТошМИга кираётганига!

**Карима опа.** Раҳмат. Боши осмонга етади кўриб. *(Мўминжон кетагу.)* Тавба, укам тушмагур мунча меҳрибон бўлиб қолди жиянига? Келинпошша ҳам. Нима бўлса ҳам майли. Қариндош қариндошга тортади. Ёмонликни раво кўрмайди. Тагин етимга ёмонликни раво кўрармиди? Лекин укам бир нарсани бекорга қилмайди. Майли, қанча шу ишдан фойда қилса қилаверсин. Менга барибир. Фақат зарар келтирмаса, етим бечора билан мени нотўғри йўлга солмаса, бе-бахт қилмаса бўлди!..

*Хадича киради.*

**Хадича.** Нима деяпсиз, опа? Кулчаларни ҳам ясаб бўлибсиз-ку? Бунча чи-ройли?! Тандир тайёр. Учоққа, шўрваннинг тагига қараб қўйдим. Милтилаб қайнаяпти. Гўшт ҳил-ҳил бўлиб турибди, тўкилиб кетай деб. Қазни ҳам тайёр. Олиб қўя қолдим қозондан. Тўғри қилибманми? Фақат мантини тугиш қолди. А, опа, ўзингиз нималарни ўйлаб кетдингиз?

**Карима опа.** Э, Хадичахон! Топиб келган гапларинг, қилаётган ишларинг

ўйлатмай қўярмиди? Қўлим ишда-ю, хаёлим қизимда. Унинг келажагида. Шўр пешона бўлиб қолмасин дейман-да. Менга давлатнинг, ур-сур тўполоннинг кераги йўқ. Ўқиса, ўқишига яраша иш топиб ишласа... Мен ёнида болаларини боқсам. Бошқа менга ҳеч нарсани кераги йўқ. Ҳамма бойлар ҳам бахтли бўлавермаган. Йиғи-сиғи, тўполон шуларнинг уйдан кўпроқ чиққан, камбағалникига қараганда.

**Хадича.** Опа! Шокир ака бунақа бойлардан эмас. Шокир ака академик бой, ҳалиги ўқиган бой. Бир оғиз гап билан ҳар қанақа жанжални тугатиб юборади. Иннайкейин, нега энди тўполон бўлар экан. Маҳфуза эслик қиз. Ҳеч қанақа тўполонга йўл қўйдирмайди. Куёв болани дарров жиловлаб олади. Э, опа, ҳозирги қизлар бало! Академикнинг номини эшитиши билан ўзиям ҳиқиллаб қолади, тўйни тезлаштиринг деб. Мана, мани айтди дейсиз.

**Карима опа.** Маҳфуза ҳали шунақа...

**Хадича.** Ёмон демоқчимасман. Замонамизнинг қизи демоқчиман, холос.

**Карима опа** (*ҳовлига қараб*). Вой! Келишяпти шекилли? Йўлақда домла кўриндилар. Мўминжон! Мўминжон қани?

**Хадича.** Ҳовлиқманг, опа. Укангиз ҳозир келиб қоладилар. Қолган меҳмонлар ҳам келади. Қизингиз қани? Маҳфуза сал ўзига қараб, кийиниб олса бўларди! (*Карима опани кўрқув босади.*) Жуда бўлмаганда Шокир ака кўришлари керакда уни! Боринг, биронтадан айтириб юборинг! (*Карима опа кетади.*) Тавба! Шундай содда одамларнинг ичидан Мўминжон акаинг чиққанига ҳайронман.

## ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

*Карима опанинг ҳовлиси. Меҳмондорчилик кетаётган уй томондан академик Қосимов, қишлоқ имоми Салимхон домла бирин-кетин чиқишади.*

**Салимхон.** Тоғ-тоғ билан учрашмайди, аммо одам одам билан тўқнаш келади. Хўп доно гап-да, устоз? Мана мен ўша ТашГУнинг физматига ўқиб юрганымда сизни кўришни орзу қилган эдим. Ўтгиз ёшида фан доктори, ўтгиз бешда академик... Ҳар кимга ҳам бу обрў насиб қилавермайди. Яшанг, устоз. Элимиз бахтига умрингиз узоқ бўлсин. Буни қаранг, дорилфунун остоналарида қоқилиб юрганымда эмас, хайрли иш билан ўзингиз қишлоғимизга келганингизда орзуим ушалди. Фақатгина кўриш, табаррук қулингизни қисиш эмас, Олоҳ неъматларига тўла дастурхон атрофида ёнма-ён ўтириб суҳбат қуришдек шарафга муясар бўлдим.

**Қосимов.** Хўш, домла, Салимхон, янги масжид қурилиши қалай? Боя гап орасида бироз қийинчиликлар бор деятувдингиз. Қацдай қийинчиликлар? Маблағми? Материалми? Ё ҳужжатларми?

**Салимхон.** Матирёл. Пишган оқ фишдан қурувчиларимиз қийналишяпти. Бўкадан ўн минг келадиган. Кам. Оқ тунука топилмай турибди. Ровоннинг устига. Яна...

**Қосимов.** Менга ёзиб беринг бир парча қоғозга. Хаёлдан кўтарилиб кетиши мумкин. Гаплашиб кўраман. Натижасини Мўминжон етказади. Ажаб эмас, худо хоҳласа, Паркент иккинчи юртимиз бўлиб қоладиганга ўхшайди.

**Салимхон.** Ниятингизга етинг, устоз. Карима опа ниҳоятда бамаъни аёл. Қизи, Маҳфуза ҳақида фақат яхши гаплар эшитамиз. Илоҳим ўғлингиз, энди бизнинг ҳам ўғлимиз, ўша билан кўша қарисин. Устоз, етим болага меҳрингиз тушиб, уни келин қилмоқчи экансиз, муқаддас китобларда ёзилганидек, бирингиз минг бўлади.

*Меҳмонхонадан район милицияси бошлиғи, милиция майори Алимов билан Мўминжон чиқишади.*

**Алимов.** Суҳбатингизни бўлмадикми, тақсир?

**Салимхон.** Айни вақтида келдингиз. Мен бир дуони хаёлимдан ўтказиб турган эдим. Карима опанинг жуфти ҳалолларини фожиали ўлим олиб кетди. Жойи жаннатда бўлсин. Мен етим қизни эслаб, уни ўз уйларига ўз қизларидай иззатикром билан олиб кетмоқчи бўлган устозимизни бир дуо қилмоқчиман.

**Қосимов.** Салимхон, қўйинг, раҳмат. Ёшлар бахтли бўлса бўлди!

**Салимхон.** Йўқ. Сиз ҳам уларнинг бахтини кўринг. Қани, омин! Ёшлар қўша қаришсин, уйларидан барака кетмасин. Нимаки орзу қилишган бўлса, орзула-

рига етишсин. Акамиз, улуғимиз, ҳаммамизнинг обрўйимиз устоз Шокир акамиз узоқ умр кўрсинлар. Елкаларига гард юқмасин. Оллоху акбар!

**Алимов.** Баракалла! Шокир ака, аммо лекин қойилман сизга. Бир-икки кун кечикканингизда Маҳфузани ўзим келин қилиб олардим. Дилимга туғиб қўювдим. Майли, бахтли бўлсин. Мен сиздек одамга қиз бўлаётганидан хурсандман. Отаси билан ўртоқ эдик. Раҳматли яхши одам эди.

*Чой кўтариб Маҳфуза келади. Эгнида енглари кенг атлас кўйлак, жиякли узун иштон, сочлари узун қилиб ўрилган, тақимига тушиб турибди.*

**Маҳфуза.** Ассалому алайкум. Тоға, меҳмонлар ичкарига киришармикан ё чойни сўрига элтиб қўяйми? Памил чой ҳам дамладим.

**Қосимов.** Баракалла! Раҳмат, қизим. Памилни биз ичамиз. Сўрининг устига қўя қолинг.

**Мўминжон.** Шундай қилақол, жиян. Боравер.

**Маҳфуза тисарилиб кетади.**

**Қосимов.** Мўминжон! Раҳмат. Бугун мен ўзимни бахтлиман, десам бўлади.

**Алимов.** Шак-шубҳасиз, домла! Битта қиз бўлса шунчалик бўлади. (*Салимхонга.*) Таксир, бизга рухсат берсинлар? Хизматдаги одаммиз.

**Салимхон.** Бирга кетамиз. Менинг ҳам бир-икки борадиган жойларим бор. Дўстим Мўминжон! Карима опани чақиринг.

**Мўминжон.** Ҳозир. Утирибсизлар-да.

*Кетади. Ичкаридан Карима опа ва Хадича чиқади.*

**Карима опа.** Нега турдинлар? Озиб-ёзиб бир марта келувдинлар. Бирпас ўтиринлар.

**Салимхон.** Раҳмат. Одам кутиш сизнинг жони-дилингиз, Карима опа. Ниятларингизга етинг. Дастурхонингиз ҳар доим мана шундай тўкин-сочин бўлсин. Қизингиз атагани билан қўша қарисин. Оллоху акбар!

*Фотиҳа ўқиб кетишади, Карима опа уларни кузатиб чиқади. Қосимов Мўминжоннинг қўлини ушлайди.*

**Қосимов.** Мўминжон, яна бир карра раҳмат. Зиёфат ҳам зўр бўлди. Энди буёғини тезлаштиринг. Бир ҳафта вақтимиз бор. (*Бир пачка пулни Мўминжоннинг қўлига солиб қўяди.*) Аяманг. Қанча сарф бўлса бўлсин. Ўғлим учун, унинг бахти учун ҳеч нарсани аямайман. Келишдикми?

**Мўминжон.** Хўп бўлади, устоз. Сиз хотиржам бўлинг. Буёғини келиштирамиз.

**Қосимов.** Мен ҳам кетдим. Опангиз қанилар? Хайр.

*Кетади. Хадича эрининг ёнига келиб, қўлига қўл солади.*

**Хадича.** Қанча экан?

**Мўминжон** (қўлини маҳкам босиб). Ўн мингга ўхшайди. Бу розиликнинг баҳоси. Қолгани олдинда ҳали! Хадича! Ишимиз хўп ўрнидан келдими?

**Хадича.** Унутманг! Индинга келин-куёвни бизникида учраштирамиз. Опангизга айтинг, Маҳфузани албатта юборсинлар. Меҳмонлар келадиган, менга қарашади, дедим мен. Сиз ҳам гапни битта қилинг.

**Мўминжон.** Бўпти. Айтганингдек қиламан. (*Қўлидан пачкани олиб.*) Ма, сенда турақолсин.

**Хадича.** Энди ўзингизга келдингиз!..

## БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

*Карима опанинг ҳовлиси. Оқшом. Она-бола меҳмонлардан кейин уй йиғиштираяпти. Карима опа ювилган идиш-товоқларни артаяпти, Маҳфуза ёстиқ, кўрпачаларни тахтлаяпти.*

**Маҳфуза.** Опа, тинчликми ўзи? Адамнинг йилларидан кейин мана, неча йил

ўтди, ҳеч бизникига бунақа катта одамлар келмаган эди. Сотиболди ака, милиция бошлиғи, ўшандан бери энди кирди шекилли? А, опа, тинчликми?

**Карима опа.** Тинчлик қизим, онада-сонда бўлсаям уйга меҳмон келиб туриши керак. Кавақларда, бурчак-бурчакларда ётган инс-жинслар тарқаб кетади меҳмон келса. Ўтганларнинг арвоҳи шод бўлади.

**Маҳфуза.** Демак, бугун адамларнинг арвоҳлари шод бўлди.

**Карима опа.** Ҳа. Қандоқ одамлар келди бугун: адангнинг ўртоқлари, тоғанг, тоғангнинг устози, имом-хатиб!.. Адангни руҳи шод бўлганда қандоқ, жудаям шод бўлди.

**Маҳфуза.** Ўзингиз ҳам подшоларни кутгандек кутдингиз. Хасиб, манти, ош, сомса! Нонингиз жудаям ширин бўлибди. Шунча нарсани қаердан олдингиз, опа? Ё йиғиб юрувдингизми?

**Карима опа.** Тоғанг қилди ҳаммасини. Бепарвосан-да, келинойинг бир кун олдин келиб бошлаб юборди-ю, ҳамма ҳаракатни. Барака топсин! Бирам эпчил! Битта ўзим қийналиб қолардим.

**Маҳфуза.** Тоғам қилган бўлсалар, тавба, ўзлариникида қилиб қўя қолмайдиларми?

**Карима опа.** Ҳамма ҳаракат сени деб бўлди-да, қизим!

**Маҳфуза.** Мени деб? Нега?

**Карима опа.** Тоғангнинг устози, Шокир ака совчи бўлиб келди сенга!

**Маҳфуза.** Анави академик-а?

**Карима опа.** Ҳа.

*Маҳфуза шарақлаб кулиб юборади. Кейин бирдан жигдйлашади.*

**Маҳфуза.** Нега менга айтмадингиз?

**Карима опа.** Мана, айтаяпман-ку!

**Маҳфуза.** Йўқ, олдин менинг хоҳишимни билишингиз керакмиди?

**Карима опа.** Хоҳишингни албатта билишим керак. Лекин элчига ўлим йўқ дейишади. Келмоқчи экан, келди. Тагин ўртада тоғанг турибди. Қандоқ йўқ дейман? Кейин, нима, бирон жойингда ямоғинг бормиди, сени беркитаман?

**Маҳфуза.** Шунинг учун нуқул чой ташиттирган экапсизда менга?! Кўнглим ўзи бир нарсани сезувди. Хўш... Мол ёқибдими?

**Карима опа.** Ёққанда қандоқ? Ўзидан кетай деб қолди.

**Маҳфуза.** Нима, ўзи уйлапмоқчими менга?

**Карима опа.** Тилинг мунча заҳар, Маҳфуз?! Эсимни ебманми сени қари чолга бериб? Ўғли учун келган. Оти Фарҳод. Москвада ўқиркан.

**Маҳфуза.** Кўрмади шекилли? Ё девор орқасида туриб кўриб кетдимми?

**Карима опа.** Мазох қилма мени. У келгани йўқ. Отаси, Шокир аканинг ўзи хабар олайчи, деб келибди-да. Бундай одамларнинг боласи отаси нима деса шуни қилади.

**Маҳфуза.** Нима қарорга келдинглар? Узатасизларми мени ўша Фарҳод деган йигитга? Москвага олиб кетса ҳам розисиз. Шундайми? Ташлаб кетса ҳам уйига номига хотин деб, розисиз? Тўй қачон экан, тўй? Балки уни ҳам келишиб қўйгандирсизлар? Салимхон домлани ҳойнаҳой ўша кунга никоҳ ўқитиш учун чақиргандирсизлар?

**Карима опа.** Жуда бунчалик тез кетма, болам. Сенинг бахтинг — менинг бахтим. Тоғанг, келинойинг шу одамни топиб келишди. Мен сўраганим йўқ. Бундай одамлар, бундай уй-жой, бисот кўчада ётмайди. Мен ҳамма нарсага зор бўлиб ўтиб кетаяпман. Худодан битта фарзанд сўраган эдим. Шуни худо берди. Сени туққанимдан бошим кўқда. Уззу-кун хаёлим сенда. Ажаб эмас, шу Шокир аканинг ўғли худонинг сенга атагани бўлса! Кеча тушимга ҳам кирмовди бу одам. Мана бугун қудалик сўрови билан келибди. Ўқишинг бўлаверади. Академик келишини ўқитмай, уйда ўтқазиб қўярмиди?!

**Маҳфуза.** Опа! Менинг ҳам розилигимни оласизларми? Ё қўл-оёғимни боғлаб мен истамаган, ҳатто кўрмаган одамникига ташлаб келаверсизларми?

**Карима опа.** Вой, болам, нима деяпсан ўзи? Сен нима десанг шу. Фақат сенинг келажагинг онанг, менинг бўйнимдаги қарз. Турмушинг яхши бўлсин, қандай оғир замонлар келаяпти, менсиз бир бурда нонга зор бўлмай яшагин деяпман-да. Шокир аканинг ўзига бундай эътибор бердингми? Ипақдай, гаплари лўнда-лўнда, маънили, камтарлигини айтмайсизми академик бўлса ҳам. Бундай одамларни ҳозир кундуз кундаям чироқ билан топиш қийин. Шунга кўнглим

кетиб турибди. Ўғли ҳам отасига ўхшаган бўлса бахтинг очилиб кетади. Тагин ҳал қиладиган сен. Нима десанг шу бўлади. Тоғанга тайишлаб қўйдим. У ҳам шу фикрда. Индинга борсанг, келинойнинг албатта айтади, ҳамма гап сендалигини. (Маҳфуза кўча томон йўл олади.) Қаёққа?

**Маҳфуза.** Ҳозир келаман. Мунирларшикига чиқиб келай. Ишим бор.

**Карима ота.** Кеч қолиб кетма (Ўзича). Болам бояқиш ўйлашиб қолди. Рост-да, нега энди билмаган, кўрмаган одамга тегиши керак экан? Ер ютсин бойликни! Бойлик деб, пул деб, не-не қизлар жувонмарг бўлиб кетган. Йўқ, мен қизимни шундоқ укамнинг гапи билан берворавермайман. Академик бўлса ундан нари. Маҳфуза нима деса, шу бўлади! Содда хотин, содда хотин, кўнгил берган йигити борга ўхшайдими қизингни?! Пайқамадингни, қапча гапирма, академик билан ҳеч қизикмади. Наҳотки, зумрашанинг йигити бўлса?

## ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

*Соё бўйи. Мажнунтол тағига Маҳфуза ўтирибди. Кимнидир кутаяпти. Бевозта, олазарак. Олисдан оёқ товуши, йўтал эшитилади. Маҳфуза ўзини панана олади. Тоҳир келиб, ҳозиргина Маҳфуза ўтирган жойга ўтириб, сигарет тутатади. Маҳфуза пайдо бўлади.*

**Тоҳир.** Чақиртирган одам вақтида келади-да.

**Маҳфуза.** Кечирасан. Анча бўлдими келганингга?

**Тоҳир.** Иккита сигарета чекиб бўлдим.

**Маҳфуза.** Кечирим сўрадим, бўлдими? (Елкасига бошини қўяди, Тоҳир секин четга сурилади.) Бугун ҳам кеч келдингларми?

**Тоҳир.** Ҳа. Бунинг устига олти хоналик уйинг сувоғи чиқиб қолди. Фақат биз суваб берармишмиз. Бориб кўриб келдик.

**Маҳфуза.** Даданг яхши сувоқчи. Ҳамма мақтайти.

**Тоҳир.** Яхшиликка яхшилар. Аммо савдолашмайдилар. Ўрта ҳисобда олаверадилар. Бошқа усталар бир сўм устида ўлиб қолади.

**Маҳфуза.** Шунинг учун ҳам талашсизлар. Дадангни кутишади.

**Тоҳир.** Шунинг учун ҳам уйда ҳеч вақо йўқ. Жонга теғди муҳтожлик. Меҳмон кутдиларинг шекилли?

**Маҳфуза.** Вой, эсим қурсин. Бирон нарса олиб чиқсам бўларкан.

**Тоҳир.** Қорним тўқ. Боя борган жойимизда ош қилишган экан. Қўйишмади. Маҳфуза, нега чақирдинг? Бугун чиқмоқчимас эдинг-ку?

**Маҳфуза.** Кўргим келди. Айниқса меҳмонлар келишганда. Ўшаларнинг орасида сен ҳам бўлсанг қандоқ яхши бўларди?!

**Тоҳир.** Нима, ёшлар ҳам бормиди?

**Маҳфуза.** Йўқ. Ўзим айтаялман-да.

**Тоҳир.** Нега келишди меҳмонлар?

**Маҳфуза.** Бўйи етган қизли уйга меҳмонлар нега келади?

**Тоҳир.** Э, бўлди... Сени кўргани келишибди-да. Тоған олиб келган бўлса керак. Хўш, қалай, ёқдингми?

**Маҳфуза.** Бўлмасам-чи! "Минг бир кеча"да бор бунақа қиз холос, деб кетишди.

**Тоҳир.** Демак, тўй ҳам яқин экан-да?

**Маҳфуза.** Ё етти кундан кейин, ё етти ҳафтадан кейин...

**Тоҳир.** Ҳа... Буюрсин... Куёв бола ким экан?

**Маҳфуза.** Академикнинг ўғли. Москвада ўқир экан. МГУда.

**Тоҳир** (янги сигарета тутатади). Нега... нега менинг онам турмадиган илгари? Ё амалдор, ёки доктор сингари? Афсус, кечикиб туғилдик ва касбимиз сувоқчи! (Шеър қилиб, қишлоқ билан айтади.)

**Маҳфуза** (туртади) Ўнта академикдан битта сувоқчи афзал менга! Эшитдингми?

**Тоҳир.** Нимани?

**Маҳфуза.** Ҳазалкентда биз тенги бир йигит билан қиз яхши кўришаркан бири-бирини. Қизнинг ота-онаси бошқа одамга турмушга бермоқчи бўлган экан, қолиб кетишибди. Милиция билан қидириб ҳам топишолмабди. Бир йилдан кейин қўларда Ҳасап-Ҳусан болаларни кўтариб ўзлари кириб келишибди. Бўпти хурсандчилик, бўпти хурсандчилик! Иккала ота-она икки кун бутун қишлоққа тўй қилиб беришибди. Эшитмадингми?

**Тоҳир.** Қачон бўлган экан шу?

**Маҳфуза.** Беш йилми, шунақа. Солиҳа айтувди.

**Тоҳир.** Тоҳир-Зухра бўлиб кетишган экан-да, қочиб кетишган бўлса.

**Маҳфуза.** Ҳомони? Одам севса шунақа севса-да! Тоҳир... Агар... мен ҳам шу бугун қочиб кетайлик, десам йўқ дермидинг?

**Тоҳир.** Аввало биз қочиб кетмаймиз. Ҳожат йўқ қочиб кетишга. Нима, опанг менга турмушга чиқмоқчи бўлсанг, йўқ дермидилар?

**Маҳфуза.** Йўқ демайдилар.

**Тоҳир.** Бизникилар ҳам сени яхши билишади, яхши кўришади. Зўрлаб сени бировга беришса бошқа гап эди. Анали... академик чиндан ҳам совчи бўлиб келибдими?

**Маҳфуза.** Ҳа. Тагин жуда шошилишч. Бугун, эртаёқ тўй қилиш нияти бор.

**Тоҳир.** Академикка битта тўй нима деган гап! Уйи ҳам етарли бўлса керак, ё тайёр участка ҳам қилиб қўйгандир? Балки йўқ демасан? Менинг аҳволимни биласан-ку? Икки уй, бир айвонда саккиз жон турамыз. Уйланадиган бўлсам, уй қуриб чиқиб кетишим керак. Бу ўзи бўлмайди. Тўй ҳам ўзи бўлмайди. Мени кутадиган бўлсанг, беш-олти йил кутишим керак.

**Маҳфуза.** Биламан. Шунинг учун... Тоҳир... юр, анали фазалкентликлардек, бир йил-ярим йилга қочиб кетамиз. Қўқонгами, Намагангами... Ижарага битта хужра олиб турамыз. Ушатдан институтга кирамыз. Битирганимиздан кейин еганимиз одимизда, емаганимиз ортимизда, маза қилиб юрамыз. Хоҳласанг, яна қайтиб келамиз қишлоққа. Тоҳир, а, нега ўйланиб кетдинг? Эсанг қотяптими гапларимга? Истасанг беш йил, истасанг ўн йил, қанча десанг кутаман, сени яхши кўраман. Лекин опам, тоғам, умуман қариндошлар жон-қолимга қўйишмайди. Ҳар куни етишмовчиликдан... турмушдан нолиб жонимга тегишади. Мен уларнинг гапига рози бўлмайман, хавотир олма. Лекин ўзимча, иккаламиз кетиб, кейинроқ эру хотин бўлиб қайтиб келсак, ҳаммамиз учун яхши бўларди демоқчиман-да.

**Тоҳир.** Ким дадамга қарашади? Йўқ, Маҳфуза, мен кетолмайман ҳозир. Ёнигарчиликкача дадамнинг ёнида бўлишим керак. Мени кечир-у, институтни битирганимизча кутолмасанг, ихтиёр ўзингда. Мен зўрлаб, сени ушлаб туролмайман. Лекин билиб қўй, мен ҳам сени яхши кўраман.

Нега мени онам турмадиган илгари,

Ишбилармон савдогарми, ё дўкончи сингари!

Айбим шуки, чўнтагимда жарақ-жарақ пулим йўқ,

Оёқ-қўлим лой ичида, касби-корим — сувоқчи!

*Даст ўрнидан туриб кетади.*

**Маҳфуза.** Тоҳир! Тоҳир, Тоҳир!

*Тоҳир қулоқ солмайди, Маҳфуза ёлғиз хаёл суриб қолади.*

## ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

*Мўминжоннинг ҳовлиси. Балағд, жимжимадор тахта сўри устида Мўминжон сизга кабоб тераяпти, Хадича зувала тугаяпти.*

**Мўминжон.** Аммо лекин, Хадича, ишни заб тезлаштирвординг-да. Бу зумраша, қишлоқи, домлага бирдан шунақанги ёқиб қолади, деб кутмаган эдим.

**Хадича.** Маҳфуза ўзи ҳам, апчадан бери кўрмовдим, оқи-оққа, қизили-қизилга тортилиб, чиройли бўлиб кетибди. Домлангизни сўлаги оқиб кетди кўриб.

**Мўминжон.** Қишлоққа бориб келганимиздан бери кўнглимнинг бир чеккаси ғаш эди. Лекин ҳозир, бундай ўйлаб қарасам, Хадича, тўғри қилибмиз. Ҳеч нарсага зор бўлмайди Маҳфуза! Тагида машина. Шаҳар ҳовли, дача... Битта келинга яна нима керак. Йўқ, хотин, нима бўлса ҳам бугун жиянни кўндирасан. Тегсин домланинг ўғлига. Гап менинг кафедра мудири ё декан бўлишимда эмас. Етим бечора ҳаёт қандай бўлишини бир кўрсин!

**Хадича.** Ташвиш тортманг. Кўп нарсаларни ўйлаб қўйибман. Бири қўл келмаса, иккинчиси қўл келади. Ишқилиб, бугун иккаловини, жиянингиз билан Фарҳодни бир-бирларига қулоқларини тишлатиб чиқариб юборсам бўладими?

**Мўминжон.** Яшасин, ўзимизнинг Хадичахон! Сиз борсиз, бизда ҳам йўқ! Яшанг!

## Маҳфуза келади.

**Хадича** (*уни олдин кўриб*). Вой ўзим айланай! Вой, бўйингдан опўси! Энди хавотир олиб турувдим. Келақол! (*Ўрнидан туриб, настига тушади, Маҳфузани кучоқлаб, пешонаси, юз-кўзидан ўпади.*) Опам яхшимилар? Ўзинг яхшимисан?

**Маҳфуза**. Салом деб юбордилар. Ассалому алайкум, тоға!

**Мўминжон**. Ваалайкум, жиян! Баракалла! (*Пешонасидан ўпади.*)

**Маҳфуза**. Кўпчилик бўладими, келинойи?

**Хадича**. Бизнинг меҳмонларни билиб бўлмайди. Баъзан айтганларинг ҳам келмай қолишади. Баъзан айтмаганларинг ҳам ёпирилиб келиб қолишади. Тайёргарлигим яхши. Битта келса ҳам, ўнга бўлиб келишса ҳам бош устига.

**Маҳфуза**. Мен нима қилай?

**Хадича**. Иш бошдан ошиб ётибди. Сен ичкарига кир. Менинг халатларимдан биттасини кийиб ол. Вой, бунча кўйлагинг чиройли?!

**Маҳфуза**. Опам ўзлари тикканлар.

**Хадича**. Карима опам бунчалар чеварлигини билмас эканман. Қўллари гул экан-ку, гул! Сен ҳам биларсан?

**Маҳфуза**. Ҳа, у-бу нарсаларни ўзим тикаман. Халатингиз керакмас, эски кўйлагимни олиб келганман.

**Мўминжон**. Овқат пайти ҳам бўб қопти. Кабоб қўйворсам, нима дейсизлар? Ўзимиз ҳам меҳмон-да!

**Хадича**. Сўрамасдан, қилавермайсизми? Вақт ҳам кетиб қолибди. Биров келиб қолиши мумкин ҳозир.

*Ҳовлида Фарҳод пайдо бўлади. Сوغда, аммо ниҳоятда замонавий кийинган, келишган йигит.*

**Фарҳод**. Мўминжон ака!

**Хадича**. Келаверинг, Фарҳод! Яхшимисиз? Мўминжон акангиз ҳозир келадилар. Ҳовлининг этагида кабоб қияптилар. Мўминжон ака! Фарҳоджон келдилар, келинг! Танишиб кўйинглар. Фарҳоджон, бу қиз Мўминжон акангизнинг жиянлари — Маҳфуза. Бу йил мактабни битирди. Кўпчиликка кўшилиб бир йилга қишлоқда қолди.

**Фарҳод**. Салом (*Маҳфузага қўл узатади. Маҳфуза ҳам унга қўлини берди*). Табриклайман.

**Маҳфуза**. Раҳмат. Лекин мен сизни нима билан табриклашни билмайман.

**Фарҳод**. Учрашганимиз билан табриклашингиз мумкин. Сизни кўрганымдан хурсандман.

**Хадича**. Ана, танишиб ҳам олдинглар. Маҳфуза, танидинг-а, академик Шокир аканинг ўғиллари Фарҳод.

*Мўминжон киради.*

**Фарҳод**. Ассалому алайкум. Ҳаммадан олдин келиб олибман шекилли?

**Мўминжон**. Суюкли меҳмон эрта келади. Салом, Фарҳоджон. Жуда яхши қилдингиз-да келиб.

**Фарҳод**. Одамлар келгунча қарашиб юборайлик. Мана, Маҳфузахон айтиб турадилар, биз нима иш бўлса қиламиз. Хадича опа нима дедингиз?

**Хадича**. Бошим осмонга етади.

**Фарҳод**. Аввал бир пиёла чой берсангиз.

**Хадича**. Хўп бўлади. Водопровод тагига шивилғонининг шарбатини қўйиб кўйганман. Шундан ҳозир ҳаммамиз тўйиб ичиб оламиз. (*Графинни олиб келади.*) Мана. Ўзим қилганман. Ширин эмас. Жуда чанқовни босади. Олинглар. (*У Фарҳод билан Маҳфузага пиёлаларни тўлатиб узатади. Ўзи ичмайди. Эрига сув туттади.*) Қалай?

**Фарҳод**. Раҳмат. Жуда зўр бўпти. Яна бир пиёла.

**Хадича**. Жоним билан. Сен-чи, Маҳфуза?

**Маҳфуза**. Бўлди. Ҳақиқатан яхши экан.

**Хадича**. Қўлим қайтмасин. Меҳмонлар билан овора бўлиб, чанқаб қоласан. Ол. (*Фарҳод охиригача смиради, Маҳфуза бир хўплайди, холос*). Раҳмат. Энди хизматга.

**Маҳфуза.** Майли.

**Хадича.** Бўлмаса, юринглар. Катга уйга дастурхон ёзишлар. Ёшларнинг қўли чиройли бўлади. Ҳамма парсаи мен тайёрлаб қўйганман.

*Мўминжон лаганда кабоб кўтариб келади.*

**Мўминжон.** Бир сихдан еб олсак бўлармиди?

**Хадича.** Ичкарига беринг. Иш устида еяверамиз. *(Эрининг қўлидан лагани олиб, ёшлар кетидан уйга кириб кетади ва тезда қайтади.)* Бўлди. Бугунги энди менга қўйиб беринг. Дастурхон тuzоғлиқ. Иккалови бемалол гаплашиб олишади. Сиз ғойиб бўлинг бирон соатга. Чақирингиз ҳам кирмайсиз. Мен ҳам. *(Кулади).* Шарбатга дори кўшганман.

**Мўминжон.** Ия! Бу қандоқ бўлди? Фарҳод бироз енгилтакроқ йигит.

**Хадича.** Қайтанга яхши. Шу ердан эр-хотин бўлиб кетишади. Сизга шу керакмиди ўзи? *(Мўминжон бошини лиқиллатади.)* Бўпти-да! Ишқилиб, қиз бу ёқда қолиб, Фарҳоднингиз ухлаб қолмасин! Кириб тураман...

*Мўминжон ўйланиб ҳовли охирига кетади. Хадича сўрига бориб ўтиради. Ичкаридан Маҳфузанинг қийқириб кулгани, кейин: "Қўйворинг! Додлайман! Кенпойи!" деган овозлари, яна кулгиси эшитилади. Кўп ўтмай идиш-товоқларнинг сингани қулоққа чалинади. "Маҳфуза! Света. Жоним!" Бу Фарҳоднинг овози. Шундан кейин жимлик чўқади. Хадича нима қилишини билмайди. Дарахтлар ичиде эрини кўради. Имлаб чақиради.*

**Мўминжон.** Нима гап?

**Хадича.** Бирдан тинчиб қолишди.

**Мўминжон.** Шарбатга нима солувдинг?

**Хадича.** Кўкқори. Одамнинг шўхлигини кўзгайди, деб айтувди бир дўхтир.

**Мўминжон.** Ўзинг ҳам синаб кўрган бўлсанг керак?

**Хадича.** Сизмаган бўлсангиз бирон марта, садқаи эр кетинг. Хабар олайми? *(Эшик тагига бориб чақиради.)* Маҳфуза! Фарҳод! *(Ҳеч ким жавоб бермайди. Ичкарига киради ва шошиб-қувониб чиқади.)* Қойилман-е.

**Мўминжон.** Ҳа?

**Хадича.** Дори бўлмай кетсин! Эр-хотин бўлиб ётишибди иккалови диванда!

**Мўминжон.** Ё тавба? Хадича! Кимсан ўзинг? Сеҳргармисан?

**Хадича.** Ниятингизга етдингизми? Энди тўйни тезлаштириш керак. Тўйда яхши бир совға қилмасак, Маҳфуза мендан умр бўйи хафа бўлиб ўтади.

**Мўминжон.** Ким билади, балки бугунги ишингдан жиян умр бўйи хурсанд бўлиб ўтар сендан?

**Хадича.** Йўқ, аёлларни билмайсиз. Импортний шуба олиб берасиз.

**Мўминжон.** Бўпти. Нима десанг, шуни олиб бераман.

*Ичкари уйдан сочлари тўзғиган, кўйлаги нижим, ёқаси йиртилган Маҳфуза гандираклаб чиқади. Унинг башарасидан, кўзларидан нима бўлганини яхши билмаганлиги, лекин қандайдир похушлик юз берганлиги сезилиб турибди. Зинапожда бирпас қарахт ҳолда ботаётган қуёшни кузатади. Кейин настга тушиб, Хадича билан Мўминжонга қарайди. Мўминжон қарашига чидолмай, сесканиб кетиб, тескари ўгирилади. Хадича ўзини тутиб олиб, Маҳфуза қаршисига юради.*

**Хадича.** Буни қара-я, Маҳфуз, меҳмонлардан ҳали ҳам дарак йўқ. Ўзинг чарчамадингми? Вой? Нима қилди? Нима бўлди?

**Маҳфуза** *(Битта-битта юриб унинг олдига келади. Бирпас тикилиб туради-да, зарда билан юз-кўзи аралаш туширади).* Ифлос! Қўшмачи! Тоға?! Сиз ҳам ит экансиз!

*Ҳовлидан чиқиб кетади.*

**Мўминжон.** Маҳфуза! Қаёққа? Тўхта, синглим! Обориб қўяман машинада! *(Хотинига.)* Тўхтагсанг-чи! Бунга қаҳринг қаттиқ бўлмаса?!

**Хадича** *(Юз-кўзини артиб).* Фойдаси йўқ. Тўйни тезлаштириш керак. Бир бало қилиб қўямасин тагин ўзини?



**Мўминжон.** Нима қилиши мумкин?

**Хадича.** Қочиб кетадимми? Сирка ичиб кўядими? Тезроқ никоҳланса тинчийди. Тўйдан кейин упутиб юборади.

**Мўминжон.** Айтганинг келсин ишқилиб. Башарасидан жуда кўрқиб кетдим.

**Хадича.** Уйғотинг апави арзандани энди. Хизматлари битди. Уйни йиғиштираман.

*Мўминжон ичкари уйга кўтарилади, Хадича сўрига бориб ўтиради, уф тортади.*

**Хадича.** Майли, Махфуза синглим. Зардоб тупугингни кўз ёшинг деб қабул қиламан. Эркак зотининг кўп бемаза қилиқларига чидаш керак. Сени тушунаман, сингилгинам!.. Лекин, ҳаёт аёвсиз. Одамлар ҳам аёвсиз. Ҳамма фақат ўзини ўйлайдиган бўлиб кетган. Ўзинг учун ўл етим!.. Ҳозирги замон шунақа замон. Ақлинг бўлса, мени тушунасан, кечирасан. Фақат ўзимни, тоғангни эмас, бугун мен сени ўйлаб шу ишни қилдим. Қўллари қадоқ, уйқу нималигини билмай молхонада умри ўтаётган онангни ўйлаб шу ишни қилдим. Кечир мени, Махфуза, опўси, жонидан!..

*Ичкаридан Фарҳодни етаклаб Мўминжон тушади.*

**Хадича.** Уйқу пишдим, оппоқ йигит?

**Фарҳод.** Қаёқда? Бошим лўқилаб оғрияпти. Хадича опа, бояги шарбатдан борми? Йўқ бўлса, Мўминжон ака оқи ҳам бўлаверади. Қаранг, бирдан маст бўлиб қолибман-а?

**Мўминжон** (*ароқ оча туриб*). Маст бўлиб нима қилиб қўйганингизни биласизми?

**Фарҳод.** Маст одам нима қилади? Ёнида ажойиб қиз бўлса, эркаклигини қилади-да.

**Хадича.** Бунақа ишларнинг жуда устаси бўлиб кетган экансиз. Кўрқиб қолдим.

**Фарҳод.** Сиз кўрқманг, Хадича опа. Сиз ўзимизнинг одамсиз. Иннайкейин, маст бўлсак ҳам таплашни биламиз. Кечирасиз, Мўминжон ака.

**Мўминжон.** Фарҳод, ука, чакки иш бўлди. Махфуза, жияним ҳали қиз бола эди. Тўйдан олдин бузилиш қиз болага катта иснод. Кейин ўзбекчиликка ҳеч тўғри келмайди. Менга ҳам оғир бўлди.

**Фарҳод.** Тўй? Қанақа тўй?

**Хадича.** Тўйдака тўй-да, никоҳ тўйи.

**Фарҳод.** Вой, мен сизларни жуда замонавий одам десам, сизлар жуда консерватор экансизларку-а, Мўминжон ака? Яхши иш бўлмади, албатта. У қиз, жияпингиз, Махфузамиди оти? Чиройли экан-да.

**Хадича.** Мўминжон ака! Бу йигит ҳеч нарсага тушунмабди!

**Фарҳод.** Ҳақиқатан тушунмадим.

**Мўминжон.** Махфузани энди биз сиздан бошқа ҳеч кимга эрга беролмаймиз. Махфузага уйланасиз. Мен ҳозироқ дадангиз билан гаплашаман. Балки ўзлари шу эрга келиб қолишлари мумкин.

**Фарҳод.** Бемалол. Уйлаиш масаласи даданнинг эмас, менинг шахсий ишим. Махфуза яхши қиз экан. Лекин унга расмий уйланомайман. Москвада ўғлим бор. Онаси бутун оила аъзолари билан кутиб ўтирибди. Ўшанга уйланаман.

**Хадича.** Уятсиз!

**Фарҳод.** Нега энди? Ўзингиз иккаламизни ёлғиз қолдирдингиз. Менга, менку майли, қиз болага, шарбат деб, ўтқир вино ичирдингиз. Билмадим, унинг ичида яна нима бор эди. Мен бунақа тез оладиган нарсани ҳеч ичмаганман. Чиройли қиз ёлғиз ўзи олдимда бўлса, тағин гандираклаб турса, нега энди уятсиз бўлар эканман? Балки сиз уятсиздирсиз? Балки сиз шундай бўлишини истагандирсиз? Бу менга қоронғу. Минг бир кеча бу! Хайр! Саломат бўлинглар. Мўминжон ака, дадамга салом айтиб қўйинг. Мен у кишини кўрмасам керак. Кечки рейсда Москвага учиб кетаяпман. Хайр! Айтгандек, Махфуза чиндан ҳам яхши қиз экан. Уни хафа қилманглар!

*Кетади. Хадича, Мўминжон ҳайрат ичига унинг ортидан қараб қоладилар.*

## САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

*Карима опанинг уйи. Ҳовлидаги сўрида Карима опа хомуш ўтирибди. Кўча эшик ёчирлаб очилиб, Маҳфуза киради. Кўйлаги йиртиқ, ёжим. Сочлари тўзгиган.*

**Карима опа.** Вой? Маҳфуз? Сенга нима қилди? Қоронғида юрма деб минг марта айтаман, қулоқ солмайсан. Безорилар ёпишдимми?

**Маҳфуза.** Ҳа, безорилардан қочдим. Аммо биттаси етиб олиб мени шу аҳволга солди. Қолганлари томоша қилиб туришди.

**Карима опа.** Вой болам! (*Кучоқлайди*). Меҳмон келмай ўлсин тоғанникига! Юбормай девдим-а ичимда! Юбормай девдим!

**Маҳфуза.** Ҳа, юбормасангиз бўларди, опа. Қўймадингиз борасан деб.

**Карима опа.** Илтимос қилди-да кеншойинг. Йўқ деёлмадим.

**Маҳфуза.** Ҳеч маҳал камбағал бойга йўқ деган эмас.

**Карима опа.** Вой, нима деяпсан, болам?!

**Маҳфуза.** Майли, кўйинг. Фойдаси йўқ. Самоварда сув борми?

**Карима опа.** Тўла. Сени пойлаб ўтирувдим қайнатиб.

**Маҳфуза.** Мен ювишиб оламан. Бутун баданим қичишиб кетаяпти. Худди қурт тушгандек.

**Карима опа.** Мен қарашвораман.

**Маҳфуза** (*жаҳл билан*). Йўқ! Ўзим. Ўзимнинг киримни ўзим юваман. (*Самоварни кўтариб, ичкари хонага юради. Ярим йўлда тўхтайдми.*) Безорилар ким экан, деб сўрамайсизми, опа?

**Карима опа.** Айтгандек, ким экан? Танидингми? Ҳозироқ милицияга айтаман!

**Маҳфуза.** Фойдаси йўқ. Безорилар ўзингизнинг қариндошларингиз. (*Кетади.*)

**Карима опа.** Тушунмадим. Нима деди? Безориларни қариндош деди шекилли? Ким экан? (*Қизига дастурхон ёзади, ўчоқ бошига бориб, овқат олиб келади*). Тўйга борсанг, тўйиб бор. Бола бояқиш меҳмон кутиб ҳеч нарса татимагандир ҳали? (*Оқ қийиб, Маҳфуза чиқади*). Қорнинг ҳам очдир, болам?

**Маҳфуза.** Йўқ. Кеннойим яхшилаб меҳмон қилдилар. Опа! Ниятингизга етдингиз. Тўй бўладиган бўлди.

**Карима опа.** Вой, сендан айланай! Рози бўлдингми? Унда ҳаракатимни мен ҳам қилиб қолишим керак. Вой, болажоним, вой, арзандам!

**Маҳфуза.** Сиз ҳеч нарсага уринманг.

**Карима опа.** Нега? Ёлғиз қизимга атаганларим бор.

**Маҳфуза.** Атаганларингиз бисотингизда тураверсин. Қизингиз куёв кўрарга қиз бориб, жувон қайтади-ю, яна ошиқча харажат қиласизми?

**Карима опа.** Қиз узатиш, ўғил уйлаштиришдан оғир. Барибир харажатларим кўп.

**Маҳфуза.** Қўйинг, ўша харажатларингизни. Янги одат чиқибди. Янга гўшангага келин-куёв кирганда эмас, куёв кўрарда керак бўлар экан ҳозир.

**Карима опа.** Вой, ким айтди? Бу қандоқ жиншилиқ?

**Маҳфуза.** Кеннойим айтдилар. Иншайкейин бутун жуда яхши янғалик қилдилар.

**Карима опа.** Болам! Бу содда онангни кечир, тузукроқ гапир. Нимагадир зарда қиялпсан, киноя билан гапиряпсан. Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Тинч-ликми ўзи?

**Маҳфуза.** Мени бутун ҳеч ким сўрамадими? Ўртоқларим? Синфдошларим?

**Карима опа.** Анави... Толип сувоқчининг ўғли... Тоҳир сўраб келди. Қандайдир китоб ваъда қилган экан, ташлаб кетди.

**Маҳфуза.** Қапи?

*Карима опа олиб келиб беради.*

**Карима опа.** Мана, албатта бутун ўқиркансан.

**Маҳфуза.** Яхши китоб. Фақат энди кераги йўқ.

**Карима опа.** Нега? Ўқиганмисан?

**Маҳфуза.** Ҳа. Опа, қарапг. Менга оқ ярашар экан-а?

**Карима опа.** Жудаям. Оқ крептишин топиб, яна тикиб бераман.

**Махфуза.** Оқ рўмол ҳам керак.

**Карима опа.** Бор. Об қўйганман тўйга атаб.

**Махфуза.** Кўрсам бўладими, опа?

**Карима опа.** Ҳозир-да, оппоқ қизим! Ҳозир. *(Ичкарига кириб, пакет олиб чиқади.)* Попукли тагин. Каттагина. Мана. *(Рўмолни ёзиб, қизнинг елкасига ташлайди.)* Вой, қизимей, бирам ярашди! Бирам ярашди!

**Махфуза** *(Рўмолни бошига тортади ва ўрнидан туради).* Келинлар мана бундай салом қилишади. Шундайми, опа? *(Эгилиб, салом қилади.)*

**Карима опа.** Шундоқ, қизим, шундоқ. Шундоқ келиннинг ўзи бўлиб кетдинг!

**Махфуза.** Чиройли келин бўлдимми, опа?

**Карима опа.** Попукдек бўлдинг, болажоним! *(Қучоқлаб ўпади.)*

**Махфуза.** Мен бирпас кириб ётсам, майлими? Чарчадим.

**Карима опа.** Мен эси йўқ, тагин сени гапга солиб ўтирибман. Бирпас эмас, яхшилаб ухла. Менам ётаман. Азонда ўзим фермага боришим керак. Солиҳа касал бўлиб қолибди. *(Дастурхонни йиғи бошлайди, Махфуза ичкарига кириб кетади).* Тавба. Ҳеч гапларига тушунмадим. Тоғасиникидан бошқа одам бўлиб келди, қизим бояқиш. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Омин! Эй, худойим, ўзинг қизимни паноҳингда асра, бахтли бўлсин, бир бурда нонга зор бўлмасин, умри узоқ бўлсин. Оллоҳу акбар!

*Эснаб, битта-битта юриб, ичкарига кириб кетади. Худди шуни пойлаб тургандек, ичкаридан Махфуза чиқади. У ечинмаган, оқ кўйлақда, рўмол ҳам елкасига. Шу топ йўлақда кимнингдир шарпаси эшитилади. "Махфуза!" — чақиради кимдир. Бу — Тоҳир. Махфуза аввал кўрқиб кетади. Кейин танийди.*

**Махфуза.** Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

**Тоҳир.** Мени кечир, Махфуза. Сени яхши кўраман. Сенсиз туролмайман. Майли, кетамиз. Фақат... фақат бир йил ўтсин. Мен озгина пул ишлаб берай. Укаларимнинг тўйи бор. Менсиз қийналишади.

**Махфуза.** Раҳмат, Тоҳир. Бор, опам чиқиб қоладилар.

**Тоҳир.** Розимисан? Хўп дегин?

**Махфуза.** Бор. Илтимос қиламан. *(Тоҳир кетади.)* Мен хат ёзмоқчи эдим. Энди ҳожат қолмади. *(Сўрига бориб ўтиради.)* Кўрқиб кетдим. Юр, мен тайёрман. Қаёққа десанг шу ёққа кетамиз, — деса нима қилардим! Тоҳир! Жоним! Нега шу гапни сендан эшитмадим? Ёлғондан бўлса ҳам шундай деганингда бошимга бу фалоқат тушмасмиди? Энди мен кимман? Маст-аласт аҳволда қизлик ифратидан ажралган кимса! Мени бир ярамас эмас, уч киши бўлиб зўрлашди. Тоғам, келипойим! Уларнинг башарасига энди қандай қарайман? Қандай яшайман? Опа? Биладан, сиз мени бахтли бўлсин, деб ўшаларникига юбордингиз? Энди иккимиз ҳам бахтсизмиз. Дадажон! Нега мени даҳшатли одамларга ташлаб кетдингиз? Менда нима қасдингиз бор эди, дада? Нима ёмонлик қилувдим? Сизни яхши кўришимни билардингиз-ку, дада?! Мен сизни топиб оламан. Кўрагингизга бошимни қўйиб йиғлайман. Сиз мени овутасиз. Шунда иккаламизга ҳам яхши бўлади. Фақат опам эзиладилар. Бизсиз эзиладилар. Бизни деб эзиладилар. Лекин иложим қанча? Дадажон! Бу дунёда бош кўтариб юролмайман. Бағрингизга олинг мени, дада! Ҳозир бораман. Мана, кетаяпман. Янги кийимларимни кийиб кетаяпман!..

*Ҳовли орқасига ўтади, тез орада у кетган томонга гулхан пайдо бўлади.*

## ТЎҚҚИЗИНЧИ КҮРИНИШ

*Карима опанинг ҳовлиси. Ҳозиргина Махфузанинг йигирмаси ўтиб бўлган. Кўрпача тўшалган узун курсида қишлоқ имоми, Мўминжон, академик Қосимов, район милиция бошлиғи Алимов ва фотиҳага келган бегона кишилар ўтирибди. Имомга қараб ишора қилишади. Имом аввал дастурхонга фотиҳа, кейин қироат билан қуръон ўқийди. Бегона кишилар қўлларини кўксиларига қўйиб чиқиб кетадилар. Милиция майори Алимов аламидан бир силтаниб ўрнидан туради.*

**Алимов.** Кеча уни мактаб олдида шундай кулиб турганини кўрувдим-а. Қаранг, бутун йигирмаси. Тавба, Тавба!

**Салимхон.** Чиндан ҳам тавба дейишга арзийдиган ҳол, тақсир.

**Алимов.** Қотилларни топамиз! Мен ваъда бераман.

**Салимхон.** Раҳмат, Абдуллажон, ука. Бир марта бўлса ҳам шундай фожиа сабаби чуқур ўрганилиши керак. Халқ барини билсин.

**Алимов.** Бу гал шундай қиламиз. Ўзим тагига тушаман. Гапларингиз, домла, тўғри, яхшилар жонларига қасд қилиб кетишяпти, ёмонлар кўпаймоқда. Битта ёмон — ўғри, порахўр ё алдамчи ўзини осгани ёки ёққанини билмайман.

*Академик Қосимов Мўминжонни бир чеккага тортади. Шу пайт домла билан майор ҳам ўриларидан туришади.*

**Алимов.** Мўминжон. Сизларга сабр-тоқат. Ишларим кўп.

**Салимхон.** Бизга ҳам рухсат. Бир-икки фотиҳа ўқийдиган жойлар бор. Омон бўлинг. (Қосимовга.) Домла, саломат бўлинг.

*Алимов, Салимхон домла хайрлашиб кетишади.*

**Шокир ака.** Ҳушёр бўлинг буёғига, Мўминжон. Харажатидан тап тортманг. Қанча зарур бўлса, бераман. Обрўга доғ тушмаслиги керак. Милиция бошлиғини авзойи бошқача. Домла ҳам уни гиж-гижлаб турибди.

**Мўминжон.** Хотиржам бўлинг. Ўзим тинчитаман. Абдуллажон билан бир кўчада думалаб катта бўлганмиз. Ўттиз мингча юбориб туринг ҳозир. Хадича идорангизга киради.

**Шокир ака.** Йўқ, йўқ! Уйга борсинлар, уйга!

**Мўминжон.** Хўп бўлади. Боринг. Сиз ҳам бу ерда кўп турманг. Шунчалик ҳурмат қилиб келдингиз, раҳмат.

**Шокир ака.** Бўпти. Мен кетдим. Сизга ишонаман.

*Кетади. Белини боғлаб олган, қош-қовоғи қизарган Хадича мўралаб киради.*

**Мўминжон.** Тинчликми?

**Хадича** (олазарак бўлиб). Анави... Маҳфузанинг юрадиган йигити келибди. Сизни кўрмоқчи.

**Мўминжон** (хавотирланиб). Нима иши бор экан? Анави сувоқчининг ўғлими?

**Хадича.** Ҳа. Гаплашинг. Лекин анча ҳушёр бўлиб гаплашинг. Ичи тўла дардга ўхшайди.

**Мўминжон.** Чақир. (Хадича кетади. Ийманиб Тоҳир киради.) Келинг, ука.

**Тоҳир.** Саломалайкум. Бандалик, Мўминжон ака.

**Мўминжон** (кўзига ёш олади). Э, ука, қақшатиб кетди биззи Маҳфуза. Адо қилиб кетди! Вой, жигарим! Вой, тентак жиян!

**Тоҳир.** Мўминжон ака, айб менда. Маҳфузанинг ўлимига мен айбдорман.

**Мўминжон.** Нима?

**Тоҳир.** Маҳфузанинг ўлимига мен айбдорман. Нима қилсанглар қилинглар. Ҳаммасига тайёрман.

**Мўминжон.** Тўхта! Нималар деяпсан ўзинг?

**Тоҳир.** Ўлимидан уч кун бурун Маҳфуза қишлоқдан кетайлик деди. Қўқонгами, Намангангами, бориб турамиз, ўша ерда институтга кирамиз. Бир йилдан кейин қайтиб келамиз деди. Мен кўнмадим. Агарда гапига кирганимда ўзини ёқмасди. Мени кечиринглар. Истасангиз, ҳозир ўзим милицияга бораман. Истасангиз ўзингиз топшинг. Менга барибир. Ёрилиб кетай деяпман. Шунча кун ичимга солиб чидадим. Энди чидолмайман.

**Мўминжон** (уни эшитиб анча ўзига келади). Тўхта, ука. Бекор гапларни йиғишгир. Оиланинг каттаси экансан. Шунақами? (Тоҳир бошиши қимирлатади.) Бор, уйга бор. Бу тақдир-пешонага ёзилгани. Мен нима дердим? Менга қолса, ҳеч кимда, сенда ҳам айб йўқ. Тақдир. Бор уйингга, ука. Бор.

*Тоҳир кўзларини артиб чиқиб кетади.*

**Мўминжон** (ўзича). Қизиқ бўлди-ку буёғи.

*Майор Алимов келади.*

**Алимов.** Бир нарса эсдан чиқибди, Мўминжон.

**Мўминжон.** Эшитаман.

**Алимов.** Тушдан кейин одам келмайди. Келадиганлар келиб бўлди. Идорамга ўтсанг. Маҳфуза ўзини ёқиб юборган куни сизларникида бўлган экан. Мен шунга бафуржа эшитмоқчиман. Келинни ҳам олиб борсанг.

**Мўминжон.** Сўроқми?

**Алимов.** Ҳозирча суҳбат. Маслаҳат.

**Мўминжон.** Жоним билан, Хадичани ҳам олиб бораман. Лекин сен аввал анави, машҳур сувоқчи бор-ку, ўшанинг ўғли Тоҳир билан гаплашиб ол. Ҳозиргина шу ерда эди. Агар гапларини эшитсанг, жуда қизиқ нарсалардан хабардор бўлардинг.

**Алимов.** Тўхта!


*У ичкари уйга ишора қилади. Уйдан икки қўлида иккита чойшабга ўроқлиқ қўғирчоқни кўтариб Карима опа чиқиб келади.*

**Карипа опа.** Ҳой, Маҳфуза! Қаёқдасизлар? Маҳфузани айтиб юборинглар. Болаларини эмизсин. Ҳасан-Ҳусанлар эрталабдан бери ҳеч нарса тотгани йўқ. (*Сўрига бориб ўтиради.*) Уйқуларинг кевоттими? Қоринларинг очдимми? Ҳозир бу ўйинқароқ оналаринг келади. Эмизади икковингни. Кейин тинч ухлайсизлар. Мен ўзим алла айтиб бераман. Аллў, Аллў!..

*Бирдан қўғирчоқларни улоқтириб қичқириб юборади.*

Маҳфуза! Қизгинам! Шўрлик онанг нима қилсин энди?! Мени ҳам олиб кет, ёлғизим, шўрпешонам, арзандам!!!

Тошкент — Москва  
1991





\* \* \*

*Жумлаи оламда балким сен азизлардан азиз,  
Аввалу охирда ҳам йўқдир сенинг изингга из.*

*Ё сени гултож этиб шундай яратган, аслида,  
Ё кўнгилни бой бериб мен алжиянман чорасиз.*

*Илк нигоҳ тушганда, кўз нохост қамашгандир, десам,  
Хоки пойингга бу кун буткул жаҳоним чўкди тиз.*

*Ҳар қалай, дунё келиб бир нуқтага жам бўлди, мен  
Ҳақ илоҳ нурини ҳам юзингда кўрдим соясиз.*

*Гар оёқ остимда ер, теппамда осмон қалқиниб  
Келса ҳам, зикрингни тил, фикрингни дил тутди эгиз.*

*Изларингдан минг ўлиб, минг бор тирилдим, эҳтимол,  
Нурланиб кўйингда бу умрим адо бўлди, эсиз.*

*Раббано, умримда бир он қолса, бир он бўлса ҳам,  
Лутфига етказ мени, нақшин кўнгил лавҳига чиз.*

\* \* \*

*Сени учратдим ушқдан кўнгил озурда чоғимда,  
Бунингдек бир азиз сир топмадим аввал-адоғимда.*

*Ўзинг-ку бир хаёл, номингни ҳатто эсласам ногоҳ,  
Яшаш орзусида минг бир гиёҳ гул очди боғимда.*

*Кўзим тушганда, гарчанд остин-устун бўлди дунёим,  
Юзинг аксини жондек асрадим лек кўз қароғимда.*

*Тилингда яхши сўз эшитмадим, лекин овозингни  
Қачон бир илғасам, жонбахш садо қолди қулоғимда.*

*Сочинг мавжини гарчанд кўзга-ку суртолмадим, лекин  
Тасаввур бирла жаннат бўйини туйдим димоғимда.*

*Ишим шукрона бўлсин тоабод, чарх эврилиб, бир он  
Вужудинг тафтини гар ҳис этолсам сўлу соғимда.*

*Бироқ, сен кўкда, биз ерда, кўриб ҳар ерда монелик  
Нетайким, жон қуши безовта чарх урди томоғимда.*

\* \* \*

*Юз очар офтоб жаҳонни нурга чулғотмоқ учун,  
Юксалиб, сўнг йўл олар Мағриб томон ботмоқ учун.*

*Не тирик жон бор, олай деб нуридан қувват, мадад,-  
Жидду жаҳд этгай қуёшда товланиб ётмоқ учун.*

*Бир ажиб юрт бор фақат, номи — Бухоро, бағридан  
Нур таралгаймиш жаҳонга руҳни уйғотмоқ учун.*



Мирзааҳмад  
ОЛИМОВ

Нақшин кўнгил лавҳига чиз

*О, бу жонсўз қошу кўзлар, мавжли сочлар, чехралар,  
Кўргилу беҳуда вақт кеткизма сўз қотмоқ учун.*

*Бу сенинг пастак деворингмас, ошиб ўтсанг шу он,  
Қанча аҳду шарт керак нақш олмани отмоқ учун.*

*Ё сеҳргар, ёки бир шаҳзода бўлмоғинг керак,  
Бу самовий лаъли лаблар таъмини тотмоқ учун.*

*Мен фақат ҳайрону лолдирман, яралмасми, ахир,  
Ҳар фазилат қайсидир бир кунга асқотмоқ учун.*

*Лек, наҳотки, шунчалар ҳусну ҳаловат бўлса шарт,  
Бунда соч олмоғу музқаймоқ ўраб сотмоқ учун?!*

\* \* \*

*Соқиё, май тутки, зардоби ажалдек сипқорай,  
Ўзни ғам торожидан бир дамга бўлсин қутқорай.*

*Ё менга шундай овоз берким, табиат, чарх уриб,  
Ақли борга фикрим айтай, қалби борга ёлворай.*

*Этмаса безовта фарёдим тириклар оламин,  
Мангулик уйқуда ётганларни ҳам уйғотворай.*

*Бу на бедодликки, тор фикру чирик одатни деб,  
Чиқмасин банддан мурод, мен интилиб бошим ёрай?!*

*Бунда ким тиклай деса оламда бор эрк қасрини,  
Мен юрак қонию кўз ёшим билан лойин қорай.*

*Чархнинг ул буржида бўлса мени англари киши,  
Мен унинг бул буржидан: “Ҳақ ёр!” деб излаб борай.*

\* \* \*

*Авалло, тўрт кўз тугал бўлсин жаҳон айвонида,  
Сўнгра бахт ҳам пойидор келсин жаҳон айвонида.*

*Ҳар ким орзу этди-ю, лекин бу кунга етмади,  
Руҳи раҳмат нурига тўлсин жаҳон айвонида.*

*Ҳар савоби, номаи аъмоли ўнг қўлдан тегиб,  
Ҳақ тарозусида тортилсин жаҳон айвонида.*

*Бунда қолганнинг бўлиб умри узоқ, ризқи фароғ,  
Дарду ғамсиз ўйнасин, кулсин жаҳон айвонида.*

*Дўстга хор, душманга зор, номардга муҳтож этмасин,  
Майли, ором билмайин елсин жаҳон айвонида.*

*Ҳақ ато қилган хато қилмас, йигит, қиз чўзса бўй,  
Яхши жойлардан ато қилсин жаҳон айвонида.*

*Турмушин фарзанд билан этсин сарафроз, доғини  
Кўрмайин, бахтидан ўргилсин жаҳон айвонида.*

*Элу юрт тинчлик-омонликда топиб равнаққа йўл,  
Эрку эзгуликка интилсин жаҳон айвонида.*

**Бухоро**



Отабек  
Исмоилов

Шу қадим диёрга фарзанд эрурман

\* \* \*

Заминни қилгани каби шуъладор,  
Шу сирли фалакнинг қуёш, моҳтоби.  
Халқим манглайини ёритди илк бор,  
Оллоҳ инояти — эркнинг офтоби.

Она юрт — мисоли улкан бир чинор,  
Жону дилдан унга пайванд эрурман.  
Бутун ер юзида машхур, бетакрор  
Шу қадим диёрга фарзанд эрурман.

Зиёрат қилсангиз қадамжоларин,  
Тарқатар дилингиз ғуборларини.  
Ишонинг, кўксингиз бўлгайдир осмон,  
Кўриб гумбазлару минораларини.

Юрт рамзи — Ватаним гербида кўриб,  
Ҳайратга ҳожат йўқ бугдойни — донни,  
Ният шул — ҳар уйда бўлсин тўкинлик,  
Ризқи бутун бўлсин Ўзбекистоннинг.

Покликка тимсолдир азалдан пахта,  
Ўзбек сўзи билан юрар ёнма=ён.  
Бор бўлсин дунёни кийинтирган юрт,  
Бор бўлсин бағри кенг ҳазрати деҳқон.

Сақла парвардигор чаманзоримни,  
Буюкликка бошла, эй эзгу ният.  
Оллоҳ, омон этгил дўсту ёримни,  
Дилларни тарк этма меҳру мурувват.

\* \* \*

Юракларни ёндир,  
қалбларни қийна,  
Шунда яхшиликнинг чечаги кулгай.  
Чин инсон наздида буюксан доим,  
Сени танимаслар қадринг не билгай.

Виждон,  
юрагимни кетма тарк этиб,  
Кимни тергаб турсанг шу киши бахтли.  
Ёмонлар қалбин ҳам тил, уруғ ташла,  
Унсин эзгуликнинг дарахти.

\* \* \*

Бу қадим дунёда мўъжиза-ку мўл,  
Шартмас ёқа ушлаш ҳар гал, албатта.  
Тош устида бир гул унганин кўриб,  
Тан олай, очиги қолдим ҳайратда.



*Бунга боис, балки, гулнинг сабридир  
Ва, лекин, демоқчи бўлганим бошқа.  
Кўп таҳсинлар айтдим, тарк этиб ғурур  
Митти уруғга жон бахш этган тошга.*

*...Унмагани каби меҳрдан меҳр,  
Бўлмагани каби саломга алик.  
Томир отолмади севгим дилингда,  
Юрагинг йўқ экан битта тошчалик...*

\* \* \*

*Узоқдаги ёрга эй шамол,  
Саломим элт, дедим, ёлбориб.  
Эшик ёпиб жўнади дарҳол,  
Оёғини қўлига олиб.*

*Мен-ку унга ишондим, бироқ,  
Саломимни элтмайин туриб.  
Кўрдим, юрар далада шу чоқ,  
Отам билан хирмон совуриб.*

\* \* \*

*Булутларга ўхшамадим, йўқ,  
Шамолларга бўлмадим эрмак.  
Йиғламадим ҳуда-беҳуда,  
Ясамадим кўз ёшдан кўлмак.*

*Гар ўхшасам булутга, юрмоқ  
Лозим, ичга нафасинг ютиб.  
Дўнмоқ учун қорга, ёмғирга  
Яшаш даркор қисматинг кутиб.*

*Менгзашим бор булутга, бир оз:  
Гоҳ шошқинман, гоҳида ювош.  
Унинг каби бағримни йиртдим,  
Балқди дард — ишқ,  
қисқаси ҚУЁШ.*

\* \* \*

*Хоразм.  
Муқаддас, мўтабар замин,  
Не-не кўргилигу шарафлар кўрган.  
Унга сиғинмоқни, унга сингмоқни,  
Зиёратга келган дарёдан ўрган.*

*Аму бўйига бор, қирғоғида чоп,  
Юрагинг бир ажиб тарзда тепади.  
Шу заман фарзанди бўлганинг учун  
Дарё оёқларинг ўпади.*

*Хива*





Иноят Раҳмон

## ҲИКОЯЛАР

### Бош омон бўлсин

Ойнаванд ресторанча рўпарасидаги кўчадан оламжаҳон қиров тўзғитиб машиналар ўтиб турарди. Куздузи бу ерда қатнов янада зўраяр, тунда ҳам шовқин-сурон тинмасди. Ёқимсиз эсаётган шамол битта-яримта қолган акас япроқларини юлқиб олиб кимсасиз, бўм-бўш асфальт устига ва йўловчилар оёғи остига ташларди. Бекатда одам тирбанд; аксарияти аёллар. Улар баданларини тешиб бораётган аччиқ аёздан паналаб тошайвонча орқасига ўтиб олишган: дийдирашиб, қўлқопсиз қўлларига куҳ-куҳлашади. Баъзилари тез-тез айвончадан бош чиқариб, исқоти автобус келмаяптимикиан, дея йўлга интиқ-интизор кўз ташлашади.

Оқ камар тақиб, оқ қўлқоп кийган, мундири хушбичим танасига қоят ярашган ёшгина сержант — Мурод тонг саҳардан қора кечгача ўз постида собит туради: олатаёғини айлантириб, ҳуштак чалиб, кўча ҳаракатини назорат қилади. Ёнидан у ёқдан-бу ёққа ўтаётган одамларнинг баъзилари бепарво бўлса, баъзилари бир зумгина тўхтаб, унинг ҳаракатларини қизиқсиниб кузатишади.

Дарахтларнинг яланғоч шохларини булдуруқ қоплаган, йўл четгидаги симёғочлар шамолда бўталокдай бўзлайди. Совуқ қотган Мурод этиги пошналарини бир-бирига уриб, ижирғанганча ер тепинади. Одамлар-ку ўз ташвишлари ортидан эргашиб қаёққадир кетишади, ўрнига бошқалари келишади, аммо у ҳеч қаёққа кетмайди, кетолмайди — хизмат бурчи шуни тақозо этади.

У мактабда ўртача ўқиди, зехни пастлигидан эмас — ўйинқароқлигидан. Доска олдида туришдан кўра, футбол дарвозаси олдида туришни кўпроқ ёқтирарди. Қўй кўзлари доим олазарак, ёниб турарди. У шўх эди, шу туфайли синф раҳбари Роҳила Асадовнага мудом ташвиш келтирарди. Роҳила Асадовна ана шу бесаранжон кўзларини ёмон кўрарди: «Олма-кесак териб турувчи мана шу кўзларингни бир кунмас-бир кун ўйи-иб оламан-да!..» дерди у баъзан хуноби ошиб.

Мурод мактабни битиргач, иккиланиб қолди: ким бўлса экан? Бунини шу пайтгача сира ўйлаб кўрмабди — на ўзи, на ота-онаси... Ота-онасига-ку барибир, улар оддий одамлар; доим ўз тирикчилиги гамида ғимирлашгани-ғимирлашган. Боз устига Муроддан бошқа фарзандлариям бор. Шунинг учун тўнғич бола ҳақидаги фикрлари жуда жўн: "Мактабни битирсин-чи, бир гап бўлар..."

Синфдошлар ҳар томонга тариқдек тарқаб кетганда, унга қишлоқда сўппайиб бир ўзи қолгандек туюлди, юраги сиқилди. Ўқишга боришни орзу қилардию, бироқ институтга киришга илми етмаслигини ўзиям биларди. Пул эса йўқ эди. Ўйлаб-ўйлаб охири ҳайдовчиликни танлади. Гувохнома олгач, ярим йил хўжалиқда лой ва мойга ботиб шалоқ машина ҳайдади, сўнг армияга кетди. Армиядан маҳоратли ҳайдовчи бўлиб қайтди. Ота-онаси уни уйлантириш тарадудига тушиб қолди. Мурод ишлаб тузукроқ пул топиши кераклигини яхши

тушунарди. Шунинг учун ўзини ўтга-чўкка урди: сомсапазга шогирд тушди, сўнг СЭС машинасини ҳайдади, лекин ҳеч омади юришмади. Охири кўзлари балиқникидек ялтироқ, аммо маънисиз автобаза директорига эллик сўм узатиб тузукроқ машина олди.

Мурод синфдошлар учрашувида бир нарсага ҳайрон қолди. Орадан етти йил ўтган бўлса-да, баъзи болаларни ҳисобга олмаганда (уларни авал ҳам одам ҳисоблашмасди), фақат ўзи ўзгармабди. Баъзилари арбобга айланиб улгуришган; ба-савлат, димоғида гапиришни ўрганиб олишган. Беш-олтитасида — енгил машина. Ҳатто оғзидан гапи тушиб кетадиган Сувон қора ҳам ўз машинасида келибди! Тилло тишларини ярқиратиб, қизларга гап бермай ўтирибди!..

Мурод ўтиришда-ку сир бой бермади, аммо уйга келгач, алам қилди; бошини ёстиққа ўраб ётди, уф торди, ўйлаб-ўйига етмади, ўз ёнига ўзи қоврилди. Хотини Салима сезганим йўқ, у эрини одатдагидек маст деб ўйлади.

Эрталаб боши оғриб, карахт бўлиб турди. "Бўлмайди, — деб ўйлади у. — Бундай яшаб бўлмайди!.. Одамлар қандай қилиб пул топаркин-а?.." Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди. Тоғасининг олдига борди! Ахир тоғаси ички ишлар бўлимида бошлиқ ўринбосари-ку, милиция капитани. Бирор тузукроқ иш топиб берар, ахир!.. У армияда хизмат қилган, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор, тани-жони соф-саломат!

Тўғридан-тўғри ишга олишга маълумот масаласи белга тепди. Тоғаси уни ҳеч курса транспорт техникумига ўқишга киришга даъват этди. Омадни қарангки, ёзда техникумга қабул қилинди. Тўғри, бунгача у астойдил тиришиб ўз устида шуғулланди, муҳими, нимага аҳд қилса ва мақсад сари интилса, унга эришиш мумкинлигини тушунди. Мурод учун шунинг ўзи катта гап эди. Бир йилдан сўнг ўқишини сиртқига айлантириб, кимсан ДАН ходими — сержант Мурод Қосимов бўлиб олди!

У ниятига етди, бироқ... турмуш унга бошқа муаммони кўндаланг қилди. Қанчадан-қанча тортишув, югур-югурлардан сўнг, ниҳоят, колхоз уларга ер-жой берадиган бўлди. Танобчилар кетмасданок, отаси тезроқ уй қуриб, кўчиб чиқишни талаб қила бошлади. Негаки орқадан укалари бўй етиб қолган, ҳовли торлик қилаётганди. Ташвиш яна ортди — бир томондан янги иморат, иккинчи томондан укасининг тўйи (Мурод унга ўғли суннатини ҳам қўшмоқчи эди), учинчи томондан сиртқи ўқиш, имтиҳон... Эҳ-ҳи, уларни аамлга ошириш учун бир қоп жон, ўн қоп пул керак! Дуруст, маоши-ку ёмон эмас, аммо у нари борса тузуккина кун кўрмоққа етади, холос, орзу-ҳавасга камлик қилади. Бу ҳам етмагандай синфдош жўраси Салим сўлти билан девор-дармиён қўшни бўлиб қолибди. Салим ота касби сартарошликни эгаллади; баъзан хатна ҳам қилиб туради. Тиш суғуриш, қон олишнинг ўрганиб олибди. Қалқонотадаги дўконда эртадан кечгача мижозлари соч-соқолни дўқартлаб, иягини қиртишлагани-қиртишлаган. Топгани кунига бир ҳовуч танга. Тома-тома кўл бўлур, деганлари рост экан, у ана шу тангалари ҳисобига бинойидек уй қуриб олди. Бир йил ўтмай рангли телевизор, "Орск" музлаткичи ва кир ювадиган машинага эга бўлди. Мурод ташвишларидан қутилгач, фақат бир йилдан кейингина унга тенглашди. Лекин баъзан Салим сўлтининг хотини ўзини кўз-кўз қилгандек, Салимининг олдига янги кўйлак кийиб чиқади. Салима-ку, сабр-тоқатли, аммо барибир аёл-да, ҳаваси келади, тузукроқ кийинишни хоҳлайди.

Мурод билан Салим, Салима билан Назокат тенгдош жўра-дугона бўлганлари учун ҳам бир-бировининг уйида нима бор, нима йўқ, нима келиб, нима кетяпти — беш қўлдай билишади! Зимдан пойга, ким ўзарга мусобақа пайдо бўлган. Ана шу мусобақа туфайли улар бир-бирларини кўрганда ўпиб-юлқаб қолишса-да, ичларига "ҳап саними?" дейдиган дўст-ғанимга айланишган.

Мурод-ку, давлат одами, мундир кийиб юради, савлатига яраша одамлар уни иззат-ҳурмат қилишади. Салима сўлти ким бўлгичи? Келиб-келиб ўша билан мусобақалашадими? Уни пойабзал тозалагичдан нима фарқи бор? Фарқи шуки, бирови оёқни тозаласа, бирови бошни... Ҳе, ўргилдим ўша сўлтидан!..

Қийинчиликлар бир қисми ортда қолди. Аммо яширин мусобақа ҳамон давом этмоқда. Кунни кеча Муроднинг хотини янги гап топиб келди. Нима эмиш, Салим жўраси хогинига тилла сирға олиб берганмиш, Назокат кун бўйи шуни мақтабди... Муроднинг миясига қон тепди: "Уф!.. Кўчиб кетсам қуғиламанми шулардан! Тоза жонга тегди-ку!.." Салим уни одатдаги ахборот тарзида айтди, бироқ товуш оҳангида Мурод "менгаям..." деган идаони сезди. Шунинг учун аччиғи чиқди. Зийрак хотин дарров тушунди: бундай пайтда ортиқча тирғалиш хавфли эди — индамай, кўзи ёшланиб нари кетди.

Мурод асида хотиндан ёлчиган эди: қуралай кўз, нозик қад, сочлари сунбул, ундан ҳаммиша райҳон иси келиб туради. Меҳрибон, тили шакар. Пазандалига-ку, гап йўқ — дастурхонга жон киргизади. Табассумини айтмайсизми, ёноқлари қувнаб сал жилмайса, бас, ҳар қандай кўнгилсиз лаҳза бир зумда байрамга айланади-қолади.

Мурод туйғулар кўз-кўз этилавермайдиган хонадонда ўсди. Отаси меҳнат-каш, тор феъл, болаларига нисбатан кўрсмеҳр одам; онаси аксинча ёввош, ўта соддадил аёл. Шунинг учун ҳам Мурод меҳрга зор эди, унинг ана шу ташналигини хотини қондирарди. У хотинидан, болаларидан кўнгли тўқ, хуррам ва хушбахт эди. Лаънати мусобақа баъзан ана шу хушбахтликка раҳна солиб турарди. У хотинини хафа қилишни сира истмасди. Мурод мундири тугмаларини ярқиратиб артаркан, хотини кўнглини ранжитганига пушаймон ер ва уни бахтиёр кўрган онларини эсларди. Ҳа, у ҳам бировлар ичини куйдиришни билади. Ўтган йили ёзда уларникига икки марта бир тележқадан қирқилган ўт, уч машина бетон бепул келиб тушганди. Ўшанда сўлтининг хотини қандай тутаб ёнганини, ичи куйиб адо бўлганини Салима кула-кула эрига айтиб берганди. Тилла сирға нима бўпти! Униям олиб беролади. Аммо, яна бир йил, бор-йўғи бир йил сабр қилса... машина олади. Ўшанда хотини, болаларини ўз машинасида тоққа — лола сайлига олиб чиқади. Сўлти юз йилдаям машина ололмади, негаки ҳозир тўй-маърака камайиб кетган. Кўпчилик одамлар соч-соқолини ўзи оляпти. Демак, иши касод. Уники эса кундан-кун гуллаб-яшнаяпти! Агар бирор кори-ҳолсиз яхши ишлаб турса, ҳадемай унвонини оширишади, хизмат машинаси беришлариям мумкин. Бордию баҳти кулиб радарли постга ўтиб олса борми, ошиғи олчи бўларди! Худо хоҳласа навбатдаги синфдошлар учрашувига ўз машинасида боради! Униям анойи эмаслигини бир кўриб қўйишсин!..

Мурод ширин энтиқди. Келажаги нурафшон кўриниб кетди. Одатдагидан ўзгача шовқинни эшитиб, қулоқларини динг қилди. Этиги пошналарини бир-бирига уриб, кифтини учуриб қўйди-да, узоқдан ўкириб келаётган кўк самосвалга қаради. Худди шуни кутиб тургандек, шамол қуриган акас япоғини учуриб келиб ёқаса ичига туширди. У бўйинини устара тилиб юборгандек сесканиб кетди. Сўнг шоша-пиша япоғини олиб ташларкан, йўлга отилиб чиқди. Ҳуштак чалиб, жоникқан ҳайдовчига олатаёқ билан йўл четини кўрсатди. Кавказча услубда чормаки кепка кийган ҳайдовчининг ҳафсаласи пир бўлди: "Оббо, жин ургу! Доим кутилмаганда оёқ остидан чиқишади-да!.."

У баранкани кескин тоблаб, тормозни босди. Оғир юк ортилган машина қиров қолаган йўлда тойиб бориб, бекатда автобус кутиб турган шляпали найнов кишини уриб юборай деди-да (У ўзини четга олишга зўрға улгурди), йигирма метрча нарида гийқиллаб тўхтади. Йўлда эгри-бугри излар қорайиб қолди. "Худо урди! Балога қолдим..."

Эсхонаси чиқиб кетган ҳайдовчи ўзини босиб олиш учунми, ҳайтовур тушишга шошилмади, ивирсиб бардачокдан ҳужжатларини қидирди.

Мурод сабр қилди: "ўзи олдимга келсин деяпти, чоғи..." Ва ҳукумат вакили бўйсини сақлаш учун жойидан жилмай кутиб турди. Ниҳоят, кабина эшиги очилиб, чарми эскириб сахтиёнга айланган куртка кийган барваста, чорпахил юзли киши норози қиёфада пастга тушди. Ҳамон бозиллаб турган машинасининг у ёқ-бу ёғини ўзича кўздан кечирди-да, нима учундир орқа ҳавосарини зарда билан бир тешиб қўйди.

— Ҳа, ука, тинчликми? — деди кейин, гўё ўзи эмас Мурод айб иш қилгандек нописанд ва кўришгани рапидадай қўлини узатди.

Сержант қовоғини солди (бунақа калондимоғларни жини суймасди), эҳтиром кўрғазиб, ўзини таништирди, кейин истар-истамас кўришаркан, деди:

— Бун сиздан сўраш керак! Ҳужжатларингиз?

Такаббур ҳайдовчи муз парчасидек совуқ бит кўзларини сержантга қаттиқ тикди — сарғиш кўзлар нафратга тўла эди. Кўпинча бундай назар иш берарди. Ахир арзимаган иш учун уни йўлдан қолдириб ўтиришибди!..

— Ҳаммаси жойида, ука! Овора бўй нима қиласиз!..

Мурод ҳайдовчи бетига қисқа назар ташлаб олди, ҳайдовчининг манқа бурни парраклари бемаъни тарзда пирираб турарди.

— Оворагарчилиги йўқ! — кўрс жавоб қилди Мурод ижирғаниб.

— Тушунаман, тушунаман...

— Ҳужжат?! — қатъий талаб қилди сержант асабийлашиб.

— Хўп, ука... Мана ҳозирда...

Энди ҳайдовчининг овозига бир оз ҳазил, бир оз хушомад оҳанглари қўшилди. Сўнг тимирскиланиб коверкат шиджаги чўнтагидан ҳужжатларини чиқазиб Муродга узатди. "Қаҳри қаттиққина эканми? Совқотиб жонига тегиб турган бўлса керак-да..."

Мурод ҳужжатларни синчиклаб кўздан кечиргунча ҳайдовчининг тоқати тоқ бўлиб, бўйинни ичкарига тортиб, унинг ҳаракатларини бесаранжом кузатди. Ниҳоят ёш ходим йўлнома билан ҳайдовчилик гувоҳномасини кайтариб берди-да, техталонни олиб қолди. Буни кўриб ҳайдовчининг туси ўзгарди, ичига муз парчаси тушгандек жунжиқди. Яна нафрат ва ҳайрат тўла сарғиш кўзларини сержантга қадади.

— Айтгандим-ку, ҳаммаси жойида деб!..

— Бунча шошиб қаёққа бораётгандингиз?

— Қаёққа бўларди? Қурилишга-да!..

— Сотгани эмасми?

— Э, нима деяпсиз? — Ҳайдовчининг кўзларидаги қаҳр учқунлари бир оз сўнди. — Шу совуқда шағал кимгаям керак...

— Бўлмаса бунча, им?.. — Мурод шундай дея чўнтагидан хотиржам аппаратчасини чиқазди-да, техталонни оҳиста тишлатди.

Ҳайдовчининг капалаги учди, такаббуруна кайфияти бесўнақай гавдасига сингиб, жонҳолатда сержант қўлларига ёпишди.

— И-ий, укажон, нима қилиясиз? Тешман!.. 20 йилдан буён рўлдаман. Мана оқ йўлда турибмиз, худо ҳаққи, рост айтяпман... Шунча йилдан бери талонимга гард юққани йўқ. Ана кўринг... Инсоф қилинг, биродар!..

— Муроднинг лаблари истехзоли иршайди: ҳа, қалай экансан? Димоғингдан қурт ёғиб турувди-ку? Шунақасан-да ҳамманг...

— Муюлишдаги белгини кўрмадингизми?

— Қайси?.. Ҳа, уми? Эътибор қилмабман, узр ука... — Ҳайдовчи қарийб хокисор қиёфага кирди. — Тўғри, тез келдим, бўйнимга оламан. Аммо буни сабаби бор. Қизим касал, ука... Шунга дори-дармон олгани шошаётгандим. Ҳадемай дорихоналар ёпилиб қолади. Ўзингиз биласиз, ҳозир дори, укол деганлари танқис. Учта дорихонани кўрдим, йўқ. Энди ҳаммомнинг олдидагига умид қилиб...

Ёш сержантнинг юзи мрамрдан ясалгандек руҳсиз, тунд эди.

— Ҳаммаларинг шунақа баҳона тўқийсизлар-а?

— Баҳона эмас, рост айтяпман!.. — Шоша-пиша ўзини оқлади ҳайдовчи. Ҳатто унинг чорпахил юзи буришиб, чўзилиб кетгандек туюлди, у ўз-ўзидан нафратланиб, яниб қўйди: "Бунча паст кетмасанг, шу мишиқига ялиниб... Кошки одамни тушунса бу милиса халқи..."

— Буни дахли йўқ, — деди Мурод совуққина.

— Нега бўлмасин?

— Агар бир кор-ҳол бўлганида-чи?

— Худо сақласин, бўлмайди!

— Бўлмайди-я, бўлмайди! — деб тўнғиллади сержант ҳамон пинагини бузмай. — Ҳозиргина бир одамни уриб кетишингизга оз қолди-ю... Шунақа ҳавода тез ҳайдаш мумкин эмаслигини билмайсизми? Ана изингизга қаранг. Ишонмансангиз ҳозир ўлчаб кўрамиз...

Ҳайдовчининг қорамтир юзини хавотир ифодаси қошлади.

— Тўғри, айбдорман. — деди хиёл бўшашиб. — Шунинг учун кечирим сўрапман-ку, ука... Бошқа такрорланмайди. Илтимос, йўлдан қолдирманг, талонимни беринг...

Мурод ҳам анойи эмасди, қўлидаги аппаратча шай турарди, шундоқ босса бас — пирт, вассалом! Тешмоқ-ку осон, уни "ямаш" учун бир қоғ жон керак. Буни иккисиям яхши тушунади. Йўқса ялиниб ўтирармиди? Тўсатдан ҳайдовчининг мияси ишлаб қолди; тешмай турибдими, демак нимадир тама қияпти. Вой, галварс-эй! Қўлига беш-олти сўм бер-да, рози қил!..

— Энди ука, бўп туради-да, — дея гапни андавалашга тушди ҳайдовчи. — Хато қилмаган ким бор? Беайб парвардигор. Тўғри, ман ҳам тушунаман, сиз хизматдасиз, манам давлат ишини қиялпман. Иккаламинизни ризқимиз йўлда. Сиз бугун кўчага чиққанингиз йўқ, манам кеча рўлга ўтирганим йўқ. Умумий қоидага риоя қиламиз-да... Мани кўп қийнаманг, манг, манавини олиб қўйинг-да, ҳужжатимни беринг, оқ туя кўрдингми йўқ, жон ука...

Беш сўмликка назари тушган Муроднинг кўзлари қизил матони кўрса феъли бузиладиган буқаники сингари қаҳрли ёнди, ранги бўздек оқарди.

— Нима, манга шора берялсизми?

Ҳайдовчи бу кутилмаган саволдан доврираб қолди, сира бунақасига дуч келмаганди, манқа бурнини беихтиёр ишқаб, нима деярини билмай:

— Э, йўғ-э... Шунчаки... — деди базўр ғулдираб.

— Ман сиздан пора оламанми? — Муроднинг энса пайлари учиб тўнғиллади. — Тепага бир қаранг, деразалардан қанча кўз боқиб турибди!..

У кўп қаватли уйларни кўрсатди.

Шўрлик ҳайдовчи кўрқиб кетди.

— Кечирасиз, ман буёғини...

Мурод бўш келмасди, асабдан қалтираб тобора жўшарди:

— Уларнинг кўзлари билан бирга телефонлариям борлигини билмайсизми? Сизни мана шу исқирт беш сўмингизни деб, ишдан кетиб шарманда бўлайми? Бола-чақамни ҳаром пул билан боқайми? Олинг, олинг пулингизни!.. Жа тўлаб-тошган бўлсангиз гадой-падойга садақа қилинг. Товба, мани ким деб ўйлаясиз? Ман... Давлат одамиман!..

Бу оташин нутқдан сўнг бечора ҳайдовчининг тили калимага келмай қолди. Нукул: "Кечирасиз, ман билмай... Ман ўйловдимки... Ман бундай қилмоқчи эмасдим. Ман... ман...", дея узоқ чайналди, жўяли бир гап эсига келмади. Хайриятки, уни бу талмовсирашдан Муроднинг ўзи қутқарди. У шаҳодат бармоғи билан давлат тамғаси қадалган сурранг телпагини сал юқорироқ кўтариб қўйди-да, кўй кўзларини сузиб, самимий илжайди. Мармар юзига ажиб жон кирди. Буни кўриб ҳайдовчининг кўнгли таскин топди.

— Жа одамгарчилик қиламан десангиз, ана у рестарандан беш-ўн грамм коньяк олиб беринг. Эрталабдан буён ичим музлаб кетди ўзи...

Ҳайдовчи бу таклифга жон-жон деб рози бўлди.

Биргалашиб ресторанча томон юрдилар.

...

Ойнаванд эшикни очишлари билан юз ва димоғларига илиқ ҳаво аралаш ҳар хил таомлар иси урилди. Салон тўридаги оқ пласмасса курсиларда беш-олтита хўранда ўтирволиб, бурчакдаги магнитафондан таралаётган босинқи куйга қулоқ осиб, жимгина ғулғули товук гўштини чайнашарди. Ўртароқда ўтирган биттаси шеригига кўзи билан имо қилди-да, секингина:

— Яна келди! — деб қўйди. Ҳузур қилиб чекаётган шериги ўгирилиб қарашиниям эп кўрмади.

— Совқотгандир-да, бечора... — деди бепарво.

— Бу билан икки, йўғ-э уч. Ҳа, ҳа... Бир соат ичида уч марта, — деди биринчи улфат мойли тумшугини патқоғоз билан артаркан.

Иккинчиси "санга нима?" дегандек, индамай баҳузур тамаки тутатди.

Мурод паркет полни ғижирлагиб пештахтага яқинлашди-да, буфетчи аёлдан икки юз грамм коньяк қуйишни сўради. Аёлнинг лўппи юзи бежирим ёйилиб, қип-қизил буёқли лаблари майин тортилди, ошпоқ тишлари кўринди. Кўзларида қандайдир сирли ишва жилвалади. У мамнун эди: "Ишгаҳангиз ёмонмас, ўртоқ сержант!.." Бу сирли навозишни ҳайдовчи сезгани йўқ, зотан у сезгулик ҳолатда ҳам эмасди. У аёлга маҳдиё бўлиб қолганди. Аёл семизгина бўлиб, бўлиқ кўкраклари остидан сириб боғланган гулдор пешбанди уни янада тўлароқ кўрсатарди. Сурмали кўзлари кўм-кўк, шишадек тиниқ. Упа-элликка тўйинган икки юзи нақш олмадек таранг, ошпоқ... Хуллас, чиройли аёл эди. Бунақаларга анчайин бесуяк ҳайдовчи ундан еярда-ичарда бўлиб турган кўзларини узолмади.

Аёл миқти гавдасига ярашмаган чаққонлик билан яримлаб қолган шишадан стаконга тўлдириб коньяк қўйди. Кейин гарчи инспектор айтмаган бўлса-да, чинни ликопчага тўртта печенье, икки паррак колбаса ташлаб, уни ҳам зар холли қизил тирноқлари билан Муроднинг олдига суриб қўйди. "Тирноқлари хонқизига ўхшаркан..." деб ўйлади ҳайдовчи.

Инспектор аёлга миннатдорона бош силкиб, коньякни бир сипқоришда ичиб юборди. Сўнг лабарини кувача қилиб уф-уфлади, қўли билан ҳид кўриган бўлди. Шаҳодат бармоғи билан телпагини яна юқорироқ кўтариб қўйди-да, газак учун қўйилган колбаса бўлагини бурни учига тегизиб ҳидлади, шундан сўнг бир чеккасидан тишлади. Уни индамай кузатиб турган ҳайдовчига ёлғондакам манзират қилди.

— Раҳмат. Ош бўлсин! — деди ҳайдовчи ўнғайсизланиб жилмаяркан, юзини четга бурди, ичида, "Тешиб чиқсин!.." деб қўйди.

Мурод шошилмай кавшанарди.

Ҳайдовчи аёлдан "Прима" сўради. Хотин ижирганибгина сегаретни унинг олдига иргитди. Эркак парвосиз қутини олиб, бир чеккасидан йиртди, бир дона сегарет суғуриб, дўрдоқ лабларига қистирди. Сўнг шошилмай гугурт чизаркан, кўз қири билан атрофга назар ташлади. Катта-катта сариқ пардалар ойнаванд деворларни тўсиб турар, шунинг учун ташқарини деярли кўриб бўлмасди. Хона тоза ва шинам эди. Босинқи товушда куйлаётган магнитофон ва хўрандаларнинг иштаҳа билан лабларини чалпиллатиши хона тароватини ҳийла оширган-ди.

Ҳайдовчи ҳузур қилиб чекди-да, ҳисоб-китоб қил дегандек, буфетчи аёлга им қоқди. Шуни кутиб турган аёл бир пасда сўзларни мунчоқдек тизиб ташлади:

— Коньяк учун ўн сўм. Газакка бир сўм. Сегаретга йигирма тийин.

Ҳайдовчи индамай тўлади. Бу орада Мурод қабзаниб, лаб-лунжини артди.

Улар биргаликда ресторандан чиқишди.

— Кўрасан, ўн дақиқадан кейин яна келади! — деди биринчи хуранда бад-хоҳлик билан.

Шериги индамади, ўгирилиб қараб қўйди, холос.

Мурод йўлак четида тўхтаб, биқинига осиглик планшетдан техталонни олиб эгасига узагаркан, огоҳлангирди:

— Бундан кейин кўзингизга қаранг, Қодир ака. Тагин ҳам ёшингизни ҳурмат қилдим, йўқса...

Чорпахил юзли ҳайдовчи раҳмат айтиб, шоша-пиша унинг қўлини қисди-да, машинаси томон йўрғалиб кетди.

Мурод хотиржам ўз постини эгаллади.

...

Эртаси куни пешинда улар ресторанчага яна биргаликда киришди.

Бу сафар Қодир ака — чорпахил юзли ҳайдовчининг ўзи Муродни қўярда-қўймай етаклаб келди. У таваккал қилганди: нима қипти, кўп кетганнинг бири-да... Мурод йўл-йўлақай қатъиятини яна бир бор пеш қилди: "Билиб қўйинг, бу сафар осон қутилмайсиз. Кеча ёшингизни ҳурмат қилгандим. Сиз бўлса?..."

— Биламан, биламан!.. — Қодир ака ўзини кўп йиллик қадрдондек тутар, ярим чин оҳангда жавоб қайтарарди: — Нима қилай, хом сут эмган бандамиз. Қоидани бузиш мумкин бўлмаса, қоидали яшаб бўлмаса... Биноват, ука. Бугун бошли коньяк мендан!..

Ўша дим хона, ўша сариқ дарпардалар, ўша иштаҳа кўзғовчи ҳидлар. Пештахта, унинг ортидаги олпоқ, лаблари бўялган, лўмбиллаган аёл. Фақат куй бошқача, хўрандалар ҳам ўзгарган, кечагидан кўра бир оз кўпайган. Шу боис шовқин ҳам хийла кучайгандек.

Аёл негадир бу сафар Муроднинг ташрифидан аввалгидек қувонмади: ахир сержант ҳозиргина овқатланиб кетганди-да. Боз устига тагин кечаги ёқимсиз нухани эргаштириб келиши кўнглида иштибоҳ уйғотди. У бодом қовоғини уюб аввал ҳайдовчига, сўнг Муродга хавотирли қараб қўйди.

— Хўжайинга бир истакон коньяк! — деди ҳайдовчи амирона оҳангда. Кейин бепарво, ғоят хотиржамлик билан қўшиб қўйди: — Бугун ҳавонинг авзои чатоқ, кечга яқин қор ёғадими дейман...

Аёл Муродга тагин шубҳали қараб олди, инспектор "қуяверинг" дегандек, кўзлари билан изн бергач, ҳайдовчига таниш шишани пештахта остидан чиқариб (у ҳамон яримдан ошиқроқ эди), стаканни тўлдириб қўйди.

Мурод одатича шаҳодат бармоғи билан телпагини юқорироқ кўтариб қўйди-да, қадахни сипқормоққа бошлади, бироқ икки култум ютмаёқ, ҳайдовчи: "Э-э, хўжайин, пашша!" деди-ю, ниҳоятда абжирлик билан унинг қўлидан стаканни юлиб олди ва чаққон бурилиб, уларга терс ҳолатда пуф-пуфлаб ниманидир олиб ташлади. Сўнг ўгириб қадахни пештахта устига қўйди-да, оғзини бесўнақай кир кафти билан бекитди. Бу ҳодиса шунчалик тез ва қутилмаганда рўй бердики, Мурод қадахда чиндан ҳам пашша бор-йўқлигини идрок этолмай қолди.

Аёлнинг ранги паға бўлиб кетди.

— Хўжайинга янгиланг! — деб буюрди ҳайдовчи, — Бу ҳаром бўлди!

Аёл қотиб турарди: гўё буйруқни эшитмагандек қимир этмади.

— Қўрқманг, тўлайман! — деди Қодир ака.

Аёлга жон кирди. Бошқа идиш олиб, уни тўлдирди, шиша бўшаб қолди. Буни-

сида пашша йўқмикин дегандек, қип-қизариб турган стаканга бир қур назар солди. Аммо Мурод унга қўл чўзмади, у ҳайдовчи қўлидаги қадахдан хавотирда эди, унга беихтиёр тикилиб қолганди.

— Олинг, ўртоқ сержант!.. — Мурожаат қилди ҳайдовчи, унинг сарғамтир бит кўзларида қувлик аксланиб турарди: — Сизнинг соғлигингиз учун!..

— Эя, нима қилаяпсиз?! — Мурод бирдан ўзига келди: — Сизга мумкин эмас!..

— Нимага энди? — ажабланди Қодир ака. — Сизга мумкин-ку!..

— Сиз рўлдасиз!

— Нима қилгиси? — деди ҳайдовчи ўжарлик билан, — Мен рўлда бўлсам, сиз постдасиз! Икковимиз ҳам хизматдамиз...

Шундай деба қадахни кўтариб юборди. Муроднинг стаканни олиш учун чўзган қўли ҳавода муаллақ қолди, ўзи эса сиррадек қотди. Буфетчи аёл бўлса тилигача музлаб кетди.

— Уфф!.. Жудаям ўткир экан! — деди ҳайдовчи чорпахил башарасини буриштириб: — Ичимни ёндирворди-я!.. Сўрагани айби йўқ, бу коньяк қаерники? Грузияникими ё Ҳиндистонники? — У бит кўзларини олайтириб, қути ўчган аёлга тикилди.

Хўрандалар учун бу ажабтовур томоша эди. Улар емоқ-ичмоқдан тўхтаб, бу томонга ҳайраг-ла боқиб туришарди. Мурод кўрпоқ шунисидан қўрқди. "Тамом, — деб ўйлади у, — мундир ҳам, обрў ҳам кетди!"

Хайриятки, Қодир ака сир бой бермади.

— Олинг хўжайин!.. — деди у бадхоҳлик билан тиржайиб. Тамаки кўп чакканидан тишлари қорайиб кетганди.

Мурод қимир этмади. Ноқулай сукунат хийла чўзилди.

— Юринг, сержант! — Тўсатдан Муродни қўлтиқлаб олди Қодир ака ва фолибона ташқарига бошлади. — Яхши усул топибсизлар, табриклайман!..

Муродга сўз маъносидан ҳам кўпроқ унинг паст овозда, сирли тарзда айтилиши таъсир қилди; вужудидан иситмадек нохуш ҳовур кўгарилди.

— Қандай билдингиз?.. — Тили калимага зўрға келди.

Қодир ака сирли жилмайди.

— Бир топишмоқ айтсам майлими?

— Топишмоқ?..

— Ҳа... Далада — яшил, бозорда — қора, уйда — қизил. Хўш, нима у?

Мурод қошларини чимириб ўйлади.

— Хўш? — жавоб талаб қилди Қодир ака.

— Билмадим... — тан олиб қўя қолди сержант.

Қодир ака кулиб, Муродга тепадан қаради.

— У сизлар қўллаган нарса — чой! Қора чой!..

— Жудаям синчи экансиз... — Мурод ҳам сирли, паст овозда мақтаган бўлди.

Одамзод сири кутилмаганда фош этилса, бир зумда қўл-оёғи боғланган қуёнга айланади ва беихтиёр мухолифининг иродасига бўйсунди. Мурод ҳам ана шу куйга тушди ва рўпарасидаги одамга умидвор тикилди.

Қодир ака қорайиб кетган тишларини кўрсатиб яна кулди.

— Сиздан яширадиган сирим йўқ, — деди босиқлик билан. — Кеча тасодифан ҳамкасбаримдан эшитиб қолдим. Мендан бошқа яна тўрт киши сизга коньяк олиб берибди. Бу битта биззи корхонадан... Кўча катта, серкатнов... Озмунча мошин ўтадимиз? Қўлга тушган ҳайдовчи коньяк олиб бераверса, биласизми нима бўлади?.. Хизматдаги одам шунча ичиши мумкинми? Ҳисоб-китоб қилиб курдим. Тўғриси ақлимга сиғдирилмадим. Сиз эса ичган одамга ўхшамайсиз, ҳамиша ҳушёрсиз. Ана шу нарса менда шубҳа уйғотди...

— Ҳмм... — деб секин бош чайқаб қўйди Мурод ранги тамом узилиб. — Шунинг учун... атайин қоидабузарлик қипсиз-да?..

— Ҳа-да! Гумонимни синаб кўришим керак эди.

— Қойилман...

— Аммо-лекин манам қойилман! Памил чой, сабил, ростдан ҳам коньякка ухшайди-да, а? Ҳе-хе-хе...

— Энди нима қилмоқчисиз? — оҳиста мақсадга кўчди Мурод.

Қодир ака муғомбирона елка қисди-да:

— Балки келишиб олармиз.

— Қандай?



— Сиз мани ушламайсиз! Бошқалар ушлаганда ёрдам қиласиз. Ахир ўзингиз биласиз, тирикчилик — тирриқчилик! Баъзан...

— Ҳм, яхши... — рози бўлди Мурод оғир сўлиш олиб. — Лекин, Қодир ака... Оқ туя кўрдингми йўқ!..

— Бу ёғидан хотиржам!.. Сичқон тушди ўрага гулдур гуп, ҳе-хе-хе... Аммо, хизмат бўлса бемалол.

— Яхши. Кеча дори ололдингизми?

— Йўқ-да, кеч қолибман...

Мурод чўнтагидан ўн сўмлик чиқазиб ҳайдовчига узатди.

— Манавини олиб қўйинг! Кечаги қўполлигим учун узр...

— Э, қўяверинг, ҳалолдингиз бўлсин! Ман сидқидидан...

Мурод пулни ҳайдовчининг ён чўнтагига солиб қўйди.

Улар қўл сиқишиб, дўстона хайрлашдилар.

Мурод ғамгин ўз постига қайтар экан, энди бу усул чўт бермаслигини англаб етганди. "Эссизгина, яхши кетаётганди-я! Ҳа, майли, шунисиғам шукур, бундан батгар бўлиши ҳам мумкин эди..."

У мийиғида кулиб қўйди. Бош омон бўлса, дўппи топилади.

## Мўм

Эшик журъатсизгина очилди. Бир тўп ҳужжатларга кўмилиб ўтирган директор ажаблангандек, оппоқ сочли бошини кўтариб қаради, кейин шошилмай бурни устида ялтираб турган кўзойнагини олиб, бир учини тишлади-да, чап кўзини хиёл қисди.

— Кечирасиз, бирпасга кирсам майлими?

Оқкувадан келган, чўзинчоқ юзли, истараси иссиқ йигит ичкари киришга юраги дов бермади, эшик тутқичидан ушлаб турар, маънили кўзлари мулойим жовдираб боқарди.

— Келинг...

Паркет ғижирлаб, йигит яқинлашди.

— Хўш хизмат? — деб сўради директор овозини хиёл баландлатиб.

— Шу... уй масаласида...

— Ҳмм... ўтиринг.

Директор энди ўзининг товуш оҳангидан уялгандек бўлди. Кўзойнагини стол устига қўйиб, йигитга бафуржа тикилди. У қарийб ўн олти йиллик директорлик даврида бундай йигитларнинг барчасини лўнда қилиб лаборант деб аташга одатланган эди.

"Бунга ҳам қийин. Шу даргоҳда ишлаётганига етти-саккиз йилча бўлди-ёв. Ўзи ёмонмас: интизоми дуруст, айтган юмушни вақтида қилади, бўлим топшириқларини, режадаги ишни бажаради. Дессертациясига келса — бу унинг шахсий иши. Болалари ҳам анчагина, шекилли. Арзимаган маош билан уларни боқиб, кийинтириш осонмасдир. Бунинг устига уйсиз, ижарада турса... Иши яқинда муҳокамадан ўтди. Ёмонмас — пухта. Умуман, салоҳиятли йигит. Тўғри, диссертациясини бироз чўзиб юборди. Аллақачон ёқлаб олиши мумкин эди. Эҳтимол шароити чатоқдир. Балки шу сабаб бўлгандир..."

Йигитнинг сирланган, жигарранг стол устидаги серпай, ингичка қўллари билинар-билинмас титрарди.

"Ҳаяжонланяптими ё кўрқяптими? — сезиб қолди директор. — Ҳаяжонланса — яхши, кўрқса — ёмон... Ёшлар кўрқоқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда ривожланиш тўхтайдир".

— Хў-ўш?..

— Иҳм... — деб гап бошлади йигит ийманибгина: — Бугун ҳам кампир бошқа жой топинг, уйни таъмирлатишга улгуролмайман, баҳор яқинлашяпти, ўғлимни уйлантираман, деди. Нимаям дердим, гапи тўғри. Уларнинг тўйига тўғоноқ бўлиб, уйини эгаллаб туролмайман-ку...

— Ҳмм... — директор бошини ликиллади тасдиқлади. Хиралашган, нурсиз кўзлари йигитга ҳамдард боқарди.

— Бундан ташқари совуқ... — давом этди йигит директор мурувватидан руҳ-

ланиб. — Ўзингиз биласиз, домла, қиш ўчоғи тор... Тўртта боламни чирқиллатиб қаёққа ҳам бораман? Ёз бўлса ҳам бирнав эди...

Йигитнинг назарида директор уни яхши тушунаётгандек эди...

«Ишқилиб, худо ўзига инсоф берсин-да, йўқ демасин...»

— Жой топилгунча... Ундан кейин қиш охирида ўгин-кўмир масаласи...Базадагиларни рози қилиш...

Директор дераза ёнига борди. Чўнтагини ковлаб сигарет чиқазди-да, уни эзғилаган кўйи бирпас туриб қолди. У ўзини йигит ўрнига кўйиб кўрмоқчи, тўрт болани етаклаб уйма-уй ижара қидириш ноқулайлигини тасаввур этиб ачинмоқчи бўлди — бироқ... эплормади. Негаки, қарағай барги тўкилгандек, беаёв ўтаётган йилларнинг умрдан юлган varaқлари унинг ўзини ҳам бир пайтлар кўчама-кўча изғиб бошпана излаган нохуш кунлари устига кул сочиб, хотирасини хиралаштириб юборган эди. Директор у кунларни бир ҳафта бурун кўрган тушини эслагандек эсларди. Боз устига кўп йиллардан буён дориломон яшашга ўрганиб қолиб, дабдабаларни кўравериб, ҳамма ҳам шундай яшашпти, деган фикрга кўникиб кетганди. Шунинг учун йигит бошидаги савдо унга ғайри табиий туюлди, у атай раҳминми келтириш ниятида бўртгирапти, деб тушунди.

— Турмуш деганда қийинчилик бўлади-да, — деди у насихат оҳангида. — Уруш йиллари, урушдан кейинги йиллар ҳам озмунча азоб торгдикми? Лекин... чидадик...

«Буларни менга нега гапиряпти? — деб ўйлади йигит ташвишланиб. — Ахир ҳозир уруш йиллари эмас-ку. Умуман, урушнинг бу ишга нима дахли бор? Бу чоллар негадир фақат уруш йилларигина қийин бўлган дейишади. Ҳозир қайси бир нарсага осонликча эришяпмиз? Ҳаммасиям ўзига яраша оғир бўляпти-ку. Наҳотки биз ҳам бугунги қийинчиликларни келажак авлодга пеш қилсак?..»

Ниҳоят, директор насихатни бас қилиб, сигаретини ёндирди, бир зум сўзсиз тургач, яна аввалги фикрига қайтмоқчи бўлди, лекин негадир бунинг ўрнига кўчани диққат билан кузата бошлади.

Қийшайиб қолган арчалар устидаги қор қуёшнинг тафтсиз ёғдусида кўзни камаштиргудек ялғиллайди. Кўчада эса одатдаги вағ-вуғ шовқин давом этарди. Физилаб бораётган троллейбус туйқусдан таққа тўхтади; ичидаги одамлар чайқалиб кетди: бир дуга салтанглаб чиқиб, симга қарсиллаб урилди, атрофга кўкимтир-қизғиш учқунлар сачради. Муюлишдаги светафор қаршисида бир талай одамлар туришар, тезроқ йўл очилишини пойлашарди. Улкан чинорлардан эса попилаб қор тўкиларди.

«Мана, муаззам ҳаёт. Товуш тезлигига эришилган замонда фақат одамларгина эмас, жонсиз-руҳсиз автомобиллар ҳам қаёққадир ошиққани-ошиққан. Ҳаммасида ҳам қандайдир дард бор. Агар мана шу дардларни бир ерга йиғса қанча бўларкин-а? Бир киши дош беролмаса керак...»

У бу ўйидан ҳам ҳайратланмади.

— Ихм... — йигит кўзғалиб қўйди.

Директор унга юзланди, ажабсиниб кулимсиради, кейин яна рўпарасидаги итоаткор йигитнинг аҳволини тушунишга уринди. Руҳий қуввати етмагач, ночор елка учириб қўйди-да, қайтиб жойига ўтирди.

— Ташвишланманг, уй бўлади. Буни албатта ўйлаб кўрамиз.

— Раҳмат. Яхши бўларди.

— Навбатингиз нечинчи?

— Биринчи, домла...

— Ўмм... яхши. — У яна кўзойнагининг бир учини тишлаб, бир зум йигитни кузатди.

«Умуман, оқкўнгил, гапга кўнадиган йигит. Умрида ҳеч хатога йўл қўйганмикин? Хато қилмаган бўлса — яхши, қилган бўлса — ёмон!.. Хато қилган одам қайсар, журъатли бўлади, хато қилмагани эса ёввош... Бу ёввош бўлса керак...»

— Иккита уй берилаяпти. Шундан биттаси кенгайтиришга.

— Менга бир хоналик бўлсаям розийдим. — деди йигит шоша-пиша. — Ўзингиз биласиз, домла, жуда қийналиб кетдик...

— Ўм-ҳм... Албатта берилади. Шаҳарда рўйхатингиз борми?

— Бор, домла, яқинда тўғриладим.

Директор лабларини қувача қилиб чўччайтирди. «Шуниси чато-оқ экан...» Орага тушган сукунат керагидан ортиқ чўзилди.

— Хўп, яхши. — дея тўсатдан столга «шап» эткириб урди директор. — Албатта уриниб кўрамиз.

У ўрнидан турди: бу — суҳбат тугади, дегани эди.

Йигит ҳам истар-истамас кўзгалди — у мужмал жавобдан қоникмаганди.

— Раҳмат. Яхшилигингизни унутмайман, домла...

Паркентғижирлаб, йигит чиқиб кетди.

Директор бир муддат тик туриб қолди: "Яхши бўлмади. Аҳволи чиндан ҳам оғирга ўхшайди. Нега дангал гаплашиб олмадим-а? Нимадан чўчидим?.. Энди умид қилиб юради. Очигини айтиш керак эди, тушунарди... Яхши йигит..."

\*\*\*

— ... У яна келди! — деди директор хотини кўзига қарашдан чўчиб, қўлидаги газетани баландроқ кўтараркан.

Идишларни йиғиштираётган хотин тушунмай, эрига синовчан тикилди.

— Кимни айтяпсиз?

— Анавини-да... — директор бироз чайналди: — Ҳалиги навбати етган йигит бор-ку...

— Ҳим, — аёл қошларини чимириб, қаддини ростлади. — Нима дедингиз? Кўндиролдингизми?

Директор жуда муҳим нарса ўқиётгандек газетага тикилиб тураверди.

— Сиздан сўраяпман, дадаси?.. Нима бало, розилик бериб юбордингизми дейман?!

— Йўқ!.. Лекин одамни раҳми келади, аҳволи жуда чатоқ...

— Каримжонники чатоқ эмасми? — Аёл ингичка қошларини аламли бурди-да, идиш-товокларни шақирлатиб нарироқ сурди.

Директор кўксининг алақаеридир зирқиради.

— Чатоқ бўлса ман айбдорми? — У газетани шахт билан пастга тушурди — бу аччиғи чиққани эди. — Сан ҳам гапга тушун! Каримжонинг яқинда келди. Бир-икки йил ижарада тура-гурса бекликдан тушиб қолмас! Яшаб ётибди-ку қанчаси... Буни устига ҳали боласи бўлмаса? Тегирмон ҳам навбати билан-да...

— Тагин айнибсиз-а!.. Лафз борми ўзи сизда? Етганга "хўп" деяверасизми?

Хотин палатонлари ҳимоясига ҳозирланган она товукдек хурпайиб, қўллари-ни белига тиради.

"Лафз борми, ўзи сизда?" калимаси директорнинг иззат-нафсини жароҳатлади. Ҳа, айб ўзида. Бошдан қаттиқ олиш керак эди. Унинг марҳума хотини ёввош, ройишли эди; гап талашмас, бориға шукр, йўғига сабр қиларди. Буниси ёш, чиройли бўлгани учунми дабдабага ўч, анчайин серхархаша чиқди. Айтганини қилдирмай қўймайди. Ройига боравериб ёмон ўргатди. Болали бўлгач, росям бошига чиқиб олиди.

— Менга қара, хотин! — деди директор аламдан афтини бужмайтириб. — Чоғимда... жуда ҳаддингдан ошиб боряпсан. Уй давлатники! Дунёда қонун-қоида деган нарса бор. Буни унутма!..

Анча кундан буён давом этиб келаётган бу машмашага хотин дуруст тайёргарлик кўрган бўлса-да, эрининг охирги гапидан таъсирланиб, сал пасайди. У иш осонгина ҳал бўлар, деб ўйлаганди. Ўзи ва болаларининг ёшлигини назарда тутиб, борди-ю айтганимни қилмаса йўлига "ажрашамиз", деб қўрқитаман, дея кўнглига тугиб қўйганди. "Қани, ёши бир жойга борганда алимент тўлаб кўрсинчи, элга кулги бўлиб..."

Шу боис пўписа усулидан воз кечиб, иккинчи — кўзга ёш олиш усулини қўлади.

— Шундай қилиб, бермайсиз-а? Шунақами?.. Гапиринг, шунақами?..

— Ойсара... Ёш бола эмассан-ку!..

— Каримжоним сизга бегона-да, а? Унга ичингиз ачимайди... У бўлса сиззи почкам, деб ўлиб бўлади. Малайдай хизматингизни қилади... Майли, бермай қўя қолинг. Бир амалаб кунини кўрар... — Хотиннинг кўзларида филқа-филқа ёш айланди. — Шўрлик укагинамга ҳеч кимнинг раҳми келмайди...

Директор ортиқ тоқат қилолмади. Фазабининг зўридан пишқириб, қийналиб нафас оларди. У ҳозир сал ён бермаса жанжал катталлашиб кетишини ҳам фаҳмлаб турарди. Шунинг учун шоша-пиша лабига сигарет қистирди-ю, қўшни хонага — ўз кабинетига ўтиб кетди.

У ерда ҳам анча вақтгача ўзига келолмади: боши оғриб, қулоғи шанғиллаб, бутун вужуди титраб турди. Нариги хонадан идиш-товоқ юваётган хотинининг зардали овози, болаларга таънаомуз гаплар айтиб, шанғиллаётгани эшитилар

эди. Директор гоҳ оловланиб, гоҳ сўниб: «Болаларда нима айб? Нега уларга захрингни сочасан?» демоққа чоғланди.

Аммо... диванга чўзилиб, сигарет тутатди.

«Нима бало, — деб ўйлади у ўзидан ижирғаниб. — Қариб талмовсираб қолдингми? Нима бўлягги ўзи?... Хўш, нима қипти, яна битга омадсиз лаборант қарғишига дуч келибсан-да. Шунга осмон узилиб ерга тушадими? Бунақалар озмунчами? Уларнинг ҳар бири учун оилам билан жанжаллашадиган бўлсам охири нима бўлади?... Нега энди уларнинг ташвиши ҳаётимга оғу сепиши, касал юрагимни бесаранжом қилиши, оиламни бузиши керак экан?»

Телефон жириглади. Директор энгашиб, истамайгина гўшакни кўтарди — ҳозир юрагига қил ҳам сиғмасди. «Алло... э, Камолов, сизмисиз?... Раҳмат, ўзингиз қалайсиз?... Ҳа, сал тобим йўқроқ... Ҳа, ўтиб кетади... А? Ҳа, албатта, албатта... Ҳе-ҳе... шундай-шундай... Тўғри, қайтар дунё... Йўқ, эсимдан чиққани йўқ... Э-э, бўлмаса-чи... Хотиржам бўлинг, бегона бўлмайди...»

Гўшакнинг тарақлаши эшитилди. Директор яна диванга чўзилиб, кўзларини юмди. «Уф... Тоза жонга тегди-да шу лаънати уйлар ҳам. Ўтган йили қизимни турмушга узатганимда Камолов уй тўғрилаганиди. Энди у ўғил уйлантираётганида... Тўй шунга қараб қолган... Уф!.. Қани энди ақл кўнглининг далолатига бўйсунса? Йўқ, ақл «бер» деб талаб қилади: бу — қарз! Бундан ташқари Камолов иши тушадиган одам... начора, кўнамиз-да...»

Юрагига фақат хотини-ю, болаларигина сиға оладиган одамшаванда директор ўзини-ўзи койиб, иложи борича совуққон, мангикли фикрлашга уринарди. Бироқ навбати биринчи бўлишига қарамай елка қисиб ўтирган тортинчоқ йигитнинг мунғайма ҳолати дамба-дам кўз олдига келаверади. Унинг тиниқ қора кўзларидан умид ва садоқат ёғарди. «Унга қийин, — ўйларди директор, — унга қийин...» Лекин, шундай дерди-ю, барибир йигитга нисбатан ачиниши юзаки эканлигини ҳам сезиб, ўзидан норози бўларди. «Нега мен бунақаман-а? — деди охири ўзидан хафа бўлиб, — Нега одамлар руҳиятига, кайфиятига алоқадор ишларга тўқнашмас юрагим безиллайди? Ўзимни беҳол, касалванд сезаман. Нега? Нима учун одамлар доим алдашаётгандек туюлверади... Наҳотки роботга айланиб бораётган бўлсам? Менга бу касаллик қачон илашди ўзи?...»

У ўрнидан туриб кетди. Хонада нари-бери юра бошлади. Бир ҳовуч игна санчилгандек юрагида оғриқ сезди. «Бу машмаша ҳали гўрга тикмасайди... Виждонли бўлиш ҳақидаги ниятни эъзозлашнинг ўзи етмайди. Уни амада исботлаш эса — кўп нарсага, аввало ўз манфаатингга қарши боришдир. Бу осонмас. Энди буни қари юрагим кўтара олмайди...»

У уф тортиб диванга чўқди. Кўз олдидан ўтмишда бўлган ёрқин манзара лишиллаб ўтди.

Уруш йиллари... Рутубагли, нимқоронғу кунларнинг бирида эриб ювак бўла бошлаган қор қарсиллаб, зорланиб, вазмин чўқади, ён-атрофдаги ўрмондан ўқлар тинимсиз чувилаб учади. Бу ўқлар қаердан отилаётганини на аниқлаб бўлади, на кўриб... Кўз очиргани кўйишмайди. Темир каллалар зим ғойиб, гўё ўқлар ўз-ўзидан ёғилаётгандек... Ҳавони аччиқ қорамтир тутун ва порох ҳиди қошлаган. Паналашга улгуролмаган қуроодош дўстлари дўддек ёғаётган ўқларга учиб тут-дек тўкилишмоқда. Қаёққа қараб ўқ узишни ҳеч ким билмайди, ҳамма гаранг... Наҳотки қуршов бўлса? Бошлиқлар ҳам калава учини йўқотишган. Бўлинмада парокандалик... Ҳар ким ўз жонини асраш билан овора. Бундай пайтда мақсадсиз ўқ узиш — бемаъ依лик.

У бомба ўйган тўнка тагидаги чуқурчада юрак ҳовучлаб ўтирарди. Шу пайт қаншаридан қон сизаётган лейтенантнинг эмаклаб бораётганига кўзи тушди. Нима қилсин? Жойини берсинми? Жой бериш жон бериш билан тенглашган бир пайтда-я!..

Индамаса лейтенант сезмай ўтиб кетарди.

— Ўртоқ лейтенат! Бу ёққа келинг, бу ер бежавотирроқ...

Лейтенант шу томонга эмаклади. Унинг кўзлари миннатдор порларди. Ўшанда лейтенатга жой бўшатган ёш жангчини тасодифнинг ўзи омон сақлаганди... «...Ҳозир-чи? Ҳозир ҳам шундай бировга жой бўшата оласанми?»

Директор тиззасига шапатайлаб ўрнидан туриб кетди.

«Йўқ, энди бундай қила олмайсан! Нега? Негаки... мансаб, мартаба деб имонингни ютганингга анча бўлган. Биринчи марта Наби Холиқов қолиб сен директорликка тайинланганингда... Набининг сендан кўра илми ҳам, ташкилотчилиги ҳам зўрлигини била туриб индамадинг. Теварагингда қўл қовуштирувчи-

лар кўпайганда, хушомад омонат нарса эканлигини била туриб йўл бердинг. Ҳамма сени палончиевичлаб турганда, савил, ширингина жон, бу сенга ёқарди-да!.. Кейин Камоловга ўхшаган тирговучлар тоқдинг. Тирговучларнинг бори яхши-да, ҳам қулай, ҳам осон. Шунинг учун иккинчи маротаба виждонсизлик қилиб тагин Наби Холиқовни четга суриб, мухбир аъзо бўлдинг, фан арбобига айландинг. Бу унвонлар обрўйингни оширди-ю, бироқ... Ҳа, ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Сен фақат тепадан келадиган буйруқни бажарар эдинг, холос. Тирговучларга нозик жойинг маълум эди, улардан гоҳ буйруқ, гоҳ илтимосномалар қордай ёғилиб турди. Сен ҳар икковини ҳам бажаравердинг, бажаравердинг. Натижада ўзингдан ўзинг буткул айрилиб, гуноҳга ботдинг. Энди буларни қайта тўғрилаб бўлармиди? Йўқ, энди кўлингдан келмайди. Оқимга қарши сузишга энди қувватинг етмайди... Шунинг учун азоб чекмай қўя қол, чол!.. Тўғри-да, юқоридагилар кўра-била туриб вилоятлардан келганларни ҳам «шу ерлик» ҳисоблаб, уларга ҳар беш-ўн йилда бир уй-жой ажратишса сен айборми? Агар ўша йигит Россия ёки бошқа ўлкалардан келганида-ку (ҳатто оддий ҳайдовчи бўлсаям) «ноёб мутахассис» ҳисобланиб, дарров уй билан таъминланарди-я!.. Афсуски, у Хоразмдан-да!..»


У яна тамаки тутади, асабийланиб нари-бери юрди. Шу пайт кутилмаганда нариги хонадан куй янгради:

*...Дилнавозим, дилафкорим,  
Ёнингга учай, Лайло.  
Сенга ёлғиз асраганим  
Қалбимни очай, Лайло...*

Директор юришдан тўхтади. «Шерзода магнитофон кўйди-ёв. Шу кўшиқни ёқтиради. Ҳар куни бир эшитмаса бўлмайди. Ҳа, эр етиб қоляпти у...»

Муסיқа оҳангига маҳлиё бўлган директорнинг лоқайд қалби шунда янги бир ҳақиқатни кашф этди: «Бўпти! Агар қўрқоқ бўлсанг, қўрқоқлигингни бўй-нингга ол. Ҳозирги вазият сени ғайри қонуний йўл тутишга, иймонингни ютишга мажбур қилаётганини пайқаб туриб, пайқамасликка олаётган экансан, бас, орани очиқ қил: умр бўйи қўрқоқ бўлиб қолавер — шунда тинчгина яшайсан! Бу дунёда сенга ўхшаган кучсиз, бадбахт одамлар камми? Биз тақдир қўлида ийланган лой, тўғрироғи мўммиз: исташса — бюрократ ёки аблаҳни, исташса донишманд ёки авлиёни ясашади. Билдингми идора чувалчанги!? Энди эртага бориб йигитга айт, уй келаси йилга қолдирилибди деб. Шўрлик ишонади, кўнади... Аслини олганда у ҳам менинг кўлимдаги мўм — агар хоҳласам турфа шаклга солишим мумкин...»

Шундан сўнг бир оз тинчиб уйку тадоригини кўрмоқчи бўлди. Лекин ухлай олмади: бош-кеги йўқ фикрий тарқоқликлар орасида ҳадеб йигитнинг маънили кўзлари ва мунғайма ҳолати кўз олдига келаверди. Ҳарчанд қувишга, унутишга уринмасин уддасидан чиқолмади. Сўнг заифлигини эслашдан ҳам уялмади. Ҳадеб олдинлари ўзида борлиги сезилмаган тахмину фаразларни ўйлайверди: ҳар хил бемаъни фалсафа сотувчи пастарин кишилар, тили бошқаю дили бошқа мунофиқлар, қўли қонли муттаҳамлар... Хуллас, мулоҳазалари чексиз эди. Мияси ғовлаб, чарчаб кетди: бошида нимадир ёрилгандай ёки чақмоқ чаққандай бўлди. Аввал титради, сўнг кўнгли айниб кўз ўнгини яшил парда қоплади. Салдан кейин ёнидан қушлар галаси учиб ўтди. Бир пайт котибаси қандайдир пакет узатди, сўнг йигит, сўнг хотини нимадир деди... Охири ҳаммаси ғойиб бўлиб, атрофни мангу зулмат қоплади.





Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

Абдулла Қаҳҳор

## КИТОБ ШАВҚ БИЛАН ЎҚИЛИШИ КЕРАК

Икки кунда ўқиб ташлаш мумкин бўлган баъзи китобларимизни ўқувчи ҳафталаб ўқийди. Китоб столнинг чеккасида оғир юк бўлиб ётаверади. Ҳар сафар унга кўз тушганда узиб бўлмайдиган катта қарз ёдга тушгандай юрак орзиқади. Ўқишга фурсат бўлганда киши уни не машаққат билан қўлга олади; хинин ютгандай афтини буриштириб, сабри етгунча ўқийди; авторни ичида ёки баралла сўкади... Бундай китобни адабиётчи ўқиса адабий ҳаётдан орқада қолмаслик учун ўқийди, китобхон нима учун ўқиши керак — худонинг ўзи билади.

Эҳтимол, бу фикрларим... баъзи бир ёзувчиларнинг иззат-нафсига тегар, лекин илҳом, яъни қалб ҳарорати билан илитилмаган, дардсиз, эҳтироссиз ёзилган совуқ асарлар кўп. Бунақа асарларни мақтайдиган дидсиз танқидчилар ҳам топилади. Бу тоифа танқидчилар ўқиб бўлмайдиган, бадиий жиҳатдан ғоятда ғариб бўлса ҳам рўй-рост “ғоявий хатоси” йўқ китобларни ахтариб юриб, улар тўғрисида мадҳиялар ёзиб ўрганган, шуни касб қилиб олган. Мазкур китоб шундай танқидчиларнинг қўлига тушса, ёзиладиган тақриз ҳам китобнинг ўзига жуда мос бўлади: тақризчининг ички қаноати эмас, ҳар хил “фойдали” мулоҳазалари натижаси бўлиб вужудга келади. Тақризчи аввал ҳозирги замон темасининг аҳамиятини тушунтиради, ундан кейин ижобий қаҳрамон ҳақида жуда тўғри муҳокамалар юргизади, сўнгра “асар айрим камчиликларидан қатъи назар, ижобий ва тарбиявий роль ўйнайди”, деган хулоса чиқаради.

Китобни ўша ижобий ролдан баҳраманд бўладиган, тарбия оладиган китобхон ўқиёлмаса, ўқимаса-чи! Танқидчининг бу билан мутлақо иши йўқ.

Бизнингча, бу хилдаги китобхонлар ҳеч қандай ижобий ва тарбиявий роль ўйнамайди, аксинча, адабиётнинг тарбиявий ролига заха етказиши; замонавий темани, ижобий қаҳрамонни, умуман, адабиётни китобхон кўзида бебурд қилади.

Эртаги кишининг онгини етук қилишда, шубҳасиз, адабиётнинг роли жуда каттадир. Модомики шундоқ экан, ўқиб бўлмайдиган китоб, ёзувчи халқ ҳаётини нақадар чуқур ўрганганлигига ва бу ҳаёт унга қай даражали илҳом берганига эътибор қилмайдиган танқид бундай ролни ўйнай олмайди.

Бизнингча, рангсиз, нурсиз, ҳароратсиз асарлар ҳаётни чуқур ўрганмасдан, унинг аччиқ-чучугини татимасдан, ўша ҳаёт одамларининг қалбига қалбини пайванд қилмасдан, дардсиз, эҳтироссиз, яъни илҳомсиз ёзилган асарлардир.

Бундан бир неча йиллар бурун бизда ҳамма ўзини поэзияга урганди, ўшанда: “Литфондга бериладиган ариза ҳам шеър билан ёзилаётимди”, деб кулишар эдик. Кейинги йилларда проза жанри тараққий қила бошлади, прозачиларнинг сони кўпайиб кетди. Ҳозир адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олган, шу жанрда дадил-дадил қадамлар ташлаётган йигирмадан ортиқ прозачимиз бор. Булар, албатта, катта тўлқин яратди. Айрим прозачиларимиз, афтидан, шу тўлқин остида бир лаҳза бўлса ҳам кўздан ғойиб бўлмасликка талпиниб, баъзан зўрма-зўраки асарлар ҳам ёзишади.

Бундай асарлар илҳом натижаси эмас, ёзувчи бўлгандан кейин, умуман, ёзиб туриш, иложи бўлса мумкин қадар каттароқ нарсалар билан майдонга чиқиш

хоҳишидан туғилади. Бунақа илҳомсиз ёзилган ўлик асарларни ҳеч қанақа юксак гоё, ҳеч қандай муҳим тема, техника, малака тирилтиролмайди.

Ўлик асарлар, хусусан, эҳтирос — илҳом, яъни юрак қони билан ёзилиб яшнаб турган асарлар ёлқинида яна ҳам хунукроқ кўринади.

Лермонтов Пушкиннинг ҳалоқатига ёзган шеърини шу буюк воқеага ўзининг муносабатиңи айтиб қўйиш учун ёзган эмас. “Ревизор”ни ёзмаслик Гоголь учун ҳаётнинг маъносини йўқотиш билан баробар эди.

Дарахтни ундирадиган, ўстирадиган ва мевасини лазиз қиладиган қуёш, ер ва сув бўлса, бадий маҳоратни ундирадиган ва ўстирадиган, самарасини жозибали қиладиган халқ ҳаётидан олинган илҳомдир. Бунинг яна ҳам ёрқинроқ мисолини профессионал ёзувчи бўлмаган, ҳатто қўлига биринчи марта қалам олган, лекин қаламни шуҳрат ёки бошқа нарса тама қилиб эмас, қалбидаги муҳаббат ва нафрат оловини сочиш учун олган кишиларнинг асарларида кўриш мумкин.

Илҳом билан ёзилган яхши китобларимизнинг баъзан ҳуснини бузадиган иллатлардан бири сохта монументализмдир. Бизда ёзувчилар тегишиб китобнинг ҳажмини лист билан эмас, килограммлаб ўлчашади, фалончининг китоби эллик грамм, фалончининг китоби уч кило, беш кило...

Китоб қайси жанрда ёзилмасин, ўқишли бўлиши керак. Китобнинг ўқишли бўлиши авторнинг китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикри бўлганини кўрсатади. “Китоб ўқишли бўлиши шарт эмас” дейдиган ёзувчилар ўқишли китоб ёзиш қўлидан келмайдиган ёки ҳаётни чуқур ўрганиб илҳом олишга эринадиган ёзувчилардир.

Рус классик ёзувчиларидан қайси бири ўқиб бўлмайдиган китоб ёзган? Буларни жаҳонга танитган китоблари энг ўқишли китоблари эмасми?

Ўқишли китоб гўзалликдир, лекин гўзалликда ҳам гўзаллик бор. Қоронғи кечада отилган мушак ҳам гўзал, қуёшга қараб хандон ташлаб турган гул ҳам гўзал. Осмонда сочилиб кетган ранг-баранг олов ва олқиш излар гўзаллиги кўзни қамаштирса ҳам пуч гўзаллик, шунинг учун бебақодир. Гулнинг гўзаллиги эса тўқ гўзаллик, чунки унинг бағрида ҳаёт бор, шунинг учун абадий гўзалликдир. Фунча гулдан ҳам гўзалроқ, чунки унинг бағрида икки ҳаёт — ўз ҳаёти ва яна гул ҳаёти бор.

1963

## ЁН ДАФТАРДАН

Ҳаёт магнит — ўзига тортади, ёзувчи шу магнитни ўзига юқтира олсагина китобхонни ўзига торта олади.

\* \* \*

Яхши ёзолмаганлигининг кечириш мумкин, лекин яхши ёзишни истамаганингни кечириш мумкин эмас.

\* \* \*

Бошқа ишга ярамай адабиётда танқидчилик қилиб кун кўриб юрган танқидчи, кўрқоқ қоровулдай ҳар шарпадан чўчиб шақилдоқ чалаверади.

\* \* \*

Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам бахмалга қадаб осиб қўйишар экан.

\* \* \*

Бу одам ёзувчилик меҳнатини фақат ёзишдан иборат деб ўйлайди.

\* \* \*

Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

\* \* \*

Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зурур гапларнигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

Абдулла Орипов,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

## Ўлмас ижод

Ҳаётлигидаёқ умумхалқ эҳтиромига сазовор бўлган адибимизнинг номи, хо-  
раси истиқлолимиз шарофати билан янада баландроқ мақомларда шарафлан-  
моқда. Ёзувчининг юз йиллигини ўтказиш муносабати билан Президентимиз фар-  
мони эълон қилинди, шу муносабат билан мамлакатимизда кўпгина тадбирлар  
амалга оширилди. Адибнинг сайланмаси, у ҳақидаги хотиралар китоби нашр этил-  
ди. Хужжатли фильм тайёрланди, почта маркалари чиқарилди, уй-музеи тубдан  
таъмирланди. Мамлакатимизда қаҳқорхонлик анжуманлари ўтказилди ва ўткази-  
лаётир. Улуғ адибнинг ўлмас ижоди қадрланиб, унга биринчилардан бўлиб “Буюк  
хизматлари учун” ордени берилган эди. Ҳозиргина Алишер Навоий номидаги  
Миллий боғимизда устознинг кўркам ҳайкали очилди. Шу ўринда, Ўзбекистон  
халқ шоираси Зулфияга ҳам ҳайкал ўрнатиш ҳақида Президентимиз қарори чиқ-  
қанини катта мамнуният билан айтиб ўтаемиз.

Адабиётимизга кўрсатилаётган бундай юксак ҳурмат ва эҳтиром учун муҳтарам  
Президентимизга, ҳукуматимизга чуқур миннатдорлигимизни изҳор этаемиз.

Абдулла Қаҳқор мураккаб бир даврда ижод қилиб, наинки, миллий адабиёти-  
миз, балки жаҳон адабий жараёнида ҳам ўчмас из қолдира олган забардаст сўз  
санъаткоридир. Абдулла Қаҳқор деганда, кўз олдимизда адолату инсоф ҳимояси  
учун муттасил курашган зотнинг сиймоси намоён бўлади.

Мустабид тузум миллатимизни оёқости қила бошлаган илк даврлардаёқ, Аб-  
дулла Қаҳқор Ватан ва халқ тақдири ҳақида фикр юрита оладиган зиёли кишилар  
образларини яратишга ҳаракат қилди. Адибнинг бутун ижоди халқимиз ҳаёти би-  
лан чамбарчас боғлиқдир. Ёзувчи воқеликка ўткир сатира ҳамда теран изтиробни  
уйғунлаштирган ҳолда ўз муносабатини билдирди. Адолатсизликни кўравериб дей-  
даси қотиб кетган, эртанги кунидан тамомила умидини узган, ҳатто, инсоний  
ғурури йўқолаётган кишиларнинг бадиий қиёфаларини яратди. Ҳўкизи ўғирлан-  
ган Қобил бобо, бошқоронғи аёлига анор топиб беролмаган чорасиз Туробжон,  
“Бемор”даги тунлари “илоий аямди дайдига даво бейгин” , деб зорланувчи нора-  
сида гўдак, тепасидан ошириб ўқ узса ҳам, ҳатто, кўзини пирпиратмайдиган  
Бабарларни эсланг. Уларнинг барчаси Абдулла Қаҳқор яратган бетакрор характер-  
лардир.

Дунё адабиётида эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат барча учун баббаробар  
абодий мавзулардир. Донолик қанчалик бардавом бўлмасин, афсуски, нодонлик  
ҳам шунчалик яшовчандир. Шу маънода, Абдулла Қаҳқор тасвирлаган эзгу орзу-  
лар қаторида нуқсону иллатлар ҳам ҳар қайда, ҳар қачон топилиши мумкин.  
Мана, адиб қаҳрамонларидан бири — адабиёт муаллими. У бориб турган нодон,  
чаласавод, лекин, ўзини ниҳоятда билимдон ҳисоблайди. Сигиридан аччиқлан-  
ганда — бу сигир эмас, ҳайвон деб кўяди.

Драматург Абдулла Қаҳқор пиесаларида ниҳоятда долзарб муаммоларни кўтар-  
ди. Айниқса, “Тобутдан товуш” асарида асло илдизи қуримайдиган порахўрликни  
аёвсиз фош қилди. Уша қиёфалар, афсуски, ҳозир ҳам учраб туради. Балки, у  
нусхалар бугунги кунда экстрасенсга айланиб, спорт формасини кийиб олган  
бўлсалар, нима дейсиз?!

Ёзувчининг ўткир публицистик мақолалари момогулдурак сингари акс-садо  
бериб турди, улар ўз аҳамиятини асло йўқотмайди.

Абдулла Қаҳқор улкан таржимон ҳам эди. У жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари-  
ни ўзбек тилига ўғирди. Бу ўринда, адибнинг фидойи рафиқаси Кибриё опамиз-  
нинг хизматларини миннатдорлик билан эслаймиз.





Тилимиз софлиги учун бошқа бирор адиб Абдулла Қаҳҳорчалик изчил курашмаган, десак тўғри бўлади. Айниқса, шу жабҳада биз бугун ҳам Абдулла Қаҳҳорга гоёта муҳтожмиз.

Абдулла Қаҳҳор адабиётимиз келажаги ҳақида ҳамини қайғуларди. Бирор жойда йилт этган истеъдод кўринса, уни топиб, албатта, қўллаб-қувватлар эди. Домламизнинг “Ёшлар билан суҳбат” китоби нашр этилганда, у зот қанчалик маломатга қолганини изтироб билан эслаймиз. Абдулла Қаҳҳорнинг назари тушган шогирдлар эндиликда ўзлари ҳам устозлик мақомига етишдилар. Мени тўғри тушунишларингизни сўрайман, бугунги адабиётимиздаги олти қаҳрамоннинг нақ бештаси Абдулла Қаҳҳорнинг тўғридан-тўғри шогирдларидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳақгўйлиги, тўғрисўзлиги, ўша давр мафқураси қуюшқонига сиғмасди. Бундай вазиятдан жуда унумли фойдаланган ночору нотавон ҳасадгўйлар адибнинг кўзини очирмадилар, уни муттасил ёлғизлатишга уриндилар. Афсуски, улар бир қадар мақсадларига ҳам эришдилар. Бироқ, Абдулла Қаҳҳор умрининг охириги дамларигача руҳан энгилмасдан яшади. Адибимиз ўзининг ҳақлигини теран англади. Устознинг ўлими олдидадан ёзувчи Шухратга айтган мана бу гаплари ҳам унинг ҳаётини шиори нақадар қатъий бўлганини тасдиқлаб турибди: “Одамлар мени душмани кўп деб ўйлайди. Ваҳоланки, менинг душманам йўқ. Мен ҳеч кимга душманлик қилган эмасман. Мабодо, бирор одамга қаттиқ гапирган ёки у ҳақда ёзган бўлсам, жоним ачиганидан, ўша одамнинг талантсизлиги ёки ёмон асар ёзгани учун шундай қилганман”.

Ҳа, инсоний комиллик мана шундай мардлик ва тантиликни ҳам талаб қиларкан.

Абдулла Қаҳҳор умр бўйи халқимизнинг бахти ва етуклиги учун курашди, бугун миннатдор халқимиз ўз улуғ фарзандини бошига кўтариб, эъзозлаб турибди. Бу ҳол эса, табиий ва қонунийдир.

*Йўллар ортимизда қолар эдилар,  
Далалар қоларди, чексиз, бетакрор.  
Нега улар чексиз, десам, дедилар:  
— Бу ердан ўтганди Абдулла Қаҳҳор.*

*Йўллар ортимизда қолар эдилар,  
Чўққилар қоларди юксак ва қатор.  
Нега улар юксак, десам, дедилар:  
— Бу ердан ҳам ўтди Абдулла Қаҳҳор.*

Абдулла Улуфов,  
филология фанлар номзоди

## Инсонпарвар адиб

Ўзбек адабиётида камбағал, қашшоқ кишиларнинг ночор аҳволини, таъмагир кимсаларнинг жирканч пасткашликларини кўрсатиш жиҳатидан Абдулла Қаҳҳор асарлари алоҳида эътиборни тортади. Унинг хўрланган, ҳақоратланган кишилар образи яратилган қатор ҳикоялари жаҳон адабиётининг шу сирасидаги намуналари билан бир қаторда туриши таъкидланади. Адибнинг "Ўғри", "Бемор", "Анор", "Даҳшат" ҳикояларида қаламга олинган инсоний муносабатлар барча халқлар ҳаётида кузатилади. Борлиқда бетакрорлик устуворлиги, турмуш турли-туман тасодифу талотўшларга тўлалигидан камбағал-қашшоқларнинг мутелиги, мулкдор, давлатманда, амалдорларнинг такаббурлиги турлича тарзда намоён бўлиши туфайли ҳаёт мураккаб, чигал, айни чоғда, қизиқ, сирли-сеҳрли кўринади. Абдулла Қаҳҳор камбағал-бечора кишиларнинг хўрланган, ҳақоратланган аҳволини турли вазиятларда кўрсатгани сингари, ман-ман деган бойлар, такаббур амалдорларнинг турли жирканч жиҳатларини ҳам бетакрор манзараларда ифодалайди. Жумладан, у "Ўғри" ҳикоясида такаббур амалдорлар қиёфасини истехзо билан тасвирлайди. Ҳикояда ҳўкизини ўғри ўғирлаганидан нима қилишини билмай, "дағ-дағ титраб, букилиб-букилиб кетаётган, кўзлари жовдираб, ҳаммага қараса-да, ҳеч кимни кўрмаётган Қобил бобо" ҳузурига илтижо билан келганида амин уни "оғзини очмасдан қаттиқ кекириб, бақбақасини осилтирганча кулиб" беписандлик билан қарши олгани деталар орқали чизилади. Адиб узундан-узун тафсилотларсиз бу амалдорнинг бўкканича овқатлангани, кунлари мириқиб еб-ичиш, маишат билан ўтганидан семириб, боқилган ҳўкиздай бақбақаси осилиб кетганига эътибор қаратган. Мансаб курсисига мустаҳкам ўрнашиб, иддиз отган бундай муттаҳам мансабдорлар "уят" ҳиссини буткул унутади, деган. Аммо, бу фикрни тўғридан-тўғри эмас, санъаткорона маҳорат билан айтган. Қобил бобо илтижо қилиб, қўл қовуштириб рўпарасида турган пайтда, уятни, андишани, камбағал-бечораларни ҳўрмат қилишни унутган амин "чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулди", деган. Камбағал-бечора чол билан такаббур амалдорнинг мулоқот-муносабати, ҳаракат-ҳолатлари кенг, батафсил тасвирланмаса-да, инсоннинг инсофсизларча таҳқирланиши манзараси қисқа, лўнда ҳолда аниқ акс эттирилган. Абдулла Қаҳҳор камбағал-бечора одамларнинг такаббур кимсалар томонидан қай тарзда таҳқирланиб хўрланишини сўз зарғари каби таъсирчан деталлар асосида кўрсатган. "Ўғри", "Бемор" "Анор", "Даҳшат" ҳикоялари ёки "Сароб" романидаги қаҳрамонлар ҳаракат-ҳолатларини кўрсатувчи деталлар муайянлиги билан хотирада муҳрланиб қолади. Адиб қўллаган деталлардан, ҳаракат-ҳолатларнинг зарғарона нозик тасвиридан унинг хўрланган, ҳақоратланган жабрдийдаларга беқиёс ачиниши, шунингдек, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, йўлда бошқаларни беписандлик билан топтаб кетадиганларга нисбатан аччиқ истехзоси сезилиб туради. Абдулла Қаҳҳор "Ўғри" ҳикоясида эликбоши, амин, приставнинг Қобил бобони таҳқирлашини уларнинг беписанд гап-сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари мисолида кўрсатса, "Даҳшат"да Додхоҳнинг ўз хотинларини беҳад азоблаши ҳусусида: "Додхоҳнинг саволи жавобсиз қолиши мумкин эмас. Шунинг учун битгаси гуноҳ қилса, ҳаммаси баравар калтак ейдиган кундошлар Унсинни турткилашди", дейилади. Унсин — Додхоҳнинг саккизинчи хотини. У — тегирмончининг қизи.

Унсиннинг исми — у ота-онасининг тилаб-тусаб олган, не азобу машақ-қатлар билан ўстирган фарзанди эканини билдиради. Додхоҳнинг катта хотини — Нодирмоҳобегимнинг исми эса, унинг аслзода, бой-бадавлат хонадонданлигидан далолат беради.

"Додхоҳ" ўтмиш замонларда қолиб кетган: мансаб, лавозим маъносини англатади. Бу мансабдаги киши фуқароларнинг шикоят, аризаларини кўриб, белгилаб қўйилган қонунлар асосида ҳукм чиқарган. Додхоҳ хизмат вази-фасига кўра, жиноятчиларни жазолаб, жабирдийдаларни ҳимоя қилган. Абдулла Қаҳҳор Унсиннинг ота-онаси камбағал-қашшоқ эканлиги, у нои-ложлик орқасида Додхоҳга мажбуран берилгани тафсилотларини баён эт-майди. Шунингдек, Нодирмоҳобегим бой-бадавлат, ўзига тўқ хонадон қизи эканлигини ҳам таъкидламайди. Адиб қаҳрамонларининг ижтимоий аҳво-лини уларнинг исмига жойлайди. Саккиз хотинли кимса нима иш билан шуғулланиши, қай тарзда рўзғор тебратиши, бундай улкан оиланинг таъ-минотини жойига қўйиш учун қанчалик маблағ сарфланиши хусусида ҳам тўхталмайди. Саккиз хотинни зириллатиб турган бу кимсанинг ғоят бой-бадавлат, катта мансабдор эканлиги ҳақидаги фикрни "Додхоҳ" деган биттагина сўзга "сиғдиради". Заргарлар нинанинг учидай жойга турфа хил нақш шакллари уйгани сингари, Абдулла Қаҳҳор ҳам қаҳрамонла-рининг исмига, мансаб-лавозимига уларнинг ижтимоий аҳволи, характе-ри хусусиятларини жойлаштирган. Бу ҳам улуғ адибнинг маҳоратини бил-диради. "Ўғри"даги Қобил бобо исми жисмига мос, феъли мулоим, ҳалим, итоаткор бўлгани боис, уни такаббур амалдорлар хўрлайди. "Даҳшат"даги Унсиннинг суянадиган ҳеч кими йўқлигини билгани туфайли Додхоҳ уни таҳқирлайди.

Абдулла Қаҳҳор аксарият асарларида дунёнинг барча муаммо, зиддият-лари бечора одамларнинг жабр чекиши, мулкдор, давлатманд, мансабдор-ларнинг ўз шахсий манфаати, маишати йўлида бошқаларни аямаслиги ту-файли келиб чиқишига эътибор қаратади. Шу мақсадда, камбағал-қашшоқ кишиларнинг ачинарли аҳволини, мулкдор, мансабдорлар ўз бойлигини муттасил кўпайтириш пайида бўлишини ҳаётнинг ҳаққоний ҳодисалари асосида гавдалантиради. Адиб бировнинг уйида хизматкорлигидан бош қорон-ғи хотинига бир дона анор сотиб олиб беришга қурби етмаган Туроб-жоннинг хонадонидаги аянчли аҳволни: "Қозоннинг занги чиқиб қорай-ган гўжага қатиқ ҳам ранг киритолмайди", деб тасвирлайди. Бош қоронғи хотинига бир дона анор сотиб олиб беришга қурби етмаган бу бечора йигит: "Умримда бир марта асал еганман: Шокирхўжа қандолатчи асал қиём қилдираётганда қозонга аммамнинг жўжаси тушиб кетганди, шу жўжани ялаганман", дейди. Унинг уйи шипининг қаеридир "қарс" этади, қаердадир калтакесак чирқилайди, дарчасидан хира шуъла тушади. Аён-ки, шипдаги ёғочларни қурт кемираётган бўлса, тунда "қирс-қирс" этган товуш эшитилади. Чунки, қуртлар кечки пайтда фаоллашади, тун зулмати-да уларнинг ёғочни кемираётгани аниқ эшитилади. Абдулла Қаҳҳор бош қоронғи хотинининг табиий истагини қондиrolмаётган бечоранинг беҳад қашшоқлигини анор, яктак, гўжа, қозоннинг занги, уйи шипининг қир-силлаши, қаердадир калтакесак чирқиллаши, уй даричасидан хира шуъла тушиши каби жожеийликни очадиган таъсирчан деталлар орқали таъкид-лайди. Туробжон ва унинг хотини етишолмаётган анор ҳикоядаги асосий детал ҳисобланади. Бу детал ҳикоя сюжети марказида туради. Анор ушбу ҳикояда рамзий маънода қўлланади. Аслида, анор Шарқда азалдан кўп бўлган. У ҳикояда таъкилдаганидек, "анқонинг уруғи" бўлмаган. Аммо, Абдулла Қаҳҳор анор деталида камбағал кишилар кўли етмайдиган нарса-ларни умумлаштирган.

Адиб "Ўғри", "Бемор" каби асарларида хўрланган, таҳқирланганларнинг аламзада аҳволини кўрсатса, "Даҳшат" ва "Сароб"да зўравон, золим ким-саларнинг шафқатсизлигини гавдалантирган. "Даҳшат" ҳикоясида Додхоҳ хотини Унсинни: "Оббо, тегирмончининг қизи!... Битта қўйни назарлари илмайди!" дея масхаралаганча тун қоронғисида "Гўристонга пичоқ эмас, қумғон олиб борасан. Онҳазратим сағанаси олдида қумғон қайнатиб, бит-та чой дамлаб келасан" деб буюради. Қабиристонда тун қоронғусида қай-натилган чой ҳовлида ёки бошқа жойда қайнатилган чойдан бўлакча таъм бермайди. Додхоҳ чанқаган ёки кеч кузнинг изғиринли шамоли эсиб тур-ган рўза пайтида унинг қайноққина чой ичгиси келмаган. Ичгиси келган

тақдирда чойни ҳовлисидаги ўчоқда ҳам қайнатгирса бўлаверарди. Аммо, шафқатсиз Додхоҳ қабристон чироқлар чарақлаб турган жой эмаслигини билгани ҳолда, Унсинни жазолаш учун унга тунда якка ўзи қабристонга бориб, чой қайнатиб келишини буюради. "Дахшат"да Додхоҳнинг қабристон тўғрисидаги тасаввури ҳақида: "... гўристон тўғрисида айтилмаган хунук гап, тўқилмаган ваҳимали миш-миш қолган эмас. Ҳақиқатан бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, Додхоҳ сингари пайгамбар ёшидан ошиб, кафанлигини сандикқа солиб қўйган киши ўлишдан ҳам кўра, гўристонда ётишни ўйлаганида тилигача совуқ тер чиқаради", дейилади. Адиб Додхоҳнинг қабристондан кўрқишини "тилигача совуқ тер чиқаради", деб таърифлайди. Оғиз ичида, қалъа деворларидай ўраб турган зич тишлар орасида, тирик тананинг ўттиз олти даражали мўътадил ҳароратида турадиган тил, аслида, ҳеч қачон совуқ қотмайди. Инсон вужудининг бу энг нозик аъзоси саратоннинг энг жазирама пайтида ҳам терламайди. Аммо, Абдулла Қаҳҳор Додхоҳнинг қабристондан кўрқишини образли тарзда "тилигача совуқ тер чиқаради", деб таъкидлайди.

Мусулмончиликда "Ўзингга раво кўрмаганни бошқаларга ҳам раво кўрма", дейилади. Чунки, бу инсоний муносабатлар мўътадиллигига, ўзаро меҳр-оқибат барқарорлигига олиб келади. Намоз ўқиб, рўза тутадиган, "ҳар кеча таровиҳ намозидан кейин ҳалқага қоладиган", кўлидан тасбеҳи тушмайдиган Додхоҳ ҳам мусулмончиликнинг бу шартини билади. Аммо, у саккизта хотинининг "биттаси гуноҳ қилса, ҳаммасини баравар калтаклайди. Бу каби зулмлар етмагандай дўмпайган қабрлар, ўйилиб тушган сағаналар орасида юрган бечора келинчакнинг елкасига кутилмаганда, каттакон бир сағананинг ичиданми, нарғиданми нимадир келиб, елкасига миниб олади, афтидан, бўғмоқчидай бўлиб қўл узатади". Бу зулмат тун қўйнидаги қабристонда титраб турган Унсинни баттар кўрқитиш ниятида Додхоҳ томонидан биров орқали юборилган маймун бўлиб чиқади. Табиийки, "Ўғри"даги Қобил бобо, "Анор"даги Туробжон, "Бемор"даги Сотиболди сингари бечора кишилар, ҳар қанча тиришса ҳам, азобланишнинг бундай шафқатсиз усулини ўйлаб тополмайди.

Абдулла Қаҳҳор нафақат ҳикояларида, балки "Сароб" романида ҳам Муродхўжа домла образида мол-давлат орттириш ҳирси билан яшайдиган кимсаларнинг қиёфасини яратади. Адиб ўз манфаати учун ҳар қандай пасткашликка тайёр худбинлар тоифасининг бу вакили ташқи кўринишини ҳам аччиқ истеҳзо билан тасвирлайди. У Муродхўжа домла портретини: "Мўйловга ўхшаган қошлари кўзининг устига тушиб турар, кичкина дўпписи қоплай олмаган тепакал боши ҳозиргина пардозланган сариқ этикнинг тумшуғидай ялтирар эди. Домла ҳаракатда айиқ, юришда ўрдакни хотирлатади", деб чизади. Муродхўжа домла Саидийга: "Одам дунёга бир келади. Кишининг дунёга келиб тортадиган ташвиши ўз ҳузур-ҳаловати йўлидаги ташвиш бўлмаса ва бунинг кетидан бир роҳат кўрмаса, дунёга келди-ю, келмади нима бўлди? Мулк керак, бойлик! Ота-она, ёр-дўст, шуҳрат, фазилат — ҳаммаси бир чақа. Бойлик, мулк-амлок орттириш керак", деб уқтиради. Аммо ўзи хонадонидан Тўпа исмли хотинни етти йил хўрлаб ишлатадию унга меҳнат ҳақини бермайди. Бир рус хотин келиб, Тўпанинг ҳақини талаб қилганида Муродхўжа домла: "Э, унинг бизда қанақа ҳақи бўлади? Етти йил ишлагани йўқ, биз уни тарбия қилдик, бир бечора кўчада хор-зор бўлмасин, деб одамгарчилик қилдик", дейди. Муродхўжа домланинг хизматкор Тўпага ҳақ тўлаш муаммоси юзага келган пайтдаги кечинмалари қуйидагича баён этилади: "Домла ўзи ёлғиз қолиб, янги план тузди: Тўпага икки йиллик ҳақ тўлайди, аммо қолган беш йиллигини тан олмайди. Саидийнинг бўйнига ағдаради. "Мен ишлатганим йўқ, Саидий ишлатган" дейди. Зўр келса, иш судга тушар. Жавобгар — Саидий бўлса, суд ҳеч вақт руҳий касал кишини жавобгарликка тортмаса керак". Адиб ўз манфаати йўлида ана шундай устаси фаранг Муродхўжа домланинг даврадошлари ҳам у каби пасткаш эканлигини турли воқеалар орқали очиб беради. Масалан, улардан бири Ёқубжонни "Пул" деганда ўт кечиб бўлса ҳам югуртирадиган, сандалга тушиб куйган бир сўм учун хотинини уриб қар қилган киши", деб таърифлайди. Муродхўжа домланинг даврадошларидан яна бирининг хотини — Саидийнинг опаси эрининг устидан ҳасрат қилиб: "Эртадан кечгача оч ўтираман. Кўчадан келиб, "Ҳолинг нима?" демасдан, уйга киради-кетади. Уйдаги озиқ-овқатни сандикқа солиб, қулфлаб олди", дея ҳасрат қилади. Саидий ҳам бечора кишиларга беписанд қараш-

да қайнотаси Муродхўжа домладан ўтади. Саидий оқсоч хотин Тўпа очликдан ҳушидан кетиб қолганида, унга ёрдам кўрсатиш, дўхтир чақириб ўрнига "оёғининг учи билан қўлини туртиб, кейин кўкрагига зеҳн солади. Тўпа билинар-билинар нафас олаётганини сезгач, бепарволарча орқасига қайтиб кетмоқчи бўлади. Қайнотаси: "Тирикми? Бетига сув селинг. Нос искаринг. Мен ҳозир Остонага айтаман, нос олиб келади", деганидан кейин "негов қовоқда анҳордан сув келтириб, бир неча қадам берида туриб, Тўпанинг бетига сув сепеди. Тўпа кўзини очиб: "Бекач бераҳмлар... Кеча пешиндан бери туз татиганим йўқ... Сув...сув..." деса, Саидий "тикка туриб, унинг оғзига сув қўймоқчи бўлади". Бечора аёл шунда Саидийга: "Бегим, мен касал эмасман, мендан ҳазар қилманг... Сиз ҳушдан кетиб йиқилганда, оғзингиздан кўпик чиққанда мен ҳазар қилмаган эдим-ку... Мен касал эмасман... Кўнглим озди..." дейди. Адиб бечора одамларнинг ожиз илтижосини ана шундай таъсирчан тасвирлаш орқали дунёнинг азалий муаммоси — такаббур давлатмандлар ва бечора-камбағаллар муносабати нақадар зиддиятли эканини таъкидлайди.

Адиб "Сароб" романида Муродхўжа домла "эрталаб гулқанд билан нонушта қилишни, пешинда кобили шўрва ва қизил гулнинг барги билан солинган мусаллас ичиши"ни таъкидларкан, у уйдаги оқсоч хотин Тўпага баъзи кунлари овқат бермай, оч қўйишини аниқ воқеаларда гавдалантиради. Очликдан қўнгли озиб, ҳушидан кетиб қолган хизматкорга Муродхўжа домланинг хотини бир пиёла сут бермайди. Саидийнинг ҳушсиз ётган хизматкор хотиннинг устидан кулиб, Тўпа "Қорним оч дейди!" деса, "эрталаб гулқанд билан нонушта қилишни яхши кўрадиган», "ўзбек тилида софликни сақлашни севадиган", ўзини "миллат фидойиси" деб биладиган Муродхўжа домланинг "булбулигўё" хотини "кеча пешиндан бери туз татимаган" хотини "Ху қорни ёрилиб ўлсин!" деб қарғайди. "Сутни пишириб, оқлик солиб қўйган эдим. Қаттиқ бузилади! Ҳаммаси зардобга айланади!" деб зикналик қилади. Ёзувчи инсонга шафқат туйғусидан маҳрум Муродхўжа домла сингари худбин, манфаатпараст кимсаларнинг бу каби бераҳмликларини кўрсатиш билан чекланмасдан, уларга ҳам худо феълига яраша жазо бериб қўйганини таъкидлайди. Абдулла Қаҳҳор бечора одамларнинг ночор аҳволини қанчалик ачишиш билан тасвирласа, худбин, манфаатпарастларнинг фожиасини шунчалик истеҳзо билан кўрсатади. Бунинг учун у кўпроқ портрет тасвиридан фойдаланади. Адиб Муродхўжа домланинг "булбулигўё" хотинининг кўриниши хусусида "кўп йиллар касал ётиб ўлган мурда сингари" дегани ҳолда, унинг қизи портретини батафсил чизиб, худбин эр-хотинни тақдир феъл-атворига яраша "сийлаган"ига эътибор қаратади. У очликдан ҳолсизланиб, ҳушидан кетган хизматкорига бир пиёла сут бермаган хотин туққан яққаю ягона қизининг кўринишини истеҳзо билан қўйидагича тасвирлайди: "Муродхўжа домла, йўғон, барваста одам, шундай бўлишига қарамасдан қизининг озгин эканига ўзи ҳам таажжубланар эди. Сорахон отасига нисбатан ориқ бўлса-ку, расмана қизлардай бўлар эди-я, у ориқ қизларга қараганда ҳам ориқ, шунинг учун бўлса керак, одатда ташқари новча кўринади; юрганда худди икки-уч еридан букилиб кетаётгандай туюлади; шундан ўзи ҳам хавсирагандай, гавдасини олға ташлаброқ юради. Кенг қарғашойи кўйлакнинг кенг кенг остидан чиққан савачўп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қолиб, мувозанатни сақлашга шошилади. Унинг узун-узун ва ингичка бармоқли, кўк томирлари кўриниб турган қўллари икки ёнида эмас, қорнининг устида қимирламайди. Елкасидан озгина пастга тушиб турадиган икки ўрим қора, зотли сигирнинг думи сингари қўнғироқ сочлари тез-тез кўкрагига тушиб, уни қаҳр билан олиб, елкага ташлашга мажбур қилмаса, орқадан кўрган киши Сорахонни оғир бир нарса олиб кетаётган гумон қилади. Сорахоннинг ранги, домланинг рангидай ҳамирга ўхшаган эмас, Сорахон қорачадан келган, кулганда отаси сингари оғзини катта очиб эмас, юпқа лабларини қимтиб, юқориги лабини кўтариброқ турган ўғри тишини кўрсатмасликка тиришади... Бутун умрида домланинг ўстирган фарзанди — шу. Сорахоннинг ака ва ўпаси, укаси турмаган. Шунинг учун домла Сорахонни ҳаддан ташқари яхши кўради, унинг бутун нуқсонларини фазилат ҳисоблайди. Сорахонга қаттиқ гапиришга, иш буюришга оилада ҳеч кимнинг ҳадди йўқ. Ўн икки ёшга тўлган кундан бошлаб, ҳатто, домланинг ўзи ҳам уни сизлайдиган бўлган".

Адиб асарларида такаббур, ман-ман кимсаларнинг ҳашамат тўла ҳаёти-

га яраша қувончи, фожиаси, бечора одамларнинг уқубатига яраша ғам, қайғуси борлигини таъкидлаш орқали ҳаётнинг ҳаққоний манзараларини ифода этади. "Даҳшат" ҳикояси қаҳрамони Унсин Додхоҳ дастидан жабр тортса-да, "Эртагаёқ ганжиравонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини кўриш умиди билан худди дадасидан катта ҳайитлик олиб, бозор бошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай баъзан ирғишлаб", тун қоронғисидан гўристонга югуради. У "ота-онасини, дугоналарини кўриш умиди" — қувончини қабристон зулмати кўрқувидан устун кўради. Ёши бир жойни қоралаб қолган Додхоҳ эса, қабристонга боришдангина эмас, қабристонда чой қайнатиб келган Унсинни кўришдан ҳам худди жони чиқадиғандай кўрқади. Ҳикояда инсонга ачи ниш туйғусидан маҳрум, бечора одамларни хўрлаб, ҳақоратлашдан лаззатланадиган кимсанинг бу жирканч ҳолати кўйидагича чизилади: "Унсин Нодирмоҳбегимнинг оғир эшигини зўрға очди, остонадан ўтиб, бир неча қадам босганидан кейин ҳолдан тойиб чўккалади ва не машаққат билан интилиб, жўмрагидан чой оқиб, буғланаётган чойнакни сандалнинг бир чеккасига қўйди, умрлик орзуси ушалгандай, ҳордиғи чиқиб, ўзини ерга ташлади. Сандалга ўтириб, пинакка кетган Додхоҳ уйғониб тамшанди, бошини кўтариб, Унсинни кўрди-ю, "жон бераётибди" деб ўйлади, шекилли, кўзлари олайди, ундан кўзини олмай, секин ўрнидан турди, худди ўлим хавфидан қочгандай, бир ирғиб сандалдан ошди-да, ўзини эшикка урди". Абдулла Қаҳҳор асарларида бечора одамларнинг ачинарли аҳволини, золим, такаббур кимсаларнинг жирканч қиёфасига шу тарзда қарама-қарши қўяди. Бу адибнинг бутун қалби билан инсонпарвар бўлганини, у ҳамиша хўрланган, ҳақоратланган кишиларга чуқур ачинганини, одамларни азоблаб, ўз устунлигидан роҳатланадиган такаббур кимсаларга нисбатан аччиқ истеҳзо билан қараганини кўрсатади.

Ўтган икки-уч аср оралиғидаги жаҳон адабиёти ўзининг чуқур инсонпарварлик ғоясига асосланганлиги билан барча даврлар адабиётидан устун туради. Бу даврда барча халқлар адабиётида камбағал-бечора одамлар асосий қаҳрамон сифатида кўрсатилди. Шарқ адабиётида ҳам, Фарб ижодкорлари асарларида ҳам ночор одамларнинг уқубат тўла ачинарли турмуши асосий мавзуга айланди. Достоевский, Толстой, Чехов, Тагор сингари улуғ адиблар хўрланган ва таҳқирланган одамларнинг ёрқин образларини яратиб, такаббурлик, кишиларга зулм қилиш инсон шаънига номуносиб эканлигини таъкидлашди.

Абдулла Қаҳҳор шу улуғ ижодкорлар илгари сурган инсонпарварлик ғояларига ҳамоҳанг ўзига хос асарлар яратди. Унинг асарлари миллий турмушнинг ҳаққоний манзараларини гавдалантириши, инсоннинг ташқи кўриниши, ички дунёсидаги ўзгаришлар жарёнини нозик илғаши сўзининг сирли — сехрли, беқиёс имкониятларини намоён этиши, бир сўзга бир олам маъно жойлаганлиги билан ажралиб туради. Унинг ҳикоялари ҳам, роман, қисса, драмалари ҳам ҳаётнинг бир парчаси сингари таассурот уйғотади. Бу Абдулла Қаҳҳорнинг улуғ инсонпарвар адиб эканлигини билдиради.



Дамин Тўраев,  
филология фанлари доктори,  
профессор

## Бир асарнинг номланиш тарихидан

Машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам, ижодда ҳам жасорат намунасини ўзида мужассам этган ёзувчи эди. Адиб ижодига хос бўлган жасоратли хусусиятлардан бири ҳар бир асарида ўзи олға сурмоқчи бўлган нуқтаи назарнинг теран бадиий тасвирини бериш ва ундаги мазмун-моҳиятнинг ҳаётийлигини собитлик билан ҳимоя қилишда кўринади. Бу фикримизнинг исботини ёзувчининг адабиётимизга шуҳрат келтирган “Синчалак” қиссасининг номланиши мисолида кўришимиз мумкин.

“Синчалак” қиссаси ўз даври ўзбек қишлоғи ҳаёти ва пахтакорларининг заҳматкаш меҳнати тўлақонли тасвирланган, ғоявий мавзу жиҳатидан юксак асар сифатидагина эмас, шунингдек, адабиётимизни янги характерлар билан бойитган ҳамда Абдулла Қаҳҳор ижодининг янги қирраларини намойиш этган асар сифатида ҳам қадрлидир. Унда яратилган Саиданинг мафтункор образи турли миллат китобхонларининг қалбидан жой олди. Албатта, бу мафтункорлик Саида характеридеги ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, илғор фикрли бўлиш, ўзбек қизларидаги латофат ва миллий ўзига хослик каби фазилатлар талқини натижасидир.

Айтиш жоизки, қиссанинг оммавийлашиб, китобхонлар қизиқтиришини орттирган хусусиятларидан бири унинг номланиши эди. Уша давр йигит-қизларининг муомала, ҳазил-мутойиба, тақлид ва ўхшатишларида “Синчалак” деб аталган Саиданинг номи хайрихоҳлик билан оғиздан-оғизга ўтиб юришини бугунги катта авлод китобхонлари яхши эслашади. Дарҳақиқат, асар нима учун бир кичкина қуш номи билан аталади? Бунинг сабаби ва моҳияти нимада?

Шу ўринда, асар номланишига ижодий туртки сифатида аҳамият касб этган икки асосий образ ўртасида бўлиб ўтган тортишувдаги диалогик нутққа эътибор берайлик. Қаландаровнинг тортишувда Саидани мағлуб қилиш мақсадида: “Синчалак деган қушни биласизми, оёғи ипдай... Шу қуш “осмон тушиб кетса ушлаб қоламан”, деб оёғини кўтариб ётар экан!” деб айтган заҳарли пичинг ва писанда-сига Саида ҳам кесатиқ маънода бепарволик билан муносиб тарзда жавоб беради: “Дунёда бунақа жониворлар кўп, Арслонбек ака, хўроз ҳам “мен қичқирмасам, тонг отмайди”, деб ўйлар экан”. Муаллиф халқ жонли тилидаги ибораларни яхши билар ва улардан ўз асарларида юқоридаги парчадагидек сиқик ва жозибадор тасвирларда, характерлар қиррасини кўрсатишда моҳирона фойдаланар эди.


Абдулла Қаҳҳор ўз асарларининг сюжетини яратишда, қахрамонларининг характер қирраларини чизиб беришда ҳамиша давр талабларидан келиб чиқарди. Жумладан, у ўз асарларига мавзу ва прототип қидирганда кўпинча, халқнинг назарига тушган, маълум бир қилиғи, фаолияти туфайли лақаб олган, латифа ёхуд ривоят тўқилишига сабаб бўлган одамларни ахтариб топишга ҳаракат қиларди. Энди, яна “Синчалак” қиссасининг номланиш тарихига қайтайлик. Асарни рус тилига ўгираётган атоқли рус ёзувчиси Константин Симоновга тағлама таржимада ёрдам берган Одил Раҳимий “Синчалак” сўзининг мазмунини берадиган ва рус тилида худди ўзидай жаранглайдиган “Птичка-невеличка” деган муносиб номланишини — ағдармасини топади. Бу ном Константин Симоновга ҳам, Абдулла Қаҳҳорга ҳам маъқул тушади. Тез орада қисса рус тилида Москванинг “Знамя” ҳамда республикамизнинг “Звезда Востока” журналларида босилади.

1959 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Синчалак” асарининг муҳокамаси бўлиб ўтади. Ажабланарли жойи шундаки, асарнинг гоёвий-бадий қимматини оширишга қаратилган ушбу муҳокамада адибнинг “Сароб” ва “Кўшчинор чироқлари” романларига қўйилган “катта сиёсий хатолар”ни “Синчалак”дан ҳам ахтариб кўришади. Албатта, муҳокамада асарнинг русча таржимаси ва унинг номланиши хусусида ҳам истаклар билдирилган. Айниқса, катта бир хўжаликнинг етакчи раҳбари — Саидани “Синчалак” деб аташи “катта сиёсий хатолар”дан бири сифатида талқин қилинади. Муҳокама сўнггида Абдулла Қаҳҳор асар ҳақидаги бир қатор танқидий “мулоҳазалар”га ҳам, асарнинг номланиши тўғрисидаги таклифларга ҳам эътироз билдиради ва ўзининг баён этган гоёвий-бадий концепциясини ҳимоя қилиш борасида собит туради. Устоз Озод Шарафиддинов ўзининг “Абдулла Қаҳҳор” номли китобида гувоҳлик беришича, айниқса, асар номини ўзгартириш ҳақидаги таклиф Константин Симоновнинг қаттиқ танқидига учрайди. Шу ўринда, Озод Шарафиддиновнинг китобида берилган Константин Симоновнинг муҳокамада айтган асосли нутқиға эътибор қилайлик: “Асарнинг номи ўзбек тилида қандай жаранглашини айтишим қийин. Бунинг учун тил билиш керак. Рус тилида ажойиб жаранглайди, — дейди у. — Мабодо, муаллиф асарнинг номини ўзгартиришга рози бўлган тақдирда ҳам мен у билан жуда қаттиқ тортишган бўлар эдим. Русча таржимада “Птичка-невеличка”ни ўзгартирмай қолдириш кераклигини исбот қилиб берган бўлардим. Ахир, ҳамма гап шу номда-ку! Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни. Катта ишларни бажаришга қобил бўлган бундай синчалаклар кўп бўлса керак. Асар номининг моҳияти мана шунда”.

Тўғри, Абдулла Қаҳҳор ўз асарлари муҳокамасида айтилган танқидий қарашларга ҳам, адабий жамоатчилик фикрларига ҳам жуда катта ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлган. Бироқ, у “Синчалак” қиссасининг номланишида ўз фикрида қолади. Ёзувчининг, айнан, “Синчалак” сўзини асар сарлавҳасига чиқаришдаги мақсадини таниқли адабиётшуносларимиздан бири Лазиз Қаюмовнинг ўз хотираларида ёзиб қолдирган фикрлари янада ойдинлаштиради. Олим ўзининг “Замондошлар” номли китобида, қисса вақтли матбуотда эълон қилинган, китобхонлар фикрини сўраганида, асар мазмунининг маъқуллигини, лекин, сарлавҳасига эътироз билдиришаётганини, баъзиларнинг бу “чинчалоқ” деганими деб бармоқни тушунишаяпти деганида, адиб жиқий равишда: “ана шундай қилиб адабиёт шевадаги сўзни оммавийлаштиради, умумтилни бойитади”, деб сарлавҳани ўзгартирмаслигини айтган экан.

Лазиз Қаюмов 1990 йил 9 январ куни “Ўзбекистон” радио каналида ўтказилган адабий суҳбатларининг бирида “Синчалак” қиссасининг номланишини ўзгартариш ҳақида адибга иккинчи марта мурожаат этганлигини ҳикоя қилиб берган эди. “Абдулла ака, яхши асар ёзибсиз-да, аммо, унинг номланиши ҳаммага тушунарли эмас, Кўқон шевасидаги “синчалак” сўзи Тошкент шевасида “жибилажибон” сўзининг маъносини англатар экан”, дея иккинчи бор фикр билдирганида, адиб яна ўз фикрида қатъий туриб: “Мен ана шу асарим орқали ўзбек тили лексикасини Кўқон шевасидаги бир сўз ҳисобига бойитганимдан хурсандман, ана шундай қилиб, адабиёт шевадаги сўзни оммавийлаштиради, умумтилни бойитади”, деб сарлавҳани ўзгартирмаслигини қатъий тарзда яна бир бор такрорлаган экан.

Адибнинг бу мулоҳазаларини ўқиб, бадий ижодни сўз санъати дейилишини қайта-қайта ҳис қилиш мумкин. Сўз — фикрнинг ифода воситаси, фикр қанча равшан ва аниқ бўлса, сўз ҳам шунчалик ёрқин ва тушунарли бўлади. Сабабки, фикр сўзда шакл топса, сўз фикрда ўзининг маъно ва моҳиятини намоён қилади. Бунинг ёрқин мисолини “Синчалак” қиссасининг номи ва ундаги бош қаҳрамон Саида қиёфасининг китобхонлар қалбидан жой олгани ҳам исботлаб турибди.





Луқмон Бўрихон

## Ибрат

Улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётида ўзига хос мактаб яратган улкан сўз санъаткори эди. Айниқса, у ҳикоячилик жанрида ўзининг ноёб истеъдодини, теран тафакқурини, бадий маҳоратини кўрсатди. Унинг “Анор”, “Бемор”, “Уғри”, “Даҳшат” каби ҳикоялари, “Синчалак”, “Утмишдан эртақлар” сингари қиссалари, “Тобутдан товуш”, “Оғриқ тишлар”, “Шоҳи сўзана”, “Аяжонларим” номли драмалари, “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари” деган романлари китобхонлар мулкига айланган. Нозик, ширали тил, ёрқин, тиниқ бадий тасвирлар, фавқулодда характер яратиш санъати Абдулла Қаҳҳор ижодида бутун бўй-басти билан ўз ифодасини топган.

Абдулла Қаҳҳор — ижодда ҳам, ҳаётда ҳам ҳақгўй инсон бўлган. Ижодкорлару мухлислар ҳамиша у томон талпинишган. Бунинг сабаби оддий: улуғ адиб бир умр Виждон ва Дард билан ижод қилган. У сўзнинг қадрини, сўзнинг ўрнини ғоят юксак деб билган. Ва, ниҳоят, ўзи ҳам ўша юксаклик мақомида турган.

Абдулла Қаҳҳор меҳрибон ва талабчан устоз эди. Айтиш мумкинки, адиб адабиёт бўстониининг жонкуяр, заҳматкаш боғбони сифатида умид билан келаётган ёш қаламкашларнинг ижодини ҳамиша хайрихоҳлик ва диққат-эътибор билан кузатиб борган. Истеъдоди чақмоқдек чақнай бошлаган, туйғу-фикрлари жўшқин ижодкорларни дарров илғаб олиб, уларга алоҳида эътибор кўрсатган, маънавий кўмак берган. Уша пайтлар бошқа соҳаларда бўлганидек, адабиёт оламида ҳам учраб турадиган тўрачилик, гуруҳбозлик иллатлари бўронидан навниҳол истеъдодларни қутқариб қолишни улкан қалбли ижодкор ўз бурчи деб ҳисоблаган. Бугунги кунда эл-юрт ардоғида бўлган талай шоиру ёзувчилар Абдулла Қаҳҳор меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиб, камолга эришганини мамнуният ила эътироф этишади. Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди доимо ардоқда, доимо эъзозда. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари бундан кейин ҳам катта-катта тадқиқотларга, илмий изланишларга, мунозараларга мавзу бўлаверади. Адабиётшунос олимлар бу ҳақиқатни жуда яхши билишади. Зеро, адабиёт мангу экан, Абдулла Қаҳҳор сиймоси ҳам ҳамиша барҳаётдир.



Гулжамила Аъзамхўжаева,  
Халқ таълими аълочиси

## Сўз заргари

“Адабиётга чўғдай яшнаб кирган ёзувчи асардан-асарга яшнайверади (қорнидан чиқариб эмас, кўнглининг розига айланган нарсалар ҳақида ёниб асар ёзаверади), бундай ёзувчилар биринчи асари биланоқ, адабиёт муҳибининг диққатини жалб қилади. Ниҳоят, охирида абадий сўнмас ўтга айланади...”, деган эди устоз ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор.

Ёзувчининг бу гапларидан унинг камтарликка йўғрилган улуғлиги англашилади. Адибимизнинг чиройли ва чуқур маънога эга бўлган ушбу ҳикматли сўзлари ижодкорларга ҳамон дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Абдулла Қаҳҳор сўзни маржон каби ипга усталик билан тизиб, жой-жойига маҳорат билан кўя олган бадиий сўз заргари бўлган. Унинг қисқа, лўнда, содда, лекин чуқур маъно ва мазмунга эга бўлган асарларини ўқиб, ҳайратланамиз. Ваҳоланки, мана шундай асарларни дунёга келтириш замирида адибнинг қанчадан-қанча бетиним ва машаққатли меҳнати ётади. Бу ҳақда ёзувчининг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова ўзининг “Чорак аср ҳамнафас” хотирот китобида шундай ёзади. “Абдулла Қаҳҳор фақат ўзигагина ёхуд ёшларгагина эмас, ҳатто тенгқурлари, қаламкаш дўстларига нисбатан ҳам талабчан эдилар. Энг аввало, ўзлари ёзадиган ҳар бир сўзни фикр тарозусида обдон ўлчардилар... У киши то айтадиган сўзларини қоғозга туширмасалар, кўнгилга туғиб қўйган гаплари бўлмаса, минбарга чиқмас эдилар... Абдулла Қаҳҳор доимо қоғозсиз гапирардилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўларини “етти ўлчаб, бир кесиб”, кўнгиллари тўлгачгина айтар эдилар... Абдулла Қаҳҳор бировга ёзадиган мактубини ҳам аввал кўлида ёзиб, кейин машинкада кўчирардилар.

Ҳар куни кўпи билан бир ярим-икки саҳифа ёзардилар... Бир ярим-икки саҳифани ёзиш учун тўрт-беш соат ўтирардилар. Баъзан саҳифалар ўн-ўн беш, баъзида эса, ўн олти-ўн тўққиз мартадан қайта ёзилар эди. Мабодо, саҳифанинг охирида бирор сўзни ўзгартириш лозим бўлса, ўша саҳифани бутунлай қайтадан ёзиб чиқардилар. Мен у кишининг меҳнатига ачиниб: “Устига ёзиб кўя қолсангиз бўлмайдимиз?” десам: “Йўқ. Бошқатдан ёзиб чиққанда янги ибора, янги ташбеҳлар эсга келади, асар сайқалланади, ихчам бўлади”, дер эдилар.”

Абдулла Қаҳҳор сўзнинг кучини, кудратини ҳамма нарсадан устун кўяр, унинг назарида, сўзлар олами сиру синоатга тўлиқ, кашф этилишини кутаётган захира эди. Адиб ҳар қанақа сўзни ҳар қандай вазиятда ишлатиб бўлмаслигини таъкидлашдан эринмаган. У ўта синчков, таъби нозик, минг ўйлаб, бир хулоса чиқарарди.

Адибнинг қайд этишича, у иккита ён дафтар тутган: бири умумий дафтар — бунга айрим сўзлар, иборалар, тасвирлар, ташбеҳлар, турли-туман воқеа ва ҳодисалар тафсилотини ёзиб борган. Асар ёзган вақтида шулардан фойдаланган. Иккинчи дафтар — айрим асарларга доир бўлиб, бунга шу асарга тегишли қайсидир детал талаб қилинса, шуни ёзиб борган: деталлар, қаҳрамон ва ёрдамчи персонажларнинг сўзлари, хулқ-атворларига оид гаплар... У асарни шу дафтар тўлгандан кейингина ёзишга киришар эди.

Адиб ёшлар билан бўлган суҳбатларидан бирида адабиёт ҳақида шундай фикр айтган. “Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар

чангланмаган гулга ўхшайди — мева тугмайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади”.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилига алоҳида эътибор берган ва уни меҳр билан қадрлаган. Чет тиллар институти (ҳозирги Жаҳон тиллар университетети) талабалари билан бўлган учрашувда куюнчаклик билан шундай деган: “... Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингга чет тиллар билан бирга (балки биринчи навбатда) ўз она тилимиз — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар. Ўзбек тили гоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар, қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!” Адиб тилимизнинг қадрига етмаганларни ёмон кўрар, нафратини очикдан-очик ошкор этарди. Масалан: “Кўпинча оилаларда болалар ўз она тилини мутлақо билмайди! Бу ота-онани заррача ҳам ташвишга солмайди. Баъзи бир оилаларда болалар ўз она тилисида гапиргани номус қилади! Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция хуштак чаладию бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди!” деб ёзган оғриб.

Абдулла Қаҳҳор ёшларга отадек ғамхўр устоз эди. У ёшлар билан бўлган суҳбатда: “Ёшларимизнинг кўпчилиги, жуда кўпчилиги адабиёт эшигини меҳнат билан очиб кираётгани. Булар адабиётга холис ният билан, зўр мақсад билан келаётгани.

...Ҳозирги ёшларнинг билимли, маданиятли экани, адабиётнинг моҳияти ва вазифасини чуқур билганлиги устига-устак яна учта олтин фазилати бор.

Биринчи фазилат: буларнинг дили ҳасад, бахиллик деган қабиҳ туйғудан пок.

Иккинчи фазилат: ҳозирги ёшларимиз камтар, ҳар бир муваффақиятга бор имкониятининг “чашна”си деб қарайди.

Учинчи фазилат: ёшларимиз асарларини умумадобиёт гази билан ўлчашни талаб қилишади, ёшига риоя қилиб, пастроқ талаб қўйишни ўзларига ор деб билишади...

Мана шунинг учун эртага буюк адабиёт яратилишига, бу адабиётни ҳозирги ёшлар ярата олишига шунчалик аминман”, деган эди.


Замондошларининг ёзишича, Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда уста нотик ҳам бўлган экан. Сўзларни маънодор қилиб ишлатишда, ихчам жумлага катта мазмун юклашда унинг ўрни алоҳида ажралиб турган. Адиб сўзлаганда шошмасдан, сўзларни териб-териб, пастроқ товушда мазмунли гапирарди. У ҳар гал нутқларида матал, масал ва ривоятлардан усталик билан фойдалана биларди. Шунинг учун бўлса керак, адиб билан учрашувни мухлислар интиқлик билан кутишарди.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ниҳоятда инсонпарвар, меҳмондўст, камтар, саховатли, олижаноб комил инсон бўлган.

“Боғимизнинг гавжум бўлиши бежиз эмас эди. Абдулла Қаҳҳор оддий деҳқондан тортиб, то академиккача — ҳамманинг кўнглини топа олардилар. Одамнинг кўнглига тушадиган биргина калит бор, бу калит — камтарлик, оддийликдир. Шу сабабли ҳам уйимиздан яхшилар қадами сира узилмас эди”, деб ёзган адиб тўғрисида ғурур билан турмуш ўртоғи — Кибриё Қаҳҳорова.

Аҳли адабиёт ҳамиша ҳаётдан олиб ёзади, китобхоннинг кўнглини забт этишни дилига тугади. Лекин ким қандай ёзади ва ёзганлари келажак авлодга нима беради, ана шу саволнинг жавоби муҳимроқ. Назаримизда, Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг елкасига юкланган вазифани нақадар чуқур идрок этгани боис ҳам у ўзбек халқи ҳаётида ўчмас сиймо бўлиб қолди. Чинакам ижодкор аслида ҳам худди шундай бўлади.

Ҳақгўй, инсонпарвар, камтар, устоз Абдулла Қаҳҳор айнан шу сирадаги ижодкор эди.





## Бахмал номаларда куннинг дастхати

Ашурали Боймурод

### ЮРАК ЗАРБИ

*Ҳар тонг юрак зарбидир,  
Уйғонади янги кун.  
Оқшом висол фаслидир,  
Ойни қизғонади тун.*

*Тун — юракнинг қийноғи,  
Дукиллайди тинмасдан.  
Қўлда ойнинг ўроғи,  
Кетмас кўкни ўрмасдан.*

*Бир зарб билан оқшомни  
Етказади тонгларга,  
Гўё, субҳда бир жонни  
Тутқазади тонгларга.*

*Муштдеккина юракнинг  
Ярми — ёруғ, ярми — тун.  
Уша жонсан, юрак — сен,  
Яратавер янги кун.*

### ГУЛ ҲАҚИДА

*Оилага этаман қиёс  
Ҳар ниҳолда мужассам гулни,  
Фасли баҳор очилиб қийғос,  
Баҳор каби яшнатар дилни.*

*Гул ўртаси — севикли она,  
Ҳар ён зиё сочиб туради,  
Атрофида ота парвона,  
Унга бағрин очиб туради.*

*Садоқатнинг машъали бўлиб,  
Гул баргида тинмай ёнадир,  
Оналикнинг сийнасин ўпган  
Гулнинг ўзи азиз боладир.*

*Гўзал ҳислар ошнолигидан  
Гул бебаҳо, безар оламни,  
Шундан унинг рамзи муқаддас  
Садоқатга чорлар одамни.*

Бекобод

## Муҳайё Бону Курбонзода

\* \* \*

*Орзу қилмам олис юртни,  
чорласа гар муҳаббат,  
Йироқ кетсам қўмсагайман  
қучмоққа ул тафтингни.  
Ватан, қалбим ичра танҳо  
жойлашгансан юракда,  
То танамда жоним борки,  
куйлагайман мадҳингни.  
Ватан ичра ватанлар кўп,  
дейди доно халқимиз,  
Мен Ватандин саодатли  
онларимни топгайман.  
Ёруғ кунлар бисёр бўлсин,  
шул табаррук заминда,  
Ўниб-ўсдим, ҳатто хасин  
кўзга суриб ўпгайман.*

\* \* \*

*Кўзларим — йўлингда ёқилган чироқ,  
Орзум — сен қуёшга интилган гиёҳ.  
Меҳрингдан баҳраманд бўлмоқ умиди,  
Йўқдир юзларимда ҳасрат булути.*

*Сен учун ҳисларим тўлқинли уммон,  
Нега сенда шунча иштибоҳ, гумон?  
Ҳеч қачон сўлмагай меҳрим чечаги,  
Кел, эй илинжимнинг инжа эртаги.*

Қарши

Мўмин Аваз

### МЕҲРИГИЁ

*Тунлар қидираман қиру адирдан  
Заҳмат чекиб, узмай масрур нигоҳни.  
Топгум омад кулиб азиз, қадрдон  
Шуъла сочиб турган меҳригийёҳни.*

*Меҳригиёҳни-ку топаман, аммо,  
Темир дарвозанга боқаман илҳақ.  
Кўзларим ёндирган бир пари сиймо  
Қаршисида тўхтаб қоламан мутлоқ.*

*Қани кўзларида ишқ ёққан чақин,  
Ёшликка ножоиз кўнгилни узмоқ.  
Қалбим бу гўзалга қанчалар яқин,  
Дийдор қалбимдан қанчалар узоқ?*

*Масъуллик юкини елкага ортган  
Фалак қўрслик қилди менга нисбатан.  
Қалбим шахло кўзлар дардини тортган,  
Қандай қутулайин ушбу қисматдан?*

*Қаршимдан ўтади,  
ой эгар қаддин,  
Бунча мағрур, бефарқ ўткир нигоҳлар?  
Ёрқин шуғла сочиб ололмас дардим,  
Менга татимайди меҳригиёҳлар.*

### МАНЗАРА

*Мудом завқланаман гуллар базмидан,  
Мен роса ўйлайман, тўймайман ўйдан.  
Сахий осмон ўзин кўк гумбазида  
Зарбсиз тангаларни парчинлаб қўйган.*

*Тинмасдан мошинлар ўтади физ-физ,  
Ҳалқа-ҳалқа сунбул гули — митти жон.  
Тунда изга тушиб, соя қувар из,  
Кўзиқорин боши — ейланган имкон.*

*Офтоб теккан баланд тоғ яғринида  
Шалола ташлайди ўзин юмиб кўз.  
Тун, кун шовқин солган дастгоҳ бағридан  
Оқиб тушар ёйиқ оқ сидирға бўз.*

*Ҳилол бели букик, муштипар, ҳалим,  
Устоз шевасига балким беш кетган.  
Кўрсаткич бармоғин букиб муаллим  
Кўп бора дангаса бошини чертган.*

*Кўнглимни ёритар бир ажиб ҳолат,  
Юлдузлар шивирлаб дилини ёрар.  
Чархпалак чархлари намланиб қат-қат  
Сувларин тарновга тўкиб юборар.*

Сирдарё

Дилшода Ҳалимжонова

\* \* \*

*Гулранг бекатларга ўзин отар кун,  
Шажарлар матлаби соғинчга етар  
О... шошқин майсалар тўлқини бехос  
Ҳавонинг кўксига урилиб қайтар.*

Кўкнинг кулгичлари нурланар ёрқин,  
Шуълалар таъмига қонар тепалик.  
Сарвқад теракларнинг елкаси оша,  
Саболар дунёча қилар телбалик.

Тўнкага қоқилиб кетар тушмагур,  
Фурсат куртакларнинг томини бузар.  
Пастқам кулбаларнинг тепаларида  
Қантак ўрикларнинг маззаси сузар.

Бахмал номаларда куннинг дастхати,  
Фараҳ қирларга ёйади рўмол.  
Кўкламнинг илоҳий қошонасида  
Лолалар кокилин ўйнайди шамол.

\* \* \*

Малоҳатда тенги йўқ моҳтоб,  
Қўллари гул, ширин сўзлари.  
Юзларидан нур олар офтоб,  
Атлас кийган ўзбек қизлари.

Юрагида ёнар шижоат,  
Тўмариснинг ўчмас излари.  
Ватанига фидо тоабод,  
Атлас кийган ўзбек қизлари.

Ибо, ҳаё — кўнгил зийнати,  
Қалби қайноқ, чарос кўзлари.  
Сувратидан гўзал сийрати,  
Атлас кийган ўзбек қизлари.

Мажнун каби ошиқлари лол —  
Сочларини ўрар кезлари.  
Қайрилма гул қошлари ҳилол,  
Атлас кийган ўзбек қизлари.

Эр йигитлар ишончи, ори,  
Лайли, Ширин сизу бизлари.  
Ўзбек деган элнинг виқори —  
Атлас кийган ўзбек қизлари.

Олтиариқ

Саломжон Менгнор Термизий

### ТЎРТЛИКЛАР

Ёр жамолин кўрмоқ муродинг агар,  
Қалб кўзинг гўбордан покла сарбасар.  
Соф, тиниқ кўзгуда акс этар қуёш,  
Аслидек мунаввар, порлоқ, жилвагар.

\* \* \*

Ҳақ десанг, феълингда пок сифат иста,  
Куч, қудрат, улуғлик ҳам иффат иста.

*Ёр васли эзгулик чамани эрур,  
Сайрибоғ истасанг, маърифат иста.*

\* \* \*

*Бу биебонда йўл-йўлаклар минг сон,  
Тўзонда гангиб, адашмоқ осон.  
Тўғри йўл, чин манзил топмоқ истасанг,  
Қалбинг кўзин очиб, сафар қил инсон.*

\* \* \*

*Холингда дил борин ёрга шайдо қил,  
Жонингда фидолик ишқин пайдо қил.  
Севмоқдан сийратга зийнат мақсад гар,  
Борига сийратинг тамом адо қил.*

\* \* \*

*Қалбинг ҳақлигини Ҳақ нуридан бил,  
Поклаб сен ҳам уни чунон обод қил.  
Офтобда тобланган замин ўз юзин  
Нақшин палак айлаб, яшнар муттасил.*

Термиз

Матлуба Улканбоева

### ТОПГ

*Оламга нур сочиб, уйғонади тонг,  
Борлиқда кезади саҳар нафаси.  
Кўнгил ором олар тонгнинг бағрида,  
Кенгаяди бир оз кўкрак қафаси.*

*Бостириб келади ширин хаёллар,  
Ненидир истайди ошуфта бу дил.  
Юксакда орзулар чақирар, чорлар,  
Тўлғониб қўяди интизор кўнгил.*

### ОРЗУЛАР

*Дилимга орзулар буюрар ташриф,  
Жоним оғритади бемазмун тунлар.  
Бундай юришларга шундайдир таъриф,  
Уйқуга аталган юлдузсиз тунлар.*

*Орзу бор, бор имкон, ҳар нарса тайёр,  
Парвоз айламоққа шайдир юрагим.  
Лек, мени тўхтатар қандайдир ағёр,  
Сароб деб алдайди орзу-тилагим.*

*Йўқ, деб, қарши чиқар унга иродам,  
Мени тортқилайди қуёшли кунга.  
Аста жилмаяман пок руҳим бардам,  
Орзулар кўзи-ла қарайман тунга.*

Чуст



### ИСТАЙМАН

*Товланганда кўкда олтиндай қуёш,  
Ғунча табассуминг кўрмоқ истайман.  
Осмон севинчлардан тўққанида ёш,  
Сенга қайноқ қалбим бермоқ истайман.*

*Шўх шаббода сочинг силаб ўтганда,  
Эркалаб бағримга олмоқ истайман.  
Севгимиздек тиниқ тонглар отганда,  
Шодлигинга шерик бўлмоқ истайман.*

*Гуллар атри мени этганида маст,  
Сен-чун қучоқ-қучоқ узмоқ истайман.  
Соғинганда, дилдор, дилдан ҳар нафас,  
Сен ўтган йўлларни кезмоқ истайман.*


### СУЛУВ ҚИЗ

*Оқбурасой сувлари ўйнаб оқар,  
Сой бўйида турган қиз менга ёқар.  
Билмам, бунча паришон хаёллари,  
Ўтли-ўтли нигоҳи кимга боқар?*

*Сув юзида сузарми балиқлари,  
Сулув қизнинг кўпмикан қайлиқлари?  
Қанча бўлса бўлсин-а, менга нима,  
Йўқ, барибир, мен каби лойиқлари.*

*Юзим чайсам, баҳридил яйраб кетар,  
Хаёлларин бузмайман озор етар.  
Соҳилдаги сулув қиз сув парими,  
Пари бўлса, умидвор қилиб нетар?*

Тошкент





Ҳасан Манзур

## Аллома

Ҳикоя

Мен уни худди талабалик давримиздагидек Аллома деб атадим. У хотирамда қув, донишмандона, пурмаъно фикрлари билан муҳрланиб қолган.

Аллома бир қадар инжиқ, такаббур эди, атрофида яқинлари кам бўларди.

Мен уни ётоқхонанинг пастки қаватидаги кенг-катта кўримсиз бўлмашида ҳамшиша китобларга кўмилган ҳолда кўрардим. Китоблар ҳеч вақт саришта, тахлоғли турмас, бу менга Аллома руҳидаги бесаранжомликни, саркашликни ифода этувчи ҳолдай туюларди.

Қай вақт кирмайин, у нималарнидир ёзиб ўтирар, худди фикри бўлиниб қолишдан чўчигандай, ярим юмуқ кўзларини ёзувидан олмасди, қаламининг учи билан “ўтиринг” ишорасини қилар ва яна ўз ишида давом этарди. Бир мунча туриб, у мени буткул ёдидан чиқарганига амин бўлардим. Атрофидаги китоблар устига ёйилган ва ҳатто деворларга ёпиштирилган қоғозлар ҳеч кимни ажаблантирмасди. Мен кейинроқ бу қоғозларга ҳаҳ ундошлари билан боғлиқ сўзлар битилганини англадим. “Буни ҳар бир ижодкор яхши билиши керак, — дерди Аллома. — Хатолар ошдан чиққан тошдай тишга тегади”.

Чамамда, Аллома ўзи ҳам бу товушлардаги фарқни ажратишга қийналар эди, шу товушлар билан қасдлашгандай, шубҳа қилган сўзларини китоб саҳифалари, оқ қоғозлар ва баъзан оппоқ деворларга ҳам битиб қўйишни қанда қилмасди.

“Энди бу нимаси, Кайфий? — деди у бир куни ёзганларимга хотиржам назар ташларкан. — Шунини луғатга қараб тўғрилаб қўйса бўлмайдами?»

“Имлосини кўриб беринг, — деди у ахири, — хатоси чиқаверса, фикрим бўлиниб кетади”.

Мендан аввалроқ унинг таълимини олган дўстим Ҳазрат бир сафар ёзган хатимни, худди ўз ўқувчиси ёзма ишини текширган устоздай, қизил қалам билан бўяб чиққан ва: “Кайфий, қилган ишимдан хафа бўлмайсиз, деб умид қиламан. Хатингиз — қиёфангиз. Сизни бировнинг олдида бундай ҳолда кўринишингизни асло истамайман”, — деб ёзганди. Шу-шу хатим-

ни уч бор кўлдан ўтказадиган бўлсам ҳам, ҳамиша тавбамга таяниб иш кўрганман, деб айтолмайман.

Китобни кўп, кўнгил айнагулик даражада кўп ўқиш керак.

Бу Аллома тарафидан айтилган ва менинг ҳам ақидамга айланган энг пурмаъно фикр эди.

“Энг ёмон, энг арзимас, ҳатто беш пулга қиммат китобда ҳам, албатта, қандайдир бир яхши нарса бўлади. Агар уни кўрмасангиз, сезмасангиз, илғамасангиз, китобда нима айб, дўстим?”

Бу фикрни ҳам мен Алломадан эшитган эдим...

У анчайин кўримсиз йигит бўлса-да, ҳамиша ҳаддан зиёд гўзал қизларга ошиқ бўлар ва худди биринчи бор бу дардга йўлиққан ўсмирдай, яқинларига суйган санамининг таърифга сиғмас хислатларини гапириб юрарди.

Аллома чинакам ошиқ эди. Шайдолиги шу даражада бўлардики, ўзим унга ёқаманми ёки йўқми деган фикр асло хаёлига келмасди. “Севилмаслик бахтсизлик эмас, сева олмаслик бахтсизликдир”, — деган фикр худди унинг учун айтилгандай...

Аллома саркаш туйғулари билан Ҳофизнинг ҳам диққатини тортган. Ҳофиз Аллома битган шеърларга кўз югуртираркан, ўша заҳоти ҳолини бошқалардан теранроқ англаган ва маъшуқа кимлигини суриштирган.

“Ие,— деган астойдил ҳайратга тушган Аллома, — ҳозиргина олдидан тушдингиз-ку, танимадингизми?” Маъшуқа тоға котибаси эканлигини англаган Ҳофиз, келинг, қийналиб юрманг, масалани шундай ойдинлаштириб қўя қоламиз, деб гўшакни кўтарган ва Аллома совчиси бўлган. Ушанда Ҳофиз маъшуканинг фикрини бўлмасдан узоқ тинглаган ва илк бор ҳеч ким юрак ютиб Алломага айтишга ботинмаган ҳақиқатни соддагина қилиб айтиб қўя қолган: “Бу қиз сизга хотинлик қилмайди, дўстим, бошқасини топинг”.

Лекин Аллома барибир у қизни ўсмирлардай беғубор туйғу билан яхши кўриб юраверди...

Ажабо! Аллома ўзи яхши кўрган ва эрга тегиб кетган қизлар ҳақида ҳам ёмон фикр билдирмасди.

“Палончини кўрдим. Очилиб кетибди. Зўр. Кўчқордай ўғли бор экан, кел десам, қочади зинталоқнинг боласи, — у беш бармоғини бир қилиб кўрсатди. — Шунчаки ўтиб кетгим келмади, — деди у бармоқларининг бояги ҳолатини бузмасдан. — Шундай сийнангиздаги сут Алпомишдай паҳлавонга етса керак, деб айтдим. Кайфий, биласизми, у нима деди: “Ўғлим кўпам очофот эмас, оч қолганда ётоғимга кириб ҳаловатимни бузмайди”.

“Ажойиб, — дерди у яна. — Аллоҳнинг қудратига тан бермай иложимиз йўқ. Йўқ жойдан одам яратади. Бу чиндан ҳам мўъжиза. Шоирлар юраги ёрилиб кетмаганига ҳайронман”.

Уни ҳеч нарса билан ҳайратга солиб бўлмаганидек, қайғуга ҳам қўйиб бўлмасди. Аллома ўксиниши, хафа бўлиши мумкин-у, лекин том маънода изтироб чекмасди.

Ҳофиз томонидан айтилган мана бу фикрлар, менимча, Алломани яхши билган кишилар фикрининг умумлашмаси: “Алломада кўнгил кўйган санамлари суядиган ҳашамат йўқ. Унга ўз гўзаллигини англаб етмаган оддий сулув қишлоқ қизи керак, лекин кўрқаманки, Аллома қидирган хислатларини бундай тоифадаги қизлардан ҳам топмайди”.

“Алломани тушуниш учун, — деб ёзган эди Ҳазрат менга, — у билан бир қоп туз ейиш керак. Биласизми, Кайфий, бир сафар улфатчилик қилиб ўтириб, ундан биринчи турмуши бузилиши боисини сўраганимда, берган жавобини айтсам, сиз бунга ўла қолсангиз ҳам ишонмайсиз”.

Буни кайфи чоғ пайтида мен ҳам суриштирганман. “Кўзи кўк экан, болаларим маллатой, маллабош бўлиб туғилишидан чўчидим”, — деб қўйиб қўйган.

Бу менга ўзига ёқмаган қиммат баҳо буюмни шоша-пиша олиб қўйиб, сўнг ўша буюмни нархи арзонлаштирилган дўконга топширган сатанг аёлнинг дугонаси олдидаги ўзига хос мақтанчоқлигига ўхшаб кўринган эди.

У китобларга сарфлаган вақтининг ярмини оиласига бағишлаганида, оламда ундан бахтиёрроқ одам бўлмасди.

Бу фикр менда анча йиллар ўтиб туғилди.

Ёзув-чизувни бошлаганимга уч-тўрт йиллар бўлган, бироқ бу ҳақда бировга ёрилмагандим. “Беринг, — деди бир куни Ҳазрат, — Алломага ўқитиб келаман”.

Мен жуда чўчидим. Ёзганларимни Алломага кўрсатиш хаёлимга сира келмаган. Аллома бир зарбда ҳаёт-момотимни ҳал этиб қўя қолар, сариқ чақага қиммат одамлигимни билганидан сўнг, ҳаётим ўз моҳиятини буткул йўқотади-ку. Уч кунни тикан устида ўтиргандай ўтказдим. Кулиб келган Ҳазрат чулдиради: “Ёзаверинг, ёзаверсин, деб айтди. Ёқмаса йиғиш-тирсин дерди”.

Ҳалигача Ҳазрат мени ўшанда алдагандай туюлаверади.

Ёшлар газетасида югурдаклик қилиб юрган кезларим у чоп этилган мақолаларимнинг барчасини йиғиштириб олди-да: “Уқийман, — деди. — Маъқул келса ўзимга ишга оламан”.

Катта бошлиғи кўнмадимми ёки ўзида иқтидоримга шубҳа уйғондимми, анчадан кейин учрашганимизда таклифи ҳақида чурқ этмади-ю, кўлимга бир нечта китоб тутқазди. “Кўриб чиқинг, — деди қуруққина қилиб, — оламда бундай даҳолар борлигини билганингдан кейин кўлингга қалам тутгинг келмай қолади”.

Ўша китобларни мен ҳомийлик нишонаси деб билдим.

Кейин барибир яна алланималар ҳақида ёзиб юрдим.

Биз у билан узоқ кўришмадик. Мен қаламига мансуб ҳар китобини синчиклаб ўқиб борардим. Назаримда, ёзганларида кўнгли ҳаловат топмаган кимса бесаранжомлиги жамланганди. Ҳатто энг сўнгги қиссасида ҳам.

Бу қиссадан кейинги маъшуқасини ҳам бой берганлигини англадим.

Ва, ниҳоят, мен Алломани юзидаги қув табассум билан телеэкранда кўрдим. “Ёзувчилар орасида хушxabар тарқалди: “Аллома уйланаётганмиш”. Миш-мишлар қанчалик ростлигини билиш мақсадида Алломаникига меҳмонга бордик. Бизни Алломанинг аёли қаршилади”, — ҳикоя қиларди кўрсатувни олиб бораётган йигит. Дарҳол кўз ўнгимда жуссаси кичик, қора сочлари елкасидан қирқилган, юз-кўзларини кўзойнаги яширган аёл пайдо бўлди. Хаёлимга Алломанинг: “Кўзойнакли аёлларни ёмон кўраман!» — деб айтган гапи келди.

«Шундай яшаяпмиз, — дерди Аллома. — Биз бир-биримизга халақит бермасликка ҳаракат қиламиз”.

Мен уни яхши кўрардим, кадрлардим, бироқ бу туйғуларимни сира сездирган эмасман. “Уйланганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Тош-

кентга борсам келиннинг қўлидан чой ичмасдан қайтмайман, деб кўнглимга тугувдим. Мана, ниятим холис экан, ўзингиз оёғим остидан чиқиб туриб-сиз”, — дедим Тошкентда тасодифан учрашганимизда.

— Яхши, — деди у, — мен аввал қалам ҳақимни олволай.

Индамай ўйга толдим. Нимадир ёдига тушди чоғи: “Сиз ҳали ҳам ёзаяп-сизми?” — деб сўради.

— “Шарқ”да ҳикояларимни босишяпти, бошқалари ваъдадан нарига ўтишгани йўқ, — дедим илжайиб.

— Зўр, — у мени биринчи бор қутлаётганини яширмади. — Биз қишлоқда ёзувчилар қирилиб битди, деб ўйлагандик. Энди билсак, у ерда ҳам ҳаёт давом этаётган, ана шу ҳаётни тасвирлаб ёзишаётган ҳам экан, — деб нутқ ирод этди у тушлик чоғида қадаҳ кўтарар экан.

Биз анча ичиб қўйгандик.

Мен уйига бориш, келин қўлидан чой ичиш ниятимни такрорладим.

— Яхши, — у икки кўзини баравар юмиб очди. — Аввал Дўрмондаги уйга ўтиб у-бу нарсаларни оламиз. У ер совуқ, — изоҳ берди у, — кейин шаҳарга қайтамиз.

Назаримда, худди шу оқшом Аллома ёлғиз қолишдан чўчиётгандай эди. “Таслим бўлдим”, — дедим икки кўлимни баравар кўтариб.

Биз кирган ойнаванд айвонли бир қаватли кўримсиз уйга яқин-орада одам оёғи тегмаганлиги билиниб турар, қирқилмаган гуллар, сочилган турфа хил ёғ идишлар, консерва банкалари, супурги тегмаган ҳовли — барчаси Аллома хотинсиз, сўққабош яшаётганлигидан далолат берарди.

Аллома сахийлигини мендан кўра кўпроқ сақлаб қолганди. Ҳар ҳолда бурунлари бўлганидек: “Қани, атаганингизни чиқаринг”, деб айтмади. Тортишмасдан катта тозаланган товуқ, памилдори, ошқўқ, саримсоқ, умуман, кўзи тушган еса бўлгулик нарсалардан бир бошдан олиб кўлимдаги елим халтага жойлайверди.

— Ерилиб кетамиз, — дедим охири.

— Бу ер онангизни уйи эмас, тўймасак, нон сўраб қўшникига чиқиб бўлмайди, — кулимсиради у.

Биз борган тўртинчи қаватдаги уч хонали уйнинг икки бўлмаси шипшийдам. Биттасига кўрпача тўшалган, дастурхон ўрнига солинган газета устида чой юқи қотган пиёла, нон бурдалари, бир ёнда очилган-сочилган беш-ўнта китоб турарди ва бу менга гариб, кимсасиз, ночор илми толибнинг омонат ҳаётидан ҳам ҳаминқадар туюлди.

Кўнглимдан кечган фикрларни уққандай Аллома хижолатли жилмайди: “Одамлар турмада ётишибди, Кайфий, бу ахир иссиққина уй-ку!”

Биргаликда овқатга унадик. Аллома чой дамлади. Юмшоқ нон ва янги арчилган саримсоқ иштаҳани қитиқлайди. Аллома ишораси билан олиб келган ароғимизни очдим. У аввалгидай бетакаллуф эди. Аҳамият бермасдан ичавердим.

Радиодан мусиқа янграётганда у менинг ҳикоямдан беш-олти саҳифа ўқиган, лекин унга на қалам урган, на қошларини чимирган эди.

У қошларини чимириб, кўзларини пирпиратдим, тамом, танқидидан қочиб қутилиб бўлмасди. Лекин айни шу дамда юзлари мулойимлашиб, кўзлари кулиб турарди. Биринчи бор ёзганларим ёқаётганлигини сездим.

— Луғат борми? — сўраб қўйди у бурунги одатича. — Кўнглимга сизгамапти, Кайфий, — деди у охири. — Мен буни хотиржам ўқишим керак.

Ана шунда хотини ва қизи Истанбулдан учиб келиши кераклигини эсладим. Об-ҳаво чатоқлиги сабабли самолёт Самарқандга қўндирилган ва тунги учдан кейин Тошкентга келаркан. “Бугун қизимнинг туғилган куни”, — деб минғирлади Аллома маъюсланиб.

— Қизингизни кутиб олгани чиқамиз, — таклиф киритдим мен.

— Келишолмадик, Кайфий, — унинг овозида ўкинч бор эди. — Ажралишяпмиз.

— Биз хотинингизни эмас, қизингизни кутиб олгани чиқамиз.

— Яхши, — таъкидлади у. — Мен Ўткирга қўнғироқ қилай, машинаси-ни миниб келсин...

У телефонда гаплашди ва йўлни тушунтирган бўлди.

Пишган товуқ дастурхонда турарди. “Оёқларидан бошлаймиз”, — таклиф киритди Аллома гўшт бўлақларини майдаларкан. Кўп ўтмай ароқ ту-гади. Аллома пинжагини елкасига ташлаганча чиқиб кетди-ю, ярим соат-лардан сўнг чўнтагини дўмпайтириб қайтди.

Ёш бир жойга борганда оила барбод бўлиши кишига бахтсизликдан бошқа нарса олиб келмаслигини ҳеч вақт ўша дамдагидай ҳис этмаган-ман...

— Тоғанинг қизига уйланайми, деб турибман, — деди Аллома олиб келган ароғидан қуяркан. — Мансабдор, пули кўп.

— Жиннимисиз?! — дедим феълим айниганини яширмай. — Ахир у ту-шовини узган-ку!

— Бизнинг ёшда уйланадиган бандаларга ё болалик, ё... — масҳараомуз кулди у.

Алломани кўз очиб кўрган аёлининг уволи урмадимикан?

Бу фикр қачон хаёлимга келиб ўрнашди, бу ҳақда ҳали ҳам бир нима деб айтолмайман.

Кўча ёқасидаги бекатга чиққанимизда машина келиб ёнимизда тўхтади. Машина шинам иномарка эди.

Ўткирга қўшилиб сигарет ёндирган Аллома босиб-босиб тортганда са-лонда асабга тегадиган товуш янгради. Ҳайдовчи сигаретасини дерезадан улоқтирди. Жимлик чўкди.

— Ҳаво булғанди-да, огоҳлантираяпти, — изоҳ берди йигит.

— Зўр, — тасдиқлади Аллома, — лекин буни ўзингиз аввалроқ айтга-нингизда сигаретани увол қилиб ўтирмасдик.

— Ёмон уста ёнидан-да, ака, шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Ҳайдовчи мен кутганимдан кўра ҳозиржавоб чиқиб қолди. Маълум дав-раларда Алломанинг обрўси ҳали ҳам баландлигини сездим.

“Почча, сиз бу ердан кетинг!” — деди қўналғада дуч келган йигитча, қўл телефонида ким биландир гаплаша туриб. Аллома жавоб қилмай бир оз турди, кейин: “Юринг, Кайфий, — деди оғир хўрсиниб, бекатда қол-ган машина томон одимларкан. — Ўткирни ҳам чақиринг”.

— Қизиқмисиз, — дедим унинг ортидан базўр етиб бориб, — биз хоти-нингизни эмас, қизингизни кутгани чиқдик. Болада нима айб?

Аллома бир зум ўйлангач, яна кутиш зали томон қайтди. “Кайфий, мен қавҳа ичмоқчиман”, — деди у емакхона томон одимларкан.

Мен Аллома қайнисидан четроқ бўлиш учун шундай қарор қилганини тушундим. “Шу ерда ҳам уришиб томоша кўрсатишади”, — тўнғиллади йигитча бояги ҳолини бизга изоҳлагандай.

— Аллома опангизни эмас, қизини кутгани чиққан, бунинг учун уни айблаб бўлмайди.

— Ичиб кепти, — тўнғиллади йигитча биздан узоқлашаркан.

Аллома курсида қаҳвасини кафтлари орасига олганча ўтирар, йигитча қўл телефонида худди ишбилармон кишилардай виқор билан у ёқдан-бу ёққа юриб, ким биландир гаплашар эди.

— Пул одамни бузади, — Ўтқир болаларча беғубор кўзларини менга қадади. — Опаси Алломага турмушга чиққан дамларда йигитчанинг биров билан бундай гаплашадиган сиёғи йўқ эди. Опасининг паноҳида шаҳарга келди, қўли пул кўрди, энди поччасини ҳам назарга илмайди.

Кутувчилар гимирлаб қолишди. Аллома қаҳвасини ичиб, илгари босди.

Йигитча телефонини чўнтагига намоишкорона тикаркан, йўлак томон йўналди.

Мен телеэкранда кўрган аёлни Алломадан аввал танидим. Аёл калта пўстин кийган, елкасида ёйилган сочлари қора мўйнага қўшилиб кетганди. Кичик юзида катта қора кўзойнак бўлиб, пўстинчали қизалогини бағрига босганича атрофидагиларга аҳамият бермасдан келарди. У ҳатто укаси билан ёришиб кўришмади. Аёл ўзини ўта расмий тутиши Аллома билан ярашиб кетиши ҳақидаги хаёлларимни пучга чиқарди.

Аёл ҳали қонуний ажралишмаган эри билан бош ирғаб кўришишдан нарига ўтмади. Мен уларни гаплашиб олишлари учун ортда қолгандим. Аёлни тўхтамай юришда давом этиши мени шошилтириб қўйди ва мен йўлни кесиб чиқишдан бошқа чора топмадим. У қаршисида пайдо бўлган эркак эрининг одами эканлигини пайқади. Тўхтади.

— Яхши етиб келдингларми? — совуққина сўрадим мен ва қўлимни болага узатдим. — Кел, қизим, бир кўришайлик-чи.

Қизча менга шубҳали қарай-қарай юзини онасининг мўйнали пальтосига яширди. “Уйқуси очилмаяпти”, — деди аёл. Худди мана шу дамда Аллома етиб келди. У қизига конфет узатаркан: “Кел, қизим, келақол”, — деди ялинчоқ оҳангда.

Қизча юзини бир зум онасидан узганда унинг анчайин нозик, кўзлари ҳам бенур мовий эканлигини, ияги билан пешонасини айтмаганда Алломага ўхшаш жиҳати йўқлигини пайқадим.

— Ол, — деди онаси, — ол, конфет.

Қизча пуштиранг бармоқларини Аллома томон чўзди. Алломанинг юз-кўзлари шундай ёришиб кетиши мумкинлигини энди кўришим.

— Майли, — деди аёл йўлида давом этаркан, — бола совуқ қотиб қолди.

Мен эру хотиннинг уришиб қолишидан хавотирланган йигитчани йўл ёқасидаги машина томон шитоб билан боришини ижирганиш билан кўзатардим. Аллома аёлидан ўн қадамча ортда, худди онасига эргашган болакай мисоли, икки қўлини олдинга чўзган кўйи борар, қулоғим остида: “Раъно, қизим, кел, Раъно!” — деган ялинчоқ товуши тинимсиз янграр эди.

Йигитча машинасини йўлга ҳозирлаб қўйган: эшиклари очик, мотори гурилларди. Хотини ортидан бораётган Алломани кўриб эзилиб кетдим.

Мен уни ҳеч қачон бундай қиёфада кўрмагандим. “Қайтинг!” — дедим кескин товушда. Аллома тухтади. Менга ўгирилди. Унинг кўзлари важоҳат билан боқар, худди муштлашишга ҳозирланган йигитлардай эди. Мен нафис лаблари титраб кетганлигини, қовоқлари пир-пир учаётганлигини сездим. “Сиз нимани билардингиз?! — Алломанинг овози эзгин янгради. — Нимани тушунардингиз?!”

Аллома онаси елкасига бош қўйганча бораётган қизига талпинди: “Раъно, Раъно, кел, қизим!”

Аёл машинага ўтирди, эшик қарсиллаб ёпилди ва йигитча газни босди.

Тез орада катта кўчадан елиб бораётган машина қораси ўчди.

— Ортларидан қувамизми? — сўради Ўтқир.

Алломага сездирмай уни турткиладим. Тонг отишига ҳали бор, чароғон кўчалар кимсасиз.

— Ўтқир, — деди Аллома, — кўрда пиширилган гўшт егим келаяпти, Кайфийнинг ҳикоясида шундай лавҳа бор экан.

Биз эски шаҳар тарафга кетдик. Қанча кўчаларни айланиб, бир табақаси очик эшик олдида тўхтадик. Ичкарига кириб кетган Ўтқир иссиқ нон орасига олинган гўшт билан чиққанида, мен бунга ажабланмадим. Аллома ҳаммага ўтказиб қўяр, эркалигини барча бирдек кўтарар эди.

Уйга етиб келганимизда Аллома нонлардан бирини олди-да, устига

бир-икки бўлак гўшт қўйиб машинада қолдирди. “Яхшилаб тўйиб олингда, бизнинг ҳаққимизга дуо қилинг, — деди Уткир билан хайрлашаркан.

— Яхши йигит, — бир енгил хўрсинди Аллома кўп қаватли уйлар оралаб борар эканмиз, — ўлганимдан кейин ҳам яхшилигини миннат қилмайди.

— Гўштнинг пулини ҳам бермадик.

Аллома қўл силтади. Уйга кириб йиғиштирилмаган дастурхон ёнида ўтирдик. Зира қўшиб пиширилган гўшт иштаҳани қитиқларди. Яна бир пиёладан ароқ ичиб, озроқ гўштхўрлик қилдик.

— Чўзиламизми? — сўрадим кайфим ошиб бораётганлигини сезиб.

Аллома бош силкиди.

Аллома чироқни ўчирди. Яна бир мунча вақт тимискиланди. Сўнг мени ухлади, деб гумон қилди чоғи, остидаги кўрпачани олиб, худди инисига ғамхўрлик қилган оғадай устимга ёпти-да, калта пўстинни остига тўшади.

“Одамлар турмада ётишибди, Кайфий, бу ахир иссиққина уй-ку!”

Уйкуга кетгунимга қадар ҳам қулоғим остида Аллома овози жаранглайверди.

Ич-ичимдан отилиб келган хўрсиниқни тийиш учун билакларимни тишладим.

Болалардай ғужанак бўлиб олган Аллома тинимсиз алаҳсирарди. Совуқ қотаётганлигини сезиб, устимдаги кўрпачани устига ёпдим.

— Ҳикоянгизни кейин бафуржа ўқийман, — деди эртасига Аллома, мени кузатаётган чоғида телефон рақами ёзилган қоғозни узатаркан. — Беш-ўн кундан кейин қўнғироқ қилинг.

Биз уйи остонасида қуруққина хайрлашдик.

Ҳушим ўзимда эмасди. Метрога ўтиш жойидаги ер ости йўлагида ажиб бир наво эшитдим. Қадамим ўз-ўзидан секинлашди. Йўлак зах ва совуқ. Кичикроқ стулчада ўтирган кўзи ожиз машшоқ гижжак чалар, ғам тўла нидо юрак-бағримни нақ қиймаларди.

Оҳанг шу қадар дардчил, шу қадар ҳазин эдики, беихтиёр, машшоқ олдидаги стулчага ўтирдим. Машшоқ ҳолимни англагандай бир-бирдан мунгли куйларни чалишда давом этарди. Машшоқнинг кўкрак чўнтагига гижимланган йириккина пўл солдим-да, йўлак бўйлаб аста одимладим. Гижжакнинг оҳу фарёди тош деворларга урилиб мунгли акс-садо берарди...

Наманган







Умида  
Абдуазимова

Нур сочмоқда ҳур ҳаёт

## ВАТАН СЎЗИ

Мактабга илк қадам қўйгандим,  
Қалам тутди қўлга муаллим.  
Ватан сўзин ёзмоқ ўргандим,  
Жуда осон ёзганим маълум.

Беш ҳарфда ёзганим Ватан  
Муҳр бўлиб қолган онгимда.  
Мен Ватанни кўраман бир тан,  
Бир жон бўлган оппоқ тонгимда.

Шодланаман Истиқлолдан барқ  
Урган Ватан камолидан мен.  
Маънавият бешиги бу — Шарқ,  
Тинч-тотувлик аъмолидан мен.

Бу қувончни сақлаб қолиш-чун  
Бедордирман, эрта-кеч сергак.  
Ворис бўлмоқ учун ой Барчин,  
Алпомишлар бу юртга керак.

## КАПТАРЖОН

Учиб кетгим келаяпти,  
Кел, учайлик, каптаржон.  
Тип-тиниқ шу кенг осмонни  
Кел, қучайлик, каптаржон.

Сен кулишни биласанми,  
Кел, ўргатай каптаржон.  
Қанотинга кулгуларим  
Кел, ўрнатай, каптаржон.

Кулгу ташиб одамларга  
Осмонимда ёз қанот.  
Кундан-кунга гул очмоқда,  
Нур сочмоқда ҳур ҳаёт.

## КАТТА УМИД-ОРЗУСАН

Сен ўғилсан отанга,  
Бувангга набирасан.  
Содиқ бўлиб аканга,  
Издан югурасан.

Тез ўсувчан боласан,  
Хур замонга мос тушган.  
Бироз ўйчан боласан,  
Китоб билан дўстлашган.

Биласан, тинчлик истаб  
Буванг жангга кирганин.  
Ҳотиржам кунни қистаб  
Отанг елиб юрганин.

Бувижонинг тилида  
Бир калима, бир дуо:  
“— Раҳмон юрсин дилида,  
Шайтонлар бўлсин адо.

Кўнгилга солгай қутқу  
Неки бўлса йўқолсин.  
Зурёдим усти бутун  
Қорни доим тўқ бўлсин.”

Сени севишар, чунки,  
Бобонгга набирасан.  
Отанг юзида кулгу —  
Ота йўлдан борасан.

Опа, сингил, акангинг,  
Укангинг қанотисан.  
Бечора, ҳоли тангинг  
Меҳрбахш ҳаётисан.

Улар ҳам авайлашар  
Сени кўрар кўз каби.  
Жавлон уриб шўх яшар,  
Илҳом берар сўз каби.

Набирасан, ўғилсан,  
Ҳеч кимга бировмассан.  
Сен — ёшлик, дил чўғликсан,  
Сочдаги қировмассан.

Катта умид-орзусан,  
Улғаясан эркин, хур.  
Сен эртамга мавзусан,  
Борлигингга ташаккур.





Илҳом Шерали

## ҚИЙҒИР ҚАНОТЛАРИ

Ҳикоя

Кўшнимиз Турсун аканинг бармоқдай-бармоқдай узум ҳосил қиладиган токи бўларди. Доим ҳосилни қийратадиган чумчуғу майналардан нолир эди. Қандай бўлмасин, бу кушандалардан қутулиш йўлларини ахтарарди. Гоҳ токнинг ҳар томонига тунука қапқоқлар билан тўлдирилган сим — “шақилдоқ” тортиб чиқса, гоҳ кўзни олиб ялтирайдиган ҳар хил тасмалар илиб чиқарди. Лекин барча тадбири бекор кетарди. “Текинхўрлар” баттар токка ёпирилавергач, Турсун ака кўшни қишлоқдаги бир кишидан қандайдир қуш олиб келди. Шундан кейин ҳеч қачон бу муаммодан қийналаётгани ҳақида эшитмадик...

\* \* \*

Осмонга чуғурлашиб бир гала қуш кўтарилди. Қўлимни соябон қилиб шу томонга қарарканман, уларни кўриб завқландим. Узим ҳам улар билан осмонда сузаётган каби роҳатландим. Қушлар худди ердан бир нима қидираётгандек, у ёқдан бу ёққа учиб ўтарди. Гала-гала бўлиб учиши бир инда яшайдиган қовоғарилар тўдасини эслатарди. Бир пайт бегона бир қуш кўшилди-ю, аҳил жамоа чор томонга тарқалиб кетди. Қушларни қоплондан қочган кийикларга ўхшатиш мумкин эди. Ҳайрат билан бу манзарани кузатар эканман, ёнимга ўртоғим Фанишернинг келганини ҳам пайқамай қолибман.

— Қийғир! — деди у мени чўчитиб юбориб.

— Қийғир! — ҳайрон бўлдим мен.

У қўли билан осмонга ишора қилди.

— Ҳозирги томошани бошлаган ана ўша. Ўзиям зўр-да, манаман деган қушларинг уни кўрганда тумтарақай бўлади.

— Яхши билмас эканман.

— Билмасанг билиб қўй, Турсун аканинг жонига ора кирган қушнинг номи Қийғир! Ундан фақатгина чумчуқ, майналар эмас, ҳатто қарғалар ҳам ўлгудай кўрқади! Шундай битга қийғирим бўлганда, зап иш бўларди-да! Узумларни қушлардан кўриқлаб, эрталабдан кечгача токнинг тагида ётишга ҳам ҳожат қолмасди!

— Нима, оёғини ип билан боғлаб қўясанми? — дедим энсам қотиб. — Қочиб кетади-ку!

— Сен қийғир нималарга қодир эканлигини ҳали ҳам тўлиқ англаб

етмадингми дейман, — кўрагини ғоз қилди Ғанишер. — Ҳу-ув, ҳовлиқма, уни қафасга солиб қўйсанг ҳам ўша ерга чумчуқ зоти йўламайди. Овозини бир бор эшитган майналар қочаверади.

— Ҳақиқатдан ҳам жуда зўр қуш экан, лекин уни тутишнинг ўзи бўладими, хомхаёл?

— Кўрасан, мен албатта тутаман!

Ўшанда мен шунчаки “тутолмайсан” мазмунида сўзлаган бўлсам-да, Ғанишер гапимни шартлашишга йўйди. “Албатта, тутаман!” деганча уйига жўнаб кетди.

Орадан икки кун ўтиб, Ғанишер бизникига келди.

— Қудуқ арқонларинг керак, — деди ҳовлиқиб. — Тез бўл, кечроқ қайтариб бераман!

— Нима қиласан уни? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Э-э, жўра, топдим уясини.

— Қаерда экан?

— Дарё четидаги жарда экан. Аниқ эслаб қолдим.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, — Ғанишер ён-атрофга бир қараб олди. — Арқон билан тушаман-да, тутаман.

Шу ўринда ўртоғимнинг фаҳм-фаросатидан ҳафсалам пир бўлди.

— Э-э, қовоқалла-я, — дедим кулгим қистаб, — шундай зийрак қуш уясининг тепатомонидан биров арқон ташлаб тушиб келади-ю, сезмайдами?! Ҳо-ов, у сени жарнинг тепасидалигингдаёқ ини ичида туриб кўради! Иннанкейин, у уясида кундуз кунни бўлмайди.

Ғанишер гапимни шартга бўлди.

— Шунисини айтяпман-да! Кеча кун бўйи шуни кузатдим. У уясига кечга яқин қайтаркан. Унгача дарагиниям солмади!

— Шундай экан, арқон-парқон деб каллангни нима учун қотирияпсан, нима бало, уни кечаси тутмоқчимисан? — дедим жаҳлланиб.

— Эшитсанг-чи, аввал, — унинг овози баландлади. — Менга унинг ўзи эмас, боласи керак! Узим боқиб каттартираман. Қайтага яхши бўлади, қўлга ўрганади!

— Боласи борлигини қаердан биласан?!

— Билдим, ўртоқ, билдим. У кечга яқин полапонига ўлжа олиб келди.

Жўрамга бошқа гап топиб бера олмадим. Қудуқ дастагидан арқонни ечиб олдим ва Ғанишерга бердим. Ғанишер уни бошидан охиригача синчиклаб текширди. Тортиб-тортиб кўрди.

— Маҳкам экан, — деди бир оздан кейин.

У уйларидан яна иккита арқон олиб чиқди. Бу арқонлар бизникига қараганда узун ва йўғон эди. Уларни бир-бирига улаб чиқдик, хуржунга жойлаб, эшакка мингашдик. Жар ёқасига етиб келганимиздан сўнг, Ғанишер пешонасига шаппатилади.

— Каллам қурсин, қозик олишни унутибмиз-ку?!

Ҳақиқатдан ҳам арқон олишга олиб, энг керакли нарсалардан бири — қозикни унутган эдик. Ахир, бақувватроқ қозик бўлмаса, арқоннинг ўзи билан нима ҳам қила олардик? Ғанишер пича ўйланиб тургач, “мен ҳозир келаман” деганча, қаёққадир югуриб кетди. Эшакни эркинликка қўйиб, пастга қарадим. Жарнинг тубигача бўлган масофа эллик-олтмиш қулоч келади. Агар, менга биров бутун бошли ўнта қийғир полапонини ваъда қилиб, шу ердан арқонга осилиб туш деса, кўнмасдим. Ичимда Ғанишернинг довиюраклигига тан бердим.

Ғанишер қуёш тиккага қўтарилган пайтда қайтиб келди.

— Тезроқ ҳаракат қилмасак бўлмайди, — деб қўлидаги қозиксимон узунчоқ темирга ишора қилди, — қоқишиб юбор!

— Нима билан қоқасан бунингни? — дедим кула-кула.

Ўртоғим эсанкираганча озроқ ўйланиб турди, кейин бирдан чеҳраси очилди.

— Сен айланма йўлдан пастга тушиб бор, — деди менга юзланиб, — ўша ерда темир-терсак тикилиб ётибди!

Капалагим учиб кетди.

— Уйлаб гапиряпсанми?! — дедим жаҳлланиб. — Шу-унча йўлга ким бориб келади, агар ўша қийғирнинг боласи жуда-а зурур бўлса, ўзинг бориб кел, менга кераги йўқ!

— Нега бунча ўзингни олиб қочасан?! Пастга тушиб борсанг бўлгани. Темирни ип билан тортиб оламан! Қайтиб чиқмасанг ҳам бўлади!

Очиғи бу гап ёқиб тушди: биринчидан, бу ерга қайтиб чиқишнинг ҳожати йўқлиги яхши, иккинчидан, қуйида туриб, арқондан осилиб тушаётган жўрам ҳаракатларини бемалол томоша қилишим мумкин. Дарҳол рози бўлдим ва айланма йўлдан юриб, тахминан чорак соатларда манзилга етиб бордим. Фанишер рост айтган эди, бу ердан катта-кичик темир-терсак бўлақларини топиш унчалик қийин эмасди.

— Ташла-а, арқо-онни-и!!!

Овозим жар бағри бўйлаб ёйилди. Ҳар хил қушлар ўз ковакларидан ташқарига чиқиб безовта чуғурлаб кетишди.

Тепадан сариқ тусли, илонни эслатадиган йўғон арқон кўринди. Темир бўлагини аввал сим билан қаттиқ чирмагач, осилиб турган арқонга илдирдим. “Торт!” — дея овоз берганим ҳамоно, арқон тепага кўтарила бошлади ва кўп ўтмай яна паствади. Арқонни таранг тортиб, маҳкам ушлаб олдим. Фанишер анча ҳаяллади. Фаҳмимча, эплаши қийин, бунча баланддан тушиш учун отнинг калласидек юрак керак!

Бироқ мен адашган эканман. Ҳадемай ўртоғимнинг оёғи кўринди, кейин... бутун танаси! Мен эса лол бўлиб, юрагимни ҳовучлаганчи, ҳар бир ҳаракатини кузатар эдим. У худди тажрибали алпинистлардек, арқонни маҳкам ушлаганча, оёқларини кавакларга бирин-кетин тикиб, паствай бошлади. Бир пайт оёғи тагидан муштдек кесак сурилиб кетди. Мен кўрққанимдан қичқириб юбордим.

— Эҳтиёт бў-ўлл!!!

Унинг жавоби бу сафар мени кўп куттирмади.

— Жим бўлсанг-чи! — деди қалтироқ овозда.

У қийғир уясига яқинлашиб қолганди. Бир паства уя қаршисига келдиям. Лекин арқон ва уя оралиғи паст томондан бор-йўғи икки қаричдай кўринса-да, аслида, анча узоқ экан. Фанишер қўл чўзди, етмагач, овозини баралла қўйиб бақирди:


— Арқонни ўнг томонга торт!!!

Буйруқни бажардим: арқон уя-ковакнинг устидан ўтиб тўхтади. Фанишер оёқларини қулайроқ жойга тикқанидан кейин, чўнтагидан нимадир чиқарди. Яхшилаб қараб билдимки, бу ойна экан. У ойнани тиккага келган қуёш нурига тўғрилаб, аксини уяга қаратди ва ичкарига қўлини суқди. Қушлар сурони кучайди. Фанишер уя ичидан олинган нарсани дарров пастга ирғитди. Бу қайсидир қуш суяги ва патлари эди. Шундагина мен қандай йиртқич билан ўчакишаётганимизни яна ҳис қилдим. Тепага қарарканман, ўртоғим қўлидаги муштдек келадиган малларанг нарсага кўзим тушди. Унинг нималигини билиш учун яхшироқ тикилдим: қийғир боласи! Ўртоғим бир муддат қўлидаги полапонга тикилиб турди. Кейин эса тўсатдан нимадир эсига тушиб қолган каби шошиб-пишиб эна бошлади. Бироқ энди иш қийинлашганди. Аввал икки қўл ёрдамида пастваган бўлса, энди бир қўли билан ҳаракат қилишига тўғри келарди. Сўнг юз бериши эҳтимол бўлган ҳодиса бошланди. Баралла сайраётган қушлар овози бирдан ўчиб, ҳаммалари уя-уясига кириб кетди. Улар юракларини “така-пука” қилганча, улкан бир қуш жар бўйлаб парвоз қиларди. Бу катта қанот соҳиби ўртоғим уядан олиб тушаётган полапон нажоткори — она қийғир эди! Гўё жуда ёмон туш кўраётгандек эдим. Она қийғир боласи аҳволини кўриб, нола чекди. Йўқ, бу овозни бировни кўрқитиш учун қилинган дағдаға деб бўлмасди, унда аянчли фарёд бор эди. Она қуш қанотини икки-уч силкиб, Фанишердан пича узоқлашди. Қурқувли сайрашини эшитганим учун кетяпти деб ўйладим.

Лекин у мен ўйлаганчалик кўрқоқ эмас экан. У забт билан ўртоғим томонга учди. Шу ҳолда бориб урилса, жўрамни қулатиши аниқ эди. Бақириб юборардим... Томоғимга данакдай нарса тиқилиб қолганди. Шу ерда дўстим калласини ишлатди: “ушла-а!” деб бақирди-да, қўлидаги полапонни пастга иргитди. Шитоб билан келаётган она қийғир йўналишини ўзгартирди ва типирчилаб пастлашаётган боласи ортидан шўнғиди. Полапонни илиб олиш учун чопмоқчийдим, онасини кўриб фикримдан қайтдим. Кейин жўрам осилиб турган арқоннинг пастки учини қўйиб юборишим мумкин эмасди. Она қийғир ерга тегай-тегай деган боласини бақувват панжалари билан илиб кетди. Юксақларга кўтарилгач, ҳордиқ олмоқчи бўлдими, яна жар лабига яқинлашди. Шунда кутилмаган ҳол рўй берди. Боласи панжасидан чиқиб кетиб пастга қулади. Энди боласини яхшироқ тутиб олишга улгурмади. Оқибатда шўрлик шитоб билан келиб ерга урилди. Она куш даҳшатли тарзда, этни жунжиктирадиган даражада сайраб юборди. Йўқ... бу сайрашни кўпроқ чинқириқ десак тўғрироқ бўлади. Аянчли чинқириқ... У мендан заррача кўрқмай (балки мени пайқамагандир ҳам) ерпарчин бўлиб ётган жигаргўшаси ёнига кўнди ва яна чинқирди — товуши аввалгиларидан ҳам кўрқинчли, оғриқли ва юракни ўртаб юборадиган оҳангда эди. Мен руҳимда пайдо бўлган номаълум ҳаяжонни, мавҳум туйғуни англаёлмай гаранг эдим. Кўпгина кушлару ҳайвонларни, ҳатто инсонларни ҳам ваҳимага солиб кўядиган бу йиртқич шу лаҳзада кўзимга жуда ночор, жуда ожиз кўринди. Бу қандай синоат?! Жонивор тўсатдан юқорилади. Хаёлимга келган биринчи хавотирли ўй — Фанишер тақдири бўлди. Бироқ қийғир беш қулоч баландда арқонни маҳкам ушлаганча қотиб турган ўртоғимга бурилиб ҳам қарамади. У шу кетганча кўтарилаверди, кўтарилаверди. Охири кўзга кўринмай кетди. Наҳот уни энди ҳеч кўрмасам? Тўғри, энди кўраманми, йўқми, аҳамиятсиз. Лекин... лекин у менга, ўзим сезмаган ҳолда, бир оз... йўқ жуда қадрдон бўлиб қолганди.

Осмонга қараб турар эканман, она қийғирни яна кўрдим! Во ажаб, у кўз илғамас нуқтадан камон ўқидек шўнғиб келарди. Ерга яқинлашгунга қадар тезлашса тезлашдики, заррача секинламади. Мана, у жардан ҳам пастроққа ўтди. Бутун вужудим кўзга айланди. Бор эътиборимни ўзига жалб этган куш Фанишер ёнидан ўтиб, шундоқ ёнимдаги япалоқ тош устига зарб билан урилди. Шунчалик қаттиқ урилган эдики, синган қанотлари икки ёнга қайрилиб кетганди. Биласизми, бу қаноатларда нимани кўрдим? Айтиш қийин-да! Бу қанотларда гўдаклик чоғларим субҳидамнинг енгил совуғидан қочиб талпинганим... кучоқни кўрдим, кучоқни! Бу қанотларда кичкина оёқчаларим чарчаб қолмаслиги учун мени доим кўтариб оладиган елкаларни кўрдим! Ёноқларимдан ёш думалаб, кўксим сим-сим оғриди. Бўғзимга ҳам тиқилди ўша оғриқ...

Самарқанд





Бектош Қиличбек

## ҲИКОЯЛАР

### Чўнтагимдаги чўғлар

Мени қийнаган ҳолат бугун — қишлоқдан қайтишда рўй берди. Ноилож қолиб бўламнинг уйига борган эдим. Еши кичик бўлса ҳам афт-ангоридан киборлик белгилари сезилди. Сўрашувдан сўнг янги олган қишлиги-ёзлиги ҳақида узоқ гапирди. Оғздан кўпик сачради. Хонага қўшниси чиқди-ю, қизгин суҳбат бошланди. Суҳбатдан четда қолганимни пайқаб, қайтиш фурсатим якинлашганлиги ҳақида ўйладим.

Кетишимга пул керак. Пул? Уйдан эса бу саволга жавоб бўлиши қийин!!! Сўрайвериб танглайим қотган. Саккизинчи синфдан сўнг неча йил ўтган эса-да, ҳеч қачон уйдан эҳтиёжимга етарли ақча олмаганман. Лицейни заводда ишлаб тамомладим. Дарс қолдириш ҳисобига чопачоқ қилишим ёмон из қолдирди — устозлар олдида манман номини олдим. Ва вилоят фан мусобақасидан йиғлаб келдим.

Академияга кирганимда нон заводига иш излаб бордим. Бошлиғи оқ сочи, зиёли киши экан. Маълумот айирбошлаганимиздан сўнг нон пиширишнинг қийинлиги тўғрисида гапириб, қўшимча қилди:

— Ё ўқиш керак!!! Ё иш!!!

У кишига раҳмат айтиб ташқарига чиқдим ва барибир иш топмасам бўлмаслигини англадим.

— Уйингдан пул олмасанг... ўқишни ташай олмасанг... Бир нима қилиб ўсиб-унмоқ керак-ку!!! — дедим ўзим-ўзимга.

Қачон бўлса ҳам уйдан пул сўраганимда, “йўқ” сўзи бир баҳона мусиқаси остида ширин қилиб айтилади. “Ахир, талабасан” дегувчи дилдош йўқ. Моддий кўмакдан кўра, маънавий таянчнинг ҳам йўқлиги дардимга дард қўшади.

Булар ҳақида чуқур ва чуқур ўйлаб... Барча-барчага барчаси учун миннатдорчилик билдираман. Чунки, бундай қисувлар ҳаёт академиясига эртароқ киришимга туртки бўлди.

Илож қанча, йўлкира учун баъзи пайтлар ҳар кимга сарғайишимга тўғри келади. Кўпинча бўлачам кетишимни билиб, чўнтак кавлашга тушади. Катта-кичик пулларини саралаб, майдаларидан бир дастасини узатади. Мен эса сир бой бермай, ёлғондакам рад этаман.

— Ўзингга ишлат! Айтган ишларингни ривожлантир!

Қатъият билан айтилган гапларимдан осмон қўллари пасаяди. Бироқ, кўзларимда розилик аломатлари сезилиб қолади шекилли, у тахламни тоқчагами, тахмонгами қўйиб, олишимга имкон беради. Мажбур бўлган Каминабек кўзларини чирт юмиб, ҳалигини ҳамёнга жойлайди-да, гирил-лаб жўнайди. Бу ҳақда бошқа гап бўлмайди.

Бундай ҳол ҳаётимдаги энг, энг... энг оғир дамлар ҳисобланади. Ўшал ҳолатни хотирлаганимда тишларимни гичирлатиб сўкинаман. Бешакл, ғадир-будир, катта-катта ланъат тошларига бошимни ураман. Ота-онанг рўпарангда турган эса-да, ўзга одамга суянишинг етимликдан-да оғир эканлигини ҳис қиламан.

Пул узатаётган киши юз ифодасини эслаб етим бўлганим яхшийди,

деб ўйлайман. У меҳнатдан кўра кўпроқ пулни яхши кўришини чамалаб қаршимдаги пичоқни қўлимга олгим келади. Шундоқ оғир азобларга гирифтор этганларни пичоқласам ва кейин ўзимга санчсам...

Жаҳл шайтонига эргашиб чалғиганим боис сўзларим ўрнига тушмади. Буни билдим. Аммо, булар ҳақ ва ҳақ эканлиги, дилимдан чиққанлиги учун ўзгартирмадим.

Бўлам уйига келганим сабабини тан олишни истамасдим.

— Қачон кетасан?! — деган саволига жавоб тайёрлаб қўйгандим. Бўлачам кўшниси ҳужжатининг нусхасини кўпайтириш билан овора бўлиб, биринчи эъзозли меҳмонни унутди.

Улар ҳужжатни сохталаштирмоқ ҳақида бош қотирадилар. Мен эса йўлқирани ўйлаб хитланаман. Қандайдир имзони ўрнига қўёлмай бўлам жиғибийрон. Диққат билан тикилиб турганимни кўргач, тайёрлаб қўйгани ранги уриниққан яшил қоғозларни узатди.

— Керакмас, пулим бор, — дедим қаппайиб турган, гувоҳнома солинган чўнтагимни шапатилаб.

Бу оҳангдаги гапларим меъдасига текканиданми, бўлачам ишидан кўз узмай кимнидир назарда тутиб сўкинди.

— Э... энангни... — кейин ўзига гапиргандай давом этди. — Одамларга пул берсанг ёмон... ёмонсан...

Ноилож кўрпача устида сочилган пулларни чап чўнтакка тиқиб кўчага чиқдим. Уйдан китоб халтамни олдим-да, хайр-хўшни насия қилиб, бекат томон жўнадим. Энди қадамларим шундай оғир эдики, панада бошимни тошга уриб, ақлимдан айрилсам, дод солиб ётсам. Бир машиқи пўнғиллаб пул узатгани қонимни қайнатарди.

Олмаганимда нима бўларди деб ўйладим. Барибир “қарз кўприги”дан ўтишимга тўғри келарди.

Айни ҳол учун ким айбдор эканлигини топмоққа уриндим. Ва топдим. Атрофимдаги — қалби бўм-бўш, қовоқ бош яқинларим, елкадошларимни айбли ҳисобладим. Йўғ-е! Дангали, ўзим сабабчи барига. Орзу, ҳа, пок орзу қилганим айбим — азобим эди. Вақти келиб пулдор бўламан. Ушанда кўрасизлар. Лекин ҳозир ўқишим зарур. Уқишим керак. Кўп ва хўп. Кейин кеч.

Чўнтагимнинг сонга тегиб турган қисми қизигандан қизиб борарди. Бекатга чиққанимда, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, терлаётганимга ажабландим. Ҳамёним ичига сал ҳаво кирса ёниб кетар даражада чатнадики, бошимни бир текис карахтлик қоплади.

Совуқ сувда ювиниб сал ўзимга келдим. Ва таниш пичоқни чап қўлимда маҳкам қисиб тишларимни гичирлатдим.

— Ўч!!! Ўч-ч!!!

Дилимда тугун пайдо бўлганини ҳис қилдим. Ҳаял ўтмай яна миямни ҳалиги карахтлик қоплади. Қўлларим титраётгани сезилди.

Нимага бўлачамни, пулларини отиб, ҳужжатни сохталаштираётгани учун тўкка қўймадим?!

Жиккак, бужур юз қўшнисини ойнадан улоқтириб қоғозларини йиртсам ким нима дея оларди?! Ахир, мен ҳақ эдим-ку, улар ноҳақ!..

Ручкам сиёҳи тугаб қолди. Ҳикоямни ўзим ёқтирмаган қоп-қора сиёҳли ручкача билан давом эттира бошладим. Қора бўёқларда битилган сўзлар остига рангдор чизиқ тортилажагини билиб кўнглим ёришди...

## Ўзимни кечирмайман

Ўқитувчилар куни арафасида вилоят пахта режаси ортиғи билан бажарилди. Шу муносабат билан бўлган тантанада биз ҳам қатнашдик. Даврабоши — қатъиятли, чўрткесар устоз ажойиб тилакларидан сўнг пахтакор-



ларга сўз берди. Истиҳола қилибми, бошқа сабабданми, микрофонсиз дав-рага ҳеч ким чиқмади. Чарчоқ ва чўчишдан менинг руҳим тушиб кетганди.

— Наҳотки, устозларингга табрикларинг бўлмаса? — деган жарангдор сўроқдан ўзимга келдим ва сўзлашга ошиқдим. Бироқ, оломон ичидан аж-ралиб чиққунимча кайфиятим лойқаланди. Бизга раҳбарча бўлган соч-қошлари сап-сариқ йигит асабимни ёмон қақшатди.

— Э, нима керак ҳовлиқиш? Шунча катталар турганда... — деди у қатор-даги кишиларга ишора қилиб. — Узингча... доносан-да.

Фақат бир томонни кўрувчи кўзларини ўйиб олгим келди. Аммо ҳозир ўрни эмасди. Ўзимни йўқотмаслик учун қаттиқ ўқрайдим-да, марказга ин-тилдим.

— Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар! Акалар, тенгдошлар! Барчага хайрли кеч! Хайрли оқшом! Бугун кўшалоқ байрамда сўз айтар эканман, режа тўлишига ҳисса қўшган барча теримчиларга раҳматлар бўлсин. Била-гингизга қувват ёғилсин! Белингиз кучга тўлсин! Бу захматли меҳнатда устозлар ўрни алоҳида. Бизга пишлоқли нонушта, қўш косали тушлик, дошқозонда кечлик — ош тайёрлаб берган устозларга... Ус... — жўшқин нутқимнинг шу жойида дудукланиб қолдим. — Устозларга миннатдорчи-лик билдираман. Пайдан фойдаланиб меҳрибон устозларга яна уч тилак тиламоқчиман: сочингизда оқ, кўзингизда доғ, йўлингизда чоҳ бўлмасин!

Барча меҳр билан қарсак чалаётганини кўриб қувондим. Даврабоши тан-тананинг табриклар қисмига яқун ясаганлигини билдирди.

— Неча марта айтаман сизларга, ҳамма катта одамлар ичингизда деб. Мана яна битта катта одам, Сафларингизга яқиндагина қўшилган бўлса ҳам гапиришини қаранглар. Урганинглар. Мен ишонаман. Бу болани эртаси бор. Ҳали бунақасини кўрмаганман, эшитмаганман. Унинг учун яна бир марта қарсак чалинглар. Олқишланглар.

Бу гаплар тегишли бўлган йигит ўзини билмаганга солиб турди. Йигит (кимлигини сезиб турибсиз) билдирилган ишончдан бир қоп семирса, Сарик куйиб кетганлигидан ўн қоп семирди.

Бу ҳақдаги сўз ухлаш онида ҳам давом этди.

— Э, тенгдош, қойил...

— Эй, елкадош, офарин, зўр гапирдинг.

Йигит эса хўрсинди.

— Эй, буни кўролмайдиганлар кўп, — деди ҳаммага эшитарли қилиб.

— Эй, улар одаммас...

— Эй, парво қилма... — деб овутомққа уринишди.

Аммо кўнгил деганлари хонамиз каби зим-зиё эди. Анча пайтгача ух-лолмай қийналдим. Фижирлама ўрнимни гижирлатиб у ён-бу ён аганар-дим.

Тонгда ошиқиб далага бордим. Елкадошларимни ортда қолдириш учун эгат ўртаси томон тезроқ ўрмаладим. Тинмай эсаётган изғиринда қароғла-рим ёшланиб кетди. Турли саволлар қалбимни тирнайди. Сабабини тушу-нолмасдим.

Ортдан эшитилган “Илон, ило-он!” деган хитоб хаёлимни бўлди. Не сўзлигини билиш учун қизиқдим. Айлана ҳосил қилган тенгдошларим йўғонроқ қора илон атрофида нима қилиш кераклигини билмай кузатиб туришарди. Мен даврага қўшилиб, чўчимай олға қадам қўйдим. Ҳар ким ҳар хил танбеҳ берди.

— Қоч, ўласан!

— Чақади!

Илон жуда тез ҳаракатланар ва қўрқинчли эди. Дарҳол миямга келган фикрни амалда қўлладим. Пахта билан ярим бўлган этагимни устига ёпдим-да, думидан ушлаб тепага кўтардим.

Узоқдан югуриб келаётган Сарик кўринди. Илонни елим идишга сола-ётганимда ёнимизга етиб келди. Ҳансираётган раҳбарчанинг гилай кўзла-ри совуқ ялтирар эди. У илонни қўйиб юборишимни сўради. Аммо мен кўнмадим. Қайсарлигим шу даражага етдики, гапларини эшитмаганга ол-

дим. Беш-олти марта отимни айтиб қаттиқ бақирди, шунда кўзларини илон кўзларига ўхшатдим ва лаънати газандани айлангириб-айлангириб зовур тарафга улоқтирдим. Шундан кейингина у олдимга яқин келишга журъат этди. Терган пахта камлигини кўриб бошлиқни чақириш учун баҳона етарли эканлигини англади.

Бир тўким теришга улгурмасимдан пайкал четиди доим шошиб юради-ган бошлиқ кўринди. Уч марта чақирганидан сўнг бошимни эгганча эгатдан чиқдим. Уша заҳоти Сарик айбимни санай кетди.

— Ўзи термагани, майли, атрофига болаларни тўплаб томоша кўрсатяпти.

Илон тутганимни айтмади. Илон ҳақида гапирса, бошлиқнинг кечириши осонлашарди-да.

— Ҳ-э... тўнка, — деди охирги сўзни ярим ямлаб.

Ҳаддингдан ошдинг деган маънода унга ўқрайиб қарадим. Бошлиқ теримчилар сафига кечикиб қўшилганимни ҳам роса миядан берди. Индамай турдим. Кечирим сўраш ниятим йўқлигини сезгач, ортиқроқ жазо қўллашни лозим топди.

— Бор. Бўшат этагингни. Чиқиб кет даладан.

Менга фарқи йўқ эди. Беш қадамлар чамаси узоқлашиб атай жигига тегишдим.

— Этакни топширайми ё ўзим билан олиб кетаверайми?

Сарик яна сўз жиловини ихтиёрига олди.

— Ўртоқ бошлиқ, биласизми... Бу далага китоб олиб келади. Ёнига болаларни тўплаб китоб ўқиш билан ишдан қолдиради.

Бу гапдан сўнг илон тугур аждаҳо ҳам пўст ташларди.

— Эҳ... Ўв... Тухмат қилсанг каттароқ тухмат қил!

Бошлиқ сал юмшаб, аста кўксимдан итарди.

— Бор... Бор... Бўпти... Пахтаггни тер... Бошқа такрорланмасин.

Ортимга бурилиб жўнадим.

Индамай ва ҳатто шалвираб кетворганим учун ҳеч қачон ўзимни кечиролмайман. Шундай қилмаслигим керак эди. Тип-тикка Сарик устига бостира бориб, сарик бошидан муштлар ёғдиришим... Суяклари зирқирагунча муштлаб, туғилганига пушаймон едиришим шарт эди..

Сирдарё



# УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



Анвар Эшонов

УМРНИНГ ҲАР ОНИДА ҲИЖРОН  
ҚҮНҒИРОҚ ЧАЛАР

\* \* \*

*Муҳаббат — тумшуғида хат ташиган қалдирғоч,  
Менинг киприкларимга уя солгил, муҳаббат.  
Муҳаббат — болишига пат ташиган қалдирғоч,  
Ишқ кечган гўшаларда севги абад, руҳ абад.*

*Ҳар чечак бокирадир баргини шудринг чайса,  
Оқ гулим Тоҳир эрса, қирмизи Зухромикан?  
Сен шабнам чехрасидан олинган қатра майсан,  
Муҳаббат бойчечакнинг баргида ухлармикан?*

*Муҳаббат — бойчечакнинг увада орзулари,  
Жуфт-жуфт учган қушларга тўлмаган осмонлари.  
Соғинчларим ашқ бўлиб ювади орзуларим,  
Орзуларим қирқ ялдо кечанинг дostonлари.*

*Муҳаббат — тумшуғида хат ташиган қалдирғоч,  
Менинг киприкларимга уя солгил, муҳаббат.  
Муҳаббат — болишига пат ташиган қалдирғоч,  
Ишқ кечган гўшаларда севги абад, руҳ абад.*

\* \* \*

*Тилса сойнинг қамиши менинг қўлимни тилсин,  
Ошиқ машаққати-ла найга айланди қамиш.  
Гулни андалибларнинг ашки беғубор қилсин,  
Ишқнинг беғуборлиги кўздаги шабнамчамиш.*

*Гулда булбул ашқимас, тонгда ҳижрон ёнадир,  
Ён. Ёнсанг покланарсан. Ёнса танинг ёнадир.  
Қисматинг соғинч ўлса гардун ҳижронхонадир,  
Кўзим қорачўғида сендек санам ёнадир.*

*Андалиб ашки гулга субҳи содиқда тушгай,  
Ашқ бодонарастларга майи софий рангдадир.  
Нолага айланса ишқ бир гулни хушлай-хушлай,  
Мағрибу Машириқда ҳам нола бир оҳангдадир.*

*Тилса сойнинг қамиши менинг қўлимни тилсин,  
Ошиқ машаққати-ла найга айланди қамиш.  
Гулни андалибларнинг ашки беғубор қилсин,  
Ишқнинг беғуборлиги кўздаги шабнамчамиш.*

\* \* \*

*Тол барги сувга тушса сен менга ширин тушсан,  
Толлар бешик бўлгунча чарх неча айланди-ей.  
Сочинг тўлқинларига тўш уриб учса қушлар,  
Қарчиғай қарашингга бул жоним бойланди-ей.*

Сой бўйида ўсганим сочлари мажнунтолсан,  
Чил-чилвир сочларингга чилвирлаб ташла мени.  
Мен жайрон кўзларингни тубига ватан солсам,  
Чирмовуқ-ла чирмаб ол унда оташ-ла мени.

Ҳар ишқнинг таваллуди бир чақин чаққанча бор,  
Кўзларинг чақиндир-ей, қарашларинг чақиндир.  
Табассум Қайс кўксига Лайли гул таққанча бор,  
Бир чечак табассуми менинг соғинч ҳақимдир.

Тол барги сувга тушса сен менга ширин тушсан,  
Толлар бешик бўлгунча чарх неча айланди-ей.  
Сочинг тўлқинларига тўш уриб учса қушлар,  
Қарчиғай қарашингга бул жоним бойланди-ей.

\* \* \*

Гулга айланармидинг, болари бўлсам агар,  
Гулни булбул ашқимас, боларилар чангламиш.  
Сен менинг соғинчимсан, сал нари бўлсам агар,  
Муҳаббат кимга ҳижрон, кимга соғинч рангдамиш.

Аксингни солармисан, ойнакўз чашма бўлсам,  
Гоҳ баланд, гоҳ паст учган турнага айланса ишқ.  
Васлингга интизору васлингга ташна бўлсам,  
Тортгали кўзларингга сурмага айланса ишқ.

Кўзинг тўтиёсининг гардига сингдир мени,  
Ҳижронинг кўзларимга тортилган милдир мени,  
Сумбуланинг сувидай ҳисларим тиндир мени,  
Бу дунё гардишига ўхшаган чилдирмани.

Гулга айланармидинг, болари бўлсам агар,  
Гулни булбул ашқимас, боларилар чангламиш.  
Сен менинг соғинчимсан, сал нари бўлсам агар,  
Муҳаббат кимга ҳижрон, кимга соғинч рангдамиш.

\* \* \*

Лайлининг кипригидан хок узра унди майса,  
Тонг-шабнам қатрасига чайилган қуш патлари.  
Ишқ қайта тирилгайдир заминни шудринг чайса,  
Гулнинг япроқларига ёзилиб ишқ хатлари.

Тун сени олиб келса ёнган оғушлар билан,  
Сойда ўсган қамишдай қошларингга тушди ишқ.  
Осмон тонг ранглиғ бўлса ошиқ оққушлар билан,  
Менинг киприкларимдан учаётган қушидир ишқ.

Умрнинг ҳар ониди ҳижрон қўнғироқ чалар,  
Соғинч бехатарлигин тиласанг, ишққа тилан.  
Чархнинг чилдирмасида инсон қўнғироқ чалар,  
Гардун гумбазида гар қуш учса қушлар билан.

Лайлининг кипригидан хок узра унди майса,  
Тонг шабнам қатрасига чайилган қуш патлари.  
Ишқ қайта тирилгайдир майсани шудринг чайса,  
Гулнинг япроқларига ёзилиб ишқ хатлари.



Сайдулла Мирзаев,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, профессор

## Янги адабиёт яратиш йўлларида

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, истиқлол шарофати туфайли мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида, жумладан, адабиёт соҳасида ҳам ўсиш, ўзгаришлар вужудга келди.

Мустақиллик даврида ёзувчиларимиз том маънода сўз эркинлигига, ижод эркинлигига муяссар бўлдилар. Бу чин эркинликни ҳаммадан ҳам кўпроқ ёзувчиларимизнинг туб моҳиятини, унинг халққа берган улғу имконият ва имтиёзларини самимият билан кўрсатиб, мустақиллик ва чин озодликни бебаҳо олий неъмат сифатида таърифладилар.

Мустақиллик туфайли адабиётимизда янги замон руҳини ифодаловчи кўплаб шеърӣ, насрий ва драматик асарлар пайдо бўлди. Истиқлол мафкураси асосида сўз санъатининг барча жанрларида яратилган асарларда Ўзбекистон мустақиллигидан фахрланиш ҳис-туйғулари баралла куйланди. Мустақиллик ва озодликнинг қадри ҳақли равишда ҳамма нарсдан баланд кўйилди. Ёзувчиларимиз мустақилликнинг туб моҳиятини, унинг халққа берган улғу имконият ва имтиёзларини самимият билан кўрсатиб, мустақиллик ва чин озодликни бебаҳо олий неъмат сифатида таърифладилар.

Сир эмас. Мавзу долзарблигининг ўзигина асар тақдирини ҳал қила олмас-да, умуман олганда, бадиий адабиётда мавзунинг роли ва аҳамияти катта. Буни қуйидаги қиёсдан ҳам билиш мумкин. Зеро, ўтмиш мавзуида ёзилган асарлар китобхонда халқ ва мамлакат тарихини, аждодларимиз ҳаётини, миллий қадриятларимизни, миллий урф-одатларимизни ўрганиб, ўзлаштириб олишга катта ёрдам беради. (Бунинг ўзи ҳам ғоят муҳим, албатта.) Ҳозирги замон мавзуларида яратилган реалистик асарлар эса, жамиятимизнинг шу кунги илғор ва етакчи тамойиллари нималардан иборат эканини, ҳаёт тараққиётининг бош йўлини ва келажак порлиқ кучларни нималар ташкил этишини, ҳаётдан орқада қолмаслик учун қайси томонга қараб юриш ва нималар қилиш кераклигини, ўсувчи нарса нимаю жамият тараққиётига ғов нарса нима эканини англаб олишга кўмаклашади. Инчунун, узоқ ва яқин ўтмиш мавзуларини камситмаган ҳолда, бадиий ижодчиликда замонавий мавзулар айрича аҳамият касб этади, дейиш мумкин.

Очигини айтганда, адабиётимиз бевосита мустақиллик даври мавзуларини йирик асарларда маҳорат билан ёритиш, янги давр кишиларини адабиёт қаҳрамонларига айлантириш соҳасида халқимиз олдида муайян маънода қарздордир. Мустақиллик туфайли ҳаётда вужудга келган янги қаҳрамонлар, хусусан, озод республикамиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорлик, жонкуярлик намуналарини кўрсатаётган ишбилармон тadbиркорлар образи адабиётимизда ҳали талаб (эҳтиёж) даражасида эмас. Ҳолбуки, бозор иқтисодига ўтиш йилларидаги хилма-хил қийинчиликларни мардона енгиб, Ўзбекистонни ҳаётнинг энг илғор, энг ривожланган мамлакатлари қаторига кўтариш, халқ фаровонлигини яхшилаш соҳасида жонбозлик кўрсатаётган фидоий замондошларимиз, айниқса, мустақилликнинг меваси ва унинг амалдаги бунёдкори бўлган ишбилармон тadb-

биркорлар бугунги кунда адабиётимизнинг асосий, етакчи қаҳрамонлари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, улар кўпчиликка (хусусан, ёш авлодга) ибратдир.

Фактлар шундан далолат берадики, ҳозирги Ўзбекистон ҳаётида ибрат олишга ҳар жиҳатдан лойиқ бўлган янги типдаги қаҳрамонлар жуда кўп. Ана шу қаҳрамонларни (оддий одамларни) йирик бадиий асарларда тасвирлаб, адабиёт қаҳрамонларига ҳам айлантириш зарур. Янги замонда вужудга келган иши ҳам, нияти ҳам пок бўлган ана шу янги қаҳрамонлар тимсолида мустақиллик туфайли моддий ва маънавий ҳаётда, одамларимизнинг онг-тушунчаси ва дунёқарашида юзага келган янгиликларни, туб сифат ўзгаришларини умумлаштириб гавдалантириш мумкин.

Зеро, мустақиллик даврида яшаш ва меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлган замондошларимиз фаолияти ижодкорларга турли жанрларда ранг-баранг бадиий асарлар (жумладан, йирик асарлар) яратиш учун истаганча материал, истаганча гоё, истаганча образ ва янги талқину умумлашмалар бериш имкониятига эга. Чунки, бу янги давр Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳаёти учун энг мазмундор, энг қувончли ҳамда ҳаяжонли воқеа-ҳодисаларга, янгиликлару оламшумул галабаларга энг бой давр ҳисобланади. Энди, ҳамма гап ёзувчиларнинг ана шу имконият ва бой материаллардан бадиий маҳорат билан унумли фойдаланишидадир. Тўғри, бу ижодий ҳаракатнинг дастлабки натижалари кўринмоқда. Ҳозир кўп ёзувчилар истиқлол бахш этган янги материал ва янги имконияту қулайликлардан ўринли фойдаланиб, янги-янги замонавий асарлар яратмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, истеъдодли ёш ижодкорлар фаоллик кўрсатмоқдалар. Улар ўзларининг дoston, қисса, драма ва романларидан янги давр ҳаётини янги тафаккур, миллий истиқлол мафкураси асосида тасвирлаб, мустақиллик гоёларини улуғламоқдалар. Бироқ, янги воқеликни, янги замон одамлари турмушини, бунёдкорлик фаолиятини, орзу-истаклари ва руҳиятини акс эттиришда баъзан янги ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини, нозик томонларини чуқур идрок этмаслик ва бунда бадиий маҳоратнинг етишмаслик ҳоллари ҳам сезилиб қолаётир. Шундай экан, кўп қиррали янги воқеликни, ҳозирги замон одамлари характерини яқиндан чуқур ўрганишга ва уни маҳорат билан тасвирлашга янада кўпроқ эътиборни қаратиш лозим.

Мустақиллик даврида адабиётимизда олтмишдан зиёд роман яратилди. Лекин бадиий маҳорат жиҳатидан уларнинг айримлари “ўрта миёна” асарлар бўлиб, китобхонни ҳаяжонга солмайди, Унинг маънавий талабини қондирмайди. Ҳолбуки, адабиётнинг нуфузини сон (миқдор) эмас, балки сифат (бадиий маҳорат) ҳал қилади. Демак, сўз санъатининг юксак сифати учун, яратилаётган асарларнинг гоёвий-бадиий мукамаллиги ва гўзаллиги учун масъулият доимо биринчи ўринда турмоғи лозим.

Ҳа, рост. Мустақиллик туфайли ёзувчиларимиз том маънода сўз эркинлигига, ижод эркинлигига эришдилар. Бироқ бу эркинликни суистеъмол қилмасдан, фақат ҳақиқатни ёзиш, ёзганда ҳам сўз санъати талабларига риоя қилган ҳолда сифатли қилиб ёзиш шарт. Тўғри, ҳар бир қаламкашнинг нимани ёзиши, қандай ёзиши унинг ўз ихтиёри. Бунга ҳеч ким монелик, тўсқинлик қилмайди. Лекин, дунёда ҳақиқат, адолат деган сўз ҳам бор. Буни асло эсдан чиқармаслик лозим. Демак, ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ёзиш керак. Шундай қилинса, ижодкорларнинг адабиётимиз ва маънавиятимиз хазинасига, ёш авлод тарбиясига қўшадиган ҳиссаси янада унумли ва янада самарали бўлади. Шундай экан, ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаганда қуйидаги масалаларни ёритишга кўпроқ эътибор берилса, нур устига аъло нур бўлади:

Узоқ ва яқин ўтмиш мавзуларини тасвирлашни эътибордан соқит қилмаган ҳолда, асосий кучни бевосита мустақиллик даврининг серқирра ҳаётини, бу янги даврда мамлакат ва халқ ҳаётида вужудга келган буюк ўсиш-ўзгариш ва янгиликларни акс эттиришга қаратиш лозим. Айниқса, ўзининг азалий орзусига эришган ватандошларимизнинг онг-тушунча ва дунёқарашида юзага келган янги сифатларни очиб бериш, яъни, уларнинг кўплаб тўлақонли ва ибратли образларини яратиш зарур. Шундай қилинса айни муддао бўлар, адабиётнинг тарбиявий таъсир кучи, шубҳасиз, янада ошарди.

Меҳнат — бахт-саодат манбаи, тарақиқеът омили. Кимдаким сидқидилдан тер тўкиб ҳалол меҳнат қилса, шубҳасиз, муродо мақсадига етади. Зотан, жамиятдаги барча моддий ва маънавий бойликлар ҳалол меҳнатнинг самарасидир.

Маълумки, халқимиз тенгсиз меҳнатқаш, қўли гул. Ҳалол меҳнат халқимизнинг кундалик ҳаётини эҳтиёжи, ижтимоий зарурат бўлиб қолди. Халқимиз меҳнатсиз туролмайди, меҳнат қилиб завқланади, меҳнат қилиб дам олади, роҳатланади.

Шуниси қувонарлики, мамлакатимизда бундай меҳнатсевар, ҳалол кишилар-

нинг сафи янгидан етишиб чиқаётган ёш авлод ҳисобига кун сайин кенгаймоқда. Бу ёш авлод ота-боболарига хос бўлган халқ ишига садоқат анъанасига амал қилиб, аждодларимизнинг кўп фазилатларини ўзига сингдириб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Демак, меҳнат ва меҳнатсеварлик адабиётимизнинг доимий мавзуи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиши, табиий.

Маълумки, ҳар бир чин инсон учун она Ватан туйғуси энг азиз ва энг муқаддас туйғу ҳисобланади. Юртимизда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилганлигининг боиси ҳам ана шундадир. Буни ҳисобга олган ҳолда, ёзувчиларимиз она Ватан туйғуси, юртимиздаги осойишталик ва бунинг асосий боиси, Ўзбекистон миллий армиясидаги маънавий, сиёсий бирлик, мустаҳкам тартиб-интизом ва куч-қудрат, муҳтарам Президентимиз олиб бораётган Ўзбекистон ҳукуматининг доно тинчлик сиёсати ҳақида кўплаб гўзал дostonлар, ажойиб қиссалар, йирик роман, драмалар ёзсалар жуда соз бўлар эди. Худди шунингдек, бу фикр миллий хусусият ва миллий қадрият мавзулари тасвирига ҳам тўлиқ таллуққидир:

Юқорида қайд этилганидек, мустақиллик даврида хилма-хил жанрларда кўплаб асарлар ёзилди. Турли мавзулар истиқлол шарофати туфайли янгича тал-қин қилиниб, янги-янги ғоялар олға сурилди, жонли образлар гавдалантирилди. Бу жуда яхши. Бироқ, очиги, баъзи асарларда бадий маҳорат меъёрида эмас. Шу сабабли мазмун ва шакл бирлиги ва етуқлигига, маҳорат юксаклигига асосий куч ва истеъдодни қаратиш лозим. Масалан, кўшиқ жанрини олайлик. Бу жанрда ҳам сўнги йилларда яхши кўшиқлар яратилгани аниқ. Ўзбек кўшиқчилиги мазмунан ҳам, шаклан ҳам замон руҳига мос бўлган кўплаб дилбар кўшиқлар билан бойиди.

Бироқ, шу билан бир қаторда, кўшиқчилик соҳасида турли нуқсонлар ҳам мавжуд. Энг жиддий нуқсон шундаки, ҳаётни, инсон руҳиятини саёз, юзаки, енгил-елпи акс эттирувчи кўшиқлар ҳамон учрайди. Кўшиқчиликда миллий хусусиятлардан чекиниш, беҳаё, мазмунни яланғоч мисралар замирига жойлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Бундай чалажон кўшиқларда бир умрли, ибратли севгини, садоқатни куйлашдан кўра, “бир кечали муҳаббатни”, вафосизликни айтиш, баён этиш ҳоллари сезилмоқда. Қийинчиликларни енгиллаш, одоб-ахлоқни бўлишга, яхшиликка чорловчи, тингловчини юксак ниятлар сари отлантириб, унга завқ-шавқ бағишловчи кўшиқлар иккинчи ўринга тушиб қолмоқда. Баъзи кўшиқларда қиз бола асло ор қилмасдан юрак сирини очади, йигитга биринчи бўлиб севги илҳор қилади: “Мени ташлаб кетма, кетсанг ўламан, кул бўлиб ёнаман”, деб изтижор қилади. Ҳолбуки, ўзбек қизлари феъл-атворида хос шарм-ҳаё, иф-фат-ахлоқ, одоб туйғуси кўшиқчилигимизнинг ҳам қон-қонига сингиб кетиши керак. Демак, кўшиқ битувчи шоирлар ҳам, бастакору ижрочилар ҳам, аввало, кўшиқ матнига, унинг шаклан ва мазмунан мукаммал, гўзал ва мантқиқли бўлишига бефарқ қарамасликлари керак. Шундай қилинганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиёт ва санъат соҳасида етук, баркамол асарлар яратиш билан бирга, уларни халқимиз орасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга янада кўп эътибор бериш, бу соҳада узлуксиз иш олиб бориш лозим. Бунда аввалдан китобхон ўлка, шеърхон диёр сифатида танилган мамлакатимизда мавжуд бўлган тажриба ва анъаналардан (китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, баҳс-мунозара йиғилишлари, давра суҳбатлари, ёзувчилар билан китобхонларнинг учрашувларини ташкил этиш, ажойиб асарлар ҳақида матбуотда қатор ва батафсил тақризлар эълон қилиш сингари) унумли ва баракали фойдаланиш зарур.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, мамлакатимизда мустақиллик даврида янги ҳаёт билан бирга, янги адабиёт ҳам яратилди.

Янги адабиётимизнинг муҳим ютуғи шу бўлдики, бу даврда ўзбек адабиёти ҳаётни тасвирлашда аввалги чеклаш-чегаралашдан қутилди. Натижада, барча жанр ва турларда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Адабиёт янги мавзулар, янги ғоялар, янги образлар, янгича талқин ва тасвирлар билан бойиди. Демак, адабиётимиз тараққиётнинг тўғри йўлидан бормоқда. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон адабиётининг келажаги порлоқдир.

Абдулла Аҳронқулов,

Фаргона Давлат университети  
тадқиқотчиси

## Уйғунлаштирув санъати

Санъат воқеликнинг барча эстетик қирраларини ва сифатларини қамраб олган эстетик фаолиятнинг юқори, аини пайтда, хусусий кўринишидир. Бу борада тўхталиб, Аристотель “Поэтика” асарида санъатнинг моҳиятини ҳақиқатни билишда, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам завқнинг ўзини бадиий асарнинг гўзал шакли, таъсири билангина эмас, балки инсоннинг воқеликни билишдан оладиган ҳузур билан боғлайди. Поэзиянинг табиий пайдо бўлиши ҳақидаги бобда Аристотель одамлар илк билимларни ўхшатиш (тасвир)дан оладилар ва унинг самаралари завқ бағишлайди, дея санъатнинг келиб чиқишини шундай изоҳлайди: “Одамлар қадимданоқ табиатан ўхшатишга қобилиятлидирларки, улар буни оздан тараққий эттира бориб, бадиҳа шеърлар (импровизация)дан ҳақиқий поэзияни юзага келтирганлар”. Аристотель поэзиянинг барча турларини акс эттирувчи санъатлар ёки акс эттириш, деб атар экан, бу билан уни шунчаки гавдалантириш, борлиқнинг андозасини яратиш деб ҳисобламайди: “... шоирнинг вазифаси ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки содир бўлиши мумкин бўлган, демак, бўлиши тахмин этилган ё бўлиши зарур бўлган воқеа ҳақида сўзлашдир. Зеро, тарихчи ва шоир бир-биридан бири вазн — назмда, бошқаси эса, насрда ёзиш блан фарқланмайди. (Ахир, Геродот асарларини ҳам шеърга солиш мумкин, бироқ асарлари хоҳ назмда, хоҳ насрда бўлсин, барибир, тарихлигича қолаверади). Тарихчи ва шоир шу билан тафовутланадики, уларнинг бири ҳақиқатан бўлган, иккинчиси эса бўлиши мумкин бўлган воқеалар ҳақида сўзлайди. Шунинг учун поэзия тарихга қараганда, фалсафийроқ ва жиддийроқ; поэзия кўпроқ умумий, тарих эса алоҳида воқеаларни тасвирлайди. Поэзияда қандайдир характер эҳтимол ё зарурият туфайли бундай ёки ундай сўзлаши, ҳаракат қилиши керак. Мана шуни умумийлик дейилади”. Шу ўринда биз мазкур фикрларнинг икки жиҳатига эътибор қаратамиз. Биринчидан, Аристотель гарчи бўлиб ўтган, яъни, тарихий воқеаларни бадиий ифодалаш ҳам санъатнинг хусусияти бўлишини инкор этмасда, “содир бўлиши мумкин бўлган воқеани сўзлашни” — бадиий ҳақиқатга айлантиришни асосий талаблардан деб билади. Иккинчидан эса, “поэзия тарихга қараганда фалсафийроқ” деганида, санъатнинг инсонларга билиш орқали олинадиган завқи — бадиий-эстетик моҳияти билан беқиёс аҳамиятли эканлигини таъкидлайди. Аристотель ҳаёт воқелигини бадиий-образли акс эттириш, умумлаштиришни санъатнинг бош хусусияти, талаби қилиб қўяр экан, поэтик образнинг инсон томонидан ҳис қилинишига катта эътибор қаратади. Шу ўринда, “Поэтика”даги умумлаштириш тушунчаси билан фаннинг умумлаштириш хусусияти ўртасида катта фарқ мавжудлиги кўзга ташланади. Демак, Аристотелнинг санъат асарларига қўядиган талаблари фалсафий-эстетик талаблардир. Санъаткор ўзини ўраб турган борлиқдан “зарурий ва эҳтимоли бўлган умумийлик”ни олади ва ана шу англашилган умумийлик асосида “содир бўлиши мумкин бўлган” хусусийликни ўзи яратади. Яъни, у табиатда, ҳаётда мавжуд бўлган, содир бўлган факт ва ҳодисалардан — хусусийликдан қонуний бўлган умумийликни ва ундан яна хусусий бўлган ҳодиса — поэтик образ, характерларни ижод этади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Аристотель яратилажак поэтик образнинг — объектнинг субъект томонидан ҳис қилинишига, яъни, эстетик меъёрга катта эътибор қаратади. Эҳтимол тутилган ёки зарурият туфайли содир бўлажак воқеалар объектив борлиқ билан ҳамоҳанг бўлиши, ишонч уйғотиши керак: “поэзия учун ишонч тугдирмайдиган эҳтимолга қараганда, ишонч тугдирадиган ноэҳтимолликни акс эттириш муҳимдир”. Демак, Аристотель санъатнинг моҳиятини ҳақиқатни билишда, деб ҳисоблайди, аммо санъаткор бу йўлда “ёлғонлар” (эҳтимоллик ёки зарурият



асосида бўлиши мумкин бўлган тимсоллар-характерлар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари тасвири)га йўл қўяди. Шунинг учун бадиий асар мантиқий жиҳатдан ютқазди, лекин бадиий ҳақиқат ва бадиий тасвир жиҳатдан ютади. “Чунончи Зевксид тасвирлагандай одамлар ҳаётда бўлиши мумкин эмас, ammo шундай бўлгани яхши, негаки, санъат асари ҳаётдаги нусхадан кўра аълороқ бўлиши зарур”. Кўринадики, Аристотелнинг фикрича, юксак бадиийлик борлиқни англашнинг ўзига хос ҳузурбахш йўлидир. Худди шу нуқтаи назарга кўра, “поэзия тарихга қараганда фалсафийроқ ва жиддийроқ”, деб ҳисоблайди. Умумийлик асосига қурилган бадиийлик ва образлиқнинг эстетик завқи моҳиятан беғаразлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яъни, санъаткор эзгуликни улуғлаш учун қиёсланажак ёвузликни (кишилар характеридаги турли нуқсон ва иллатларни) гўё ҳаётдаги ўқувчи ёки томошабин “мен”ига тегишли бўлмаган одамлардан-тимсоллардан топади. Ана шундай умумлаштириш санъат асарларининг ҳеч кимнинг дилига озор бермайдиган холис тилда сўзлаши ва таъсир этишини таъминлайди. Обьектив мавжуд бўлган воқеа-ҳодиса, тарихий шахслар ҳақида сўзлаш — хусусийликдан кўра, умумийликни таъминликни таъминлаш афзалроқдир. Бизнингча, антик оламнинг улуғ мутафаккири санъатни ҳақиқатни билишнинг аъло усули сифатида эътироф этганида, албатта, поэтик асарларнинг субъектга — ўқувчи ёки томошабин онгига ана шундай холис ва билиб олиш берадиган завқи билан боғлиқ эстетик таъсирини ҳам назарда тутати. Яъни, бадиий кечинманинг моҳиятида воқелиқдан олинган образларни унинг асоси билан таққослаш, билиш ва завқ мавжуддир. Ўз-ўзидан маълумки, воқелиқ, инсон ҳаёти ниҳоятда мураккаб ва ранг-барангдир. Санъаткор учун воқелиқ битмас-туганмас ижодий манба бўлиб, уни қайта яратиш, умумлаштириш ва бадиий ҳақиқатга айлантириш мураккаб ижодий синтез жараёни ҳисобланади.

Камю ўзининг “Исёнкор одам” китобида санъатни воқелиқни ҳам эътироф, ҳам инкор этувчи ҳодиса сифатида кўрсатади. Нитшенинг “Биронта ҳам санъаткор воқелиқка охиригача дош беролмайди”, деган фикрига муносабат билдириб: “Бу ҳақиқат, бироқ биронта ҳам санъаткор воқелиқни четлаб ўтолмаслиги ҳам ҳақиқат. Ижод ваҳдатул вужудга интилиш, шу билан бирга, мавжуд оламдан қочиш, уни инкор қилиш ҳамдир”, дейди. Улуғ файласуф санъатни исён моҳиятини очиб бера олувчи восита бўлиши мумкин дер экан, даҳо санъаткорларни, мутафаккирларни исёнкор одамлар деб атайтиди: “Ҳар қандай исёнда исён қилинган нарсанинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ва унинг ўрнини бошқаси билан алмаштиришдек истакларни жамлаштирган умумий талаблар акс этади. Шу маънода, исён — янги дунё қуришга интилишдир. Бу — санъатга ҳам тааллуқли. Исён ўз олдига, очикроқ айтганда, эстетик талаблар қўяди”.

Кўринадики, Камю ҳам санъатни воқелиқка ўзгача муносабат деб, дунёни англаш ва қайта яратишга бўлган кучли ишғиёқ деб тушунади: “мана шу тасвир этилган дунёни одам тезроқ англаши мумкин, англашган дунё — янгиланаётган дунёдир”.

Санъатнинг энг муҳим тури бўлган бадиий адабиёт ҳам борлиқдан, инсон ҳаётидан озикланиб, унга эстетик муносабат тарзида вужудга келар экан, инсон ҳаёти моҳиятини англашга интилади. Чернишевский ўзининг машҳур “Санъатнинг воқелиқка эстетик муносабатлари” номли монографияси хотимасида шундай дейди: “Ҳаётни қайта тиклаб тасвирлаш — санъатни умумий тасвирловчи, унинг моҳиятини ташкил этувчи аломатдир”.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаётий воқелиқнинг бадиий манзараларини яратиш ана шундай оғир ва мураккаб ижодий қайта тиклаш жараёнини ташкил этади. Айниқса, трагик ва комик асарлар яратишда бу нарса янада жиддийлашади. Чунки, кундалиқ ҳаётий жараёнлар-ижтимоий воқелиқ худди денгиз ва дарё оқими каби сокин ва вазмин давом этаётгандек, комик ва трагик воқеалар содир бўлмаётгандек ёки бўлганда ҳам аҳён-аҳёнда, бадиий асар учун етарли манба бўла олмайдигандек кўринади. Аслида эса, денгиз ва дарёнинг тубида катта тўфонлар, кучли оқимлар мавжуд бўлиб, сиртдан сокин оқётгандай кўринади.

Юксак талантлар, чинакам истеъдод эгалари учун эса, табиат ва жамиятда эстетик жараёнлар, айтилиши ва ёзилиши, ҳал этилиши шарт бўлган муаммолар шу қадар кўпки, “биронта ҳам санъаткор воқелиқка охиригача дош беролмайди” (Нитше). Санъатни шунчаки эрмак қилиб олганларни “виждонсизлар” деб атаган Камю чинакам санъаткорларни янги дунё қуришга интилаётган исёнкорларга ўхшатади. Гегель эса, «...санъаткор мавҳум умумийликдан эмас, балки борлиқ ҳаётдан масаллиқ олиши керак», дейди. Демак, воқелиқдан, реал ҳаётдан юз

Ўғириш ҳақиқий бадиий асар яратишдан юз ўғириш билан тенгдир. Жамият ҳаётини фақат гўзал манзаралардан, ўйин-кулгудан иборат қилиб талқин этиш ҳам, аксинча, фақат “қора кўзойнак ортидан”, қора бўёқларда ёки фожиаларга тўлиқ ҳолда тасвирлаш ҳам бадиийликка путур еткази.

Достоевский эндигина бадиий ижод соҳасига кириб келаётганларга шундай маслаҳат беради: “Ҳаётнинг ўзи нимани берса, шуни олинг. Ҳаёт бизнинг ўйлаб топганларимиздан қанчалар бой. Баъзида оддий ҳаёт бераётганларига ҳеч қандай тасаввурлар кўшиш керак бўлмайди, ҳаётни ҳурмат қилинг”.

Чиндан ҳам ижтимоий ҳаётнинг эстетик табиати жуда ҳам бой. Унда гўзаллик ҳам, хунуклик ҳам, комиклик ҳам, фожиавийлик ҳам, қувонч ҳам, машаққат ҳам жуда мўл. Фақат тийран нигоҳ билан илғай олиш ва умумлаштириш иқтидори зурур: “даҳолик — уйғунлаштириш ва ифодалай олиш истеъдодидир”, дейди машҳур рассом Делакура.

Санъатнинг барча турлари ҳам воқеликдан озикланади. Лекин, ана шу ҳаёт воқелигини бутун мураккабликлари билан қамраб олиб, уни ижтимоий идеаллар билан бойитиб ифодалай олган санъат асаригина умрбоқий ҳисобланади. Чинакам сўз санъати инсон ҳаёти манзараларини реал — барча қоронғу ва ёруғ томонларини қамраб олганидагина катта маъно касб этади.

Гёте “Фауст” асарида: “Кулгу — зар, кўчада ётмас, азизим”, дейди. Улуғ немис шоири бу ўринда, бадиий идеалга айланган, ижтимоий моҳият касб этган комизмни назарда тутди, албатта. Сўз санъати орқали яратиладиган эстетик қийматли кулгугина бадиий ҳодиса ҳисобланади.

Трагизм ҳам худди шундай. Таниқли эстетик олим Ю. Боров ҳаётда содир бўлган фожа билан бадиий асарда талқин этилган фожиавийликни қиёслар экан: “Борликда содир бўладиган трагик характердаги воқеалар, улар билан биргаликда кечадиган хавотир-изтироблар эстетик қониқишлардан умуман йироқ ҳисобланади. Айни пайтда, трагик коллизиялар сўз санъати, мусиқа, тасвирий санъат образларида қайта яратилганида, янгича жиҳат, моҳият касб этади”, дейди.

Муқаддас китобларда инсон умрининг ҳар дақиқаси бебаҳо, дунё ўткинчи эканлиги, ҳаёт инсон учун руҳий камолга етишув йўлида имкон — синов жараёни эканлиги таъкидланади. Ўз-ўзидан англашиладики, инсон ҳаётининг мураккаб, зиддиятли ва машаққатли кечиши ҳам табиийдир. Агар ҳаёт, инсонлар хоҳлаганларидай, доимо гўзал, ўйин-кулгулардан иборат бўлганида эди, у ўз мазмун-моҳияти ва қадрини йўқотарди. Шунинг учун меҳнат-машаққатлар чекмай умр кечирган зотнинг маънавий камолга етишувини тасаввур ҳам килиб бўлмайди.

Ҳаётийлик бадиий ижоднинг бирламчи шарти, бадиийлик талаби ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, чинакам бадиийлик уйғунлаштирув санъатидир.



## Жадид адабиётида бош қаҳрамон масаласи

Ўтган асрнинг бошларида Туркистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгаришлар кишилар тафаккурининг ҳам шунга мос янгиланишини тақозо этди. Бироқ, Туркистон шароитида янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бошлаши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг табиий ҳосиласи бўлмай, кўпроқ ташқи таъсир туфайли ҳаракатга келганди. Бунинг натижасида, юрт иккига — янгиликлар моҳияти ва аҳамиятини англаганлар ҳамда англамаганлар тоифасига бўлинди. Янгиликлар моҳиятини англаганлар — жадидлар миллат тараққийси учун, аввало, уни уйғотиш, унга замона зайлини, янгиликлар моҳиятини англаштириш лозим деб билдилар. Мазкур тарихий вазифани бажаришда улар матбуотни, хусусан, адабиётни муҳим восита деб тушундилар, Шу сабабдан жадид адабиёти том маънодаги ижтимоий йўналтирилган адабиёт сифатида майдонга чиқди.

Ижтимоий йўналтирилган адабиётда, маълумки, бош қаҳрамон масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, у ёзувчининг ижтимоий-эстетик, маънавий-ахлоқий идеаллари ифодачиси сифатида намоён бўлади. XX аср бошларида жадидчилик ғоялари таъсирида адабиётимизнинг янгилангани, том маънодаги янги (жадид) адабиёт шаклланиши маълум. Назаримизда, адабиётнинг бундай янгиланиш замирида, шубҳасиз, бош қаҳрамоннинг янгиланиши ётади. Хўш, бу янгиланиш нималарда кўринади? Жадид адабиётининг бош қаҳрамони ким?

Туркистонда фаолият юритган зиёлиларнинг ижтимоий қиёфаси, вазифасидан келиб чиқиб турли тоифага ажралишини ҳисобга олган ҳолда, давр адабиётидаги етакчи образларни ҳам бир неча сираларга ажратиш мумкин. Масалан, жадидлар олдинги мўлжалга олиб чиққан бош қаҳрамонлар — зиёлилар чин маънода Ватан, миллат тақдири учун жон тиккан, шахс эрки, юрт озодлиги йўлида қайғурадиган, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган фидойи шахслар эди. Жумладан, Бехбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги Зиёли образи аср бошларидаги Туркистон зиёлиларининг ижтимоий ҳолатини, орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштирган тимсол бўла олди. Бехбудий ўз даврининг етук сиёсатдони, фаол жамоатчиси бўлгани учун ҳам миллатнинг аянчли тақдири ҳақидаги фикрларини, эзгу мақсадларини мана шу образга сингдиришга ҳаракат қилди. Бу эса, мустамалака зулмидан эзилган халқнинг ижтимоий онгини уйғотиш ва шу орқали мавжуд ҳаёт тарзини ўзгартириш учун қилинаётган ҳаракатларнинг бир кўриниши эди. Бундан аён бўладигани, шундай улкан мақсадлар билан яшаган, миллатнинг дардини туб-тубигача ҳис қилган Бехбудий каби ижодкорлар ўз идеалларини турли сифатдаги қаҳрамонлар мисолида ёки уларнинг тилидан ифода этдилар.

Бехбудий асаридаги Зиёли назарида миллатни жаҳолатдан қутқарувчи ягона восита илм-маърифатдир. Илмсизлик оқибати эса, маҳаллий халқларни бошқаларга қарам қилган, Ватанда туриб ватансизлик дардига мубтало этган эди. Шу сабаб бу давр адабиётида етакчи қаҳрамонларнинг зиёли этиб танланишида маълум бир ижтимоий мақсадлар ётиши, шубҳасиз.

Чунки, инсонларнинг руҳиятини, ижтимоий тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, уларнинг ҳаётдаги, жамиятдаги фаолиятларини ўзгартириб бўлмайди.

Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат” ҳикоясида эса, икки хил дунёқарашга, орзу-интилишга эга бўлган зиёли образларини кўришимиз мумкин. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Эшмурод — илмга интилаётган, ҳаётдаги муаммоларнинг ечимини илмдан деб билгувчи ва шу ғоя асосида ҳаракат қилувчи инсон. Мўминжон унинг акси ўлароқ, мадраса кўрган бўлса-да, жаҳолат ботқоғида қолган, эски мезонларда фикри қотган, ўз ҳаётини ўзгартиришни истамайдиган йигит. Эшмурод образи ҳали шахс сифатида шаклланимаган, бироқ, биз унда зиёли кишига хос ижтимоий-руҳий шаклланиш жараёнини кузатамиз. Мўминжон қиёфасида эса, догматик хусусиятлар — жамият билан алоқаси йўқ, ўз қобидан чиқолмаган, балки ўша “қўлмак”ни ўзига “бир денгиз” деб билгувчи қадимчини кўрамыз. Бу икки образнинг хатти-ҳаракатлари кўпроқ ижодкорнинг шахсий қарашлари, бадиий нияти билан белгиланади. Асарда ўша даврга хос ижтимоий муаммо акс эттирилган бўлиб, бадиий ғоя ифодаланишида кўпроқ муаллиф муносабати устуворлик қилади. Ҳикояни ўқиш давомида қаҳрамонларнинг том маънодаги зиёли кишилар эмаслигига гувоҳ бўламыз. Бироқ, бу қаҳрамонлар ёзувчи танилаган бадиий ғояни — жаҳолат миллат таназзулига сабаб бўлувчи асосий омил, ундан қутулиш йўли эса илму маърифатдир деган фикрни ифодалашга хизмат қилади. Асарда Эшмуроднинг характери тўла очилмаган. Шунга қарамай, унинг Мўминжон билан суҳбати, руҳий изтироблари, хатти-ҳаракатлари кузатилса, ёзувчи унинг қиёфасида ўз тасаввурдаги янгича зиёли образини тақдим этган дейиш мумкин. Масалан: “Эшмурод бир ойдан сўнгра бироз сиҳатланди. Лекин кеча-кундуз ўйлар эдики, шул жаҳолат ва нодонликнинг уяси бўлган ҳавлисидан қочиб, бошқа бир шаҳарга боруб ўқусин... Эшмурод шунда искамияга ўтуруб газитани ўқий бошлади. Газитанинг қай ерига қараса, Туркистонли бечораларнинг илмсиз ва ҳунарсиз ҳолда маишат қилганларига таассуф қилиб ёздадилар. Яна диққат... Яна хафалик.

Бу бизнинг Туркистонимиз гафлатдан уйғонурми? Йўқми? Биз бундай ҳолда бўлсак битамиз... инқироз топамиз...” Бундай фикрлар ижтимоий куч сифатида Чўлпон каби давр зиёлларини безовта қилаётган ва маълум даражада ҳаракатга келтираётган эди. Чўлпон Эшмурод тимсолида эндигина ўзлигини англашга интилаётган, лекин, ижтимоий қарашлари ҳали тўла шаклланиб улгурмаган инсон қиёфасини чизади.

Чўлпоннинг “Доктор Муҳаммадиёр” ҳикоясида эса, умуман, бошқа ҳолатлар кузатилади. Асардаги Муҳаммадиёр, ёзувчи талқинича, илмга интилаётган, юрт тақдири ҳақида қайғураётган киши. У ҳаётнинг барча қийинчиликларини сабр ва бардош билан енгишга ҳаракат қилади, жамиятдаги норозиликлар, турмушдаги муаммоларни миллатнинг жаҳолат ботқоғига ботиб қолганлигидан деб билади. Инсон маънавий ва моддий юксакликка фақат илм орқали етиши мумкинлигини англаб, ўз мақсади йўлида астойдил курашди. Ҳикояда яна бир зиёли — Муҳаммадиёрнинг устози, Уфа Мадрасаи олиясини битириб келган муаллим образи ҳам берилган бўлиб, бу бевосита Чўлпон каби миллатпарварлар орзусидаги ҳақиқий зиёли шахс сифатида ўзининг бор бўй — баста билан тасвирланган. Муҳаммадиёрнинг чин маънодаги зиёли, Ватанига ва халқига фидойи шахс бўлиб камол топишида муаллимнинг таъсири жуда катта эканлиги куйиниш ҳисси билан ифодаланган. Чўлпон мавжуд ижтимоий воқеликнинг фаол аъзоси сифатида халқнинг аянчли қисматини теран англаб етади ва ўзининг ижтимоий қарашларини асарларидаги қаҳрамонларга сингдиришга ҳаракат қилади: “Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадарасалар очса, Оврупа дорулфунунларига болаларини юборса, дўқтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандис (инженер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларинда туриб ишларин тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва гўзал бўлур эди!” Адабиётшунос Дилмурод Куронов таъкидлагандек, Чўлпон ўзи билган реал муҳит фонида идеал қаҳрамонни — ўқувчи омма ибрат олиши лозим бўлган фаол шахсни гавдалантиради. Муаллиф билдики, жамият учун, энг аввало, маънавий жиҳатдан етук, дунё ҳодисаларидан хабардор, Ватан, миллат тақдири тўғрисида жон куйдирадиган зиёли

инсонлар зарур эди. Чўлпон ўз идеалидаги қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари, орзу-интилишлари, ўй-фикрлари орқали ўқувчи тафаккурига таъсир этишга, қалбини қийнаётган аччиқ дардларини кишиларга сингдиришга ҳаракат қилган. Асардаги Муҳаммадиёр образи Эшмуроддан фарқли равишда, том маънода зиёли инсон сифатида намоён бўлади. У ўзини “жаҳолат қурбони” бўлишдан сақлаб қолади — барча муаммоларга илм орқали ечим топади.

Фикримизни Ҳамзанинг “Янги саодат” асаридаги Олимжон образи ҳам яна бир қарра тасдиқлайди. Олимжон бир озгина илмдан хабари бўлган онаси Марямнинг таъсирида илм ўрганмоққа берилади. Жаҳолатга ботган отаси Абдуқаҳҳорнинг ҳаётидан хулоса чиқариб, онаси ва синглисининг ҳолига ачиноиб, фақатгина илму маърифат билан бу мушкул ҳолатдан қутулиш мумкинлигини англаб етади, илм орқалигина маънавий ва моддий бадавлат кишига айланади. Шунингдек, ўзлигини англаб етган шахс сифатида Олимжон секин-аста оила аъзолари ва атрофдагиларга ҳам таъсир ўтказа бошлайди. Асарда Олимжон “Доктор Муҳаммадиёр” ҳикоясидаги Муҳаммадиёр билан маслакдош образ сифатида гавдаланади. Ҳар икки асардаги воқеа-ҳодисалар, образларнинг хатти-ҳаракатлари, албатта, даврнинг янги зиёлиси бўлмиш адибларнинг жамият ҳаётини ўзгартириш мақсадидан келиб чиққанлиги аён ҳақиқатдир. Адиб ўқувчига етказмоқчи бўлганларини образлар воситасида кўрсатиш билангина қониқмайди, асар ниҳоясида ўз тилидан таъкидлаб айтади: “Ҳолбуки, буғдой эккан — буғдой, арфа эккан — арфа олур. Бас, маълум бўлдики, ўқиган киши олим бўлмай, у саодатга етмай қолмас, ўқимаган киши, албатта, разолатдан бошқа нимарса ҳосил қилмас”. Кўринадики, маърифатни миллат тараққийси учун бирламчи қурол — восита деб билан жадид ижодкорларининг аксарият асарларида Муҳаммадиёр каби зиёли образларнинг етакчи ўринга қўйилишининг сабаби асли мана шунда.

Фитратнинг 1909 йилда ёзилган “Мунозара” асарида ҳам икки хил дунёқарашга эга бўлган зиёли кишиларнинг баҳси ифодаланган. Ёзувчи миллатнинг тараққий этиши учун, энг аввало, мавжуд ижтимоий тартиб-нонмаларни ислоҳ этиш, кишиларни маърифатли қилиш — маънавий тафаккурини ўзгартириш, ривожланган мамлакатларнинг тараққий усулларини ўрганиш ва уларни ўз юртида жорий этиш зарурлигини тўла тушуниб етган эди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, Фитрат мазкур муаммоларни турли жанрдаги асарлар орқали халққа етказишга ҳаракат қилган. Унинг бир қатор асарларида Ватандан айрилишни ўлим деб, унинг учун ўлмоқликни тириклик деб, Ватан учун яшаб, керак бўлса жон бергувчи миллатпарвар зиёли образи асосий ўринда тасвирланган. Фитрат “Мунозара” асарида икки хил сирадаги зиёли образларининг жамиятдаги ўрни, мақсад ва вазифалари хусусида кескин фикр юритади. Мударрис асли “қадим”чилардан бўлса, Фаранги ҳақиқий жадид — чин зиёли инсон сифатида тасвирланган. Ёзувчининг айнан Фаранги (француз) зиёлисини танлаши бир восита бўлиб, бу образ замирида ўша ижтимоий муҳитда ҳаракат қилаётган Фитратнинг ўзи акс этган. Муаллиф бу каби образлар воситасида ўзи яшаётган давр ва жамиятдаги долзарб муаммоларни тўлалигича очиб берган. “Мунозара”даги Фаранги образининг ўзиёқ аср бошларидаги Туркистон тақдири учун қайғураётган, ичдан азоб чекаётган ватанпарвар шахс қиёфасида гавдаланади. Баҳс давомида Фаранги бухоролик мударриснинг ҳар бир эътирозига керагидан ортиқ маълумот-далиллар билан жавоб беради, уни маънавий уйғонишга даъват этади: “Жаноби мударрис, ахир, инсоф қилинг, бу илмсизлик қачонгача, бу нодонлик қачонгача?! Илм мулк — мамлакат ободонлигининг сабабчисидир. Илм миллат тараққийсининг боисидир. Илмдирки, Амриқо ваҳшийларининг қайнашини ушбу даражадаги такомул ва буюклик мартабасига етказган. Илмдирки, Эрон заминидаги зиёлилارни йўқ қилмоқчи бўлган икки отни таназул ва зиллат чоҳига қулатган. Илмдирки, бир сиқим инглиз ороли эгаларини Ҳинд, Миср, Белужистон ва Арабистоннинг бир қисмига фармон раво қилган, ўруснинг зиёли бўлмаган аҳлини Татар, Қирғиз, Туркистон, Қафқаз мусулмонларига молик қилиб қўйган”. Муаллиф асарда жаҳолат ботқоғига ботган, хурофот, бидъатлар исканжасида қолган Туркистон халқларининг эртанги куни ҳақида қайғуради, ақл ва тафаккур, илм ва маърифат орқали бу гирдобдан қутулиш


зарурлигини таъкидламоқчи бўлади. Асардаги иккала қаҳрамон ҳам зиёли инсонлардир.

Фитратнинг “Сайёҳ ҳинди” асари ҳам жадид адабиётининг етук намунаси, ўз даврида кишилар руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатган, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган асарлардан биридир. Унда асримиз бошларидаги Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, мавжуд тузум ва ҳаёт воқелиги илғор фикрли, дунё кўрган бир зиёли томонидан таҳлил этилади. Зиёли ўзининг илму салоҳияти, маънавий, моддий бойликлари, қомусий олимлари билан дунёга танилган Бухоронинг оғир ва ачинарли ҳолатга тушиб қолганлиги ҳақида изтиробли фикрларини билдиради. Муаллиф бу муаммоларни қаламга олар экан, халқнинг энг ишончли таянчи бўлган зиёлилар орқали омманинг маънавий тафаккурини, кишиларнинг ижтимоий қарашларини ўзлаштириш зарурлигини зиёли образларнинг мушоҳадалари орқали очиб беради. Буларнинг асосида илмсизлик ва жаҳолат ётишини аниқ ҳужжатлар билан кўрсатади. “Ҳаммага маълумдирки, ҳар бир миллат тараққийси учун асосий сабаб илмдир. Сизнинг илмингиз йўқ, аммо ифтихор билан айтаманки, бугун илм олиш учун сизнинг шаҳрингизда барча шарт-шароит муҳайёдир”. Асарда сайёҳнинг Бухоро аҳли ҳақидаги фикрлари катта ижтимоий руҳият касб этади. Муаллиф сайёҳ тилидан она Ватан — Бухоронинг эртанги тақдири тўғрисида ўша даврнинг чин зиёлиси, жонкуяр ватанпарвари сифатида файласуфона фикрларини ифодалайди: “Шуни ҳам билингларики, агар сиз, бухоролилар, Аллоҳнинг неъматини бўлган бу бойликлардан фойдаланмас экансиз, ҳаял ўтмай, бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирлари устида ҳайратангиз машиналар ва фабрикаларни ўрнаштирадилар. Дунё-дунё пул ишлаб оладилар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинадилар. У вақтда сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, бегоналарнинг хизматларига бўйин эгишлари муқаррар”. Бу фикрлар билан ёзувчининг ижтимоий фаолиятини қиёслар эканмиз, Фитратнинг ўтли қалб туғёнлари асарларидаги қаҳрамонларга кўчганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бехбудий, Чўлпон, Ҳамза ва Фитратнинг юқорида тилга олинган асарларида зиёли образлари асосан ташвиқий характерда эканини сезиш қийин эмас. Уларда ижодкорнинг айтмоқчи бўлган гаплари, қарашлари тўғридан-тўғри бош қаҳрамон тилидан айтилади. Қаҳрамон аксарият ҳолларда ўз характер мантиқига мувофиқ равишда эмас, балки ёзувчи истагига мос тарзда ҳаракатланади. Яъни, асар қаҳрамони, аввало, маърифатпарвар инсон. Унинг илмга, маърифатга муносабати ижтимоий мақомини белгилайди ёки ўзгартиради.

Кўриб ўтилган асарларни умумлаштирувчи жиҳат — уларнинг ҳаммасида зиёли образининг бош қаҳрамон сифатида талқин қилингани. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жадид ёзувчилар асарларига дунё ишларидан бохабар, юртда олиб борилаётган сиёсатнинг моҳиятини англайдиган, унинг эртаси ҳақида қайғуриб, миллат тараққийси йўлида ҳаракат қилаётган кишилар, яъни, янги типдаги зиёлиларни бош қаҳрамон қилиб оладилар. Янаям муҳими, улар ўз қаҳрамонлари мисолида зиёли тушунчасининг ўзини янгича талқин қиладилар.





Комил Аваз

# КОМИЛ ДЕВОНИЙ

## ИХЛОС

Айни кўklam. Ям-яшил боғлар узра кўтарилиб келаётган кўёш нурларига кўксини тутганча ноку олмаларнинг япроқлари шабадада енгил силкенишади. Асрий гу-жумлар салобатидан ҳовуз юзи симобий рангда аста жимирлайди. Бу янглиғ фа-рахбахш тонгги тароват суруридан баҳрамандлиғ саодатига эртароқ мушарраф бўлган Комилжон (аялари Оймонжон она уни ҳар доим хоразмчалаб Маматко-мил, яъни, Муҳаммадкомил деб чақиргувчи бўлган, шу сабабдан биз ҳам унинг исмини Муҳаммадкомил, Девоний деган жойларимизда халқ билган ва шоирнинг ўзи қўллагани бўйича — Комил Девоний деб юритамиз — К.А.) сарҳовузга қадимий Хейканиқдан (Полвон ёлдан — К.А.) оқиб қираётган ариқчада юз-қўлини чайди. Бобосининг девор орти устахонасидан (бу ерда мраммар тошларни йўнадиган темир қаламлар (қачовлар), темирга нақш ўювчи қаттиқ пўлат асбоб-лари ишланарди) эшитилаётган тарақа-туруқ болгалар сасига бир зум кулоқ кўйиб турди-да, катталар ёнига ёрдамга шошилди.

У ажиб бир нарсани кашф қилгандай устахонага кириб борди: ҳар қандай катта-кичик чўкичлар (болгалар) товушиям баҳорда кулоққа хуш ёқади. Катталар унинг кириб келганига эътибор қилишмади. Шундай бўлса-да, у бир нима қилиш керакми маъносига отасига илҳақлик билан қараб тураверди.

— Абдулла отанг сени таҳсилга келмаяпти деб хафа бўлди, — деди ишдан тўхтамай Исмоил муҳркан ўғлига.

— Болалардан анча илгарилаб кетдинг деб айтдилар-ку, — ҳайронлик ила жавоб берди Муҳаммадкомил.

— Мақтагани ўқишдан қолавер дегани эмас, бор, ўқишинга бор.

Муҳаммадкомил отасига не жавоб қиларини билмай эски мактабга равона бўлди. Уқишга бораётиб ҳам бугунги топилдиғидан севинганча, кеча оқшом меҳ-монлар олдига чой кўяётиб эшитган байтини ичидан такрорлади:

*Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,  
Кими булбул дурур сўзда, кими зор.*

Муҳаммадкомил Мулла Абдулла ўқитадиган эски мактабга келиб ҳам тинчла-нолмади ва мавриди келганда юрагига муҳрланиб қолган байтни устозига айтди ва ким ёзган буни, дея сўради. Афсус, устози айтишга қудрати етмади, фақат, не кўп шоир кўп, аммо дуруст айтибди, зехнингга тасанно, деди. Муҳаммадкомил-нинг кўнгли тоғдай ўсди. Кечроқ таҳсилдан қайтгач, отасидан юқоридаги байт муаллифини сўради. Отаси ҳам аниқ бир жавоб айтмади, лекин ўғлининг зехнига қойил қолди.

У ёшлигида эшитган бу байтни сал улғайгач, Арабмуҳаммадхон мадрасасида

Юсуф ҳожи мударрис қўлида таълим олаётганида устозидан батафсил эшитди. Бу байт Сайфи Саройиники экан.

Энди ўзи ҳам неларнидир қораламоққа қаради, декин устозига кўрсатишга тортинади.

*Тутолмай шавқ асрорини жонда,  
Ҳазини музтариб бўлдим жаҳонда.*

Бу устозига тақлид, эргашиш маҳсули. Ахир, устози Юсуф ҳожи — Дорий араб ва форс илмини мукаммал билгувчилардан саналмиш забардаст шоир. Ҳам форсийда, ҳам арабийда ҳўб маъқул ғазаллар битганидан шогирди Муҳаммадкомилни ўқитиш борасида унинг ноёб истеъдодига алоҳида эътибор берди ва кунт билан устозлик қилди. Устози қўлида ўн йил таҳсил олди.

## БАЪЗИ ИХТИЛОФЛАР

Қишнинг рутубатли, аёзли кунлари бирдай оғир. Ёғиб-ёғмаган, очилиб-очи-лишмаган қора булутлар кундан-кунга қалинлашиб, қалъа устида шундоққина осилганча борлиққа кутку солади.

Ҳаётнинг пасту баландига кўникиш, қишнинг кўнгилларни эзадиган ғамли оқшомларида ойни, кундузлари йилт этган қуёшни қумсаб кечни қаршилаш баробарида, ўқишу ҳунар ўрганиш билан ўтаётган Муҳаммадкомилнинг болалик йиллари бирдан қора тортиб, оғир мусибат дилини яралади. Муҳаммадкомил ўн уч ёшга кирганда, 1900 йили отаси Исмоил муҳркан вафот этди. У амакиси Худойберган муҳркан қўлида қолди.

Худойберган муҳркан оилапарвар, ўқимишли, Хоразм олти ярим мақомини мукаммал биладиган уста созанда, хусниҳат хаттот, беқиёс наққош эди. Ўз фарзандлари қатори жияни Муҳаммадкомил устидан қуш учирмай тарбия қилди, ҳунар ўргатди. У девонда ишлагани боис, хон Феруздан (Муҳаммад Раҳимхон II — 1864-1910) Муҳаммадкомилни ўзи билан бирга ишга келиб-кетиб юришини сўрайди.

Хоннинг розилиги билан ёшига нисбатан бирдан каттайиб қолган Муҳаммадкомил амакиси билан девонга қатнай бошлайди. Хусниҳатдан олаётган таълими девонда райди, амакисига ёрдам бериб хат ёзиш билан шугулланади.

Бу орада Муҳаммадкомил ҳаётида яна бир оғир воқеа, отаси вафотидан кейин, саройга эндигина амакиси билан қатнаб юрган вақтида юз берадиким, бундан унинг юраги қаттиқ жароҳатланади. Бу воқеага сабаб Муҳаммад Шариф Тарроҳ девоннинг хон ҳукми ила таёқлаб ўлдирилишидир. Бобожон Тарроҳ “Хоразм навозандалари” номли китобда шундай фикрни келтиради. “Хоннинг саройида китоб ёзиб ўтирган заррин қалам девонлар тубанда кўрсатилади: биринчи — Худойберган муҳркан, иккинчи — Муҳаммад Ёқуб Харрот девон, учинчи — Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонлар ўтирганлар. Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлаб ўлдирганларидан кейин хон Толиб Маҳзумни юбориб, мени олдирди. Мен Толиб Маҳзумга: — Акамнинг жасадини маҳрамхонадан олиб чиққаним учун, Маҳзум оға, Арк дарвозасидан





кирмакка виждоним чидамайди, бормайман, деб айтдим. Толиб Махзум менга: — Биринг вафот этдинг, сен бормасанг, хоннинг бир оғзи ўт, бир оғзи сув, авлодинг бирла ўлдиришга буйруқ беради, — деди. Кейин боришга мажбур бўлдим. Толиб Махзум мени саройга, Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг хузурига олиб кирди. Саройнинг қописидан йиглаб кирдим. Муҳаммад Раҳимхон иккинчи: — Аканнинг ўрнига ўтир! Ундан қолгон китобнинг давомини ёз! — деб буйруқ берди. Шу вақтда ёшим 21 да эди. Қопида йиглаб турган вақтимда Улуғ Мамат махрам: — Узи ёш бола экан. Акасининг вафот этган еринда, сизнинг хузурингизда ўтира билурми? — деди. Хон Кичик Мамат махрамга: — Даҳлизга устал қўйиб, ёнига Болта Харротни чиқир, Комилни (Комил Девонийни — К.А.) ҳам чақир! — деб буюрди. Дарҳол унинг амрини ҳозир қилдилар. Сарой қописи очиқ турар, Муҳаммад Раҳимхон II сўзлаган сўзларини эшитиб ўтирар эдик. Лекин Аҳмаджон Табибий саройда — хоннинг ёнида ўтирар эди. Бизлар: Нодим Болта Харрот девон, Комил Девоний, Бобожон Тарроҳ Ходим, Юсуф Харрот Чокар ўн йил шу тартибда сарой даҳлизида ўтирдик. Бир минг тўққиз юз ўнинчи йилда Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг вафотидан сўнг, Ислохўжа мени махфий котиби қилиб олди.”

Бобожон Тарроҳнинг бу битигини кенгроқ келтиришимиздан мақсад бир томондан муаллиф ёшига андак аниқлик киритиш, иккинчи томондан Комил Девоний билан содир бўлган, юқорида таъкидланган воқеа тафсилотини эшитганимизча баён этиш. Хўш, “Хоразм навозандалари” китоби сўзбошисида муаллиф: “Мен бу китобни ёшим тўқсон бешга кирганда, қарилик чоғимда ёздим”, дея 1 январ 1965 йил санаси билан имзо қўяди. Юқорида келтирилган лавҳада: “Шу вақтда ёшим 21 да эди”, деб ёзади. Магарам, Бобожон Тарроҳнинг сўзбошида ёзгани аниқ бўлса, унинг туғилгани 1870 йилга тўғри келади. Унда Комил Девоний билан ўн йил бирга ишлагани нотўғри бўлиб чиқади. Чунки, Комил Девоний 1887 йили туғилган ва ўн уч ёшида отасидан етим қолгач, амакиси Худойберган мухркан билан бир жойда, яъни, 1900 йилда саройда ўтиради. Шунинг учун ҳам у Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлаб ўлдирганларини ўз кўзи билан кўради ва биз айтмоқчи жароҳат юз беради — Муҳаммад Шариф Тарроҳ девон охири нафасини ёш Муҳаммадкомил кўз ўнгида чиқаради. Бундан кўрқиб кетган Муҳаммадкомил хасталикка дучор бўлади. Демак, Бобожон Тарроҳнинг туғилган йили 1870 эмас, балки, 1880 йилдир. Мен у кишини 1960 йил ўрталарида Урганчдаги уйи олдида ўтирганини бир неча бор кўрганман, у вақтда ёшлари тахминан саксон бешлардан ошмаган эди. “Хоразм навозандалари” китоби сўзбошисида муаллифнинг кўрсатган ёши китобни тайёрлаганлар хатосидир, эҳтимол.

## МУҲАББАТ ШАМЪИ

Муҳаббат одамзот ила бирга яралган сирли мўъжиза. Асрлар давомида кимлар унга шарҳ битмади-ю, кимлар унинг йўлида жон фидо этмади.

Муҳаббатнинг масрур йўлларида сармасту сарафроз бўлган аҳли ишқ Фузулий ҳазратлари айтмиш: “Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил, Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр”, байтлари билан маснади маъводирлар. Ёш Муҳаммадкомил ҳам устозлар саҳифага ҳамоҳанг сатрлар қоралади;

*То кўриб ҳуснингни ман хуршид ёнглиғ бениқоб,  
Заррадек жулбуш била айларман эй гул изтироб.*

Девонда хаттотлик, уйда бетиним хунар, мадрасада араб ва форс тилларини ўрганишдан толиқмайди. Ҳаммасидан ҳам муҳими қоралаган ғазаллари устозига, дўсту биродарларига ёқа бошлайди. Унинг шеърга, санъатга, айниқса, мусиқа илмига ихлоси, ўзи интилган, орзу қилган зинапоялардан аста-секин юксалтира борди. Устознинг хайрихоҳлиги билан ўзига Девоний деб тахаллус қўйди.

*Фироқи шиддати шарҳини Девонийга бу тартиб,  
Дегай Девонийё назм аҳли девонига салламно.*

Комил Девоний бу байтни бежиз айтмаган экан, тартиб берган девонига назм аҳли салламно айтгани сабабли хон даввати ила шоир Табибий томонидан тузилган “Мажмуат -уш си шуаройи Ферузшоҳий”га унинг тўқсон уч ғазали кирган. Уттиз шоир жамланган “Мажмуа” 1906 йилда чоп этилган. Ун тўққиз ёшида

Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Доийлар қаторида тарихга муҳрланган, ҳам ҳажман, ҳам мазмунан катта “Мажмуа”га кириши ёш шоир учун улкан ютуқ эди. Билҳақ, Комил Девоний замонасининг етук одами бўлиб етишди.

*Кишиким, ишқ аро содиқ эса, албаттаким, шак йўқ,  
Муҳаббат шамъини ёққай вафо тухмини ёғидин,*

дея содда, равон, теран мантиқли ёзиш учун талант соҳиби бўлмоғи лозимлигини Бобожон Тарроҳ илғамай иложи йўқ эди-да. Бу бир томондан, иккинчи томондан Девоний ўта сахий, одамшаванда, улфат бўлганким, кимки қарз сўраса, тўхтатмай бераверган. Бобожон Тарроҳ: “Комилжон, қарз кўпайиб кетди-ку десам, у қарз топдим — ганж топдим дер эди”, деб ёзади ўша китобиди.

Саховатпеша Девонийнинг ижоди, ҳаёти аста-аста яхшиланиб, эл оғзига тушади. Амакиси уни қизи Султонпошшога уйлантиради. Оила нафаси, дўсту ёрлар қариблигиди бири-биридан гўзал ғазаллар ярата бошлайди. Навоий, Мунис, Огаҳий ғазалларига боғлаган муҳаммаслари бениҳоя бақувват, мухлислару ҳофизлар таллашиб юрган шундай кунларнинг бирида нохуш бир хабардан юраги яна бир бор эзилади. Устози Доий айрим уламою фузалодан, сипоҳию маҳрамлардан мудома адолатли шикоят қилиб юрган сўнгги вақтда Арабмуҳаммадхон мадрасаси мударислигидан олиниб, “Жума масжид” воизлигига ўтказилган эди. Кеча эшитса, Исломуҳжа сабабли у ердан ҳам ҳайдалармиш, вазир хондан ҳожини юртдан бадарға этишни талаб қилибди.

Муҳаммадкомил бу воқеа тафсилотларини яхши билганидан чидаб туролмади, қўлидан келадиган ишни қилди — нидоли ғазал битди.

*Неча йил таҳсилу илм этди-ю, устодим эди,  
Шоир ул, доғи кўр зулматга ботди ул қуёш.*

*Олдилар мансабдин они, кесмади тил ханжари,  
Зулми бедод аҳлига жангу жадаллар қилди фош.*

Тўғри, хон Феруз Доийга кўп эркинлик берди, аммо авж олган адолатсизликдан, Лаффасий ёзганидек: “...мазлум фуқароларни беғуноҳ ҳибс этиб, зулм-ситамлар бирлан пора ришвалар олиб, масжид-мадрасалар, ҳовли-ҳарам, боғ-боқчалар, бино-иморат қилганларни шикоятлар қилиб, шўрлик аҳволотларидан сўзлар эрди”. (“Тазкираи шуаро”, 94 бет.)

Албатта, “Жума масжид” кунботар ёнбошида вазир Исломуҳжанинг “Рус-тузем” мактаби очилгани, унинг тўғрисида мадрасаси қурилгани ва Катта Минор қуриш учун шу ерда яшаб ўтирган одамларнинг уйи, боғу боқчалари йиқилиши Доийни бефарқ қолдирмас эди. Лаффасий: “...бир жума кун Исломуҳжа Феруз — Муҳаммад Раҳимхон II Фармони билан намоз жумага борадур. Аммо Отаниёз девонким, Муҳаммад девон ўғли, бир катта гилам-ғоли келтириб воизга яқин Исломуҳжанинг остига тўшайдур. Аммо бул тариқа гилам тўшалганин воиз Юсуф ҳожи кўриб, Исломуҳжани андаг танқид этадурки, Исломуҳжа дунёга келганига мингларча пушаймонлар қилиб, ҳасратлар чекадур”. (“Тазкираи шуаро” 94-95 бетлар.)

Аслида, Доий вазир Исломуҳжа қилиб юрган ишлардан норози эди. Бу ҳақда раҳматлик кекса созанда Абдушариф ота жуда қироатини келтириб ҳикоя қилгучи эдилар: “Исломуҳжа бир сафар жума намозига кечикиб келди. У “Жума масжид” олдида кўш от қўшилган аравасидан савлат тўкиб тушади-да, уламанинг устини босқилаб, меҳроб томон шаҳд билан келаверади. Ваъзхонлик қилиб турган “Жума масжид” воизи Юсуф ҳожи эшон Исломуҳжанинг бу янглиғ беписандлигидан ғазабланиб, уни масжиднинг ўртасида тўхтатиб, қилиб юрган ишлари куфрлигини айтиб ҳақоратлайди ва унга ялтоқлик қилмоқчи бўлганларни ҳам қаттиқ койийди. Исломуҳжа бу ҳақоратга чидамай, хонга Доий устидан арз қилади ва уни юртдан чиқаришни талаб қилади”.

Юқориди келтирилган иккала лавҳадаям Доий тўғрисидаги демишлар қарийб бир хил тасвирга эга. Девонийнинг бу муносабат билан битган ғазали қўлма-қул бўлиб кетади. Хоннинг Муҳаммадкомилга нисбатан бирор чора кўрмагани, унинг иқтидорини суйганидан бўлса, не ажаб. Бироқ, шоир даврон сурувчиларда диёнат, шафқат йўқлигини яхши билар эди:

*Фигонким, аҳли даврон ичра шафқатдин асар йўқдур,*

*Бировким истагай шафқат ани аҳли магар йўқдур.*

Ва яна:

*Хароб обод оламда вафо ноёб экан билдим,  
Қилибман имтиҳон, аҳбоб эли каззоб экан билдим.*

*Нечук, Девонийё, дунёда қилғум орзу ишрат,  
Фалак иши сароф фитнаи қуллоб экан билдим.*

Ёхуд, ўн саккиз ёшларида эл суҳбатидин четлашиб, ком топишга харобот ичра (бу дунё лаззатларидан ўзларини тийганлар жойи) кирмоқни битиш:

*Тобғасен, албатта, коминг кир харобот ичраким,  
Айлабон Девонийдек эл суҳбатидин ижтиноб.*

Саройда хизмат қилиб бу янглиғ ғазаллар битиш ҳамма шоирнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қисқа вақт ичида серқирра ижод соҳиби Сангар тарафни, Хивани, Хоразм мулкини музайян қилди.

## САНГАР

Сангар мавзеси қадимий Хива қалъаси ичидан оқиб ўтадиган, “Полвон ёпнинг сувин болдай мазаси”, дея куйланмиш Полвон ёпнинг (анҳорнинг) кунчиқар томонидаги сўлим маскан.

Сангарнинг бир маъноси: ҳарбий иншоот, истеҳком, тўсиқ хандаги, ерга қазилган хандакда ётиб навқарлар душман ҳужумини қайтарганлар. Хандакда ётиб палахмонга солиб тош, ўқ отганлар. Тўсиқ истеҳкомида туриб тўп отганлар.

Сангарнинг яна бир маъноси мўғуллар босқини билан боғлиқ саккиз асрлик узун тарихга эга. Айтишларича, мўғулларнинг жонингизга омонлик берамиз дея алдови билан Хива катхудолари қалъа дарвозаларини очиб берганларидан кейин ёғийлар шаҳар халқини беаёв талон-тарож этадилар, не-не гўч йигитларни асир олиб, қалъа кунчиқаридан оқиб ўтадиган Полвон ёп билан туташадиган Сирчали ёп кўпригидан ўтказиб, кўҳна масжид олдидаги майдонда қатл этадилар.

Бу янглиғ қонхўрликка чидамаган халқ, асирларнинг қариндош-туққанлари кўҳна масжид тошларини бетартиб бузганча, мўғулларни тошбўрон қилиб ўлдирадилар. Бу воқеадан хабар топган қалъа ичкарисидаги мўғул саркардалари майдонни ўраб олиб, санг гарданида қатнашган бари хиваликларни ўлдиради. Шу-шу бу майдон номи шаҳидлик майдони ва мўғулларни тош билан уриб ўлдирилишини «санг гардани — тош билан ур, муштла», номи билан атайдилар. Даврлар ўтиб “гардани” сўзидан “гар” қолиб, “Санггар”га дўнган, бироқ халқ тилида “Сангар” бўлиб кетган. Сангарнинг иккала маъносида ҳам тош билан уриш, отиш жараёни, ҳарбий дастуруламал мужассамлашган.

Сангар XIX асрга келиб ҳунармандлар, наққошлар, темирга ишлов берувчи позачилар, тўпчилар элати, файзиёб масканга айланади. Бу ўрамнинг бош бўғинида ҳунармандларнинг етук устаси, замона адабий муҳитига, санъат илмига дохил инсон Пано тўпчи турар эди.

Ҳали, биринчи рус босқинидан аввал, Саййид Муҳаммадхон (1855-1864) даврида, хонликда “икки шоҳали ўн икки тўпи бор эди. Шулардан олтитаси от билан ҳаракат қилишга мўлжалланган. Тўпларни ҳаракат қилдириш Эроннинг қадимги усуллари тарзида кўриқхонасиз ҳаракатланади. Ҳарбий сафарларда тўпларнинг ўқ-дори ва снарядларини бошқа-бошқа араваларга юклаб олиб юришади”. (Исмоил Мирпанжий. “Асирликдаги хотиралар”. 1997 йил. 54 бет.)

Эрон генералининг Хивадаги ўн йил асирлик давридаги тўп ва ўқ-дорилар тафсилотини кенгроқ ёритишимиздан мақсад, Хива ҳарбий кучлари, навқару тўпчилар аъмолидан хабардор қилмоқчим, Пано тўпчининг довуғи Хивани ҳимоя қилишда, шунингдек, ҳарбий юришлар силсиласида машҳур бўлган ва кўп мартаба хон томонидан тақдирланган.

Исмоил Мирпанжийнинг янги асир тушган вақтидаги бир воқеа билан тўпчилар мартабаси нақадар қадрланганини билиш мумкин: “Биз Хиваққа келган ўша рамазон ойида хон (Муҳаммад Амин — К.А.) асир тўпчиларнинг тўп отиш маҳоратларини синаш истагини билдирди. Али Султонга асир тўпчиларни келтиришни

буюрди. Мен тўпчиларга яхши отинглар, мабодо уларга ёқиб қолсангизлар сизларга нисбатан яхшироқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилишди деб маслаҳат бердим. Улар ҳам менинг сўзларимни маъқул топдилар, аммо ҳарчанд ўқ отишмасин, ҳеч бири нишонга тегмади. Хон газабланди, уларни яна меҳтарга топшириб, яхшироқ (мустаҳкамроқ — К.А.) сақлашни буюрди”. (Уша асар. 37 бет.)

Юқоридаги лавҳадан кўришиб турибдики, нишонга теккизиб ўқ отиш ҳамма-нинг ҳам кўлидан келавермайди. Пано тўпчидек мерган тўпчилар хонликка ҳаво-дек зурур эди. Шу сабабдан ҳам уни оиласи билан қалъа ичкарасидан, ҳозирги “Амин чорсу”дан Сангарга кўчирилиши тасодифий ҳол эмас. Сангар, юқорида айтганимиздек, душман ҳужумини қайтаришга мўлжалланган тўсиқ хандаги бўлганидан тўпу снарядлар шу ерга яқин турган ва номдор тўпчининг ҳам яшаш жойининг шу жойга кўчирилиши, табиий. Буям хоннинг Пано тўпчига ихлоси ва катта ишончининг белгисидир. Шунинг учун ҳам Пано тўпчи дарвозаси олдидаги қудуқдан (бу қудуқдан ҳозир ҳам сув ичишади) хон Феруз сув ичиб, тўхтаб ўтган. Аввало, Худо, қолаверса, хон назари тушган хонадон ҳамиша меҳмонлар билан, айниқса, шоирлару созандалар билан сарафроз бўлганига тарих гувоҳ.

Мана, қадимий Сангардамиз. Хон боғи номи билан аталувчи ҳозирги “Орқа тозабоғ” маҳалласи. Бирдан борлиқ хаёлим билан Комил Девоний яшаган даврга шўнғиб кетаман. XIX аср бошларидаги Хива. Унинг кунчиқарида қадимий Сангар, кунботарида Мевастон... Матёқуб позачиларнинг, Пано тўпчиларнинг ёпга қараган кунгурали дарвозалари, боғли-боқчали серфайз ҳовлиларини қалбан ҳис этаман. “Муҳркан”лар ҳовлиси кунботар ёнбошидан ўтадиган Баротнинг кенггина солмаси (ариғи), хоннинг боғи ёни билан қадимги Урганч — Хива йўли бошидаги Туранинг ҳовлиси томон оқиб бораётгандай, унинг торроқ жойидан кимдир ҳатлаб ўтиб, “поза”чилар томонга ўтиб кетгандай, хаёлларимни тўзғитиб юборди. Полвон ёп бўйлаб аста қибла томон одимлаймиз.

Бу элатда ўз ҳунару усталиклари орқасидан танилган жуда машҳур кишилар яшарди. Шу кунлардам файзини йўқотмаган бу ўрамда ўтган машҳур аждодларнинг салоҳиятли фарзандлари истиқомат қилади, баъзилар ота касби-ҳунармандчилик билан шуғулланади. Комил Девонийнинг чироғини ёқиб ўтирган неваралари Усмонжон билан Фарҳоджонларнинг бирови кўли гул қурувчи, бирови магнитофон, телевизор тузатадиган уста.

Комил Девонийнинг ўғли Ҳамза ака, “Мевастон” маҳалла фуқаролари йиғини раиси Иноят ҳожи билан шоир яшаган уйга замонавий дарвоза орқали кирамиз. Ичкарига илк қадам кўйишимиз билан чап тарафдаги анвойи қизил гуллар эътиборимизни тортади. Гулларга қараб қолганимни илғаган Ҳамза ака:

— Ина шу ер аввал ҳам (отамлар яшаган даврда демоқчи — К.А.) гулжойи эди. Ина бу ерда икки метрча баландликда эни саккиз-тўққиз метр, бўйи ўнбеш метр чамаси келадиган Чодра (усту тахта пол қилинган айвон) бор эди. Унинг кунчиқарида ҳайбатли гужумлар соясида сарҳовуз бўлгучи эди. Кунботарида Полвон ёп гумбирлаб оқарди. Ёп ҳозиргидай кичкина, кўримсиз эмасди. Унинг ўнг соҳили баланд рош. Эшигимиз олдида катта-катта, мазали балх тутлари бор эди. Ҳозир шундан бизни эшигимизда биттаси, Хударган муҳркан бобомнинг эшигида биттаси қолган, мазаси шу-шу тотли, бўлиқ-бўлиқ... — Ҳамза ака анчайин жим қолади. Уйларига ҳалақат бермайман. Худди отаси дўстлари билан жамлашиб ўтиргандай бўлдим, кўзлари равшанлашиб, — Мана шу Чодрада ўтириб отам (Комил Девоний) созанда ёру биродарлари билан мақомлардан тонготар соз қилар эди.

Сангарнинг довуғи шеърларда, кўшиқларда акс этган. Хоразм халфачилигининг етакчиларидан бири, ажойиб шоира Ожиза (Онабиби қори Отажонова) куйламиш:

*Манзил жойим Полвон ёпнинг орқаси,  
Мени ҳайрон этди Хива қалъаси,  
Полвон ёпнинг сувин болдай мазаси,  
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,  
Сангарда очилган гуллар яхшидир.*

Хивада қарийб барча халфалар бу кўшиқни соғинч ҳисси билан куйлагувчи эдилар. Одамнинг яшаш манзили, ўтирган ўрами, киндик қони тўкилган ерига бўлган муҳаббатини тараннум этувчи бу кўшиқни қачон эшитсам, Комил Девонийнинг: “Жон борича эл ичида чекма бошингни”, дея тақдир тақозоси билан Хивадан Тошҳовузга кетиб яшаган даврида, шогирди, шоир Партавга ёзган мактуби кўз олдимга келаверади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, “Сангарда очилган гуллар яхшидир”, дея қуйланишида ўзга бир меҳр бор. Аслида, хиваликлар қадимдан гулга ўч, муҳаббати баланд халқ, аммо Муҳаммад Раҳимхон соний — Феруз замонида бу нарса, айниқса, юртда қизил гулни ўстиришга иштиёқмандлик жуда зўрайган. Устоз созанда Абдурашид ота ўша замонларни бирвор кўз олдидан ўтказиб: “Воҳвоҳ, насини айтасиз, Сангарни кўпригига чиққанда Хивадан келадиган қизил гулни исидан (ҳидидан) бошингиз айланар, маст бўлар эдингиз. Хиваликлар қизил гулни кулоқлари остига қўйиб юришни яхши кўрар эдилар. Хон Ферузнинг бир танобдан ортиқ ерига гул экилган экан. Ҳар замон хон саломга келган фарзандлари, невараларига қиладиган иши гул тақдим этар экан, вой-бўй!.. Хон Пишканик қишлоғида бир гулчига айтиб гужумга гул солтирган (пайванд қилдирган...)”

Абдурашид ота сўзларини тамом этмай туриб, Огаҳийнинг ушбу мисраси лоп этиб хаёлга келади:

*Қилғил томоша қомати зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.*

Дарвоқе, гул, боғ мавзуида бошқа шоирлар қаторида Комил Девоний ҳам кўп қалам тебратган. Ва, негадир, Ожиза қаламига мансуб саналиб келинаётган “Сангар” шеъри Комил Девонийга тааллуқлимасмикан, у жонажон Хивасидан, Сангаридан айрилиқ онлари қоғозга туширмадимикан деб ўйлаб қоламан, негаким, “Ожиза Хиванинг “Қушчи Каттабоғ” қишлоғида таваллуд топган».

Демак, Ожиза “Яшаш жойим Полвон ёпнинг орқаси”, дея олмайди, лекин Ожиза Комил Девоний уйида бўлиб, ундан шеър, кўшиқ айтиш илмини ўргангани маълум. Боз устига, шоирнинг ўғли Ҳамза аканинг: “Сангар” отамнинг шеъри, онам Курбонжонбикадан эшитганман, қолаверса Онабиби қори айтадиган “Манзил жойим Полвон ёпнинг орқаси, Мени ҳайрон этди Хива қалъаси” эмас, иккинчи қатори “Изинда айланар Хива қалъаси”. Онабиби қори билан отам кўп ҳамкорлик қилганлар, баъзи шеърларини таҳрир этганлар», деганидан кейин, бироз ишондим.

Яқинларда мусиқа муаллими Озод Матёқубов ҳам “Сангар” шеъри устида ўз фикр-мулоҳазаларини қоралаб юрган экан. Хатто шеърнинг “Савти суворий” услубида ижро қилиш нотасини ҳам яратибди. Шундаям:

*Сангарнинг боғидан олма келтирдик,  
Емадик, ичмадик, ўйнаб ўтирдик,  
Дастурхон устини гулдан тўлдирдик,  
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,  
Сангарда очилган гуллар яхшидир, —*

деган, Комил Девонийдек забардаст шоир назмидан йироқ сўзлар йиғиндисини ўқигач, барибир, анчайин жўн, бу шеър устоз қаламига мансуб бўлмаса керак, деб юрдим, бироқ, бир суҳбатимизда Ҳамза ака Партав домланинг аламзадалик билан айтган сўзини қайд этди: “Эҳ, нендин замон бўлди, кучли ғазалингни газитларда босмайдилар, енгил-елпи ёзсанг чоп этадилар. Ахири ноилжликдан “Очил-очил” деган мусаддас ёзиб бердим, босдилар, афсус. Балки, ундай шеърлар ҳам керакдир, лекин жуда енгил, жўн.”

Ана шу гапдан кейин, иккиланиш фикрларимни яна устоз фойдасига йўйдим. Ахир:

*Сангарнинг боғида шиша қопилар,  
Киргандан сўнг шиша қопу ёпилар,  
Одамлари ваъдасида топилар,  
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,  
Сангарда очилган гуллар яхшидир, —*

дея, ўша замонда ойна-шишали эшиклар яшаш расм бўла бошлаган ва буям Сангарда қурилган иморатларда ишлатилгани, янги топилдиқни содда ва теран ифодалаш Комил Девонийдек шоиргагина насиб этиши мумкинлиги бу шеър устозники бўлса, ажабмас, деган ўй келаверади. Ва, яна, бир нарсани таъкидлаш жоизки, Ожиза халфа кейинроқларда шеърнинг кўп жойларини ўзига мослаб ўзгартирган бўлиши ҳам мумкин. Унинг устига оғиздан-оғизга ўтиб баъзи сатрлар анчайин ғализликка юз тутганини кўрамиз. Адабиётнинг фидойи муҳиби, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Йўлдош Ҳожиёв ўзининг “Ада-

биётда ёндош дастур бўйича қўлланма” китобида Ожиза ижодига тўхталиб, “Сангар” шеърининг иккинчи бешлигидаги иккинчи сатрини “Шохасига ишқу анбар сочилган”, дея берибди, ваҳоланки “ишқу анбар” эмас, “мушқ анбар”. Аммо ўрнида “мушқу анбар” деб ишлатиш мумкин. Бу борада Урганч Давлат универси-теги профессори С.Рўзимбоев “мушқу анбар” деб тўғри берган.

Комил Девонийнинг сермахсул, мантиқан теран, гўзал ғазаллари юқорида қисман айтганимиздек ўн етти-ўн саккиз ёшларида кўзга ташланган. Бунга, албатта Доийнинг таълим-тарбияси, Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмийга ўхшаган мумтоз адабиётимиз намояндалари асарларини кунт билан ўқиш, ўрганиш, араб, форс тилларида ёзилган жаҳон адабиёти билан танишиш, тасаввуф илмидан воқифлик, Насимий, Фузулий, Машраб ғазалларидан илҳомланиш асосий таянч, фикран суянч бўлган.

Айниқса, Навоий ғазаллари шуқуҳи ила шеърятга қадам қўйган Комил Девоний ҳайрату ҳавасини яширолмас, туну кун машқу мутолаа қилар, ёзганлари ўзига маъқул келмас, ўчириб ёзишдан эринмас эди. Навоийнинг мана шу бир байти унга неча тунлар ором бермаган:

*Гул қулоғин чун оғир қилмиш кириб шабнам суви,  
Неча, эй булбул, ишинг доим фиғон бўлғусидур.*

Ва, ниҳоят, Комил Девоний ҳам гул бобида машқ қилиб кўрди:

*Зеб ила саҳни чаманда бўлди то хандон гул,  
Бог аро булбулни қилди хуснига ҳайрон гул.*

Бу байтни замонасининг етук шоири Табибий мақтагач, Комил Девоний давом қилдирди ва мазкур ғазал “Мажмуа”га кирди. Табибий унинг ушбу “Мажмуа”га кирган тўксондан зиёд ғазалига алоҳида-алоҳида маснавийлар ёзган. Масалан, китобдаги 3067 рақамдаги Девонийнинг “Манго то ул санам хуснин намоеън эттию кетти”, деб бошланувчи ғазалига мана бу маснавийни битган:

*Бу ҳам фазли Девонийдиндур асар,  
Ки этмиш зуҳур анда неча ҳунар.*

“Мажмуа”га 1075 рақам билан кирган ғазалида Девоний ҳам шу мақтовга лойиқлигини таъкидлайди:

*Шарҳ этар эрсак ҳолимиз сизга ажаб эмас дурур,  
Чунки замона аҳлининг муншийи номдоримиз.*

Ғазал маҳбубга атаб, ўзини таништириш баҳонасида:

*Сўрсангиз гарчи ҳолимиз, фурқатингизда субҳу шом,  
Хайли бало рафиқимиз, йиғламоқ ўлди коримиз. —*

дея айтилгани билан ҳали йигирма ёшга тўлмаган шоирнинг ўз қадрига етгучи битиклари, унинг етук ижодкор сифатида шаклланишидан дарак эди.

У кунт ила изланишлари, ўрганишлари замирида Навоийга эргашиб, тақлид қилмоқчимас, фақат ҳазратнинг Ҳиротда яшаб, ғазалларини соф туркийда битишига ҳайрати баробарида, ўзиям араб ва форс тилларини яхшигина эгаллаган бўлса-да, фақат ўзбекча сўзларни ишлатиб гўзал мисралар яратмоқчи, ўз навбатида форсийда ғазаллар иншо этиш умиди ҳам йўқ эмасди. Шундай ҳам бўлди. Комил Девоний форс тилида ҳам қатор ғазаллар ёзди.

Навоийнинг мана бу байти-ку, Девоний шууруни нақадар сарафроз этди:

*Қилди чун соқий лаби етган қадаҳ ҳушингни маҳв,  
То абад зинҳорким, ойилмағайсан, эй кўнгул.*

Навоий байтининг иккинчи мисрасида “ҳушёр” демасдан соф хоразмча “ойилмоқ” сўзини ишлатганига ва ушбу лафзга нечоғлик улкан маъно юкланига қойил қолган бу дилбар шоири замон, албатта, ишқий сармастлик завқини ҳам сурган, баъзи тўғри маънодаги шаробдан мастлигидан ойилганда ҳазратнинг юқори-

даги байтини мийғида кулиб такрорлаганча, ўзининг ҳофизлар хонишидаги машхур “Қасам” мухаммасини яратган бўлса, не тонг:

*Дўстлар, янчинг бошим санги маломатдин бу дам,  
Жойидур ушбу жазо балки манго, албатта, кам,  
Етмасин чунки яна бу нуктадин аҳбоба ғам,  
Гуссайи дарду алам ҳар нечаки ўлдирса ҳам,  
Эндилар май ичмагайман, бодадин қилдим қасам.*

Қаранг, мухаммасда ўқувчи тушунмайдиган бирор сўз йўқ. Ўйноқи, содда ва шунинг баробарида ҳамма ҳарфу нукталари жой-жойида. Фақат ушбу юқоридаги бешликнинг учинчи сатри: “Етмасин чунки яна бу нуктадин аҳбоба ғам,”даги “аҳбоба” сўзининг ўрнига, балки нашрга тайёрловчилар, балки босмаҳона ходимларининг хатоси бўлса керак “аҳбоби” бўлиб чоп этилган, тўғирлаб ёзишга жазм этдик. Ҳамда бешинчи сатрдаги “Эндилар май ичмагайман, бодадин қилдим қасам”ни Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев ҳам, у кишининг укалари машхур ҳофиз Нурмамаат Болтаев ҳам “Эндилар май ичмагайман, деб бодадин ичдим қасам”, дея куйлагувчи эдилар. Уларга ишонмаслик мумкин эмас, негаки, улар бу кўшиқни шоир тирик вақтида, ҳатто, у қатнашган давралардаям куйлаганлар...

...Инқилобдан яхшиликлар кутган Девоний бошида кўп ўтмай қора булутлар айлана бошлайди. Саййид Абдуллаҳон ва унинг авлодлари, Хиванинг манаман деган мансабдорлари, илм-маърифат вакиллари бирин-кетин сургун қилинадилар. Девоний ким? Сарой девони, хон хизматидаги сулола фарзанди. Лекин, эл оғзига тушган етук шоир Комил Девоний бу вақтда давр нафасини ўз пайтида илғаб, Ватан, миллат, тараққиёт борасида ўз сўзини айтмоқда эди:

*Сўрмоқ недундир бўйла тараққийдан аломат —  
Аэроплан эмасму номидори тараққий?*

*Девоний, сен ҳам Ватану миллатинг учун,  
Жон ила дилинг айла тарафдори тараққий.*

Бу шеър 1920 йили ёзилган. Шунга, қарамасдан большевойларнинг ашаддий тарафдорлари, тушуниб-тушунмай “янги замон” чироғига мой қуяётганлар, бошларига бирдан “Ильич нури» тушиб, босар-тусарини билмай қолган айрим бесаводлар кўзига аҳли зиё пешқадами Комил Девонийдек забардаст, етук одамлар ёмон кўринар, уларни гоҳ очиқ, гоҳ пинҳона ғийбат қилардилар. Ҳаётдан зада бўлган шоир 1921 йили “Яхшидур” ғазалини ёзади ва бу шеър тез орада ҳофизларнинг севимли мулкига айланади.

*Гар миниб аэроплан, подон ила учсак ҳаво,  
Иккимиздан биримизни ерга урган яхшидур.*

*Сўрсалар оламда, Девоний, не яшии, ман дерам,  
Сухбати ноаҳилдин бўш бўлса зиндон яхшидур.*

Ана шундай қалтис бир вақтда, яъни, 1922 йили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Хивага келади. Ҳамза Девонийдек созу сухбат, назми ўткир ёшлар билан тез тил топишади.

Ҳамзанинг Хивага ташрифи зиёли ёшлар бошини бир мавсум қовуштирган — меҳмондорчилик, мушоиралар, мусиқий базмлар авж олган. Дастурхонли, одамшаванда Девонийнингку, куни туққан — Ҳамза унинг уйида яшаган. Уни руҳан ёқтириб қолгани учун ҳам 1932 йилда туғилган ўғлига Ҳамза дея исм қўйган.

Не тонгки, бора-бора Комил Девоний боши узра қора булутлар айлана бошлайди. Дўстлари унга вақтинча булсаям Хивадан кетишни маслаҳат беришади. Маълумингизким, инқилоб талотўми, ўтгизинчи йиллар бўҳрони боис, жон сақлаш илинжида баъзи шоиру созандалар Хивадан, у пайтларда кўздан олисроқ кўринган дарё ортига, Тошҳовузга, Илонлига, Чоржўйга кетишган. Гўё у ерлар тинчу қатагондан қутулиб қолиш илинжи бордек. Девоний ҳам бир кечада Тошҳовузга ўтиб кетган.

## УСТОЗГА МУНОСИБ ШОГИРД

Устозга муносиб шоғирд бўлмоқлик ҳам тириклик аъмолининг ноёб мулки. Бу мулк соҳиби ҳамма замонлардаям мукарраму азиздир. Девоний назарида, унинг ўша маъжум йиллар ҳижронига ҳамдард, ҳамнишин бўладиган муттақо шоғирд — большевойлар тўнтариши даврида мумтоз адабиётимизнинг ёрқин давомчиси сифатида ярақлаб чиққан шоир Партав эди.

Билҳақ, Матлатиф Охун ўғли Ота Маҳзум Партавнинг (1903-1956) ғазалларини, мухаммасларини Хоразмнинг забардаст кўшиқчилари — Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа ҳофизлар ихлос билан ижро этганлар. Замона зайли ила ўзини одамлардан четга тортган шоир сўзларини бугунги кундаям санъаткорлар меҳр билан айтиб юрибдилар.

*Ўтиб ғори панода дийдаи элдин ниҳондурман,  
Жунун тугёнидин тийра маломатға нишондурман,  
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,  
Кезарман ишқ шаҳристониди бир карвондурман,  
Матои ҳусн олурға жон бериб ҳар сў равондурман.*

...Айрилиқда Девонийнинг чамаси турмуши яхши бўлмаган кўринади. У Хивага, “Инқилоб кўеши” газетида адабий ходим бўлиб ишлаб юрган Партавга бир шеърий хат йўллайди.

Албатта, Девоний Партавга бежиз мактуб жўнатмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, 17-18 ёшларида шоирлар назарига тушган Ота Маҳзумни Девоний ўзига яқин олган. Улар ўртасидаги дўстлик ва ҳурмат умрларининг охирига нафасигача давом этган. Партав ҳам шоирлардан Девонийга кўпроқ суянган, ёзганларини биринчи бўлиб унга кўрсатиб маслаҳат олган содиқ шоғирд эди.

Ота Маҳзум Аваз Утарнинг жияни Саодатбикага уйланади. Девоний оташна-фас дўсти Аваз ҳурмати тўйбоши бўлган. Петербургдан олиб келган янги скрипкасини тиззасига қўйиб сайратган, қувнаб-яйраб мушоирада қатнашган.

Партав ҳам устоз хатини жавобсиз қолдирмайди. Ўз навбатида у ҳам ўзининг шеърий мактубини йўллайди.

Девоний шеърий мактубини:

*Тақдирни ҳар толеъ вожгун эта билмас, —*

деган сатр билан бошлайди ва “толеъ” калимаси орқали ҳеч қандай давлат иқтидори тақдирни тубдан ўзгартириб, вожгун этолмайди деган маънини илгари суради. Бу билан у Хивадан кетиш сабабининг гуё изоҳини ҳам беради.

Албатта, Партав бунини аниқ фаҳмлайди ва устоз фикрини қувватлаб ёзади:

*Ҳуш аҳлини дунё ғами дилхун эта билмас,  
Дин тарки хирад хайлини маъзун эта билмас.*

Чунончи: назари очиқ, ҳушёр одамларни дунё ғами дилхун қилолмайди. Зеро, дин ҳам ақл куч-қувватига суянишга чорлайди, дейди.

Девоний учун юртни тарк айлаш фақат қисмат ҳукми эмас, балки идрок иши ҳам эди. У ҳижратни Ватан ўрнида кўрганлигини таъкидлайди:

*Идрок ила ман тарки диёрни Ватан этдим.*

Партав эса ҳали ёш, шўро сиёсатининг ҳийла-найранглариини англайдиган даражада эмасди. У “шўролар мардуд” бўлишдан кўра, уларнинг сафида туриш, янги турмуш, айниқса, янги маданият равнақиға ҳисса кўшишга иштиёқманд эди. Унингча, шўро муҳити одамлардан четлашиш, тарқоқликка бош қўшиш ва илм-маърифатдан маҳрум бўлишнинг айни ўзи ҳисобланарди:

*Эй дил, маданият сори тез айла хаёлинг,  
Тарқоқлик эли кашфи Фалотун эта билмас.*



Устознинг дилини оғритмай, қилган ишига норозилик билдиради. Тарқоқлик илми Афлотунни кашф қилолмайди, деб жипслашишга чорлайди.

Девоний ҳам дил тубидаги ҳасрат ва андуҳини яширмайди:

*Девоний, нетай, эмди бало захрини ичмай,  
Май бирла ғамим чорасин афъюн эта билмас.*

Ўз навбатида, Партав Жамшид давридагига монанд қурилиш, яратилишлардан сўзлайди. Шуларга нисбатан берилажак шодлик майидан бошқаси уни мамнун этолмаслигини айтади:

*Жам қурилиш жомини қил мўл-мўли мабрез,  
Бу журъадин ғайри мани мамнун эта билмас.*

Гап шундаки, фикр-қарашларида қанчалик фарқ бўлмасин, Партав устозига эътиромини сақлайди ва бир қадар худбинликка берилганини эътироф қилгандай дейди:

*Тил сақла адаб таркидин устодинга, Партав,  
Худбин сўзи зарбаси азбун эта билмас.*

Яъни, худбин сўзи зарбасини ҳеч нарса тотли — азбун эта билмас, дея куйинади у.

Барибир, Девоний қатағон қурбони бўлди. Инқилобга ихлос қўйган Партав ҳам бу ёвузликдан четда қолмади. Арзимас бир баҳона билан уни ҳам қамашган, қийнашган. Рўшнолик кўрмаи у 1956 йили вафот этган. Қабри Янгиариқ тумани, Оқмачитдаги Гулхўжабува қабристониди. Аммо устози Комил Девонийнинг дафн этилган жойи маълум эмас.

Ушбу шеъринг мактубларнинг тарихи узун. 1972 йилда, шаҳар шифохонасида мен билан ёнма-ён даволанаётган Райим Отажонов (Ориф) деган санъат ихлосманди, касби савдогар бўлсаям, озми-кўпми шеърлар ҳам машқ этиб турадиган, закий бир инсон ёддан шу иккита шеърни айтиб берган, мен ёзиб олгандим.

Яқинда қораламаларим орасидан анчайин ранги ўчган ўша кўчирма чиқиб қолди. Қарангки, ўша вақтда Комил Девонийни, Партавни кўрган, гурунги қилган одамлар ҳали ҳаёт эди. Турмуш ғала-ғовурлари, умр тезравлиги, бугун сўрайман, эрта сўрайман, деб, шаппотдай қоғозга ёзиб олганим бошқа битикларим орасида қоришиб қолиб кетгани боис, ана-мана дегунча шунча йиллар ўтиб кетибди.

Мумтоз адабиётимизнинг бу икки забардаст шоири шеърларини ёд олган, кўшиқ қилиб айтганларга меҳринг ошиб кетади ва бадиий сўзнинг боқийлигига яна бир қарра ишонгинг келади.

Ушбу шеъринг мактубларни такрор ўқиб, оғиздан-оғизга кўчганиданми, мисралардаги аслият ёддан кўтарилганиданми Девонийнинг тўрт, Партавнинг беш байитинигина айтиб берган эди, холос. Қолаверса, баъзи сатрларда андак ғализлик сезилдики, асл нусхасиз буни ҳам тузатиш қийин. Яқинларда Огаҳий номидаги жамғарма томонидан профессор Нурмухаммад Қобулов нашрга тайёрлаган Партавнинг “Созга кўчган сатрлар” китоби нашр қилинди. Унда Партавнинг ушбу ғазали етти байт, бироқ сўзлари кўчирмадан айрича бўлсаям, уч байтида ўхшашлик бор.

Райим ака Отажоновдан ёзиб олган кўчирмаданми адабиётшунос дўстим Иброҳим Ҳаққулга кўрсатдим. Шеърларни ўқидик. Айрим сўз ва иборалар устида мулоҳаза юритдик. Охири Девоний билан Партав мактубларини ёзиб олганимдай қолдиришни маъқул кўрдик.

Мана ўша кўчирма:

Девоний:

*Тақдирни ҳар толеъ вожгун эта билмас,  
Тун зулматин оқ чарх эса, собун эта билмас.*

*Идрок ила ман тарки диёрни Ватан этдим,  
Хушёр бўлса бу шевани Мажнун эта билмас.*

*Жонборича эл ичидан чекма бошингни,  
Хизматни ҳатто эр дема, хотун эта билмас.*

*Девоний, нетай, эмди бало захрини ичмай,  
Май бирла ғамим чорасин афъюн эта билмас.*

Партав:

*Уш аҳлини дунё ғами дилхун эта билмас,  
Дин тарки хирад хайлини маъзун эта билмас.*

*Фардеки эмас дарёи шўролага мардуд,  
Муфлислар они дард била дархун эта билмас.*

*Жам қурилиш жомини қил мўл-мўли мабрез,  
Бу журъадин ғайри мани мамнун эта билмас.*

*Эй дил, маданият сори тез айла хаёлинг,  
Тарқоқлик эли кашфи Фалотун эта билмас.*

*Тил сақла адаб таркидин устодинга, Партав,  
Худбин сўзи зарбаси азбун эта билмас.*

## ҚИСМАТ

*Не янглиғ сабр этай, ҳажр ичра мен ёрминни соғиндим,  
Юзи гул, сочи сунбул сарви рафторимни соғиндим.*

Шоирнинг ўн бармоғида ўн ҳунари бўлгани билан суйган еридан, тупроғи кўзларига тўтиё бўлган Хивасидан, илк муҳаббат тотини шимган Сангаридан айрилиқ уни эзар, дўстлар дийдорига ташна қилар эди. Яхшиям машҳур Маткарим ҳофиз Тошҳовузда унга бошпана берди, тўю маъракаларга олиб борди, янги ташкил этилган ҳаваскорлар труппасига ошно этди.

У қўшқаноти, янги уйланган Назар маҳрам қизи Қурбонжонбикани Тошҳовузга олдириди. Лекин у пайтлар кўликида, (эшак, от, кема) асосан пойи-пиёда борилганидан Тошҳовуз узоқ бўлиб кўринган бўлса, ажаб эмас. Юрт соғинчи эрхотин икковини бирдай беҳаловат қилиши боисидан, Девоний ҳомиладор Қурбонжонбикани Хивага жўнатади ва 1932 йили ўғли Ҳамза она замин қўйнида дунёга келади.

Бу йиллар дарди, “балойи ҳажр”га мубталолиғ Девоний ижодида ҳам юксалиш, “жаҳон қасрини пурхатар” кўрмоқ йиллари бўлди.

*Фигонким, аҳли даврондин муҳаббат орзу айлаб,  
Ки ҳар кимга вафо қилдим, баса, андин жафо кўрдим.*

*Очиб ҳасрат била кўзни томоша чоғи, Девоний,  
Жаҳон қасрин таажжуб пурхатар ваҳшат саро кўрдим.*

Бу янглиғ ҳасрат ила энди Тошҳовузда қололмасди. Яна дўстлар далдаси билан Хивага қайтди.

Девоний ҳар вақт ҳам ўз ижодига содиқ қолган. Ҳатто байрамона шеърларида-ям тағмаъноли, қочиримлар қилади:

*Тўйи ўн беш йилгадир, ўтди “Қуёши инқилоб”,  
Хоразмдан катта бир ному нишон этди газет.*

Ўтди “Қуёши инқилоб”нинг азобидан кўрқмасликдаги сўз ўйини шоирнинг бағоят усталиги, далерлигидан нишонадир. Яхшиям бахтига 1935 йили Марказий ташкилотда ишлайдиган Қурбон Берегин Хоразм адабий муҳити тарихини ёзиш учун уни Тошкентга олдиради.

Девоний бор маҳоратини, хотирот қувваи ҳофизасини ишга солиб, энди эмин-

эркин ишлайман деганида, қатагон отлиғ машъум арава ўзининг маҳобатли гилдираклари билан миллат гулларини эзиб, шоирман деган зуккои замонларни янчиб кела бошлайди. У дардини ғазалларга, мухаммасларга тўкади.

*Ҳар жароҳат малҳамин, эл истар, аммо воқеан,  
Қон юрагимни кўринг жуз захми пайкон истамас.*

Ва яна:

*Жаҳон тўфон ўлибдур йиғламоқдин ашки борингга,  
Тараҳҳум айлабон фурқат аро афғону зорингга,  
Ажаб эрмас, қуёш янглиғ етушса шоми торингга,  
Хароб ҳолингни, Девоний, рақам то айла ёрингга,  
Жафоси не эса тортиб, уммид этгил вафосидин.*

Шоирнинг “вафодин этмиш умид”и сўниб, насибаси бу ёруғ дунёда тугаган кўринади, айрим шумоёқ ғаламислар гийбатидан ҳибсга олинади ва “айб кўювчилар” Хоразмда бўлганлиги сабабли уни Урганч турмасига жўнатишади. У беайблигини далиллаган сари, азоб турларини ишга солиб қийнайдилар. Шоир ўздан ҳам кўра, бошқа маҳбусларга нисбатан қилинган ваҳшийликларга, азоблашларига чидамасдан, “халқлар доҳийси” Сталинга, турма жаллодларига қарши нафратини ёғдиради:

*Уринглар, ўлдириглар бу пажмурда итларни,  
Уриб, нобуд қилди неча-неча йигитларни.*

— Дадангизни қачон ҳибсга олишган? — сўрайман Ҳамза акадан.

— 1937 йилнинг охирларида... Ина, 1937 йилнинг 25 октябрида дадамдан олинган тилхат бор. Ҳамза ака “Тилхат”ни менга узатади. Уқийман:

#### Тилхат

“Берилди шу ҳақдаким, Исмоиловдан (Комил Девонийдан — К.А.) ёғочга ишлов берадиган 25 дона ҳар турли асбоб-ускуналар олинди. Йигирма беш. 25/Х — 37 й. Оморчи имзо.”

Демак, Тошкентдаги ҳунармандчилик корхонасидан Комил Девонийга берилган ушбу ҳужжатга биноан, у 1937 йил охирларидаям ўзининг ўймакорлик ишлари билан машғул бўлган.

Ҳамза ака афсус билан эслайди:

— 1937 йили опам (аям) Йўлдош Охунбобоев қабулига боради, лекин у киши эрингизни хоразмликлар қаматган, ёрдам беролмайман, дейди.

Адолатсизлик қурбони Комил Девонийнинг саси келгандай бўлди:

*Қонга ботсин жисмим ишқ ўтиға сўзон ўлмаса,  
Кўр бўлсин кўз жамолиға нигоҳбон ўлмаса,  
Тандин айрилсин бошим кўйида қурбон ўлмаса,  
Барҳам ўлсин жоним ул ғам бирла тўфон ўлмаса,  
Ҳар бири тўфони ғами онда бу жон ўлмаса.*

Не хушҳолким, унинг ғазалларини тириклигида Хоразмнинг етук созандалари қандай муҳаббат билан айтган бўлсалар, бугун ҳам худди шундай — “Суворий” ю “Савти”ларда баравж куйланяпти.

Ўзининг истеъдоди, ҳунармандлиги билан аҳли зиёга маъқул бўлган Комил Девонийни шоирлар, созандалар, ҳунарманд усталар бирдай яхши кўрганларини хиваликлар то ҳануз ўзга бир меҳр билан айтиб юришади.

Фақат ҳозирги ҳофизларга андак хуш тилагимиз — ушбу мухаммаснинг юқоридаги биринчи банддаги “Ҳар бири тўфони ғами онда бу жон ўлмаса”мас, “Ҳар бир ул тўфони ғам ҳам онда бу жон ўлмаса”, деб ҳамда охирги бандини бундай хатолиғ билан эмас:

*Шоми ҳижрон даштида табири Девоний қилур,  
Ёр хатти холини тасвири Девоний қилур,*

*Бевафолиғ шиквасин тақрири Девоний қилур,  
Ҳажр туммори бу нав тақрири Девоний қилур,  
Заъфарон ҳожат сиёҳий ранги сомон ўлмаса.*

Балки, Партавнинг шоир ўғли дафтариға ёзиб берган, мана бу тариқа тўғри ижро этсалар маъкул:

*Шоми ҳижрон даштида шабгир Девоний қилур,  
Бенаволиғ шиквасин тақрир Девоний қилур,  
Ёр хатту холини тасвир Девоний қилур,  
Ишқ тумморини хўш тақрир Девоний қилур,  
Заъфарон ҳожат сиёҳий ранги сомон ўлмаса.*

## БИР ҲАЗАЛ ШАРОФАТИ

...Комил Девонийнинг эғнига ташланган чакмон пўстиндан чиқиб турган ўнг кўлида папирос билан тушган сувратига қарайман. Унинг яқин дўсти Марказий Осиёда кино санъатига асос солган, Хоразмнинг илк фотографи Худойберган Девоннов олган суврат. Комил Девонийнинг бошида XIX асрда Хоразмда расм бўлган қора чўгирма, эғнида ўша давр зиёлилари киядиган камзул устидан, кўзи терисидан ишланган чакмон пўстин ташланган. Ақлли кўзларида ўзига ишонч, дониш юзларида мулойимлик, суҳбатга мойиллик бирдан меҳрингизни кўзгайди, ажиб соғинч ҳиссиёти қалбингизни чулғайди. Худди ҳозиргина қай бир базмда ғазалхонликдан чиқиб, деяётгандай:

*Нағмасоз ўлғонда шўхангез Девоний сўзин,  
Аҳли мажлис тингласа, қайси ғазалхон тингламас?*

— Отам вазири акбар Исломуҳжа билан Москва, Петербургга борган сафарларининг бирида 1671 йилда ясалган скрипкани Хоразмга биринчи бўлиб олиб келади ва тиззасига қўйиб, миллий услубда чалишни жорий қилади.

Ҳамза аканинг бу ҳавасли сўзи мусиқамиз тарихига кирмиш ойдинлик эди. Биз камтарона ерга боқиб ўтирган солиҳ фарзандга меҳр билан қарадик.

Ёшлигидан машҳур бўлган ҳофиз Мадраҳим Шерозий Усмон Юсупов иштирок этган бир даврада “Салом, эй шамъи маҳфил матлаи анвор хуш келдинг”, дея бошланувчи мухаммасни “Суворий”га солиб маромида ижро этгач, Усмон ота сўраган:

— Бу кимнинг сўзи?

— Шоир Партавники, — деб жавоб берган Усмон отанинг ашула сўзи билан қизиқиб қолганидан суюниб Шерозий.

— Истеъдоди баланд шоир экан.

Усмон Юсуповнинг шу бир оғиз сўзида Партав тақдирига раҳнамолик истаги акс этган эди. Қарангки, кейинчалик қатағон қурбони бўлмиш Партавни юқоридаги ҳамда “Ётиб ғори панода дийдаи элдин ниҳондурман”, дея бошланувчи мухаммаси учун Усмон Юсупов уни ҳибсдан озод қилдириб, Янгийўл театрига адабий эмакдошлик вазифасига қўйдирган. Бу савоб ишда Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизи Жўраҳон Султоновнинг ҳам хизматлари катта бўлган дейишади. Не бўлгандаям, забардаст ҳофизлар суюкли шоирларини мавруди келди дегунча кўз-кўз қилишга, ён босишга рағбат сезганлар, бир-бирларига суянч бўлганларидан қувонганлар. Ўша куниям Усмон отанинг шеър устодига муҳаббати юксаклигидан руҳланган Шерозий “Савти суворий”га Девонийнинг ушбу матлаъ ила бошланувчи ғазалини ўзга бир меҳр билан куйлайди:

*Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим,  
Ташналаб дарё аро кирдим, лаби тар бўлмадим...*

Кўшиқ сеҳрига чўмиб кетган Усмон Юсуповнинг юзу кўзларидаги ботиний зуҳурдан, ашуладан ажиб қониқиш олаётгани Шерозийни янада жўшиб ижро этишга илҳомлантиради. Кўшиқ тамом бўлгач, Усмон ота ҳофизни мақтаб, тағин сўз соҳибини сўрайди.

— Комил Девонийники, — дейди Шерозий шошиб.

— Борми бу шоир? — дейди Усмон Юсупов.

— Йўқ, иғво қурбони бўлди. “Дабсан”да (“қатағон”да — «...деб айтибсан”да) кетди. 1938 йили Урганч турмасида вафот этган.

Ўртага ноқулай жимлик чўқади. Шерозий дуторини тиззасига қўйганча оғир хўрсинади.

— Кимлари бор? Ўғли борми? — дея сўрашда давом этади Усмон Юсупов жимликни бузиб...

— Ҳованг, бир ўғли бор, ўн ёшларда, оти Ҳамза. Ҳамза Ҳакимзода номига қўйилган. Девоний Ҳакимзода билан яхши эдилар. 1922 йилда Ҳакимзода Хивага келганида у кишининг боғчасида яшади. Ай, Девоний кўп шинаванда, дастурхонли, ўтиришмачи одам эди раҳматлик. Еш кетди. Эллиқда эди.

Даврадагилар, айниқса, Усмон ота иштиёқ билан кулоқ қўяётганидан Шерозий Девоний тўғрисида очилиброқ гурунг берди.

— У киши фақат шоиргина эмас, амакиси Хударган муҳрқандан муҳр, нақш ўйиш, хаттотлик сирларини ҳамда Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ ўрганган уста созанда ҳам эди. Фиҷжакни сайратарди. Танбур билан дуторни-ку сўзлатар эди, насини айтасиз.

— Шундай одамларни сақлай олмадик-да...

Усмон Юсуповнинг дил тубидан чиққан бу надомат даврнинг қабоҳатидан, маънавиятнинг залолатидан далолат эди. — Усмон Юсупов Шерозийга қараб, сўзида давом этган.

— Девонийнинг шу ўғлини Тошкентга, менинг хузуримга олиб боринг. Ўзимиз тарбия қиламиз.

— Барака топинг, илойим мингга киринг, мартабангиз бундан-да юқори бўлмай, — худди ўзига қилаётган илтифотдан боши осмон бўлаётгандай Шерозий Усмон отага таъзим қилганча, унинг истагига яраша ашулани авжлантириб юбораверган...

Мен эшитганларимни хаёлимдан бир-бир ўтказиб, бетлари сарғайиб кетган дафтарини аста варақлаётган, суҳбатдошим Ҳамза акага қарайман.

— Яхшиям отамнинг шеърини Мадраҳим акам Шерозий Усмон Юсуповга айтиб берган экан, у кишининг меҳрлари тушиб, мени ўз тарбияларига олдилар. 1943 йилдан то 1956 йилгача Тошкентда, Усмон отанинг дала ҳовлисида яшадим.

— Ҳамза ака бирдан жонланиб кетди. — 1943 йили Шерозий ота мени олиб Тошкентга жўнадилар, ёнларида иккинчи ўғиллари Сайидназар ака ҳам бор эди. Амударёда пароход билан Чоржўйга бордик, кейин поездга миниб, аввал Янгий-ўлга, сўнг Тошкентга, Усмон отанинг Дўрмондаги дала ҳовлиларига бордик. Усмон ота бизни жуда яхши кутиб олдилар. Шерозий ота билан узоқ гурунглашиб ўтирдилар ва суҳбат охирида дача директори Мирзарайим Собировга бизни болалар русча ўқишади, сиз бу болани ўғил қилиб олинг, дея мени унга топширдилар. Мирзарайим аканинг бир қизи, бир ўғли бор экан. Мен учинчи фарзанд бўлиб, яшаб қолдим. Жуда бамаъни одамлар экан, бирор камчилик кўрмадим. Дўрмондаги Пушкин номли 24 мактабни яхши баҳолар билан тамомладим. Тўқимачилик техникумининг қурилиш бўлимини тугаллаб, йўлланма билан Қаршига бориб қурилишда ишладим. Опамни олдирдим, лекин опам ҳасталангач, 1958 йили Хивага келдик, уйландим. Олти ўғил, олти қизимиз бор. Мана сувратлари. Булар, — кўрсата бошлайди Ҳамза ака, — ўғиллар, булар келинлар. Мана булар қизларимиз, куёвлари билан. Худога шукур бари аҳил, иноқ яшашади...

Ушбу битикка Комил Девонийнинг тақдирида алоҳида ўрин тутган шарофатли ғазалига мухаммас боғлаш билан нурга қўймоқни ният этдим. Фақат шоир девонидида чоп этилган бу ғазалнинг охири байтидаги “Суд йўқ, Девоний, гаҳ бўлдим, гаҳ бўлмадим” мисрасидаги “гаҳ” ё ноширлар, ё хаттотлар хатоси бўлса керак, тузатишга жазм этдим. “Суд йўқ, Девоний, гар бўлдим гар бўлмадим”, дейилса, тўғри бўлар, нега десангиз, мантиқан шоир “умр ўлди охир”, энди мен бўлдим нимаю бўлмадим нима, фойда йўқ деяпти, қолаверса, табиийки, ғазал қофияси мантиқан шуни тақозо этапти.

## Девоний ғазалига мухаммас

*Гул бўлиб гулзор аро ўсдим муаттар бўлмадим,  
Оҳ уриб айтдим ғазал рифъати афсар бўлмадим,  
Неки корни хуш кўриб, устозга мангзор бўлмадим,  
Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим.  
Ташналаб дарё аро кирдим лаби тар бўлмадим.*

Ўтмайин деб шунчаки бечораи жон соннда,  
Оқил ул ҳар кимки бўлдим эртаю кеч ёнида,  
Бу умр мезони йўқми шарҳу Шарқ баёнида,  
Жаҳд этиб ғоятдин ортиқким талаб майдонида,  
Лашкари фикримга сар бердимү садар бўлмадим.

Навжувонлиғда писандму айламаклик навҳасоз,  
Дил таманноси висол айшини сурмоқ сарфароз,  
Кўп навозиш кўрсатиб ёқди париваш, сарвиноз,  
Нақди жоним шуглаи оташ аро қилди гудоз,  
Нуқраи жонима заргар бўлдимү зар бўлолмадим.

Аҳли ишқ айтинг вафолиғму сабаб бўлмоққа шод,  
Унда не мен телбани қилмас севарим асло ёд,  
Ахтариб асрорини толмас кўнгиш истаб нажот,  
Эл ҳама комига топди васлида айшу нишод,  
Манки, ғам захрин ичиб, сармасти соғар бўлолмадим.

Ишқида ёнди дилим, бўлдим фалак фасонаси,  
Не фалак фасонасиким, балки чарх афсонаси,  
Не дурур ор эл аро кулги, мазаҳ нишонаси,  
Неча ишл бўлдим жунун дашти аро девонаси,  
Ҳамдами бир лаҳза ул шўҳи ситамгар бўлмадим.

Дейдилар дийдор меҳр собитлиғига рустким,  
Мосуво бўлмай десанг, дўстдан ўгирма юзким,  
Тарки атвор қусридин йўқдир омонлиғ, баским,  
Орази оинасидин айрилиб афсуским,  
Тўтии лол бўлдимү лекин суханвар бўлмадим.

Кони ғафлатда аёнмас хасталиғ ё соғлиғим,  
Толеи йўлимни банд этмиш надур суволиғим,  
Камчилиммии ботинан сир, зоҳиран ясоғлиғим,  
Аҳли дониш мажлиси ичра кўрунг расволиғим,  
Беҳунар бўлдим, вале, ҳаргиз ҳунарвар бўлмадим.

Толеим дун эрмаса, бўлғайми мавҷи ишқ сароб,  
Нечә қилдимким савол топмам бирига, ваҳ, жавоб,  
Сели ғамдин кўзларимда оқди қонлар беҳисоб,  
Кишвари жонимниким Доро нафс этди хароб,  
Ман ани фатҳ айламакликда Скандар бўлмадим.

Ишқ орзусин этар дунё юзинда ҳар киши,  
Авжланар шайдолиғи кетса магар ақлу ҳуши,  
Ғаҳ лавандлиғ, ғаҳ фириб этса келар қўлдан иши,  
Уйла саркашлик аён этди манга толе қуши,  
Бахт ила давлатга мансуру музаффар бўлмадим.

Субҳи содиқ кўнглима солганда ҳуш кайфу сафо,  
Дўст тутинганга илиндим, тутмайин ўзим ҳаво,  
Зарра янглиғ эътибор кўргизмади, ё раб, раво,  
Қимга-ким қилдим вафо, бас, кўрдим андин минг жафо,  
Йўқ далилким чархи кажрудин муқаддар бўлмадим.

Англадим, Комил Аваз, бисёр экан дунёнда сир,  
Бўлма ҳайрон не ажаб олам ғаройиб кенг масир,  
Бари бўлди, ишқ аро, ки, дилда армон қолди бир,  
Бўлмайин дилдора улфат эмди умр ўлди охир,  
Суд йўқ, Девониё, гар бўлдимү гар бўлмадим.



## Тузук — тузук бўлгани тузук

*Ёзувчи Эркин Абзам билан суҳбат*

— Эркин ака, сиз ҳозир тапилган ёзувчисиз. Бадий насрнинг турли жанрларида ижод қилгансиз. Шулар ичида, менинча, энг кўп ҳикоя жанрида. Демак, адабиётга ҳикоя орқали кириб келгансиз. Дастлабки ҳикояларингиздан қайси бири ҳозир ҳам маъқул?

— Менинг назаримда, ҳикоя — адабиёт оламидаги катта бир машқ майдони. Ҳар бир ижодкор ҳикоя ёзишни ўзлаштириб олгандан кейин ўзини бошқа жанрларда эркинроқ сезадими дейман-да. Агар қузатган бўлсангиз, бирдан катта жанрда, яъни роман, қисса ёзган одамнинг асариди шакл-шамойилидан тортиб ифодасигача албатта бирон нуқсон сезилиб туради. Бу одам ҳали катта жанрда ижод қилишга тайёр эмас. Балки у ҳаётнинг муҳим бир жабҳасини, катта бир воқеликни, зўр характерларни акс эттирган бўлиши мумкин. Лекин унда барибир санъаткорликка хос нимадир етишмайди. Мен буни сезаман. Ҳикоя ёзмадан бирдан катта асарга ўтган одамнинг ёзганлари бир томони сўлжайиб туради, қиёмига етмаган бўлади. Шунинг учун, ёзувчиман дегани ижодни ҳикоядан бошлагани маъқул. Мен ҳам илк босқичда ҳикояга қизиққанман ва кўп мавзуларда машқ қилганман. Эндиликда уларни ҳикоя деб бўладими-йўқми, у бошқа масала. Чунки ҳикоя назарияси деймизми, ҳикояга қараш деймизми, унинг жанр сифатидаги табиати деймизми, мен бошлаган даврдагига нисбатан ҳозир бутунлай ўзгариб кетди демайман-у, лекин бугунги ҳикоялар ҳар ҳолда анча тағйир топди. Ҳикояга бизнинг қарашлар бўлакчароқ эди. Ҳикоя ҳақидаги назарий китобларда ҳам у ҳаётнинг бир парчасини акс эттиради, биттагина қаҳрамони бўлади, битта ёки иккита воқеа — эпизодни акс эттиради дегандек, жўнроқ қондалар бўларди. Умуман, назаримда, адабиётда ҳам, ҳамма фаолиятда муайян бир қонун-қоида бўлгани тузук. Аммо бундай тузук — тузук бўлгани тузук, қолип-қуюшқонга айланмаслиги керак-ку. Қуюшқонга айланса, бу ерда янгилик ҳам бўлмайди, бошқаси ҳам. Шунинг учун ҳикоя жанри ҳақида тайин бир фикр айтиб, ҳикоя айнан мана бундай бўлади дейиш, билмадим, қийиндир-ов.

Мен нима учун бу гапларни жуда ётиғи билан, эзмаланиб гапиряпман? Чунки сиз айтган даврдаги ҳикояларга нисбатан қарашларим ҳийла ўзгарган. Дастлабки ҳикояларим адабий жамоатчиликка маъқул бўлган, тўғри, лекин замон ҳам бошқача эди-да. У ҳикояларда бирор фазилат бўлса, ёшликка хос астойдиллик, самимиятдир, аммо уларни катта адабиётга дахлдор нарсалар эди деёлмайман. Анъанавий нарсалар эди. Мен ўзи ноанъанавий йўлда ёзгим келарди. Чунки, ёшлигимда жаҳон адабиётига, рус адабиётига қизиқиб, кўп нарсалар ўқиган эдим. Шулардан ўрганиб, таъсирланиб бир нималар ёзмоқчи бўлганман. Ёшликка хос максимализм-да. Зўр бир нарса ёзиб ҳаммани ҳайрон қолдиришим керак, деган истак бўлади одамда. Мен ҳам ўзимча “Осмондан тушганлар” деган туркум ёзиб, шу билан матбуотда чиқмоқчи бўлганман. Туркум бир-бирига боғланган ҳикоялардан иборат ва бир маҳалла одамларининг ҳаётини акс эттириши керак эди. Ўсмирлик чоғимда кўрган-билган нарсаларим: типлар, одамлар, чоллар, ёшлар. Биттасининг номи “Яллама ёрим”, яна биттасиники “Бошсиз чавандоз” эди. “Бошсиз чавандоз” деган асар бор, билсангиз. Ҳикояда эса математикани яхши билган бир бола бир қизни яхши кўради. Бола математикадан зўр, лекин бошқа ҳеч китоб ўқимаган. Нимани ўқигансан, деса, “Бошсиз чавандоз”ни ўқиганман, дейди доим. Ҳикояларда қаҳрамонлар бир-бирига ўтган, давом этган. Бу новеллалардан иборат қиссанамо бир нарса эди. Мен уни нашр этмоқчи эдим. Анча қисмини ёздим ҳам... Ўша чиқмаган нарсаларим менга маъқулдек. Мана, сиз сўраяпсиз, қайси бири маъқул деб, лекин сиз уларни ўқимагансиз, қандай тушунтираман? Ўзгача бир шаклдаги ўнгача ҳикоя эди-да. Бирдан совидим. Менда шубҳагўйлик бор, ҳар нарсадан, ўзимдан ҳам шубҳаланавераман. Шу орада денг, ҳикояларни бировга айтиб берувдим, у шунга яқин бир нарса ёзиб, чиқарди. Энди мен уни чиқаришга ор қилдим,

совидим: ўқиган нима дейди? Икки чолнинг муносабати ҳақида “Инқилобчи ва сиёсатчи” деган ҳикоя ҳам бор эди. Ўзимизнинг гузар, маҳаллада кўрган одамларим. Шу билан узоқ вақт жим юравердим. Қарасам, ҳаммани ҳайратга соладиган бир иш қилишим қийин. Ёзган жўнроқ нарсаларим “Гулистон”да, кейин “Шарқ юлдузи”да чоп этилди. “Кўшиқ”, “Кўк эшик” каби нарсалар. Улар, яна қайтараман, ўзим билмайман, ҳикоямиди, новелламиди, лавҳамиди. Ўша замон даражасида ҳикоя эди чоғи, ҳикояга ўхшаган бир нарсалар. Униси ундоқ, буниси бундоқ демайман. Бари одамга қадрли. Болалигингиз, ёшлигингиз Сизга қадрлими? Шуни, масалан, баъзан армон билан, баъзан соғинч билан эслайсизми? Бундан 35-40 йиллар бурун ёзган нарсаларим менга худди шундай болалигим хотираларидек қадрли. Фақат бугун мен уларни жиддий ҳикоя деб айтолмайман.

— Ҳикоя сизнинг сеvimли жанрингизми? Бу жанр учун энг муҳим хусусиятлар нималарда деб биласиз?

— Ҳикоя энг сеvimли жанрим дейишим қийин. Мен, умуман, жанрларга, шаклий ажратишларга ҳозир унча кўшилмайдиган бўлганман. Олдинлари фалончининг қиссаси, романи чиқибди деса, э, у катта ёзувчи бўлибди, деган тушунча бор эди. Мен энди ёш бола эмасман. Қўлимдан келганча ёзим, тўғри, камроқ ёзим. Лекин кўп ўқиб, кўп кўрдим, кўп фикрладим. Шундай хулосага келдимки, булар ҳаммаси омонат, шартли гаплар экан: бу — қисса, бу — ҳикоя. Тўғри, анча-мунича ҳикоя ёзганман. Лекин бугун мен кўпроқ киноқиссалар ёзаяпман, драматик нарсалар ёзим. Шунинг учун мен буниси қисса, буниси ҳикоя деб ўтирмайман. Нима янгилик бўлди, сифат ўзгариши бўлди, йўқми, янги одам ёки одамга янгича ёндашув борми, ифода, матн манзарасида бирорта янгилик сезилади — гап шунда. Албатта, анча ҳикоя ёзим. Лекин, ҳисобласам, ўнтадан ортиқ қисса ҳам ёзганман. Қани эди, мен ўзимни ҳикоячи деб айтолсам! Зўр ҳикоянавис Шукур Холмирзаев деб биламан. Назаримда, ўзбек адабиётида энг кўп ҳикоя ёзган ва жаҳон адабиёти андозалари даржасига етган ёзувчи Шукур Холмирзаев эди. У киши ҳаётлигида мен бундай доёлмас эдим. Вафотидан кейин уч жилдлик асарлари чиқди. Ўқиб чиқиб мен айтдим: ҳикоя жанрида кўп иш қилган экан бу одам! Ҳикоянинг у томонига ҳам, бу томонига ҳам, узунасига ҳам, кўндалангига ҳам бир “разетка” қилган экан. Мен айтмоқчи эмасман, Шукур ака ҳикоячиликнинг чўққисини эгаллаган деб. Лекин ўзбек адабиётида энг кўп ҳикоя ёзган, ҳикоянинг янги имкониятларини очган одам шу киши. Энди шундай сафга мен ўзимни кўшсам, уят бўлар. Гарчи, Шукур ака мени ҳар ҳолда ҳикоячилар сафига кўшарди. Ёзувчига қаттиқ талаб билан қарарди раҳматли. Яна айтаман, мени ҳозир жанр дегани унча қизиқтирмайди. Нима илгари ёзилмаган, чингалмаган? Илгари топталмаган қандай янги сўқмоқ очилди? Ана шулари муҳим. Чингиз Айтматов айтган экан, қани, шундай бир ҳикояни ўқисанг-у, кечаси билан ухлаёлмай чиқсан! Қани ўшандай асар? Албатта, ҳикоя имкониятлари ҳақида кўп гап айтиш мумкин: ҳикоя қисқа бўлиши керак, ҳикоя ундай бўлиши керак, бундай бўлиши керак. Йўқ, ҳикоя эллик бет бўлиши ҳам мумкин, ўқийсиз, зерикмайсиз, лекин уни қисса деблмайсиз. Баъзан йигирма бетлик нарса — ундаги тақдирлар, воқелик қамрови, фикр салмоғига қараб — қисса бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳикояга бундай жўн ёндашув, яъни ҳикоя ҳамман қисқа бўлади, деган гаплар энди эскирди. Айтдим-ку, ҳикоя эллик бет бўлиб, қисса йигирма бет бўлиши ҳам мумкин. Бу бирдан-бир аломати эмас. Ҳикоя ҳар ҳолда локалроқ воқеани акс эттиради, лекин бу деган сўз битта воқеа, биттагина характерни акс эттиради, холос, дегани эмас. Унинг тури кўп-да: характер — ҳикоя, вазият — ҳикоя, кечинма — ҳикоя, психологик ҳикоя ва ҳ.к. Гарчи бу унсурлар ҳамма ҳикояда ҳам бўлиши мумкин. Ҳикоянинг тури кўп бўлганидек, унинг тарихи ҳам узун. Кеча Андрей Битовнинг бир ҳикоясини ўқидим, ғалати. Ҳозир аксар рус ёзувчилари, умуман, шартлиликдан воз кечиб, ҳужжатли-воқеий нарсалар ёзаяпти. Буниси қайтага қизиқроқ. Жонли, тирик одамнинг шахсияти бор. Шахсият агар аҳамиятли бўлса, шахсият ҳақидаги фикр, унинг ифодаси самимий бўлса — айни муддао. Ўқиганда маза қилсангиз, бирор янгилик сезсангиз, илгари ўқиганларингизни такрорламаса, нимадир жиҳати билан жозибаси бўлса, менимча, шуниси кифоя.

Ижодкор катта жанрга нисбатан ҳикояда кучини кўрсатиши осон. Асарнинг композицион қурилиши, янада аниқроғи, бадий материални уюштира билиш санъати — ҳикояда ўнғайроқ. Ҳикоя, албатта, чегараланганроқ ҳодисани акс эттиради. Битта қаҳрамоннинг туғилганидан то ўлимигача бўлган ҳаётни ҳам акс эттириши мумкин. Унда тақдир — ҳикоя бўлади. Умуман, ҳикояга битта андоза билан ёндашиб, у қаҳрамон ҳаётидаги маълум бир босқични ёки бир-иккита лавҳа, воқеанигина акс эттирадиган жанр дейиш уни чеклаб қўйиш бўлади, бу мутлақо яроқсиз бир қондир. Шукур аканинг “Одам” ҳикоясини эсланг. У машинакада саккиз бет эди, холос. Лекин бир кампирнинг туғилганидан, қизалоқлигидан бошлаб, эси оғиб, кирар-чиқарли бўлиб қолгунича бўлган ҳаётини берган, шу мобайнида бир неча давр — уруш



йилларини ҳам, босмачиликни ҳам тасвирлаган. Ҳикоя, албатта, ихчамроқ, лўндароқ бўлади, батафсил эмас — сиқиқ. Шунинг учун бу жанрни пухта эгаллаган одам келажакда бошқа нарса ёзганида ҳам сал бисотига қараб иш кўради, иложи борича ихчамроқ ифодага интилади. Улуғ Чехов бекорга айтмаган, қисқалик — истеъдоднинг ҳамшираси, истеъдоднинг сингиси, истеъдоднинг туғишгани деб. Бу бир белгиси, аломати. Калласига келган ҳар балони ёздими, билинги, бу одамда санъаткорлик кам. Ихчам, мухтасарроқ бўлса, ҳар жаҳатдан яхши: ўқишга ҳам ўнғай, чиқаришга ҳам ўнғай. Ҳикояни шу борада машқ майдони дейиш мумкин.

— Ҳикояда воқеа тасвири муҳимми ёки инсон руҳий олами тасвирими?

— Энди, ҳикоядагина эмас, умуман адабиётда инсон тасвири муҳим, инсоннинг кўнгли, унинг мўъжизаворлиги, сири, жумбоғи муҳим. Мен шундай деб биламан. Ҳар қандай воқеа шу инсонни “очиш” учун, кейин албатта, асар китобхонга қизиқарли бўлиши учун зарур. Мана, бир одам ҳақида икки оғизгина гапириб берай: у жуда яхши киши, олижаноб, беш вақт намозини қанда қилмайди, масжид қурган ва ҳ.к. Бу жўн тавсиф. Шунинг қизиқроқ бирор воқеа орқали кўрсатсангиз — бу энди бошқа гап, инсон ҳаётини китобхонга ифодалаб беришнинг бир йўли. Лекин, ҳар қандай ҳолатда бадий асарда инсон муаммоси бирламчидир. Инсонни шунчаки бир воқеанинг ичига “солиб” эмас, инсон кўнглидаги ҳақиқатларни динамик тарзда ифодалаш асар қимматини оширади. Муайян воқеаси бўлмаса ҳам асар ўқилиши мумкин. Бунда — фикрий-ҳиссий сюжет ёрдамга келади. Лекин адабиёт қадим-қадимдан сигналган усул-сюжет орқали, воқеа орқали иш кўради, асар шунда “ейимли” бўлади. Адабиёт санъат ҳисоблангандан кейин воқеани санъаткорона қилиб етказиши керак-да. Лекин, албатта воқеани бирламчи демайман, инсон бирламчи. Воқеа асосий унсур эмас, инсоннинг моҳиятини очиш воситаси у. Маълум сюжет, ситуация орқали инсоннинг табиати, характери, қисмати — умуман, қанақалиги очилади.

— Эркин ака, шу пайтгача сизнинг қирқдан ортиқ ҳикоянгиз эълон қилинган экан. Шулардан энг мукаммал деб қайсиларини биласиз?

— Мен ўша ҳар бир ҳикояни ёзган пайтимда қотирдим деб ўйлаган бўлсам керак. Менимча, ҳамма шундай. Чунки қоникмасангиз, дарров биласиз-да, бўлмади, ўхшамади дейсиз, уни чиқармайсиз. Ё заифлик орқасида бирон жойга бериб, кейин пушаймон бўлиб юрасиз. Бугун қарасам, деярли ҳамма ҳикоямда бирон бир камчилик бордай. “Апойининг жайдари олмаси” деган ҳикоям бир неча тилга таржима қилинган, кино бўлган, радиопостановка бўлган, ўзбек тилида кўп тўпلامда чиққан. Тасвирланган характер қизиқми, ситуация қизиқми, ҳар ҳолда бу ҳикоя кўпчиликка маъқул келган. Ҳикоя чиқиб бўлгандан кейин сезганман: у бошқача ёзилиши керак эди. Бу ҳикоя хрестоматияларда ҳам чиққан, мақтайдилар, мен эса уяламан, уни бошқача, зўр ёзиш мумкин эди, деб ўйлайман. Ифода жиҳатдан зўрроқ бўлиши керак эди. Демак, мукамал ҳикоя, билмадим энди, қайси бири мукамал экан...

— Бугунги кун ҳикоячилиги ҳақидаги фикрларингизни айтсангиз. Сизнингча, мустақил совет даври ҳикоялари билан мустақиллик даври ҳикоялари орасидаги тафовут нималарда кўринади?

— У замонда адабиёт ёмон эди, ҳеч нарса яратилмаган, дейиш кулгили, албатта. У даврда биз, тенгдошлар мусобақа қилиб ёзганмиз, жонли бир рақобат бор эди, изланиш бор эди. У кунги ҳикоя билан бугунги ҳикояларнинг ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатдан фарқи бор. Бугун эркинлик замони, истаган нарсани ёзиш мумкин. У вақтларда эса сўраб эдик. Шукур ақанинг “Подачи” деган ҳикояси бор. Бечора бир қишлоқи чол, подачининг кўнгли ва тақдири. Бошқа муаммо йўқ. Бошқаси ёрдамчи гаплар. Одамнинг ҳаётини кўрсатиш баробари муайян давр муаммолари, давр носозликлари унинг тақдири орқали ўтсагина аҳамиятли адабиёт бўлади, аксинча — бефойда. Эслайман, мени ҳам танқид қилишган: “Мана шу укамизнинг яхшигина қалами бор, тили яхши, равон, лекин нега долзарб қурилишлар ҳақида ёзмайди ёки бошқа каттароқ мавзуларга қўл урмайди?” Улар катта мавзу деганда воқеликнинг миқёсинингина тасаввур қилишган. Адабиётда эса катта мавзу — Одам. Ундан муҳимроқ мавзу йўқ. Шунинг учун мен билибми, билмайми, ички бир сезги билан у йўлдан бормаганман. Бугун шунисидан хурсандман. Қанча ҳикоя ёзган бўлсам, бадий куввати бундайроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг биронтасидан воз кечолмайман ёки

биронтасини биров айтолмайдики, буни бугун чиқариб бўлмайди, бунда ўша даврнинг мафкуравий таъсири бор экан деб.

— **“Ёзувчи” ҳикоясининг прототиби борми ёки у бутунлай бадиий тўқима самарасими?**

— Ёзувчининг прототиби битта эмас, кўп. Кимни кўрсам, фалончини ёзган бўлсангиз керак-а, дейди. Мен бундан хурсандман. Демак, қандайдир бир мўлжалга тегибман-да, бир дардни кавлаворибман-да. Яхши. Раис образини кўриб кўп одам фалончини ёзгансиз, деди. Қайдам, уни мен топмадим, деб айтолмайман. Ҳаёт таассуротлари ўзи мени шунга бошлаб боргандир.

— **Раис бува образидаги замонга хос хусусиятларни очишда қийинчилик кечмадими?**

— Раиснинг замонга хос хусусиятлари — бор нарса. Биласиз, адабиёт қийин иш. Қоғоз иши оғир, машаққатли. Унча-мунча одамнинг кўлидан келмайди. “Унча-мунча” одам яшайди, дейлик, кўчага чиқади, тўй-томошага боради, яхши кўради, ёмон кўради, хуллас, бемалол маза қилиб юради. Олимлик, ёзувчилик эса ё худонинг суйган, ё худо урган одамларнинг иши дейиш мумкин. Тўғри-да, ташқарида қайноқ ҳаёт. Бу бечора бўлса ўтириб олиб, ҳамма нарсани унутиб, қоғоз қоралагани қоралаган. Сиртдан қараса, бу нормал ҳолат эмас. Ҳар ким қиладиган иш ҳам эмас. Буни баттар бўл деб худо пешонасига ёзган одам қилади. Ҳозир, умуман, ҳаваскорлик замонига ўхшайди. Ҳою ҳавас кучайган. Миллионерлар космосга учяпти. Пули кўп бўлгандан кейин одамнинг кўнгли ҳар балони тусайди-да. Раис бувамиз бир вақтлар адабиёт факультетини тугатган бўлса керак, лекин ўқитувчи бўлиб ишламаган, балки кейинроқ сиртдан ўқиб деҳқончилик институтини ҳам битиргандир. Аммо кўпчиликда бўлади-да: адабиётга ҳавас, кўнглида нур, қандайдир воқеликлар завқи, ўзини шу ҳолатларга солиб кўриш истаги имконият бўлгандан кейин ўтириб олиб мен ҳам ёзиб кўрсам-чи деб, ҳалиги гапларни омбор дафтарига тиза бошлайди. Сўнги йилларда ёзмайдиган одам қолмади шекилли ўзи. Кимни қараманг — ёзувчи. Ўзим бундай раисларни биламан, раис боболарнинг “эъжод”ларини таҳрир қилганман нашриётда ишлаган кезларимда. Ўшандай саховатли раисни ҳам кўрганман. Жуда одамшаванда, олижаноб одам эди. Ҳикоядаги раиснинг бир гапи ёқади ўзимга: «Шу сиз — шоирларга ҳам тан бермадим-да, домла, — дейди у. — Мендай бир оми, тўпоридан ҳам шоир ясадинглар-а, қойил!» Раис замон ўйинлари устидан, сохтакорликдан қаҳқаҳа отади. Бу образ, менимча, ёмон чиқмаган. Гарчи батафсил берилмаган бўлса ҳам. У бир валломат одам, ҳаётдан кўрқмайдиган, яшаганда ҳам қариллаб яшайдиган. Пули ҳам, дўсту биродарлари ҳам кўп. Ҳаммасини кўрдим, шу ишни ҳам бир қилиб кўрай деган-да, бир балоларни ёзган. Шўрлик мардикор эса ўтириб уни шаклга солган, асар ясаган. Ҳикоянинг шу ўринларини мен қийинчилик билан эмас, завқланиб ёзганман, гоҳо нафрат билан ёзганман. Чунки ҳозир бунақалар кўпайиб кетди. Қайси амалдору қайси пулдорни кўрсанг, менинг номимдан китоб чиқса дейди. Уларда янглиш бир тушунча бор: гўё шу билан тарихда қолмоқчи! Холбуки, ёмон китоб ёзилган заҳоти ўлади, уни тирилтириб бўлмайди. У минг нусха бўлсин, миллион нусха бўлсин, уни ҳеч ким ўқимайди. Билганлар бундоқ варақлаб, шунга ҳам чиқарибдими, аттанг, дейди. Бу эса адабиётимизга ҳам, маърифий ҳаётимизга ҳам зарар. Лекин, шундай воқелик, шундай феномен борлигини инкор қилолмайсиз. Бу ҳол фақат адабиёт соҳасида эмас, кино соҳасида ҳам, кўшиқ соҳасида ҳам бор. Адабиёт — санъатга пул, манфаат аралашдими, доим шундай бўлади. Ҳозир адабиёт гўё “ипподром”га кириб боряпти, “ипподром” ҳам ёзувчининг кабинетига кириб келяпти лаш-лушларини кўтариб! Бундай шароитда раисга ўхшаган “ёзувчи”лар кўпайиши табиий.

— **“Аралашкўрғон” ҳикоясига ҳам тўхталсангиз.**

— Бу ҳикоянинг туғилиши жуда содда бўлган. Бизнинг “ўша” кўрғонимизда бир кучук тинимсиз — йигирма тўрт соат вовуллайди. Вовуллагани бор гап. Ҳикоя шу тарихга туғилган. Гарчи у ерда бошқа ёзувчилар ҳам яшайди: Набижон Боқий, Аҳмаджон Мелибоев, Иброҳим Ҳаққул ва бошқалар. Уларнинг ҳаммаси учун ҳикоя янгилик бўлди. Холбуки, уларнинг кўпчилиги ўша кучукни ҳам, вовуллашини ҳам билади. Лекин ҳеч ким айтолмайдики, мана шу одам — оқсоқол, униси — бу деб. Мен у одамларнинг ҳаммасини “ичимда” биламан, ҳаммаси бор. Ёзувчи айнан бўлган нарсани ҳам ёзади, бўлиши мумкин бўлган нарсани ҳам. Ҳар хил тоифадаги одамлар бўлгани учун мен ҳикояни “Аралашкўрғон” деб номлаганман: шопир ҳам бор, бизнесмен ҳам бор, катта вазир бўлиб, кейин ишдан бўшаган сармоядор бой образи ҳам бор, мусофир ҳам бор. Ҳозир, биласиз, мусофир кўп, шаҳарни мусофир босган. Оиласи, бола-чақаси билан кўчиб келиб, яшаб юрганлар бор. Хотини фаррошлик қилади, бировларнинг уйини ювади, тозалайди, эри бозорда ҳаммоллик қилади ё қурилишда мардикор — шундан пул топади. Ҳикоядаги сал бошқачароқ ҳолат шуки,

бу ерда у ҳимоясиз, ночор одам. Аслида, прокурорнинг қариндоши. Лекин унинг ҳовлисини қўриқлаб ўтиради.

Бу икки ҳикояни ўқиган адабиётчи дўстларим бугуннинг манзарасини кўрсатган деб, уларни ижобий баҳолашди. Ҳақиқатан ҳам, шу нарсага уриниш бор. Бу ҳикоялар руҳан бир-бирига ўхшамаса-да, объект тасвирида яқинлик бор, ўзаро боғлиқ жойлари ҳам бор. Қолаверса, бирин-кетин ёзилган.

— Мусофир образини янги даврнинг янги қаҳрамони дейиш мумкинми?

— Ўша ҳикояда шундай гап бор: “— У ёғини сўрасангиз, ҳаммамиз ҳам мусофирмиз, оғайни”. Бир вақтлар, биларсиз, одамлар ота-онаси, етти пушти яшаган жойда яшар эди. Бу ҳамма учун гўё олтин қоида эди. Кўпчилик ўқишни битиргандан кейин юртига қайтиб кетар эди. Шаҳарда фақат бўлғуси олимлар, ёзувчилар яшаб қоларди. Бизнинг давримизда, дейлик, бойсунлик жами олимлар Тошкентда ўнтага етмас эди. Мен ҳозир уларнинг ҳисобини билмайман. Одамзод бесаранжом бўлиб қолди. Ҳозир Ўзбекистонни қўятуринг, аксарият хорижни кўзлаб кетяпти. Америка, Россия, Қозоғистонга оиласи билан кўчяпти, қасрда пул кўп бўлса, қасрда ҳою ҳавасларни ошириш имкони кенг бўлса, ўша ерга кетяпти. Бугун одамларнинг ичига жин кирди. Бир вақтлар ўзи туғилган жойида яшаб ўлиш — катта саодат эди. Бу ёзилмаган ва ёзилган қонун бўлган. Битта-яримта бошқа шаҳарда қолиб кетса, э бу саёқ чиқди, хотиннинг орқасидан кетди, битта эрнинг орқасидан кетди, қариндош-руғи бу ёқда, ўзи мусофир, деган гаплар юрарди. “Ўзга юртда султон бўлганча, ўз юртинда ултон бўл”, — деган ҳикматга риоя қилинар эди. Ҳозирги замонда тўсатдан шундай шамол келди-ю, ҳаммани жойидан қўзғатиб, ҳар ёққа сочиб юборди.

Умуман, мусофирлар ҳақида бир нарса ёзмоқчи бўлганман. Кўп йиллардан бери энди бу ижодий ният эскирди. Мен ҳатто асарнинг номини “Мусофир” демоқчи эдим.

— Сиз шу пайтгача яратган қаҳрамонлар ичида ўзингизнинг хислатингизни эслатадиган қаҳрамон борми?

— Ўзимнинг хислатларимни эслатадиган қаҳрамонларим бор. Кўпинча, Эркин ўзини ёзади, биринчи шахдан ёзади деб айтишади. Бунинг яхши томони ҳам бор, албатта. Чунки, билмаган одамнинг ҳаётини ёзгандан кўра, ўзингда кечаётган кечмишни ёзган яхшироқ. Бир томондан шу менга ўнғай. “Қор босган довон” ҳикоясидаги қаҳрамон — мен, “Анойининг жайдари олмаси” ҳикояси ўзимдан ўтган. Унда сал ўзингизни қоралаб ёзгансиз дейишган. Бошқа ҳикояларимда ҳам ўзимнинг хислатларимни эслатадиган қаҳрамонлар бўлса керак.

— Бугунги кун ўзбек ҳикоячилигидан қўнглингиз тўладими? Умуман, ҳикоячилигимиз қандай йўллар билан тараққий этиши маъқул деб ўйлайсиз?

— Бугунги ўзбек ҳикоячилигида эмас, умуман, ўзбек адабиётида ўзгаришлар секин ривожланмоқда. Бизнинг давримизда, эсингизда бўлсин Пошшошон, менинг битта ҳикоям “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да ёки “Шарқ юлдузи”да чиқса, албатта тақризлар бўларди, муносабатлар бўларди. Худди ўша кун ўзингизни қаҳрамонлардек ҳис қилардингиз. Ҳозир ундай эмас. Шунинг учун бугун адабиёт жуда ҳам кўкариб, яшнаб кетди дея олмайман. Аммо ҳикоя ёзаётганлар бор: Нормурод Норқобил, Абдуқаюм Йўлдошев, Зулфия Қуролбой қизи, Наби Жалолиддин каби ёзувчилар. Ҳозир ёзилаётган ҳикояларнинг ҳаммасини ҳикоя деб бўлмайди, уларни жўн бир мақоланинг ҳикояга айланган шакли дейиш мумкин. Ҳикояда янги ифода бўлиши керак. Асар биринчи жумласидан, бошқача бўлиши керак. Бугун мен кўчада бир нарсани кўриб қолдим: “Сейчас меня пожарит”, — деб ёзиб кўйибди. Бу қизиқ-да, “ҳозир мени қозонга салади”, “ҳозир мени қовуради” деган гап менга галати туюлди.

Ҳикояни бошлаш мумкин: “Мен эллик еттига кирдим. Кеча ўзимдан қўнглим қолди”. “Мен кеча эллик етти ёшга тўлдим ва шу кун ҳаётимни ўйлаб кўриб, ўзимдан қўнглим қолди”, дейиш ҳам мумкин. Бунда ҳақиқат бор, ростгўйлик бор. Адабиёт қанчалик ҳаққоний туюлмасин, адабиёт — тўқима ҳаёт. Лекин у ҳаётдан ҳам ҳаққоний бўлиши керак. Афсуски, бизда адабиётни тушуниш ҳам, адабиёт билан иш кўриш ҳам мураккаблашди, ҳозирги адабиётни кўнгилдагидек дейиш қийин.

Пошшошон Кенжаева суҳбатлашди



Санжар Содиқ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

## АҚЛ ЧИРОҒИ

*Бағиҳа*

Улуғ танқидчимиз Озод Шарафиддинов оламдан ўтганига бир йил тўлди. Ҳар гал бу машъум воқеани дилда чексиз азоб билан эслар эканман, шоир Н.А.Некрасовнинг:

*Қандай ақл чироғи сўнди,  
Қандай юрак уришдан тинди?*

деган машҳур мисралари хаёлимда жонланаверади. Афсус-надоматга тўлиқ бу мисраларни шоир йигирма беш ёшида бевақт хазон бўлган оташнафас танқидчи Н.А.Добролюбов вафоти муносабати билан ёзган эди. Энди бу мисраларни сира иккиланмай Озод Шарафиддиновга ҳам тааллуқли деса бўлади. Чунки, у худди В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский ва Н.А.Добролюбов каби ўз халқининг ақл-идроки, номус-ори, виждони ҳамда ифтихорига айланган даҳолар қаторидан ўрин олди. Агар В.Г.Белинский ва Н.А.Добролюбов рус адабиёти ўз тараққиётида олтин даврга кўтарилишида тенгсиз хизмат қилган бўлсалар, О.Шарафиддинов ўзбек халқи сўз санъати ҳамда танқидчилиги равнақ топишида худди ўшандай, ҳатто ундан ортиқроқ роль ўйнади. Агар юқоридаги танқидчилар А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.В.Гоголь, А.Н.Островский ижоди тажрибасини умумлаштириб, XIX асрда натурал мактаб, яъни янги рус адабиёти юзага келганлигини исботлаб берган бўлсалар, О.Шарафиддинов Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов сингари санъаткорлар асарларини теран таҳлилдан ўтказиш асосида XX асрда реалистик ўзбек сўз санъати туғилганлигини ва оригиналик касб этганлигини дунёга танитишдек буюк вазифани адо этди. Агар улуғ рус мунаққидлари адабиётнинг ғоявийлиги, халқчилиги, миллийлиги, мафкуравий бойлиги, ижтимоий қудрати ва таъсирчанлиги байроғини баланд кўтарган бўлсалар, О.Шарафиддинов сўз санъатимизнинг баёнчилик ҳамда шиорбозлик балчиғидан тоза булоқ сувига айланишига, танқидчилигимизнинг вульгар социологизм ботқоғидан нафосату гўзалликнинг мўъжизалар майдонига чиқишига улкан ҳисса қўшди.

Фақат О.Шарафиддинов улуғ танқидчилар анъаналарининг оддий давом этирувчиси, қарашларнинг қуруқ такрорловчиси бўлиб қолмади. Балки тўла маънодаги новатор мунаққид сифатида танилди. Фақат бу новаторлик моҳиятини ва қай тарзда намоён бўлганлигини тўлиқ англаб етмоқ учун В.Г.Белинскийнинг шу масалага оид сўзларини эслаш зарур ҳисобланади. "Буюк шоирнинг бошқа шоирларга бўлган таъсири, — деб ёзган эди

В.Г.Белинский, — бу шоир поэзисининг бошқа шоирлар поэзиясида акс этишидан иборат эмас, балки шу бошқа шоирларнинг ўз қувватини ишга солишидан иборатдир: офтоб нури ҳам худди шундай — ер юзига тушганда, у ерга ўзидан қувват қўшмайди, балки ернинг ўзидан бор қувватини ишга солади" (Белинский В.Г. Соч. в трёх томах, М., ОГИЗ ГИХЛ, 1948, т. II, стр. 164-165).

Куюёш нуридан яшнаган ер мисоли О.Шарафиддинов жаҳоннинг энг буюк танқидчилари ижодидан илҳом ва руҳ олди, улардан қолган бебаҳо маънавий бойликни худди тоғдек аккумулятор каби тафаккурида жамлади ҳамда барчасига ақл-заковати, истеъдодининг қудратини қушди. Натижада Озод Шарафиддинов, ўз сўзига, овозига ва услубига эга бўлган танқидчи сифатида камолга етди. Тўғри, дунёда илгари бундай танқидчилар кўп бўлган. Лекин О. Шарафиддиновнинг барча танқидчилардан фарқланиб турувчи, фақат ўзигагина хос новаторлик фазилати бор эди. У онгида етилган, вужудидан кенгликларга чиқишга талпинган, қалбида тугён урган ўз сўзини, ҳис-туйғуларини мутлақо қирғоқдан тошириш мумкин бўлмаган шароитларда ҳам кишиларга, адабиёт оламига, раҳбариятга, оммага, пировардида халққа етказиш йўлларини топа олар эди. Бунинг учун у кўплаб таъналар-у таъқибларга дуч келса-да, фикрларидаги ҳаққоният ва мантиқнинг кучи, юксак нотиклик санъати ва ишонтириш қудрати туфайли хатарлардан қутулиб қолишга муваффақ бўлар эди. Фикримизнинг исботи учун танқидчининг шоир Чўлпон ижоди тўғрисидаги ҳақиқатни тиклаш, меросини халққа қайтариш йўлидаги курашларини эслаш кифоя қилса керак. Жамиятда "илиқлик" деб аталган қисқа давр шамоли эсган пайтларда Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари адиблар фуқаро сифатида оқланган эдилар. Шунга қарамай, XX асрнинг 60-йилларида эълон қилинган китобларда, хусусан, икки томлик "Ўзбекистон совет адабиёти тарихи очерки"да ҳам уларнинг ижодидан сиёсий хато қидириш, асарларидаги миллатпарварликни миллатчилик сифатида талқин қилиш давом этар эди. Худди шу китоб муҳокамасида О.Шарафиддинов бунга очикдан-очик эътироз билдирган ва энг истеъдодли адибларимизни шу тахлитда қоралайвериш вульгар социологизмнинг сарқитидан бошқа нарса эмасигини кўплаб далиллар келтириш йўли билан исботлаб берган эди. Танқидчининг бундай чиқишлари ҳукмрон доираларнинг кескин эътирозига учрайди. Мунаққид таъна-дашномлар ва таъқиблар гирдоби остида қолади. Шундай бўлса-да, у Чўлпонни юзага чиқариш йўлидаги мардона курашини давом эттириб, 1967 йилда "Тирик сатрлар" китоби нашр этилишида муҳаррир сифатида қатнашиб, унда шоир ҳаёти ва ижодига оид мақола ҳамда энг яхши шеърларидан намуналар эълон қилади. О.Шарафиддинов бошига яна маломат тошлари ёғдирилиб, тўпلام сотувга чиққан жойида китоб дўконларидан йиғиб олинди.

Китоб мусодара қилинганига қарамай, О.Шарафиддинов уни халқ орасида тарқатиш, иложи борича кўп миқдордаги кишиларни Чўлпон шеърлятидаги гўзалликдан баҳраманд этиш йўлидаги курашини бир дақиқа ҳам тўхтатмаган эди. Китоб таъқибга учраган бўлса-да, О.Шарафиддинов унинг ўзидан қолган нусхаларини сўраган одамга бераверар ва вақтида қайтаришни талаб қилар эди.

Мен Чўлпон шеърлари билан "Тирик сатрлар" китоби қўлимга етиб келмасдан анча олдин танишган эдим. Бунга ҳам Озод аканинг баъзида "шаккоклик" ҳисобланган ишлардан қайтмаслиги, яъни руҳсат этилмаган ижодий хатти-ҳаракатлар қилиш учун ўзида жасорат топиши сабаб бўлган эди. Унинг ўша вақтларда шаккоклик ҳисобланган ишларга ҳам жасорат билан қўл уриши қарийб ярим асрлик педагогик фаолиятида ҳам яққол сезилиб турар эди. Масалан, Чўлпонни миллатчиликда айблаш давом этаётган пайтларда, аниқроғи, 1964 йилда, яъни биз Тошкент Давлат университети филология факультетининг V курсида таҳсил олаётган вақтда О.Шарафиддинов дарсда шоирнинг "Кўнгиш", "Гўзал", "Бузилган ўлкага", "Қаландар ишқи", "Бир тутам сочларинг...", "Бинафша", "Халқ", "Мен ва бошқалар" сингари энг яхши шеърларини санъаткорона ҳаяжон билан ўқиб берган эди. Худди ўша шеърлар ўқилган дарсларда маърузани спектрал, яъни санъат асари даражаси-

га кўтариши, хотирада деярли чексиз миқдордаги далилу ҳодисаларни жонлангириши оқибатида мен Чўлпон ижоди билан мактабдалиқ чоғларимдаёқ танишганимни, лекин буни англамай юрганымни пайқаб қолганман. Озод ака дарсларини тинглар эканман, беихтиёр 3-синфда И.А.Криловнинг "Бўри ва кўзичоқ" масалини ёдлаганимни ва у мана бундай мисралар билан бошланишини хотирлаб кетдим:

*Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим,  
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.  
Тарих тўғрисида қолайлик-га жим,  
Бир эртак сўйлайлик, қулоқ бер шунга.*

*Ёзнинг иссиқ бир кунига  
Кўзи борди сув ичгали.  
Уз жонига қасд қилгандан  
Хабари йўқ унинг ҳали.*

Ўз дарсларида Озод ака шу мисраларни тилга олар экан, бизга жуда қизиқ бир фактни маълум қилган эди. Мазкур масални тенгсиз маҳорат билан таржима қилган Чўлпон 1938 йилда отиб ташланибди. Шунга қарамай, "халқ душмани"нинг таржимаси беқиёс даражада гўзал бўлганидан биз мактабда ўқиган 50-йилларда ҳам дарсликларда сақлаб турилаверибди. Фақат узоқ йиллар мобайнида дарсликларда масал таржимони кимлиги кўрсатилмаган ҳолда босилаверибди. Эшакнинг ўзи ҳаром, кучи ҳалол, деб шуни айтсалар керак-да. Чўлпон тўғрисида бир оғиз илиқ гап айтиш қийин бўлган даврларда бу фактни дарсда талабаларга очиқ-ойдин маълум қилиш учун бир қоп юрак керак эди. Мазкур жуда қизиқ далилни маълум қилиш учун Озод аканинг жасорат топгани унда худди шундай юрак бўлганлигидан гувоҳлик беради.

"Тирик сатрлар" китобидаги мақола ва шеърлар Чўлпон ижоди юзасидан олган билимларимни, аниқроғи, фақат менинг эмас, балки тенгдошларим бўлган бир авлоднинг тасаввурларини кўп жиҳатдан бойитган эди. Фақат танқидчининг Чўлпон тўғрисидаги ҳақиқатни тиклаш йўлидаги курашлари "Тирик сатрлар" китоби мусодара қилингандан кейин ҳам яна узоқ йиллар давом этади. 80-йиллар охирида Марказкомда Чўлпон ижодига бағишлаб ўтказилган мажлисда О.Шарафиддинов сўзлаган нутқни шу курашнинг апогеи деб ҳисоблаш мумкин. Ўз нутқида танқидчи эндиликда Чўлпонни буюк шоир сифатида эътироф этмасликнинг, асарларини янгидан нашр қилмасликнинг мутлақо иложи йўқлигини рад қилиб бўлмай-диган далиллар ёрдамида исботлаб берган эди. Гарчи, мажлисда Марказком котибаси О.Шарафиддиновга дакки бериб, Чўлпонни ҳаддан ташқари кўтаравериш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эслатган бўлса-да, худди шу нутқдан кейин юз берган ижтимоий ўзгаришлар натижасида адиб ижодини тўлиғича халққа қайтариш ва унинг тўғрисидаги бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун кенг йўл очилди. Оқибатда О.Шарафиддинов ташаббуси билан Чўлпоннинг жилд-жилд асарлари қайта нашр этилди ва мунаққиднинг шоир ижодига оид ўнлаб мақолалари ҳамда икки китоби босилиб чиқди. "Чўлпон" ва "Чўлпонни англаш" номли китобларида О.Шарафиддинов шоирнинг ғоятда ёрқин, шу билан бирга сира бўялмаган, ялтиратилмаган қиёфасини гавдалантириб беришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, танқидчи олиб борган кўп йиллик курашлар адибнинг бебаҳо асарлари янгидан халқнинг маънавий бойлигига айлангирилиши ва у янги ўзбек шеърятининг асосчиси эканлиги тўғрисидаги концепция, яъни илмий қараш исботланиши ҳамда тасдиқланиши билан хотимланди.

Озод Шарафиддинов танқид ва адабиётшунослигимизни шу хилдаги янги ғоялар билан бойитиб борганлигини ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижоди ва, хусусан, "Тобутдан товуш" комедияси атрофидаги мунозараларда олиб борган матонатга тўлиқ кураши манзараларида ҳам кузатиш мумкин. Бу кураш Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш" комедияси сахнага қўйилгандан кейин "Ўзбекистон маданияти" газетасининг 1962 йил 5 декабрь сониди "Заҳарханда қаҳқаҳа" номли тақриси босилиши билан бошланган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, аниқроғи, 1963 йил 11 август куни "Қизил

Ўзбекистон" газетасида унга жавобан Фафур Фулом, В.Зоҳидов ва Ҳамид Фуломларнинг "Тобутдан товуш" ҳақида" деган тақризлари эълон қилинади. Унда комедия ҳам, О.Шарафиддинов тақризи ҳам кескин дўппосланган эди. Комедияни қаттиқ қоралаш учун унинг айрим ўринларида ғайриҳоқий, фаҳш сўзлару хатти-ҳаракатлар борлиги дастак қилиб келтирилган эди. Тақриз эса шундай комедияни юқори баҳолагани учун аёвсиз лаънатланган эди. Ўша пайтлардаёқ ҳашар тақризининг юқоридан берилган топшириқ асосида ёзилганлиги кўпчиликка кундек равшан эди. Унинг уюштирилганлигини дарсда О.Шарафиддинов тўғридан-тўғри эътироф этиб, олтмишдан ортиқ талаба олдида очикдан-очик: "Фафур Фулом, муман, спектаклни бориб кўрмаган ҳам", — деган эди. Ушандан кейин матбуотда комедияни ва О.Шарафиддинов тақризини ғимоя қилувчи кўплаб мақолалар ёритилди. Энди ўйлаб қарасам, уларнинг ҳеч бирида, ҳатто ўзимнинг докторлик диссертациямда ҳам комедия ва О.Шарафиддинов тақризининг ҳукмрон доираларга, раҳбариятга ҳамда уларнинг мардикорларига ёқмаганлигининг, барчасида ғазаб қўзғатганлигининг асл сабаблари ҳозирга қадар ҳаққоний очиб берилмаган экан. Раҳбариятга, амалдорларга биринчи навбатда, комедиянинг пафоси, ўткир ҳажвий тиғи маъқул бўлмаган. Ўша тиғ худди уларнинг ўз юракларига санчилиб, оёқлари остидаги ер йўқолиб қолаётгандек туюлган. Комедиянинг бутун жанговар ва кулгига йўғрилган руҳи жамиятдаги порахўрликдек даҳшатли иллатни илдирилари, тағ-томири билан кўприб ташлашга йўналтирилган эди. Деярли барча даврларда мавжуд бўлган порахўрлик комедияда тасвирланган вақтда, яъни XX асрнинг 60-йилларида ҳам аксарият раҳбарлару амалдорларнинг роҳат-фароғатда яшаш манбаи ҳисобланарди. Шу чексиз бойликдан маҳрум қилиб қўяётгандек кўринган комедия уларнинг қақшатқич қаршилигига учраши табиий эди. Мансабдорлару уларнинг дастёрлари қалбида О.Шарафиддинов тақризи чексиз нафрат уйғотганлигининг сабаби шунда эдики, унда порахўрликдек азалий ва абадий иллатни юксак бадий маҳорат билан фош қилган комедия ўз пафосига кўра барча замонлар учун аҳамиятли эканлиги очиб берилган эди. Мазкур ғоя тақризда очикдан-очик таърифлаб берилмаган бўлса-да, эндиликда ўқувчи ундан худди шундай хулосани чиқариб олиши қийин эмас. Комедияни қоралаганда порахўрлик масаласида муаллиф билан ҳам, тақризчи билан ҳам очикдан-очик мунозарага кириша олмас эдилар. Бунинг сабаби шунда эдики, Абдулла Қаҳҳор комедияга доҳий В.И.Лениннинг порахўрлик коммунизмнинг уч душманидан бири эканлиги ва у тағ-томири билан қуритилиши зурурлиги тўғрисидаги сўзларини эпиграф қилиб келтирган эди. Балки худди шундай усталик, билимдонлик ва узоқни ўйлаб иш юритиш адибни ҳам, танқидчини ҳам балолардан сақлаб қолган бўлса ажаб эмас. Асарнинг асосий муаммоси юзасидан эътироз билдиришга журьат тополмаган ҳожатбарор шоирлар-у академиклар комедиядаги арзимас камчиликларни рўкач қилиб, ёзувчи ва мунаққидни бошқа томондан оёқларидан чалишга уринганлар. Фақат О.Шарафиддинов бундай уринишларни ҳам жавобсиз қолдирмади. У 25 йил кейин эълон қилган "Абдулла Қаҳҳор" китобида уларнинг даъволарини тўлиғича инкор этиб, "Тобутдан товуш" ўзбек адабиётида яратилган энг ғўзал ҳамда узок замонларгача қадр-қийматини йўқотмай диган комедия эканлигини исботлаб берди. Демак, у танқид ва адабиётшунослигимизга Абдулла Қаҳҳор ва "Тобутдан товуш" комедияси тўғрисидаги яна бир янги қарашни олиб кирди.

Баъзан Озод ака ўта қалтис қарашларини матбуотда эмас, балки дарсларда, талабалар даврасида ўртага ташлар эдилар. Кўпинча, у энг буюк ёзувчилар аксарият ҳолларда ҳукмрон ижтимоий тузум вп раҳбарият билан чиқишмай қоладилар, яъни ораларида кескин зиддиятлар келиб чиқади, деган фикрни сира қўрқмай такрорлар ва даъвосининг исботи учун талайгина мисоллар келтирар эди. Шўро замонида бундай гапларни айтиш ўтакетган шаккоклик саналар ва даҳшатли оқибатларга олиб бериши мумкин эди. Талабаларнинг Озод акага бўлган чексиз ҳурмати тўғрисида бундай гаплар аудиториядан ташқарига чиқмас ва жусур муаллим содиқ тингловчиларини юқоридаги каби донолик меваларидан баҳраманд этишда, онгларини оҳори тўкилмаган фикрлар билан бойитишда давом

этаверар эди. У мутлақо кутилмаган вазиятларда талабалар манфаатини ҳимоя қилиш, турмушларидаги энг мураккаб муаммоларни кўтариб чиқиш имкониятларини топа олар эди. Ўзбекистон Миллий университети 85 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушанда ҳамма университет шағнига баландарвоз оққишлар ёғдираётган бир пайтда, ғамхўр устоз талабаларни пул тўлаб ўқитиш ота-оналар учун ниҳоятда оғирлик қилаётганлигини, моддий имкониятлари етишмаётган сон-саноксиз истеъдодли ёшлар олий таълим оломай қолаётганини чексиз ачиниш ва катта жасорат билан сўзлаган эди.

Шу тариқа О.Шарафиддиновнинг деярли барча мақолалари, тақризлари, портретлари ва дарсларида албатта қандайдир янги умумлашма ҳамда ғоялар илгари сурилари. Ўз ғояларининг ишончли ифодаланишида бадиий асарлар таҳлилини асосий восита деб ҳисоблар ва ундан фойдаланиш соҳасида мўъжизалар кўрсатган эди. Кўплаб китоблари, хусусан, "Замон, қалб, поэзия", "Истеъдод жилolari", "Биринчи мўъжиза", "Ҳақиқатга садоқат" сингари асарлари гувоҳлик беришича, ўзбек танқидчилари орасида О.Шарафиддинов бадиий асарни таҳлил қилиш йўллари, усуллари ва методларини ҳаммадан кўра яхши билган ҳамда ўз фаолиятида онгли равишда фойдаланган ягона мутахассис бўлса ажаб эмас. Буни бизга ўтган дарсларида Озод аканинг бадиий асар таҳлили методлари ҳақида муфассал билим бергани ҳам яққол тасдиқлайди. Унинг бадиий асар таҳлилини танқидий қарашлар исботида асосий восита деб қараганига эса мен ўз тажрибамда иқроор бўлганман. Мен номзодлик диссертацияси ёза бошлаганимда, дастлабки қораламаларни ўқиб чиқиб, Озод ака шундай деган эдилар: "Баъзи тўғри фикрлар, кузатишлар бор-ку, фақат романларнинг муфассал ва чуқур таҳлили етишмаётганга ўхшайди". Шу гапдан кейин мен илмий ишда таҳлил ҳал қилувчи роль ўйнашини тушуниб етдим ҳамда ўша пайтларда босилиб чиққан икки асарни, яъни Мирмуҳсиннинг "Чиниқиш", П.Қодировнинг "Қора кўзлар" романларини кўлимдан келганча кенг таҳлил қилиб бир мақола ёздим ва ҳар ҳолда қайта ишласам керак, деган ҳадик билан остига ҳеч қандай имзо қўймай, Озод акага ўқишга бердим. Хайриятки, хавотиригим ўринсиз бўлиб чиқди, чунки Озод ака мақола остига "Санжар Содиқ" деб ёзиб ва "Оқ йўл" кўшиб, ўзлари "Шарқ юлдузи" журнаliga топширибдилар. Натижада журналнинг 1967 йил 4-сонида "Ҳозирги ўзбек романи тараққиётининг баъзи хусусиятлари" деган биринчи жиддий мақолам босилиб чиқди. Ушандан бери Озод аканинг журналда мақолага илова қилинган "Оқ йўл"ларидан руҳланиб, мен кўпчилик тақриз ва китобларимни "Санжар Содиқ" таҳаллуси билан эълон қилиб келаман.

Бадиий асар таҳлилига ўта талабчанлик оқибатида О.Шарафиддинов танқидий мақолалари чексиз таъсирчанлик ва ишонтириш қудрати касб этар ҳамда унинг ҳар бир ғояси, қарashi, ҳаттоки алоҳида сўзи адабиёт раvнақига кучли туртки берар, шунингдек, нафосат оламига, омма орасига ўз-ўзидан тарқалиб борар эди. Таҳлил гўё О.Шарафиддинов кўлида бадиий асар моҳиятини ярқиратиб кўрсатувчи лакмус қоғози ва танқидчи ғояларининг самарадорлигини, парвозини таъминловчи қанот вазифасини ўтар эди.

Кузатишларию қарашларининг адабиёт оламига кенг тарқалиши ва ижодий жараёнга кучли таъсир кўрсатиши оқибатида Озод Шарафиддинов ўзбек танқидчилиги ҳамда сўз санъатида етакчи ғоялар генератори даражасига кўтарилди. Натижада унинг овози республикамиздан ташқарида ҳам танила бошлайди ва обрў-эътибор қозонади. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун 1959 йили Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасини эслаш кифоя. Декада вақтида ёзувчилар уюшмасида ўзбек адибларининг энг янги асарлари муҳокамаси ўтказилган эди. Унда О.Шарафиддинов "Замонавийлик — адабиётнинг қалби" деган мавзуда катта маъруза қилган эди. Маърузада танқидчи ўзбек ёзувчиларининг сўнгги йиллардаги энг яхши асарларини марказга кўз-кўз қилгани ҳолда, унинг ривожига ҳалақит бераётган иллатларни ҳам рўй-рост очиб берган эди. Ўша пайтларда ўзбек адабиётининг энг яқин дўстларидан ҳисобланган рус танқидчиси Вера Смирнова О.Шарафиддинов нутқини катта ҳаяжон билан тинглаганини ва қаноат ҳосил қилганлигини айтган эди. У ўзбек халқи орасидан шу қадар билимдон, зукко ва истеъдодли танқидчилар етишиб чиқаётганлигидан чексиз қувонганлигини алоҳида таъкидла-



ган эди. Демак, Озод Шарафиддиновнинг Москвада сўзлаган нутқи фақат унинг ўз сўзи бўлиб қолмай, бутун ўзбек халқининг озод овозидек жаранглаган эди.

Фақат ўзгалар учун умр чўққисидек туюлувчи шундай юксакликларга кўтарилганда ҳам, О.Шарафиддинов эришган мавқеини ўзи учун сўнгги марра ёки охири нуқта деб ҳисобламас эди. У ҳар доим билимларидан, қилган ишларидан ва эришган муваффақиятларидан мутлақо қониқмай яшар эди. Балки, шунинг учун бўлса керак, Озод ака танқидчи Умарали Норматовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилишига бағишланган зиёфатдаги қадаҳ сўзида: "Қамолотнинг чегараси, охири бўлмайди. Шу сабабли инсон қамолотининг янгидан-янги марралари сари интилаверади", — деган эди. У ҳар соҳада мукаммалик бўлишини истар ва: "Чала-чулла иш қилган одамдан ёмони бўлмайди", — деган гапни тез-тез такрорлар эди. Озод ака ўзи ва шогирдларининг билими, меҳнатсеварлиги, фаолиги, истеъдоди тинимсиз ортиб боришини ва тенгсиз самаралар беришини хоҳлар ҳамда шу йўлда муттасил курашар эди. Шу сабабли у шогирдларига мақола ёзиш ёки дарс ўтиш ҳақида маслаҳатлар берар экан, энг кичик тафсилотларни ҳам унутмай, ипидан игнасиғача тушунтиришдан зерикмас эди. Бу фикрнинг ҳаққонийлигига иқрор бўлмоқ учун унинг менга амалий машғулот ўтиш йўларини қандай ўргатганини хотирлаш кифоя. Кунларнинг бирида Озод ака билан ўртамизда мана бундай суҳбат бўлиб ўтган эди:

— Мен ҳозирги ўзбек адабиётидан маъруза ўқийман, сиз амалий машғулот олиб борасиз. Унда талабаларнинг бадиий асарларни қай даражада ўқиганлигини аниқлаш ва баҳолаш зарур бўлади. Бунинг учун сиз ҳар бир талабадан асарнинг мазмунини, қаҳрамонларини ва тафсилотларини сўрайсиз. Масалан, "Тобутдан товуш" комедияси устида сўз борганда, ўзингиз Абдулла Қаҳҳор билан бўлган учрашувда тилга олган "салкам мотоцикл" бирикмаси нимани англатишини сўрашингиз мумкин. Агар талаба "салкам мотоцикл" мотороллер эканлигини айтса, у асарни ўқиган бўлади. Тафсилотлар билан бир қаторда талабадан китобнинг ранги қандай эканлигини сўрайсиз.

— Вой, Озод ака, ўзим китобнинг рангини кўрмасам, уни талабадан қандай қилиб сўрайман? — дедим мен ҳайратланиб.

— Дарвоқе, шундай-а? Майли асар мазмуни ва тафсилотларини сўрайверинг. Бордию китобнинг рангини сўраш ноқулай бўлса, муқоваси қалин ё юпқа эканлигини суришгара қолинг.

Шу сўзлардан кейин мен Озод аканинг ҳеч кимда йўқ буюк инсоний самимиятига, яъни мен билан суҳбатда кўзим ожизлигини буткул унутиб гаплашганига қойил қолганман. Амалий машғулот ўтказиш йўларини тушунтирар экан, у ўзимнинг билимларим ҳам қотиб қолмай, бойиб боряптими-йўқми эканлигини сездирмай текшириб кўришнинг чораларини топар эди. Бунга мен Эзоп ҳақидаги суҳбатимизда тўлиқ иқрор бўлганман. Мен қул Эзопнинг хўжайини жуда қизиқ гаров ўйнаганини эслатган эдим. Шунда Озод ака:

— Нимадан гаров ўйнашади? — деб сўрадилар.

— Денгизни ичишдан, — деб жавоб қайтардим мен.

— Хўш, гаровда ютқазган қулдор денгизни ичадимми?

— Ичмайди. Уни Эзопнинг маслаҳати қутқаради.

— Эзоп қандай маслаҳат беради?

— Эзоп қулдор файласуфларга шундай маънода жавоб беради: денгизга кўплаб дарёлар келиб қуюлади. Агар ўша дарё сувларини ажратиб олсанглар, денгизда қолганини мен ичаман.

— Мен билмайсиз деб ўйлаган эдим. Билар экансиз-а? Дуруст, — дея Озод ака суҳбатга якун ясадилар.

Демак, қизиқ бир суҳбат воситасида Озод ака менинг Эзоп ва унинг топқирлиги ҳамда қадимий масалчи тўғрисидаги бадиий асарлар юзасидан муайян билим, тасаввурим борлигини аниқлаганлар. Фақат шундан кейингина устоз маърузаларига, имтиҳонларга вақт топа олмасалар, ўринларига мени чақирадиган бўлганлар.

Озод Шарафиддинов ҳақиқий педагог каби чинакам олим ҳам ўз касбига боғлиқ вазифани бажарганда, заррача хатога йўл қўйиши мумкин

эмас деб ҳисобларди. Мазкур фазилатини у "Озодлик" радиоси учун ўзбек танқидчилиги ҳақида суҳбатлар туркуми тайёрлаётганимизда тўлиқ намоён қилган эди. Ҳал гал Озод ака бизнинг уйга келар ва бир неча соат давомида иккаламиз суҳбат қуриб, магнит лентасига ёзар эдик. У киши келганларида, мен чой ичишни таклиф қилсам, "аввал суҳбатни тайёрлайлик", — деган жавоб эшитар эдим. Суҳбат давомида Озод ака битта сўзнинг ҳам хато бўлишини истамас эдилар. Агар суҳбатнинг бирон жойи кўнгилдагидек чиқмаган бўлса, Озод ака ўша ерга тегишли маттни қайта гапирар ва мен бошқатдан ёзиб олардим. Суҳбат тугагач, уни бошидан охиригача эшитиб кўрар ва биронта ҳам нуқсон йўқлигига иқроор бўлганимиздан кейингина ишни тўхтатар эдик. Сўнгра шахмат устида чой ичар эдик. Озод ака битта руҳни олиб қўйиб ўйнагандагина, уни ютган пайтларим бўлган. Охирида кичкина дастурхон ёзиб, суҳбатни "ювар" эдик. Бу сўзлардан сўнг ўз-ўзидан: "Озод ака шогирдларига шундай ишларни ҳам ўргатадими? — деган савол туғилади. Ургатмас эди. Фақат у замонасининг тенгсиз алломаси бўлса-да, ўзини сира катта тутмас ҳамда шогирдлари ҳатто талабаларининг дастурхонидан тортинмас ва ҳамма нарсада меъёрни унутмаслик шартлигини таъкидлар эди. Юқоридаги "ювиш"лардан анча аввал Озод ака менга ундан ҳам қизиқроқ маслаҳат берган эди. Мен номзодлик диссертациясини ёқлаган кезларда у: "Санжар, энди унча-мунча қизлар билан юрсангиз бўларди", — деган эди. Балки шу маслаҳат даъвати билан кўп ўтмай табиат менга Лобархон деган гўзал қизни рўбарў қилиб, тўйимиз тезлашиб кетган бўлса ажаб эмас. Бундан чексиз қувонган Озод ака орадан ўттиз йил ўтгач, менга бағишлаган ва "Ҳар инсон — бир мўъжиза" дея номланган мақоласида Лобархонни ҳам тилга олиб: "Санжарнинг тўртта гулдек фарзанди бор", — деб ёзган эди.

Озод ака ўз сўзини ҳеч кимга зўрлик ёки куч билан ўтказмас эди. У одамларни ўз сўзига фикрларидаги манتيқ қудрати ёки қизиқ мисоллар келтириш йўли билан ишонтирар эди. Кўпинча сўзларини эшитган одамлар кула-кула унинг ҳақлигига иқроор бўлганларини ёки таклифини қабул қилганларини ўзлари сезмай қолар эдилар. Ўзимнинг ҳаётимда ҳам худди шундай ҳодиса рўй берган эди. Дастлабки мақолаларимдан бирини Озод акага ўқитиб, маъқуллаганимдан сўнг уни "Шарқ юлдузи" журнаliga олиб бордим. Ўша вақтда журналнинг танқид бўлимида курсдош дўстим Маҳмуд Саъдий ишлар эди. У мақоладан Ҳамид Фуломнинг "Сенга интиламан" романига оид танқидий фикрларни олиб ташлаш кераклигини айтди. Шундай қилинмаса, журналга бош муҳаррир бўлган Ҳамид Фулом мақолани бутунлай чиқармай қўяр экан. Бу гапни мен дарҳол Озод акага етказдим. Озод ака Маҳмуд Саъдий тақлифини маъқулладилар. Мен бўлсам, нуқул ўжарлик қилиб: "Қани демократия? Қани ҳудод эркинлиги?" — деб жиғибийрон бўлардим. Шунда Озод ака менга Н.В.Гоголнинг "Ревизор" комедиясидаги қизиқ бир воқеани эслатдилар. Комедияда шаҳар ҳоқими Хлестаковнинг олдига келиб: "Тўрам, ишонманг. Савдогарнинг хотинини мен урганим йўқ. У ўзини ўзи урган", — дейди. Шу гапларни хотирлаб, Озод ака: "Ахир, Ҳамид Фулом ўзини ўзи урмайди-ку?" — деган эдилар ва мен кулгидан ўзимни тўхтатолмай, мақоладан "Сенга интиламан" романига оид танқидий ўринларни тушириб қолдирган эдим.

Аксарият истеъдодли одамлар каби ҳазил-мутойиба, кулги, юморга мойил бўлса-да, Озод ака ўз фикрларини ҳар доим ҳам юқоридаги сингари усталик, самимият ва табиийлик билан ўтказавермас эди. Баъзида ҳаддан ортиқ даражада газабланиб, кимларгадир чексиз жаҳл ва момақдироқдек гулдуррак овоз билан гап уқтирганини, астойдил бақирганини ҳам кузатиш мумкин эди. Ўшандай ҳодисалардан бири талабалардан имтиҳон олаётган вақтимизда рўй берган эди. Кўпинча биз имтиҳонларни Озод ака билан бирга олар эдик. Фақат алоҳида-алоҳида стол ёнида ўтириб, бир вақтнинг ўзида иккитадан талабанинг жавобини тинглардик. Ҳар ким ўз қаршисидаги талаба билан банд бўлгани учун нариги столдаги гапларни эшитавермас эди. Бир гал тўсатдан Озод аканинг қаттиқ-қаттиқ гапира бошлагани эшитилди. Бир талаба қизнинг қайсидир гапи домлани тутатириб юборган эди. Улар орасида қандай тортишув кечгани ҳозиргача менга қоронғи бўлиб келади. Фақат Озод аканинг тутақа бошлагандан кейин қизга айтган мана бу сўзлари ҳеч қачон қулоғимдан кетмайди: "Мен сизга нима

дедим? Ё олдингизда маймун ўйнатаяпманми? Боринг, қаерга шикоят қилсангиз қилаверинг. Барибир мен сизга ижобий баҳо қўймайман".

Ушбу қаҳр гулдуросини эшитганимда, назаримда аудиторияда худди "шиддаткор Виссарион"нинг шарпаси кезиб юргандек бўлиб туюлган эди. Бундай пайтларда Озод акага эътироз билдириш ёки талабанинг ёнини олиш амри маҳол эди, чунки дарғазаб устоз ўзингизни ҳам уришиб ташлаши ҳеч гап эмас эди. Хайриятки, бундай ловуллаб ёниш ва порглаш узоқ давом этмас ҳамда ҳадеб қайтарилавермас эди. Кўпинча газаби пасайгандан кейин домланинг шаккок талабага нисбатан муносабати ҳам ўзгарар эди. Хусусан, ўзини жаҳл отига миндирган қиз имтиҳонга қайтадан тайёрланиб келгач, Озод ака унга қониқарли баҳо қўйиб берган эди. Фақат бу ҳодисадан: "Озод ака жуда кўнгилчан, юмшоқ супурги одам бўлган экан", — деган хулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Озод ака ўзи ҳам ортиқчароқ қизишиб кетганини пайқаган ҳоллардагина бир оз ён бериши мумкин эди. Худди шунингдек, жуда камдан-кам ҳолларда Озод ака ўз қарашлари, мақолалари юзасидан билдирилган айрим эътирозларни, танқидий фикрларни ғоятда ижирғаниб бўлса-да, тан олганлигини кузатганман. Бундай қизиқ эътироф "Шарқ юлдузи" журналида 1989 йили "Нурли ижод манзаралари" номли мақолам босилганда кузатилган эди. Мақолада мен тақидчининг "Абдулла Қаҳҳор" номли китоби устида мулоҳаза юритиб, "Синчалак" повести бир оз кўтаринкироқ баҳолаб юборилганини исботлашга уринган эдим. Уни ўқигандан кейин Озод ака бир кун: "Санжар, сиз ўзи қандай тақриз ёздингиз?" — деб сўраб қолди. Мен жавоб бериб улгурмай, устознинг ўзи: "Синчалак" босилиб чиққан пайтларда асар бутун иттифоқ бўйича шундай юқорироқ баҳоланган эди-да. Балки чиндан ҳам ундай баҳолар ҳозирги даврда бир оз эриш туюладиган бўлиб қолгандир. Лекин барибир "Синчалак" — яхши асар", — деб қўшиб қўйдилар. Мен ҳам тасдиқладим ва мақолада худди шундай фикрни исботламоқчи бўлганимни билдирдим. Бироқ, Озод аканинг танқидни қабул қилиши жуда қийин кечар эди. Муҳим илмий муаммолар, жиддий танқидий масалалар, адабий ҳодисалар, долзарб таълим тамойиллари устида гап кетганда эса, қатъийлик, изчиллик, фикрда собитлик, ҳужумкорлик, муросасиз курашчанлик сингари принципларидан сира чекинмас эди. Бир қанча мақолалари, хусусан, "Дамир Усмоновнинг икки баҳори", "Генерал Равшанов", "Ўзбекнома" сингари асарлар ҳақидаги тақриزلари худди шундай фазилатларнинг маҳсули сифатида дунёга келган ва шов-шув уйғотган бўлса ажаб эмас.

Мазкур фазилатлари туфайли О.Шарафиддинов камолотнинг янада юксакроқ чўққиларига кўтарилди: Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди, Республика Давлат мукофотиغا эришди. Гап мунаққидга шундай мукофотлар берилганлиги ҳақидагина кетаётгани йўқ. Диққатга лойиқ жойи, у умрининг охиригача саккиз йилида, яъни икки оёғи кесиб ташланган даврда тўла маънодаги ҳақиқий қаҳрамон эканлигини намоён қилди. Худди шу йилларда мунаққид аввал ўтган бутун онгли умридагига нисбатан бир неча марта фаолроқ ва маҳсулдорроқ меҳнат қилди. Худди шу фаоллик туфайли олимнинг "Ижодни англаш бахти", "Довондаги ўйлар" сингари китоблари ва кўлёмза шаклида қолган яна юзлаб мақолалари майдонга келди ҳамда улар ўзбек танқидчилиги ва публицистикасининг нодир намуналари, энг жиддий ютуқлари қаторидан ўрин эгаллади. Уларни ўқир эканмиз, Озод ака ёзувчи Н.Островский тўғрисидаги мақоласига қўйган ажойиб бир сарлавҳа хотирамизда жонланади. Ўша мақоласини Ромен Роллан сўзлари билан "Фаолликнинг ёниқ машъали" деб атаган эди. Энди сўнгги йиллардаги матонатли меҳнати ва беқиёс самарали изланишларини инобатга олиб, унинг ўзини ҳам сира иккиланмасдан шундай деб аташ ўринли бўлади.





Даврон Махсудов,  
тадқиқотчи

## Ҳофиз ад-дин ан-Насафий

Ҳозирги Қарши деб аталадиган қадимги Насафдан етишиб чиққан кўплаб алломалар ўз шаҳарлари номини бутун мусулмон дунёсига таратганлар. Ана шундай алломалардан бири. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошида яшаган Абу-л-Баракот ан-Насафий ўзининг чуқур илмий тафаккури, тафсир, ақида, фикҳ соҳаларидаги етук билими билан ажралиб туради.

Абу-л-Баракот ан-Насафий туғилиб, яшаган даврдаги илмий, маданий ва иқтисодий муҳит анчагина ночор бўлган. Чунки, ўша пайтлар мўғуллар Мовароуннаҳрни тўла бошқараётган, илм-фан ва маданият ривожига бўғиб қўйилган, кўплаб зиёли, илм эгалари қатл этилган ёки бошқа юртларга кўчиб кетган, одамлар, хусусан, деҳқонлар устма-уст йиғиладиган солиқлардан жуда чарчаган бир даврга тўғри келган.

Табиийки, бундай шароитда аҳолининг илмга бўлган ташналиги ортиб, бу ташналикни қондириш қийин кечган. Шунга қарамай, Абу-л-Баракот ан-Насафий сингари алломалар илм саҳнасига чиқиб келиб, ўлмас асарлар қолдирганлар, одамларга панду насиҳат қилиб, тўғри йўлни кўрсатганлар, шаклланиб келган илмий анъанани давом эттириб, уни юқори босқичга кўтаришга ҳаракат қилганлар. Абу-л-Баракот ан-Насафий мўътадил мазҳаб — ҳанафийлик ҳамда мотурудийлик таълимотини кенг тарақалишига катта хизмат қилган.

Абу-л-Баракотнинг тўлиқ исми Ҳофиз ад-дин Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий бўлиб, у тахминан милодий 1232 йилда туғилган. Олимлар уни мутааххир (кейинги) олимларнинг машҳури, ер аҳлининг устози, Аллоҳнинг ҳужжати, фикҳ илми билимдони, Куръон маъноларини кашф қилувчи, дин ва миллат ҳимоячиси, пайғамбарлар илмлари меросхўри, ислом ва мусулмонлар шайхи (етакчиси), деб тавсифлайдилар.

Абу-л-Баракот ан-Насафий 710/1310 йилда Бағдодга келади ва шу йили Рабиъ ал-аввал ойининг жума куни кечаси Бағдодда вафот этади ва Исфаҳон яқинидаги Изаж шаҳрида дафн қилинади.

Абу-л-Баракот ан-Насафий Насафда туғилган бўлса-да, Бухорода таълим олган, ёшлик даври диний-илмий муҳитда ўтган, илм сафари асносида кўплаб мамлакатларга борган ва қаерда бўлмасин обрў-эътибор топган. Илмга берилгани боис, сиёсий жараёнлардан узоқ бўлган. Унинг номи жуда кўп жойларга тарқалган. Маълум бир вақт Кермон шаҳридаги “Ал-Қутбийя ас-султонийя” мадрасасида мударрислик қилган. Сўнг, Бағдодга келиб, у ерда илм талабаларига таълим берган. Ан-Насафий жуда тақводор ва диёнатли бўлган, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Абдулҳай ал-Лакнавий уни “замонасида тенги йўқ комил инсон, фикҳ ва усул (ал-фикҳ олимлари) етакчиси, ҳадис ва унинг маъноларида ўткир олим бўлган” деса, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний эса, унга “алломаи дунё”, деб баҳо берган.

Манбаларда қайд этилишича, Ибн Камол Бошо Ан-Насафийни “Кучли ва заиф ривоятларни ажрата оладиган, асарларида рад қилинган сўз ва кучсиз

ривоятларни келтирмайдиган муқаллид, фақиҳ олимлар табақасидандир. У билан ижтиҳод даври тугаган, ундан кейин мазҳабда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид қолмаган”, деб айтади. У мукамал илми боис, “Ҳофиз ад-дин”, яъни, “динни ҳимоя қилувчи”, деган шарафли номга муяссар бўлган.

Манбаларда Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг устозларидан фақатгина учтаси санаб ўтилган, холос. Жумладан, Ан-Насафий машҳур “Фатово Қозихон” муаллифи Фахруддин Қозихон ва “Ал-Ҳидоя” соҳиби Бурҳонуддин ал-Марғиноний каби буюк устозларнинг шогирди ва ўз даврининг етук олими, Шамс алаимма (имомлар куёши) Муҳаммад ибн Абдуссаттор ал-Кардарийдан таҳсил олган.

Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг турли соҳалардаги илмий асарлари бизгача етиб келган. У ислом ҳуқуқига оид “Канз ад-дақиқ” (“Нозик масалалар ҳазинаси”), “Ал-вафи” (“Тўлиқ”) ва унинг шарҳи “Ал-кафи” (“Кифоя қилувчи”) каби йирик асарларни ёзган. Буларда у фикҳий масалаларда ҳанафийликни қўллаб-қувватлаш, баробарида, ихтилофли масалаларни қиёсий асосда турли мазҳабларда қандай талқин этилишини ёритиб кетган, мўътабар фикҳий асарларда мавжуд масала ва фатволарни ўзида жамлаган. Мазкур асарларни Тош Кубри Зода, Ҳожи Халифа, Абдулхай ал-Лакнавий каби олимлар мўътабар, мақбул ва латиф китоблардан санаётдилар. Шу сабаб, уларга бағишлаб ўндан зиёд шарҳлар ёзилган.

“Умдат ал-ақоид” (“Ақидалар асоси”) Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг ақида илмига оид муҳим масалаларни ўзида қамраган, мухтасар ҳолда ёзилган асаридир.

Муаллифнинг ўзи унга шарҳ ёзган ва уни “Ал-эйтиқод” деб номлаган. Шу билан бирга, унинг шу илмга тааллуқли бўлган “Баҳр ал-калом” асари ҳам мавжуд.

Алломанинг “Ал-манор” (“Маёқ”) номли асари усул ал-фикҳ (фикҳ асослари) ва унинг қонун-қоидалари ҳақида бўлиб, унда Куръон, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ҳукм олиш каби услублар баён этилган. У олимлар томонидан усул ал-фикҳ соҳасидаги қисқа, лекин жуда фойдали ва ҳанафий мазҳабига оид энг машҳур асарлардан бири сифатида тан олинган. Бу хусусда Ибн ал-Айний: “Мен усулга оид бунга тенг келадиган асарни кўрмаганман”, деган эътирофни баён этса, Ҳожи Халифа: “У асарларнинг асари, қисқа, кенг қамровли, фойдали, ўзига ўхшаш кенг ва ихчам китоблар ичида кўп ўқиладиган, ҳажми кичкина, матни қисқа бўлиши билан бирга, ҳақиқатларга тўла денгиз, дақиқ иборалардан иборат ҳазина сингаридир”, деган фикрни билдиради. Бу китобнинг ўзи ва унга битилган шарҳлар асосида диний таълим муассасаларида усул ал-фикҳдан сабоқ бериб келинган.

“Мадорик ат-танзил ва ҳақоиқ ат-тавил” Абул-л-Баракот ан-Насафийнинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб, у Куръонга ёзилган тафсир китобидир. Асар нафақат ҳанафий мазҳаби, балки, бугун ислом оламидаги сара тафсирлардан бири ҳисобланади. Шу сабаб, у Мисрнинг “Ал-Азҳар” университети каби мўътабар илм даргоҳларида ўқитилмоқда. Байрутнинг ўзида охириги ўн йилда бу асар уч бора нашр этилди.

Алломанинг юқоридагилардан ташқари фикҳ илмига оид “Ал-мустасфа фи шарҳ ан-нафиъ фи-л-фуруъ”, (“Фикҳ тўғрисидадаги ан-нофининг мукамал шарҳи”) асари ҳам бор. Мазкур асар Носир ад-дин Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Юсуф ас-Самарқандийнинг “Ал-фикҳ ан-нофиъ” асарига ёзилган шарҳдир. Шунингдек, яна Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг шу илмга оид “Ал-мусаффа фи шарҳ ал-манзума ан-Насафийа фи-л-хилаф” (“Хилоф илмга оид ан-Насафий назмининг аниқланган шарҳи”) асари Нажм ад-дин Умар ан-Насафийнинг “Ал-манзума ан-Насафийа фи-л-хилаф”ига ёзилган шарҳидир.

Юқоридагиларнинг ўзиёқ, Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг нақадар чуқур билим, илму маърифат соҳиби эканини кўрсатиб турибди. У қанчалик қийин шароитда яшашига қарамай илмга чуқур ихлос билан ёнлашиб, унинг даражасини баланд кўтаради.





Турсун Курбон Туркаш,  
тадқиқотчи

## Залилийнинг “юз туман минг орзу” си

Залилий XVIII аср уйғур адабиётининг йирик намояндаларидан биридир.

Шоирнинг асл исми Муҳаммад Сиддиқ бўлиб, Залилий унинг адабий тахаллусидир. Залилийдан бой адабий мерос қолган. 196 ғазал, 18 мухаммас, 6 мустаҳзод, 2 қасида, 2 соқийнома, 1 достон, 27 рубойи ва 2 назмий тазкирани жам этган девонининг борлиги ҳам бунинг далилидир. Шоирнинг шеърлар девони 1985 йили Хитойнинг Пекиндаги “Миллатлар нашриёти” да чоп этилган (қуйида мақолада келтирилган шеърлар мазкур китобдан олинди).

Залилийнинг туғилган вақти ҳақида унинг ўз асарларида қисман ишоралар бор. Масалан, шоирнинг ҳижрий 1157 (милодий 1744) йили ёзилган “Тазкираи Хўжа Муҳаммад Шариф Бузруквор” асаридаги:

*Хаста Залилийдир ўлмади ҳануз,  
Бўлмади қирқ ёшида мусулмон ҳануз, —*

деган байт маъносига кўра, Муҳаммад Сиддиқ Залилийни тахминан ҳижрий 1087-1091 (милодий 1676-1680) йиллар оралиғида туғилган деб ҳисоблаш мумкин. Залилийнинг қаерда туғилганини ҳам шеърларида келтирган ишоралар воситасида аниқласа бўлади:

*Кетти Залилий телба имомон тавофиға,  
Ёрқанд ичида найласун обу замини йўқ?*

(Телба Залилий икки имомни, яъни, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнни тавоф қилгани кетди. Ёрқандта тегишли ер-суви бўлмаса, бошқа нима ҳам қилсин?)

*Билоди Ёрқанддин юз туман минг орзу айлаб,  
Ажамнинг маккасин ҳаж қилай деб бегумон келдим.*

(Жуда катта орзулар билан Ёрқанддан Ажамнинг маккаси деб аталган Хўтанга ҳаж тавоб қилиш ниятида бегумон келдим.)

Бу мисралардаги ишоралар Залилийнинг Ёрқандта туғилганлигини ва у ерда ўттиз йилдан ортиқроқ яшаганлигини кўрсатади. Шоир ўзининг “Сафарнома” асарида Ёрқандни “чеман” (гулшан)га, Ақсу-Кўчарнинг ёқутига муқояса қилиб мадҳ этади.

Залилий Ёрқанддаги хонлик мадрасасида таҳсил олган. Бу хусусда “Сафарнома”сида шундай байтларни битади:

*Чашмаи чироғи ҳама мамлакат,  
Равнақи боғи чамани маърифат.*

\* \* \*

*Бир тарафи мадрасаи хонидур,  
Илм била фазл гулистонидур.*

\* \* \*

*Жамъ экан мадрасада олимон,  
Равшан ўлуб ҳар бири шамъ жаҳон.*

\* \* \*

*Олим ҳам омил охун учун,  
Маснади ҳикматда Фалотун учун.*

Шоир бу байтларда ўзи билим олган хонлик мадраса (мадрасаи хон)ни илм билан фазилатнинг гулистони, маърифат нури билан жаҳонни ёритувчи олимлар тўпланган жой, кўнгилли мутолаа бўлиб турадиган, ҳикмат бобида Афлотунга дарс берувчи олим-уламолар йиғилган маскан, дея таърифлайди.

Муҳаммад Сиддиқ Залилий бир қатор ғазаллари ҳамда бошқа ёзувларида Жалолиддин Румий, Боязид Бастомий, Шамсиддин Табризий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий сингари мутафаккир, алломаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади. Бу, ўз навбатида, Залилийнинг Шарқ мумтоз шоирлари ижодидан катта таъсир олганини билдиради.

Залилий девонидаги:

*Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо,  
Чу семурғ каби парвоз айладик бебалу нар танҳо, —*

матлаъли ғазал 1959 йили нашр этилган “Ўзбек адабиёти” антологияси 3-томининг 335-саҳифасида келтирилган Машраб мухаммаси таркибида учрайди. Мухаммас беш банддан иборат. Залилий ғазали эса тўққиз байт. Демак, Машраб мухаммасида Залилий ғазалининг қолган беш байти учрамайди.

Машрабнинг 1640 йили туғилиб, 1711 йили вафот этгани инобатга олинса, шоир Қашқарга келган 1665 йилда Залилий ҳали дунёга келмагани аён бўлади. Эҳтимол, анча кекса ёшида Машраб ёш ижодкор Залилий ғазалига мухаммас боғлагандир. Бошқа тахминга кўра, бу ҳол котибларнинг хатоси билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Шоир навқирон ёшида тўсатдан сафар қилмоқ орзусига тушади. Сафарнинг боиси, турлича талқин қилинган бўлса-да, у йўлга чиқиш муддаосини қуйидагича баён этади:

*Сайри жаҳон қилмоғим тарки жаҳондир ғараз,  
Айлагани имтиҳон яхши ёмондир ғараз.*

\* \* \*

*Сўрмағонидин мени бедодлар,  
Золиму бераҳм паризодлар.*

\* \* \*

*Яхшироқ улдулки, сафар айлайн,  
Доғ чекиб, ёр жафосини дейин.*

\* \* \*

*Телба Залилий сайр этар кўнглида матлуби сафар,  
Юрса жаҳонда дарбадар манзилидир Хўтан ҳануз.*

\* \* \*

*Ҳавойи сайри Чин айлар зиҳи бу килки наққошим,*

Демак, шоир Ёркентдан отланиб, Қашқар шаҳри, Атуш-Машҳад, Ордавил (Ақсу), Кўчар, Турфон (Турпон) ҳатто Кўмилгача сайр этган.

У сафарда кўп риёзат тортади. Борган ерларида “Ошиқ қаландар” сифатида мазорларни тавоф этади. Бир ерда икки йил, яна бирида уч йил туради. Залилий бутун сафар жараёнида укаси Далилий, дўсти Мулла Ғазал билан бирга бўлади. Шоир тахминан 50 ёшларида Хўтанга борган ва онасини олиб келиб, у ерда муқим яшаган. Хўтанинг Луп, Қорақош, Керия, Чира деган ерларини зиёрат қилади.

*Мени овора қилган Ёркент шаҳрида моҳимдир,  
Қоронғу айлаган оламни гўё дуди оҳимдир.*


Ушбу байт мазмунига кўра, Ёркент шаҳрида шоирнинг кўнгил қушини овлаган бир маҳбубаси бўлганини ёхуд туғилган юртини соғиниб бу оташ мисрани ёзганини фарз қиламиз.

Шоирнинг қачон ва қаерда вафот этгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳижрий 1155 (милодий 1744) йили ёзган “Тазкираи Хўжа Муҳаммад Шариф Бузруквор” номли асаридаги “Умрим етмишга етиб мард ўлмади”, деган мисра билан 11-рубойисидаги

*Етмишга етибдурман, оғзимда тишим йўқ,  
Ҳафтад ду миллат элига энди ишим йўқ, —*

деган байтларининг маъноси асосида шоир етмиш ёшдан ошиб, узоқ умр кўрган, деб айта оламиз. Баъзи маълумотлар шоирнинг Хўтанда вафот этганини билдиради. Хўтанинг “Олтинли қум” маҳалласидаги “Олтин мазор”да “Муҳаммад Сиддиқ Ёрқандий қабри” номли бир улкан мақбара бўлиб, яқин кунларгача кишилар уни Муҳаммад Сиддиқ Залилийнинг қабри деб тавоф қилишган. Яна Муҳаммад Сиддиқ икки ўғли ва онаси билан муайян даврда яшаган “Олтинли қум” маҳалласи аҳли шоирни Хизр сифатли одам каби кўриб, ўз фарзандларига “Муҳаммад Сиддиқ” деб исмлар қўйган.

Хоксор, қадрсиз, фақир маъноларини билдирган “Залилий” тахаллусли шоир Муҳаммад Сиддиқдан бизга “Сафарнома”, “Тазкираи Чилтон” ва “Тазкираи Хўжа Муҳаммад Шариф Бузруквор” номли асарлар қолган. Бундан ташқари, Хилватий, Маҳмуд Қори, Амирий каби Кўқон адабий муҳитида фаолият кўрсатган шоирларининг Залилий ғазалларига назира, тахмис ёзгани ҳамда шоир шеърларининг XIX асрда Тошкентда чоп этилган “Тухфат ул абидийи”, “Баёзи Муқимий” ва “Девони Маҳмуд Қори” каби тўпламларга киритилганлиги маълумдир. Залилий катта адабий мерос қолдирган ижодкорлар сирасига мансубдир. Унинг асарларини ўрганиш мумтоз адабиёт қирраларини янада тўлдирди ва ойдинлаштирди.







Қўчқор Хоназаров,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

## Уч тилни билмоқ — кўпми?

XX аср ва XXI асрнинг бошланиши кўп ижтимоий зиддиятлар, жумладан, тиллар масаласининг кескинлашишига олиб келди. Бундай вазият жаҳон халқлари кутган натижадан кескин фарқ қилади. Ахир, шу нарсани эслайликки, XX аср давомида қаҳрамонона курашлар натижасида тўрт буюк ғалаба қўлга киритилди: фашизм яқсон қилинди, мустамлака тизими синдирилди, милитаризмга чек қўйилди, охир-оқибат, истибдод социализми парчаланиб, йўқ бўлиб кетишига эришилди. Бу тўрт зафар инсониятга маъмур ҳаёт келтиради, деб тушунди кўплар. Шундай фикр юритувчилар ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос яна бир томони ни инобатга олмадилар. Гап шундаки, юқорида қайд этиб ўтилган тўрт ғалаба туфайли инсон тафаккури илгариги фикр сиқиклигидан, ижодий тафаккур ноэркинлигидан қутулди. Бутун дунё бўйлаб илмий изланиш, тадқиқий синчковлик янги сифат даражасига кўтарилди, янги техника ва янги технологиялар асосида жамиятнинг илгарилаб бориши мисли кўрилмаган даражада тезлашиб кетди.

Натижада чексиз ва битмас-туганмас туюлган жаҳон бор-йўғи ҳар жиҳатдан ўрганилган ва ўзлаштирилган кура эканлиги онгимизга сингди ва жойлашди. Тезуچار самолётлар, соатига уч юз километргача масофани босиб ўтадиган поездлар, океанларни шарқдан ғарбга, жанубдан шимолга кезиб ўтаётган лайнерлар узоқни яқин қилди десак кам, — телевидение, интернет эса бутун Ер курасини чирмаб олиб, уни ўз ихтиёримиздаги заминга айлантирди.

Қисқаси, бугун жаҳон бўйлаб умумий глобализация ёки глобаллашув жараёни кетмоқда. Бу сўз, маълумки, асли таги лотинча “глоб», яъни “кура”, “шар” сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги даврда энг кенг тарқалган тушунчалардан бирига айланади.

XX аср ҳаётимизни нақадар ўзгартирганини яққол кўз олдимизга келтирмоқ учун бундан юз йил олдин рўй берган бир воқеани эслайлик...

Кунлардан бир кун қўлимга Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртактлар” китоби тушиб қолди. Бир ўтиришдаёқ, ўрнимдан жилмай, уни ўқиб чиқдим. “Мен ўтмиш ҳаётимда бўлган воқеалар ҳақида ёшларга сўзлаб берсам, ишонишмайди. Шу боис мен китобимни “Ўтмишдан эртактлар” деб атадим”, дейди муаллиф кириш сўзида. Адиб ёзишича, у ўз адаси билан шаҳардан ўттиз-қирқ чақирим нарида жойлашган қишлоқда истиқомат қилганда, қишлоқдаги энг шахдам кишилардан бири: “Мен шаҳарга бориб нима гап, нима сўз эканлигини билиб келай-чи”, деб жўнаб кетган. У вақтларда транспорт бўлмаган ва у одам иккиланмай, яёв йўл босган. Кузда кетган бўлса, ерларни қор қоплаганда қайтиб келган, чамаси декабрда. Қишлоқдагилар, “қани, шаҳардан нима янгиликлар опкелдингиз?” деб савол берганларида, у одам “ўрис подшоси гермон (Германия) подшосига уруш эълон қилиб, иккала томон жанг қилмоқдамиш” деган. Демак, 1914 йил 1 сентябрда бошланган Биринчи Жаҳон уруши ҳақида Абдулла Қаҳҳор адаси

билан яшаб турган қишлоқ аҳолиси фақат декабр ойида, яъни уч-тўрт ойдан сўнг билган. Ҳолбуки, гап бирон-бир жузъий воқеа тўғрисида эмас, даҳшатли уруш ҳақида бормоқда эди...

Ҳозир эса мен телевизор олдида Боливия Президенти Чавес АҚШга қарши кеча нима деди ёки Англияда бош вазирлик вазифасини тугаллаётган Тони Блэр ўз фаолиятига қандай яқун ясаётганини ўша куниёқ эшитиб биламан. Бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Биз билиб турган дунё ўзимизга маълум, ўзимизга таниш бир кураи замин ёки шарга айланди. Ҳамма ҳаммани кўради, эшитади, ҳамма ҳаммани билади, деган таассурот туғилади ҳар биримизда. Аммо, масалага яқиндан ёндашилса ойдинлашадикки, ҳамма ҳаммани билиш қийин экан, чунки кишиларни, саналарни, гоёларни билишда инсон имкониятлари чекланган. У биринчи навбатда ўзи тўғрисида энг кўп ахборот тарқата олганларни билар экан. Шундай экан, бу қоидадан ўзгартириб бўлмас экан, биз, ўзбекистонликлар ҳозирги замон шароитларидаги вазифаларимизни шу қоида асосида аниқлаб олишимиз жоиз бўлади.

Мустақиллик шарофати туфайли вазифаларимиз, бурч ва мажбуриятларимизни ўзимиз ўз ихтиёримиз билан белгилар эканмиз, ҳозирги вазиятда улар кўламини жиддийроқ аниқлаб олишимиз даркор. Бу борада бажарадиган асосий ишларимиздан бири — Ўзбекистонимизни оламга танитишдир. Тарих ҳукми ва иродаси билан дунё саҳнасига кечикиб чиқибмизми, энди аждоқларимиз турли сабабларга кўра бой берган имкониятлар ўрнини тўлдириш талаб этилади.

Эл, юрт, давлат, мамлакат, миллат ва халқ ўзини асосан икки йўл билан танитади: аввало, ишлаб чиқараётган маҳсулоти орқали; иккинчидан, ўзи тўғрисида сўзлаб, ҳикоя қилиб бериб, саволларга батафсил ва мароқли жавоблар қайтариб.

Биз бу масалада биринчи ўринга тилни қўямиз. Инсоннинг инсон билан танишиши тил орқали амалга ошади. Тил воситасида инсон бошқа инсонга ўз ҳурмати, эҳтироми ва самимий ҳисларини билдиради, изҳор этади, ўз эли, мамлакати, давлати ҳақида ахборот беради, бу борадаги тушунчаларни кенгайтиради, бойитади.

Ҳозирги дунёни бемалол тиллар дунёси дейиш мумкин. Мутахассис тилшунослар ҳисобича, дунё халқлари, миллатлари, элатлари, қабилалари жами 3000 дан ошиқ тилда сўзлашадилар. Баъзи синчков тилшунослар мавжуд тиллар сонини 7660 та дейдилар, чунки улар ҳар бир тилдаги шева ва худудий фарқларга алоҳида эътибор берадилар. Қандай бўлмасин, асосий фикр шундан иборатки, биз минглаб турли тиллар оламида яшаймиз. Бу рақамларни биз XX асргача хотиржам қабул қилардик. Энди эса биз инсоният бир бутун birlik эканини, илмий-техника ривожининг жадаллашиши туфайли унинг таркибий қисмларининг бири-бирига яқинлашиши тезлашаётганини англадик. Бундай шароитда тилларнинг ўзаро рақобати зўрайиб, “рақобат кучи” бўйича турланаётгани ва фарқланаётганини кўриб турибмиз.

Тиллар фарқланиши буржуазия ёки капитализм даври жамият тараққиётининг ҳосилдир. Худди шу даврда мустамлака салтанатлари шакллана бошлади. Улар тиллари жаҳон бўйлаб кенг тарқалган тилларга айланиб, ўз таъсир доирасини кенгайтира борди. Бу тиллар мустамлакачиликда янгидан-янги зафарларга эришиб бораётган мамлакатлар тиллари, — испан, француз, португал тиллари эди. Булар қаторига кейинчалик инглиз ва немис тили қўшилди. Ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти устави бўйича олтита тил жаҳон миқёсида ҳаракатда: инглиз, француз, хитой, испан, рус ва араб тиллари. Ҳақиқатда ҳам бу тилларда сўзлашувчи халқлар ва уларнинг давлатлари умумбашарий тараққиётда ҳал қилувчи ўринни эгаллайдилар. Булар билан бир қаторда халқро тиллар ҳам инсоният ҳаётида алоҳида ўрин тутадилар. Булар: инглиз, француз, испан, рус ва немис тилларидир. Жаҳон тиллари билан халқро тиллар рўйхати орасида фарқ борлигини кўриш мумкин; жаҳон тиллари қаторида немис тилини кўрмаймиз, чунки у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилаётган даврда, яъни 1945 йил баҳорида агрессор давлат тили эди. Халқро тиллар орасида эса немис тилини кўрамиз, чунки урушдан кейинги амалий бунёдкорлик даврида бу тил илм-фан ва техникада илғор Германия ҳамда Австриянинг тили сифатида ўз мавқеини кўтарди. Араб тили бой ислом маданиятининг тили, аммо, илғор янги техника ва технология жаҳон тараққиётида биринчи ўринга чиққан даврда, бу тил минтақавий тилга айланди, маданият ва маънавият, руҳият тили бўлиб хизмат қилмоқда. Хитой тили бошқа барча тиллардан грамматик ҳамда фонетик жиҳатдан кескин

фарқланади ва шу сабаб бу тил жаҳон аҳолисининг 21-22 фоизини ташкил қилувчи хитой халқининг тили сифатида ўз ўрнини ўзгартиргани йўқ.

XX аср ичида халқаро сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий алоқаларнинг ўсиши натижасида бу соҳаларда иш олиб бораётган инсониятнинг энг фаол қисми халқаро умумий тилларга эҳтиёж нақадар ўсганини ўз амалий фаолиятида кўриб, халқаро тилларга ўз диққат-эътиборини қаратди. Халқаро бешта тил орасидаги рақобат натижасида инглиз тили биринчи ўринга чиқди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар берган маълумотларга кўра, ҳозирги даврда бутун дунёдаги барча илмий-техникавий адабиётнинг ўрта ҳисоб билан 80 фоизи инглизча босилади, шунингдек, музокаралар, турли халқаро тадбирларнинг тўртдан уч қисми инглиз тилида ўтказилади. Юқорида санаб ўтилган бешта халқаро тилларнинг умумий салмоғини 100 фоиз деб олсак, инглизчада 80 фоиз, французчада 12 фоиз, қолган уч тилда, — русча, испанча ва немисчада жами 8 фоиз амалий мулоқот бўлади.

Тилларнинг ишлатилишидаги “нотекислик” баъзи ҳолларда норозилик ва тушунмовчиликка сабабчи бўлиши мумкин. Аммо бу мураккаб масалани тўғри талқин қилишда назарий-илмий жиҳатдан ҳолис бўлмоқ керак, тилнинг ижтимоий воқелик сифатидаги мазмун-моҳиятини тўғри талқин этмоқ зарур. Муҳими шундаки, тил фикрлашишнинг умуминсоний воситасидир. Тил ўз моҳият-мазмуни бўйича битта, жамиятдаги вазифаси ҳам битта: у — фикрни шакллантириш, фикрни бошқаларга узатиш-етказиш, ўзаро мулоқот орқали оламни, жамиятни, табиатни, инсонни ўрганиш ва билиш имконини беради. Тил барчага баробар хизмат қилади. У синфларга, ғояларга, сиёсий ва мафкуравий тизимларга бефарқ қарайди. Тил барча учун баробар қуролдир. Ким тилни яхши билса, ўшанинг қўли баланд.

Бизнинг вазифамиз инглиз тили “империализм тили”, “душман мафкура тили” дейиш эмас, балки бу тилни ҳар томонлама ўзлаштириб, ундан восита сифатида рақобат курашида самарали фойдаланишдир. Кундалик ҳаёт амалиёти кўрсатадики, кимки халқаро тилларни мукамал билса, у ҳар қандай вазиятда рақиб томон билан эркин суҳбат куради, ҳар жиҳатдан устунлигини, фикрлари мустақкам ва асосли эканини исботлай олади. Халқаро тилларни билмайдиган киши эса, ҳар қанча ўқимишли бўлса-да, фикрини тўлиқ изҳор этолмайди, нуқтаи назарини амалга оширолмайди.

Бу масалада батафсил тўхталишимиз сабаби шуки, истибод даврида бизга чет тилларни ва биринчи навбатда, инглиз ва француз тилларини “душман тили” тарзида юзаки ўқитдилар, амалий мулоқот даражасида халқаро тилларни билиш кераклигини ўқирмадилар.

Чет тилларни муфассал ўрганиш, улардан халқаро ҳаётдаги мафкуралар кураши, рақобат кучлар тўқнашувида фойдаланиш давр талабларига монанд ҳаракатдир.

Ва, албатта, бу масалаларда кимнингдир қандайдир тазйиқи остида эмас, балки ўз мустақил фикримиз амри асосида қарор қабул қилишимиз шарт. Шу боис яна инглиз тилига қайтар эканмиз, бу тилнинг биринчи сонли халқаро тил бўлиши тасодиф эмаслигини, тарихан шаклланган ҳолис омилларга асосланишини эътироф этишимиз лозим. Биринчидан, инглиз тилини она тили деб билувчи халқлар бешта қитъадан учтасини она ватан деб билиши; иккинчидан, инглиз тилини она тили деб билувчиларнинг ҳаммаси — инглизлар, америкаликлар, Канада аҳолисининг кўпчилиги қисми, австралияликлар ҳозирги замоннинг илғор ва ривожланган миллатлари қаторидан жой олиб туришлари; учинчидан, XX аср давомида мустамакчилик тизимини парчалаган ва изчил шаклланган давлатларнинг 26 таси инглиз тилини давлат тили деб эълон қилиши мазкур тил янада кенгроқ тарқалишига олиб келди.

Юқоридаги мулоҳаза ва фикрлардан чиқариладиган хулоса шундан иборатки, биз давлатимиз мустақиллигининг тарафдорлари, уни мустақкамлашнинг сипоҳлари эканмиз, халқаро тилларни ўрганиш ва она тили даражасида ўзлаштириб олишни биринчи даражали вазифаларимиздан ҳисоблашимиз даркор. Халқаро тиллар Ўзбекистонни ҳозирги замоннинг ривожланган давлатлари қаторига кўтаришда самарали қуролдирки, буни ҳар биримиз теран тушунишимиз керак.

Мен бу тўғрида ёниб-куйиб ёзаётганим бежиз эмас. Кўплаб, халқаро конгресс, конференция, симпозиум, кенгаш ва турли учрашувларда бўлдим ва ҳамма жойда айни бир ҳолатга дуч келдим: Ўзбекистон вакиллари оғизларига талқон солиб, жим ўтирадилар. Нима учун? Чунки халқаро тиллардан атиги бирида эркин сўзлай

олмайдилар, мувоҳаза мазмунини яхши англаб ололмайдилар ва шу боис индамайдилар.

Халқимиз, мустақил Ўзбекистонни, олам янада яхшироқ таниши учун биз, ўзбек олимлари, сиёсатшунослари, иқтисодчилари, файласуфлари ва социологлари бу борада жиддий ўзгариш ясайдиган фурсат аллақачон келди.

Тилни уйда ва кўчада, ишда ва дам олишда ўзлаштирса бўлади. Ҳар куни учтадан сўз ёд олсак, бир йилда мингдан ортиқ сўз бойлигимизга айланади. Бу эса ибтидоий фикрлашиш учун бошланғич даража. Аста-секин грамматика қонун-қоидаларини, фонетиканинг ўзига хосликлари ва бошқа жиҳатларини ўзлаштира бориб, тилнинг энг юксак чўққиларини эгаллаш мумкин. Ҳар бир тил — халқ босиб ўтган йўлни, унинг менталитети, ҳаётий йўлининг ўзига хослигини ўзида акс эттиради. Тилни ўрганиш ва билиш жамиятдаги энг мураккаб ишлардан биридир. У изчиллик, қунт, сабр-тоқат, ички шижоатни талаб қилади.

Кўз олдимизда турган чет тилда нашр этилган матн бизга ҳеч нарса бермайди. У — ноаниқ ва нотаниш дунё. Унинг сўзларини парча-парча қилиб бир-биридан ажратиб, маъносини билиб, маъзини чақибгина бу оламга кира бошлаймиз. Бунинг учун эса икки тилли ёки уч тилли луғат керак. Афсуски, луғатлар яратишда Ўзбекистон мақтана олмайди. Бу иш марказлаштирилмаган, ҳар бир тил муаллими ва муаллимаси турли қисқа ёки хонаки тайёрланган луғатлардан фойдаланишга мажбур. Ҳозирги пайтда шу боис русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлардан ташқари русча-чет тил ёки чет тил-русча луғатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бу борада рус тили бой аъёналарга эга, бу тилда Пушкин замонидан бошлаб яратилган юзлаб луғатлар бизга жуда қўл келиши мумкин ва биз бу имкониятдан кенг фойдаланишимиз керак. Бунинг учун эса айни бир вақтда рус тилини мукаммал ўзлаштириш орқага ташлаб бўлмайдиган жиддий вазифалардан бири бўлмоғи зарур.

Ва, ниҳоят, бирон-бир хорижий тилни ўрганишнинг лисоний ўлчагичи аввало она тилимиздир. Бизнинг мақсадимиз мустақил Ўзбекистонни кўтариш, уни улғайтиришдир. Бу олижаноб ишни эса ўзбек тилини четлаб ўтиб бажариб бўлмайди. Жаҳон тарихи ва амалиётдан маълумки, чет тилни ўрганишни йўлга қўйиш ва баланд даражага кўтариш айни вақтда она тилини, давлат тилини ҳам ривожлантириш, бойитиш, унга сайқал беришнинг сермазмун йўлларида биридир. Чет тилларни ўрганиш, уларни ўрганишга тегишли луғатлар яратиш луғатшуносларнигина эмас, балки бутун халқни янги тил оламига олиб киради, у тилда қайси сўзлар, атамалар, терминлар, бирикмалар, тушунчалар қандай яратилгани ёки таржима қилинганлиги билан таништиради, она тилининг янги имкониятлари томон йўл очади.

Давр талабларига монанд равишда иш кўришни истар эканмиз, юқорида асосланган уч тиллилик қоидасига риоя қилмоғимиз лозим, деб биламиз. Булар: ўзбек давлат тилимиз, воситачи сифатида рус тили ва жаҳонда ҳозирги даврда энг кенг тарқалган инглиз ёки француз тили. Албатта, демократик жамиятда ҳеч ким ҳеч бир вақт уч тил билан чекланишни қонун-қоидага айлантирмайди. Бундай қонун-қоида бўлган эмас, йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир киши, имконияти ва қобилияти йўл қўйса, уч эмас, тўрт ва ундан ортиқ тилни ўрганиши ва билиши зарур. Бундай ҳаракатни фақат олқишлаш керак. Лекин юқорида санаб ўтилган уч тилни давр талаблари даражасида билиш бизнинг, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз дейишга ҳар жиҳатдан асос бор.

Уч тиллиликнинг юқорида айтиб ўтилган конкрет турини ўрганиш, билиш ва жорий этиш соҳасида мустақил Ўзбекистонда анча самарали иш олиб борилмоқда. Лекин, фикримизча, бу иш кўп жиҳатдан стихияли бўлиб, ташкилий бирлик, саранжомлик, режа ва истиқболни кўзда тутиш етарли эмас. Ҳолбуки, бу борада имкониятларимиз чексиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир жиддий муаммога диққатни жалб этмоқ зарур. Кейинги йилларда ўзбек тили, яъни давлат тилига эътибор пасайиб бораётгани кузатилади. Бу нохуш ҳолат сабабини тушуниш қийин эмас. Бинобарин, истибдод даври ўрганган мавсумчилик, компаниячилик, ура-урачилик балосидан ҳануз қутилолмаёмиз. 1989 йил октябридан бери ўтган даврда миллий тилимизнинг жамиятдаги ўрни нақадар ўзгарганини кўриб, мулоқот воситаси сифатида янги сифат даражасига кўтарилганини кузатиб, айрим кишилар хотиржамлик кайфиятига берилмоқдалар.

Тил, бу — ҳаёт. У доимий ҳаракатда, ўзгаришда, такомиллик томон кун сайин силжишда. Ҳаёт ўзгаришини тўхтатиб бўлмаганидек, тилнинг такомиллашувини,


ўшишини, бойишини, қоидалари аниқланишини тўхтатиш мумкин эмас. Ҳар бир инсон мавжуд экан, ҳаёт экан, у ўз тили устида кун сайин ишлаб бориши керак. Биринчидан, давлат тили ҳақидаги расмий ҳужжатларда уни ҳаётга сингдириш иши қандай ва ким томонидан амалга оширилиши кераклиги аниқ айтиб қўйилган. Лекин, афсуски, улар фаол эмас, ортиқ даражада камтарлик қилиб, ё газетада, ё бошқа бирор матбуот нашрида чиқмайдилар, бажарилган ишларга хулоса ясаб, аҳоли диққатини навбатдаги масалага қаратмайдилар? Бу идора ва ташкилотлар раҳбарлари ўтган ўн олти йил ичида чарчаб қолган бўлсалар, ташаккурлар айтиб, улар ўрнига билагиди қуввати, юрагиди ўти бор ёшларни қўймоқ керак.


Иккинчидан, ҳозирги даврда аҳолига энг чуқур таъсир кўрсатадиган восита телевидение эканлиги шак-шубҳасиз. Кейинги йилларда телевидениемиз орқали ўзбек тили тўғрисида диққатга сазовор суҳбатлар ташкил қилинганини эслай олмайман. 1990 йилларнинг ўртасигача шу мавзудаги телекўрсатувлар бир томонлама мазмунга эга бўлди, ҳолбуки, бундай дастурлар оммабоп, қизиқарли олиб борилиши керак.

Бундан ташқари ҳар бир газетада “Тилшунос минбари” ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, ҳозирча бу соҳада ўзига хос қаҳатчилик юзага келган, десак, ҳеч ким ҳайрон бўлмасин.

Давлат тилига диққат-этибор етарли эмаслигини ҳар қадамда учрайдиган имло хатолар орқали кўпроқ ҳис этамиз. Айниқса, ҳ ва х ҳарфларига бефарқ муносабат қачонгача давом этаркин — билолмадик.

Имловий саводхонлигимизда жиддий чалкашликлар юзага келди. Аста-секинлик билан киритилаётган лотин алифбосига етакчи тилшунослар томонидан суёт муносабат бунинг сабабларидан биридир. Жамиятимиз бу масалада ора йўлда турибди. Масалани енгил-елпи ҳал этиш тарафдорлари жиддий ўзгаришларга қаршилар. Асли лотин алифбосига ўтиш энг самарали ва илмий жиҳатдан пухта асосланган қарор ҳисобланади. Бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун ўтган асрнинг иккинчи ярмидан тезлашиб ва чуқурлаша бошлаган глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларини холисона таҳлил қилиш етарлидир. Бизнинг тилшунослар, жамиятшунос олимлар ва тақиқотчилар эса, жамоатчилик фикрини шакллантириш ўрнига, “кутиб турайлик-чи, нима бўларкин” сиёсатини юргизмоқдалар. Фан, техника, янги технологиялар, интернет, оммавий компьютерлашиш ҳаёт суръатини, ташкилий қадамлар самарадорлигини, давлат ва халқнинг илғор ёки қоқоқлигини белгилаб турган бир даврда лотинчага ўтиш фақат ижобий баҳоланиши керак. Бундай ўтиш, албатта, аҳолига қисқа вақт давомида қийинчиликлар туғдиради; бундай бўлиши шубҳасиз. Лекин, аини вақтда, асрларга мўлжалланган кенг ва ёруғ йўл очади.





Карим Тўрамурад

## Ҳажвиялар

### ХҲКИЗ

— Кетманг, дадаси, шу ерда ҳам бинойидай ишлаб юрибсиз-ку, — ялинди Хосият эрига. — Бошқаларга ўхшаб ишсиз қолган бўлсангиз майлиди. Дуппа-дуруст ишингиз, қўлингизда хунарингиз бор. Рўзгоримиз ўтиб турибди, бўлди-да.

— Шу иш ҳам ишми, хотин, сен битта гапни топиб олиб, минғирлайверма, — овозини кўтарди Маматқул. — Йил-ўн икки ой ишлайман, берган пулига битта сигир бермайди. Россияга бир йил бориб келганлар данғиллатиб тўй қиляпти, машина миняпти. Бир йил бориб келай-чи, ҳеч бўлмаса сенга бир она-бола сигир олиб бераман.

Она-бола сигир дарагини эшитиб Хосият сал юмшади, аммо эрининг кетиши юрагини хира қилиб турарди.

— Майлику-я, аммо оғилдаги ҳўкизни сотсангиз, шунинг пулига битта она-бола сигир беради-ку, дадаси!..

— Тўппа-тўғри, аммо бир йил бориб келсам ҳам она-бола сигирли бўласан, ҳам оғилдаги ҳўкиз ёнга қолади, — деди Маматқул. — Ҳа, айтганча, мен келгунча ҳўкизга эҳтиёт бўлинглар. Йўлбарсни доим оғилнинг олдига боғланглар, кечалари бўш қўйинглар!

Йўлбарс Маматқулнинг ити — бўрибосар. Тоғдаги чўпон жўраси берган. Энди бир ёшга кирган, аммо важоҳатидан бўри тугул айиқ ҳам кўрқади. Йўлбарс дастидан Маматқулнинг ҳовлисига одам зоти киролмайди. Одамни-ку емас, аммо адашиб кириб қолганни таппа тагига босиб, Маматқул ёки хотини келмагунча қимирлатмай тураверади. Лекин бирорта кўшнининг товугими, куркасими ўтиб қолгудек бўлса, тирик қайтиб чиққан эмас. Мушукларни Йўлбарс емайди, аммо фалокат босиб Маматқулнинг ҳовлисига киргани борки, кекирдагини узиб ташлайди. Азият чеккан бир-иккита тунқуварлар уни заҳарламоқчи ҳам бўлишди. Аммо у Маматқул ва Хосиятдан бошқа инсон зотининг кўлидан овқат емайди.

— Бунисидан ғам чекманг, Йўлбарс бор экан, оғилга тирик жон яқин боролмайди, — деди Хосият. — Лекин сиз кетсангиз биз қийналиб қоламиз-да, дадаси. Ҳовли ўлгур кичикроқ бўлса экан. Экин-тикин, чопиқ қилиш керак. Сув олиб келиш азобини биласиз. Аёл бошим билан бу ишларнинг ҳаммасини ўзим эплай олмайман-да, дадаси. Болаларингиз ҳали ёш бўлса.

— Хечқиси йўқ, эплаганинчга қилиб туравер. Қийналиб қолсанг, укаларингдан бирортасини чақир, аммо ўзинг кетмон кўтариб беш чақирим жойга сув излаб чиқма, — деди Маматқул. — Э, бориб келай, бу ишларни мардикорга қилдирадиган бўласан, хотин. Бойвачча бўлиб кетамиз, бойвачча!

Тезда Маматқул яна олти қишлоқдоши билан бойвачча бўлиб келгани «Урушда отам кўрган юрт, қайдасан?» деб поездга чиқиб кетди.

\* \* \*

Қалин дўсти Мамашариф икки ой деганда ранги олиниб бир аҳволда қайтди. «Қандай бориб келдинг?», «Нима иш қилдинг?», «Қолганлар нима қиляпти?», «Уриснинг юрти қандай экан?», деган саволларнинг ҳаммасига битта қилиб: «Э, ...», деб жавоб қилди-ю, кетмонини елкасига ташлаб далага лўкиллади.

Пардавой билан Фуломжонлар олти ой деганда келишди. Улар Мамашарифдай гапни калта қилишса-да, ўрис аёлларини роса мақтаб юришди. Сўнг «Қанча ишлаб келдинг?», деган саволга бир хил жавоб қилишди:

— Пул орқамиздан келяпти.

Пардавой билан Фуломжондан кейин келганлар ҳам ўша саволга шунақа жавоб беришди:

— Пул орқамиздан келяпти.

Ана шунақа, пешона тери билан топилган пуллар орқадан жўнатиладиган бўлибди.

Маматқул бир йилда қайтмади. Қайтолмади. Яна бир йил қолиб ишлайдиган бўлди.

\* \* \*

Икки йил ичида Хосият аёл бўлиб бола боқди, эркак бўлиб деҳқончилик қилди. Укаларига «Ҳовлимни суғориб беринг», деб бир-икки айтди, кейин юзи чидамади. Ахир, биров ўзидан ортадиган замонмас, «бор-ей» деб, кетмонни олиб ўзи сувга ва далага чиқди. Унча-мунчада уйдан ташқарига қарамаган хотин эркаклар билан бараварига солишадиган беандишага айланди. Нима қилсин, шундай уринмаса экинлар қуриб кетади. Экинлар қуриб кетса қишда болалари оч қолади. Эркаклар Хосиятдан безиб қолишди. Хосият сувга чиқса улар: «Қоч, Маматқулнинг Йўлбарси келяпти», деб четлаб турадиган бўлишди. Икки қопонғич бир бўлиб келгандан кейин илож қанча?

Каттаю кичикка жаллоддай кўриниб қолган Хосият, болаларим кам бўлмасин деб итдай чошган Хосият оқшомга бориб бир пиёла чойни мудрамасдан ичолмай сулайиб қоларди. Баъзан эрини, баъзан ўзини, баъзан яна кимларнидир аралашига қарғаб, йиғлаб-йиғлаб ухлаб қоларди.

Ҳаммаси ҳам майлига эди. Ҳаммасига ҳам чидаши мумкин эди. Аммо сабр косасини алам билан тўлдирган, эсини оғдираёзган воқеа, ғаму андуҳ дарёсига фарқ қилган воқеа содир бўлди:

Хўкизни ўғри урди!

Ким бўлса ҳам Йўлбарсга чап бериб, хўкизни олиб кетди. Адашиб учиб ўтаётган қуш бу ҳовлининг бирор дарахтига қўнса вовуллаб юртни бузадиган Йўлбарсдан ҳайиқмай ими-жимиди, сас чиқармай хўкизни қайсидир мутга ҳам ўғри тинчитиб кетди.

Буни қандай тушунсин Хосият? Бунга қандай чидасин Хосият?

Ҳеч кимга ҳеч нимани тушунтиролмади. Ҳамма ҳайрон: рўй берган воқеага ишониш қийин-да.

— Йўғ-е, кимнинг боши иккита эканки, қўрқмай Маматқулнинг ҳовлисига кира олса? — дейди Мамарайим тирриқ. — Одам боласи ботинмас эди-ку!

— Хўкизни одам боласи олмаган, — дейди ишонч билан Олим чол. — Уни жин ёки дев олган, одам киродио, етаклаб чиқиб кетади-ю, Йўлбарс ақалли ҳурмайдими?

— Бирор гипнозчи Йўлбарсни гипноз қилиб, ҳурмайдиган қилиб ташлаб, жониворни ўтариб кетдимикан? — дейди елка қисиб Адашвой муаллим.

Мелисалар ҳам доимгидек ҳеч нима қилишолмади. Ерга кирдими, осмонга учдими, ишқилиб, Маматқулнинг оғилидаги олти яшар хўкиз йўқ бўлди.

Жонивор дараги топилмай турганда Зокир писмиқ Маматқулнинг дарагини топиб келди.

— Баччагарни кўрдим. Шаҳардаги катта бозорда кўрдим. Аммо узоқдан кўрдим. Боргунимча кўздан йўқолди.

— Опқоч-ей, писмиқ, — деди Мамарайим тирриқ. — Маматқулни кўрган бўлсанг, кўришмайсанми, сўрашмайсанми? Қишлоқда мана бунақа гаплар бўлиб ётибди демайсанми?

— Э, ака, қасам ичайми энди? Ўлай агар Маматқулнинг ўзи эди. Қандолатфурушлар растаси узун-да. Айланиб боргунимча кетиб қолдими, бирор дўконга кириб кетдими, ишқилиб йўқотиб қўйдим. Бу ёқдаги гапларни айтай деб ярим соатча пойладим, кўринмади. Келавердим, нима қилай?

— Кўзингга кўринган, — деди Олим чол. — Сен бола, ўзингни бир ўқитиб ол!

\* \* \*

Бу гап-сўзлардан уч кун ўтиб Маматқул қишлоққа тўлиб-тошиб кириб келди: хотини, болаларига атаб совға-салом кўтариб олган. Бошқаларга ўхшаб: «Пулим орқадан келяпти», деб мақтанмади, тўғриси айтди:

— Бу сафар унча бўлмади. Аммо яхши иш топиб, келишиб келдим. Баҳорда беш-олти кишини олиб кетаман. Ана шунда мўлжалимиздаги пулни кўпориб келаман. Худо хоҳласа. Лекин сен «унча бўлмади», деганимга кўпам хафа бўлма. «Унча бўлмади», дегани «расво бўлди», дегани эмас, хотин. Ишлаб топиб келганим сен орзу қилган она-бола сизир олишга бемалол етди. Яқшанба куни бозорга чиқамиз, ўзинг танлайсан, айтганингни олиб бераман.

Маматқул хўкизга кўп куйиниб ўтирмади.

— Йўқолган мол учун аза очиб ўтирма, хотин. Бола-чақанинг бошидан садақа.

Маматқул айтганини қилди: бозордан яхшигина серсут-серқаймоқ она-бола сизир етаклаб келди.

Хосият орзусига етди. Шу билан олисда қолган пул ва увол бўлган хўкиз аламлари юрагидан чиқиб кетди.

Ҳа, айтганча, хўкизни ким ўғирлади, қандай ўғирлади, буниси сирлигича қолаверади. Ҳали-ҳануз жаласойликлар шу нарсани муҳокама қилишиб, ҳеч жўяли жавоб топа олмайдилар.

Сиз нима деб ўйлайсиз?

Йўғ-ей! Унақа эмасдир!..

Яна ким билсин...



## МАЙДА БЕЗОРИ

Ниёз бобо ёшлигида жуда шўх бўлган. Ўзиям ҳеч кимнинг эсига келмаган шумликларни ўйлаб топаркан-да.

— Бир куни Ниёз шумнинг ташаббуси билан Шодмонқул бобонинг бошига ўғриликка тушувдик, — деб эслайди Абдуқаҳҳор бобо. — Шигил пишган гилосларга чиқиб олиб, Ниёз шум кўринмай қолганига ҳам эътибор бермабмиз. Бир маҳал Шодмонқул бобони эргаштириб келса бўладими? «Гилосингиздан ўғирлаймиз, деб маслаҳат қилаётганларини эшитиб қолдим», дебди номард. Тапур-тапур ўзимизни ташлаб қочишимизни кўринг. Аммо кўпчилигимиз Шодмон бобонинг қўлидаги хипчин «таъмини» тотиб кўрганмиз ўшанда. Ниёз шум эса бир товоқ гилос олиб чиққанди. Яна ёнимиздан ўтаётди: «Эгасини рози қилсанг, ўзи териб, товоққа солиб ҳам беради, ювибгина ейсан», деганига куяйми.

— Қурбон муаллимни болагани эсингда борми? — деб қолди Омон бобо дўстларига. — Муаллим илондан жуда кўрқар экан. У доимо талабалигидан қолган битта сумкасини кўтариб юрарди. Бир куни дарс тайёрламай келганларни доскага чиқариб турғизиб қўйди. Ниёз ҳам уларнинг ичида. Муаллим китобларини йиғиштириб, сумкасига солди ва ҳалиги болаларга: «Танафусда ҳам, кейинги дарсда ҳам турасанлар», деб чиқиб кетди. Қий-чув, тўполон билан бўлиб, Ниёз нима иш қилганини ҳеч ким кўрмабди ҳам. Танафусдан келган муаллим дарс қилмаганларни яна доска ёнида тизиб, дарсни бошлаш олдидан сумкасига қўлини тикди. Ажаблангандай бўлиб қўлини чиқариб қаради ва ранги оқариб, кўзлари косасидан чиқай-чиқай деди. Қўлида нақ бир газлик илон шалпиллаб, осилиб турибди. Муаллим олдин чинқирдим, қизларми, билолмай қолдик. Аммо илон унга қараб ўрмалади. Муаллим аввал стулга, кейин столга чиқиб олди. Энг қизиғи, муаллим ҳам, қизлар ҳам бетўхтов чинқирар эдилар.

Ола-ғовурни эшитган бошқа ўқитувчилар ва директор синфга кириб келишди.

— Кимнинг илони бу? — деди директор Ниёзга қараб.

Ниёз индамай бориб, илонни сумкасига солди ва директор кўрсатган томонга, эшикка қараб йўл олди.

Шу-шу Қурбон муаллим дарсга кирса, сумкасини синфда қолдирмайдиган бўлди.

— Яна битта шумлиги эсингдами, Абдуқаҳҳор? — деб қолди Аҳрор бобо деган жўралари. — Усто бобо раҳматликнинг қовунидан ўғирлаганимиз эсингдами? Мол боқиб юриб, бир тошбақа топиб олдик. «Ана шунақа каттароқ тошбақа керак эди-да ўзи. Оқшом кино тамом бўлгач, усто бобонинг полизидан қовун ўғирлаймиз», деди Ниёз шум. «Э, туни билан мижжақоқмайди. Эрта-индин узаман деб турган қовунларини қаттиқ кўриқлайди», дедим мен. «Ишларинг бўлмасин, айтган пайтимга эски шийпонда йиғилинлар», деди Ниёз. Хуллас, йиғилдик. Ниёз ҳалиги тошбақанинг устига консерва банкани симлар билан маҳкамлабди. Банкага керосинга бўктирилган латталарни тиқиб, уларниям сим билан боғлади. «Нукул оғзидан ажина тушмайдиган чол юрагини бир синаб кўрайлик», деди Ниёз. У полиз ўртасида бир супа қилган бўлиб, бир четдаги каравотда ётарди. Пойлаб бордик, билмади. Ниёз гугурт чақди. Латталар ловуллаб ёна бошлади. Тошбақани супага қўйиб юборган Ниёз баланд дўриллаган овозда: «Эй, ғофил банда, тур ўрнингдан, ажинани кўр!» — деб бақирди. Каравотдан ирғиб тушган усто бобо косаси қизиган тошбақа жонҳолатда ўзи томон келаётганини кўрди. «Лоилоҳо иллолло, Ло иллоҳо иллолло», дея лўкиллаб, қишлоққа қараб чопди. Биз-ку мазза қилиб қовун еб, иккитадан кўтариб ҳам кетдик. У эса бир ҳафта алжираб ётибди. «Оғзи қийшайиб қолибди», деб эшитдик. «Ажиналарни кўрдим, икки-учта эди. Олов ёқиб супамда рақс тушаётган экан. Мени ҳам давраларига тортишди. Зўрға қочиб қутилдим. Уйимгача

қувиб келишди», деган эмиш кўргани борганларга. Шундан кейин даштга қовун ҳам экмади, шу томонларга чиқмадиям бечора.

— Бир куни бригадамга райком келиб қолди. Райком билан далаларни айланиб юрганимизда, оvdан қайтаётган Ниёз шум «ҳорма, бор бўл» қилиб ўтиб кетди, — деб яна бир ҳангомани эслади Муҳаммадмурод бобо деган жўраси. — Тўғри уйга бориб, хотинимга: «Тез тўртта товукни ушлаб беринг, сўйиб шўрва қилиб турар эканмиз, райком бува келибди, тушликни уйларингизда қилишармиш», дебди. Хотиним лаққа ишонибди-да, катакдаги хўрозу товукларнинг семиз-семизидан тўрттасини ушлаб сўйдирибди. Уйга келсам, бир қозон димлама қилиб ўтирибди. Дастурхонни азиз меҳмон дидига мослаб тузабди. Ниёз шум эса, ўзига ўхшаган қитмир жўраси Омонбойниям: «Юр, бугун Муҳаммадмуроднинг туғилган куни, ҳақ бермоқчи, қуруқ борма, иккита бўйни узундан олвол», деб чақуриб келибди. Начора, еб-ичиб «туғилган кун» қилдик. «Аmmo мана шу Омонбой жўранг билан бориб саккизта товугингни сўйиб еб келамиз», деб гаровлашдик. Орадан ойлар ўтиб, шумникига бордик. Алламаҳалгача еб-ичиб ўтирдик. Омонбой, келишганимиздек, шумга зиёдароқ қуйиб турди. Ниҳоят кутилган пайт келди: Ниёзқулнинг кўзи илинди. Секин ташқарига чиқиб, катакка яқинлашдим. Эшигига битта тош тиралган экан. Четга олиб қўйиб, эшигини очдим. Ичкарига кириб пайнаслаб товукларни топай деб қўл узатганимни биламан, билагимдан бир ит ғарчча тишласа бўладими? Уйинг куйгур Ниёз шум товукларини аллақачон бошқа жойга олиб, катакка овга олиб чиқадиган, овоз чиқармай овини таппа босишга ўрганган тозисини қамаб қўйган экан. Ниёз келиб ажратиб олмаса, ўлай агар, қўлимни чўртта узиб оларди...

Ана шу Ниёз бобо ёши олтмишдан ошганда қамалиб қолди. Яна нима учун денг? Бахтига амнистияга тушиб, бир йилга қолмай оқланиб келди.

— Тўғрисини айтинг, ўшанда нима бўлган эди? — дедим мен Ниёз бобо ёлғиз қолганда. — Жудаям билгим келяпти.

— Китоб-питобга ёзмайман десанг айтаман, — деди Ниёз бобо. — Эшитдим, болалигимдаги ишларимниям бобойлардан суриштириб юрган эмишсан.

— Бунисини ёзмайман, — дедим мен. — Лекин анчагина қизиқ саргузаштларингизни йиғиб қўйибман, уларни бирибир ёзаман. Сизники Фуфур Фуломнинг «Шум бола»синикидан ҳам қизиқ экан.

Ёнбошлаб ётган Ниёз бобо чордона қуриб ўтириб олди.

— Бўлмаса эшит. Биласан, болаларнинг барини уйли-жойли қилиб тинчиганман. Кампир қурғур ҳар куни гоҳ у ўғлиникига, гоҳ бу қизиникига қатнагани-қатнаган. Энди менга қараб, чойимни дамлаб, ошимни қилиб ўтир, десам кўнмайди. «Нукул болам, болам, дейсан, мени ўйласанг-чи» десам, «сизга жинам урмайди» дейди.

Бир куни бир синаб кўрай дедим. Қисқаси, ўзимни «ошиш» режасини туздим. Арқонни қўлтиғим тагидан, сиртмоқни бўйнимдан ўтказиб, бирикки машқ қилдим. Қарасам, кўрган одам ишонади. Кампирим эртасига яна тугунча қилиб, қизиникига отланди. «Жонга тегдинг, агар бугун ҳам кетсанг ўзимни осаман», дедим. «Ишондим, жуда ишондим-да», деб жўнади.

Ичимда кула-кула йўлини пойладим. Пешинга яқин қайтди. Шартта ошхонага кирдим-у, «иш»ни бажардим. Қани энди ошхонага кира қолса. Қўл-оёқларим оғриб кетди. Томоғимдаги сиртмоқ ҳам таранглашди. «Бошқа сафар бўлар», деб энди тушмоқчи эдимки, «Бобой, қаердасиз, бобой? Ё ўзингиз овқатга уннадингизми?», деган овозини эшитдим. Ошхонага кирди ва қотди-қолди кампирим. «Вой, мен ўлай, вой, менгина ўлиб қўя қолай, ҳазиллашди дебман. Ҳазиллашди демай мен ўлай», деб ташқарига отилди. «Салим, Салим, чопавер, отангдан айрилдик! Вой, бегим!», деб уввос солиб, гуппа йиқилди. Энди тушмоқчи эдим, ола-тасир қилиб қўшнилар югуриб киришди. Иккитаси кампир билан овора бўлди. Сув топиб келиб, юзига сепиб, «Момо, кўзингизни очинг, кўрқитманг», деганларини эшитяпман. Ҳовлиқиб Ҳошим билан Ҳасан кирди. Ҳасан оёғимни ушлаб кўриб: «Иссиққина ҳали, бечора энди ўлибди-да», дейди.

«Нимага ўзини осди экан-а, — дейди Ҳошим, — ичганмикин ё ҳалигидан тортганмикин?»

«Ундай дема, бобой намоз ўқирди», дейди Ҳасан.

«Э, уларни билмайсан, ана, Мамарайим дегани, чойхонада «передозировка» қилиб, тарашадай қотиб қолибди», дейди Ҳошим.

Уккағарлар, шунча гаплашади-ю, аммо «ўлик»ни тушириб олишни ўйлашмайди. Ҳайтовур Ҳасаннинг инсофи бор экан. «Уч-тўртгани чақирай, бобойни тушириб олайлик, тоза шалпиллаб, оёқлари ҳам узайиб кетди бечоранинг», деб койинди. «Майли, чақир, мен олдида тураман. Шўрлик, Худо раҳмати жа-а ҳазилкаш одам эди», деди Ҳошим. Ҳасан чиқиб кетгач, «ўлик» қолиб, қурғур музлатгични очса бўладими? «У, уккағар бобой, богата яшар экан-ку», деди кўздан кечириб. Бир маҳал қарасам, сарёғ борми, пишлоқ борми, олиб камзули чўнтакларига тиқа бошлади. Конфетни тақсимчаси билан кўйнига урди. Қайси гўрдан келган билмайман, битта ароқ ҳам турган экан, шуни олиб менга бир қаради.

«Ана, айтмадимми, бу стариклар хитр, эл кўрсинга намоз ўқийди, а уйда кампири билан «юз-юз» уради», деб қўйди.

Ароқниям секин кўйнига тиқаётувди, «қўйиб-қўй жойига», дедим секингина. Уғригина болам эшикка қаради, деразага қаради, менга қарамайди-да. Охири орқасига бир тепдим. Ялт этиб ўгирилди.

«Мм-мм», деб тилимни чиқардим. Тавба қилдим, «сочи тикка бўлди», деганларини эшитардим-у, кўрмовдим. Теладан аниқ кўринаркан-да. Сочлари гувва хўрпайди. Кўзлари ола-кула бўлди.

«Ҳа, танимаяпсанми?» девдим, гуппа қулади. Ҳасан пайдо бўлди. Уч-тўрт кишини эргаштириб келибди. Ҳасанни кўтариб туришди, у бўлса мен «осилган» арқонни кесиб юбормоқчи бўлди. Юзи юзимга рўпара турган Ҳасанга: «Эҳтиёт бўл, кўлингни кесиб олма» десам, ўзини отиб юборди. У бечора ўзига келдику-я, ўша пайтда Ҳошим шўрликнинг жони узилган экан.

Суд бўлди. Ҳошимнинг уйидагилари «даъвомиз йўқ» дейишса-да, суд икки йилга кесди. «Қилмишингиз майда безорилик», деди қози.

Мана, болам, олтмиш учга кирганда, ота-бобом кўрмаган турманиям кўриб келдим...



<b>ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ</b>	
Сирожиддин Саййид. Катта қарвон садоси.....	3
Саъдулла Ҳаким. Хурликнинг ўн олти одими.....	8
<b>МАРҒИЛОЛ ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Охунжон Ҳакимов. Янги либос кийган Марғилол.....	10
А.Анорбоев. Ҳақ назар этган шаҳар.....	11
Маҳтарама Улуғ. Довондан водийга учаётган най.....	12
М.Шохўжаев. Фикҳ илмининг султони.....	15
Йўлдош Солижонов. Қадим шаҳарнинг навқирон адабиёти.....	16
У.Ҳошимов, Н.Алимова, Д.Ёкубов. Ҳунарларга зеб берган макон.....	19
Исмоил Маҳмуд Марғилолий. Марғилол.....	21
А.Умаров, Ш.Долимов. Санъаткорлар шаҳри.....	22
<b>НАЗМ</b>	
Ўсмон Азим. Янги шеърлар.....	24
Ўткир Раҳмат. Ирмоқ каби ҳаёл бирлашар.....	28
Мирзааҳмад Олимов. Нақшин кўнгил лавҳига чиз.....	50
Отабек Исмоилов. Шу қадим диёрга фарзанд эрурман.....	52
<b>ДРАМАТУРГИЯ</b>	
Улмас Умарбеков. Армон алангаси. <i>Драма</i> .....	31
<b>НАСР</b>	
Иноят Раҳмон. <i>Ҳикоялар</i> .....	54
Ҳасан Манзур. Аллома. <i>Ҳикоя</i> .....	86
<b>АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Абдулла Қаҳҳор. Қитоб шавқ билан ўқилиши керак.....	66
Абдулла Орипов. Улмас ижод.....	68
Абдулла Улуғов. Инсонпарвар адиб.....	70
Дамин Тўраев. Бир асарнинг номланиш тарихидан.....	75
Луқмон Бўрихон. Ибрат.....	77
Гулжамила Абзамхўжаева. Сўз заргари.....	78
<b>ГУЛ КҮН, ЧАМАН КҮН</b>	
Баҳмал номаларда куннинг дастхати.....	80
<b>БОЛАЛАР ДҲНЕСИ</b>	
Умида Абдуазимова. Нур сочмоқда ҳур ҳаёт.....	93
<b>БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ</b>	
Илҳом Шерали. Қийғир қанотлари. <i>Ҳикоя</i> .....	95
Бектош Қиличбек. <i>Ҳикоялар</i> .....	99
<b>УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ</b>	
Анвар Эшонов. Умрнинг ҳар онисида ҳижрон кўнгироқ чалар.....	103
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Сайдулла Мирзаев. Янги адабиёт яратиш йўлларида.....	105
Абдулла Аҳронкулов. Уйғуллаштирув санъати.....	108
Бегали Мўминов. Жадид адабиётида бош қаҳрамон масаласи.....	111
<b>ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР</b>	
Комил Аваз. Комил Девоний.....	115
<b>ДИЛЛАРДАН-ДИЛЛАРГА</b>	
Пошшожон Кенжасва. Тузук — тузук бўлгани тузук. <i>Ёзувчи Эркин Абзам билан суҳбат</i> .....	131
<b>ЁДНОМА</b>	
Санжар Содиқ. Ақл чироғи. <i>Бадиҳа</i> .....	136
<b>ЗАКОВАТ НУРИ</b>	
Даврон Махсудов. Ҳофиз ад-дин ан-Насафий.....	144
<b>ТУТАШ ТОМИРЛАР</b>	
Турсун Қурбон Турқаш. Залилийнинг «юз туман минг орзу»си.....	146
<b>МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУҲОКАМА</b>	
Кўчқор Хоназаров. Уч тилни билмоқ — кўпми?.....	149
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Карим Тўрамурод. <i>Ҳажвиялар</i> .....	154

Матн кўчирувчи: Манзура Йўлдошева. Саҳифаловчи: Манзура Файзиева

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. \* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. \* Обунига монельлик кўрсатилса ёки журнал ўз вақтида этиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темурут тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 01.11.2007 й. Босишга рухсат этилди 11.12.2007 й. Қоғоз бичими 70×108<sup>1/16</sup>.  
 Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-  
 рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 840 нусха. Буюртма № 4.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА  
 700005, Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57 уй  
 «AVTO-NASHR» шўъба корхонаси босмахонасида чоп этилди